

Б.Ж.ГИЯСОВ, М.И.ДИЯРОВА

“МАКРОИҚТИСОДИЁТ”

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ



САМАРҚАНД - 2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

Рўйхатга олинди

№ _____

« _____ » _____ 2019 й.

“Тасдиқлайман”

Ўқув ишлари бўйича проректор

_____ А.Р.Рахимов

“ _____ ” _____ 2019 йил

“МАКРОИҚТИСОДИЁТ”

фанидан

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

5340900 – Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш таълим йўналиши
талабалари учун

САМАРҚАНД – 2019 йил

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил “28” июндаги 434-сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурлари асосида тузилган бўлиб, 5340900-“Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” таълим йўналиши талабаларига “Макроиктисодиёт” фанидан ўқитиш учун мўлжалланган.

Ўқув-услубий мажмуада замонавий макроиктисодиё усуллар ва уларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, мамлакат макроиктисодиётининг ривожланиши, асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва уларни ҳисоблаш усуллари, макроиктисодий сиёсатни олиб бориш йўллари, иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар моделлари ва бошқалар ҳақида фикр юритилган.

Тузувчилар:

Б.Д. Гиясов – СамДАҚИ “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси доценти и.ф.н.

М.И. Диярова – СамДАҚИ “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси ўқитувчиси.

Тақризчилар:

К.Б. Ганиев – СамДАҚИ “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси профессори т.ф.д.

Х.Т. Бўриев – СамДАҚИ “Қурилишда менежмент ” кафедраси доценти и.ф.н.

“Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси мажлисида (2019 йил “__” _____ № ____-сон баённомаси) ва “Қурилишни бошқариш” факультетининг илмий услубий кенгаши йиғилишида (2019 йил “__” _____ № ____ сонли баённомаси) кўриб чиқилган ва маъқулланган.

Кириш

Мамлакат иқтисодиётини яхлит бир тизим сифатида таҳлил қилиш, уни ривожлантиришнинг омилларидан самарали фойдаланиш, инфляция даражасини пасайтириш, глобал иқтисодиётга интеграциялашув шароитида миллий иқтисодиётни мутаносиб ва юқори суръатларда ривожланишини таъминлаш, миллий валютамизнинг харид қобилиятини мустаҳкамлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, тўлов баланснинг барқарорлигини таъминлаш йўллари йўганиш макроиқтисодиёт фанининг предметига кирадиган масалалардир.

Ҳозирги шароитда мамлакатимиз таълим тизимида юз бераётган ўзгаришлар тайёрланаётган ёш мутахассисларни жаҳон талабларига жавоб берадиган даражада бўлишини талаб этмоқда. Айниқса, бу иқтисодиёт соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашда алоҳида аҳамият касб этади. Иқтисодиёт соҳасидаги мутахассисликларни тайёрлашда олий таълим муассасаларида ўқитиладиган иқтисодий фанлар муҳим ўрин тутди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясидаги бешта устувор йўналишларда кўзда тутилган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий ҳом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлар учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич, принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш каби вазифалар белгиланган бўлиб, бу вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг бирламчи бўғини ҳисобланган фирмалар фаолияти, истеъмолчилар ҳатти-ҳаракати ҳамда турли ресурслар ва товарлар бозорлари ҳолатини алоҳида олинган тарзда таҳлил қилиш, уларни ривожлантириш омилларидан самарали фойдаланиш йўллари йўганиш каби жараёнларни тадқиқ қилишга боғлиқдир.

Шундай жараёнларни тадқиқ қилувчи фан сифатида “Макроиктисодиёт” фани қатнашади. Талабаларга мазкур фан хусусиятлари доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижаларини акс эттирувчи материаллар, қоидалар ва хулосаларни пухта ўзлаштиришлари, келгуси фаолиятида самарали фойдаланишлари ҳамда ижодий ёндашишларини таъминлаш фанни ўрганиш олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Ялпи ишлаб чиқаришининг барқарор ўсишини, ресурсларнинг тўлиқ бандлигини, инфляциянинг паст суръатларини ва тўлов балансининг мувозанатини таъминлаш нуқтаи назаридан мамлакат иқтисодиётини бир бутун ҳолда тадқиқ қилиш ва уни макроиктисодий тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини ўрганиш “Макроиктисодиёт” фанининг предметини ташкил этади.

Бу таърифдан кўришиб турибдики, “Макроиктисодиёт” фани миллий иқтисодиётнинг ривожланиши билан боғлиқ барча жиҳатларни, жумладан меҳнат ресурслари, товарлар, пул бозорларининг амал қилиши, монетар, фискал ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш ҳамда бошқа масалаларни камраб олади.

Ушбу маъруза матни “Макроиктисодиёт” фани предметига кирадиган барча масалаларни мантиқий изчиллик ва узвийликни таъминлаган ҳолда ўрганишга хизмат қилувчи мавзуларни ўз ичига олган.

1-мавзу: “Макроиктисодиёт” фанига кириш

Режа:

1. “Макроиктисодиёт” фанининг шаклланиши тарихи, предмети ва объекти. Дастлабки макроиктисодий таҳлил элементлари.
2. Асосий макроиктисодий муаммолар. Уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва ташқи дунё макроиктисодиёт субъектлари сифатида.
3. Доиравий айланиш модели. “Даромадлар-харажатлар” ва “ресурслар-маҳсулотлар” оқими.
4. Макроиктисодий моделлар. Эндоген ва экзоген ўзгарувчилар. Ёпиқ ва очик иктисодиёт.

Таянч сўз ва иборалар: макроиктисодиёт, ресурслар, товарлар, хизматлар, даромадлар, харажатлар, трансфертлар, солиқлар, ресурслар бозори, истеъмол бозори, макроиктисодий модел, эндоген ўзгарувчилар, экзоген ўзгарувчилар, уй хўжалиги, фирмалар.

1. “Макроиктисодиёт” фанининг шаклланиши тарихи, предмети ва объекти. Дастлабки макроиктисодий таҳлил элементлари.

Макроиктисодиёт (инглизча Macroeconomics) замонавий иктисодий назариянинг бўлими бўлиб, унинг доиасида иктисодий ўсиш, ишчан фаолликнинг тебранишлари, инфляция ва ишсизлик, шунингдек макроиктисодий сиёсат масалалари ўрганилади.

Макроиктисодиётнинг фан сифатида ривожланиши бир хилда кечмаган ва етакчи дунёқарашларнинг алмашилишига олиб келган қарашлардаги бир неча инқиболлар ва аксил инқилоблар билан кузатилган. Олдинги асрнинг бошларида макроиктисодиётда турли шарт-шароитларга асосланган ва янада муҳимлиги макроиктисодий сиёсат бўйича бир-бирига бутунлай қарама-қарши тавсияларни бир вақтда ифода этувчи таълимотнинг иккита етакчи мактаби – неоклассик ва пост-кейнсчилик шаклланди.

Макроиктисодиёт ҳам микроиктисодиёт каби иктисодий назариянинг бир бўлимини ифода этади. Грек тилидан таржима қилганда “макро” сўзи “катта” деган маънони англатади (мос равишда “микро” – “кичик”), “иктисодиёт” сўзи эса – “хўжалик юритиш” маъносини англатади. Шундай қилиб, *макроиктисодиёт – бу иктисодиётдаги умумий ҳатти-ҳаракатларни ёки унинг йирик жамланмаларини (агрегатларини) ўрганувчи фандир, бунда иктисодиёт мураккаб йирик ягона поғонавий ташкил этилган тизим сифатида, иктисодий жараёнлар ва воқелиklar ҳамда уларнинг кўрсаткичларининг йигиндиси сифатида қаралади.*

Биринчи бор “макроиқтисодиёт” атамасини таниқли норвег олими иқтисодчи математик, эконометриканинг асосчиларидан бири, Нобель мукофотига сазовор бўлган Рагнар Фриш (Ragnar Frisch) ўзининг 1933 йилдаги мақоласида қўллаган. Бироқ мазмунан замонавий макроиқтисодий назария Кембридж мактаби вакили таниқли инглиз иқтисодчиси лорд Джон Мейнард (John Maynard Keynes)нинг фундаментал меҳнатларидан бошланган. 1936 йилда Кейнс макроиқтисодий таҳлил асосларини қўйган “Бандлик, фоиз ва пулларнинг умумий назарияси” номли китоби чиқди. Кейнс ишининг аҳамияти шунчалик буюк эдики, натижада иқтисодий адабиётларда шу вақтгача анъанавий равишда ягона мавжуд бўлган иқтисодий воқеликларни классик ёндашув асосида ўршганувчи, яъни макроиқтисодий таҳлил (классик моделга) қарши турувчи “Кейнсча инқилоб” атамаси ва кейнсча макроиқтисодий модел ёки кейнсча ёндашув юзага келди.

Якка тартибдаги бозорларда алоҳида хўжалик юритувчи субъектларнинг (истеъмолчи ёки ишлаб чиқарувчи) иқтисодий ҳулқ-атворини ўрганувчи микроиқтисодиётдан фарқли ўлароқ, макроиқтисодиёт иқтисодиётни бир бутун яхлитликда ўрганади, бутун иқтисодиёт учун умумий бўлган муаммоларни тадқиқ қилади ҳамда ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, ялпи талаб, ялпи таклиф, ялпи истеъмол, инвестициялар, умумий нарх даражаси, ишсизлик даражаси, давлат қарзи ва бошқа шу каби ялпи миқдорлар билан боғлиқ масалаларни инобатга олади.

Макроиқтисодиёт ўрганадиган асосий муаммолар бўлиб иқтисодий ўсиш ва унинг суръатлари; иқтисодий давр ва унинг сабаблари; бандлик даражаси ва ишсизлик муаммолари; умумий нарх даражаси ва инфляция муаммолари; фоиз ставкаси даражаси ва пул муомаласи муаммолари; давлат бюджети ҳолати; бюджет тақчиллигини молиялаштириш муаммоси ва давлат қарзлари муаммоси; тўлов баланси ҳолати ва валюта курси муаммолари; макроиқтисодий сиёсат муаммолари ҳисобланади.

Бу муаммоларини микроиқтисодий таҳлил жиҳатдан, яъни алоҳида истеъмолчи, алоҳида фирма ва ҳатто алоҳида тармоқ даражасидан ҳал этиш мумкин эмас. Айнан шунинг учун қатор умумий ва макроиқтисодий муаммолар мавжуд, иқтисодий назариянинг мустақил бўлими, макроиқтисодиёт мустақил фани юзага келиши зарурати пайдо бўлади.

Макроиқтисодиётни ўрганишнинг муҳимлиги:

- 1) у макроиқтисодий воқеликлар ва жараёнларни оддий равишда изоҳлабгина қолмай, шу билан бирга улар ўртасидаги қонуниятларни ва боғлиқликларни аниқлайди, иқтисодиётдаги сабаб-оқибат алоқаларини тадқиқ қилади;
- 2) макроиқтисодий боғлиқликлар ва алоқаларни билиш иқтисодиётдаги мавжуд вазиятни баҳолашга имкон беради ва уни яхшилаш учун нима

қилиш ва биринчи навбатда сиёсат вакиллари қандай чора кўришлари кераклигини кўрсатади, яъни иқтисодий сиёсатни тамойилларини ишлаб чиқишга имкон беради;

- 3) макроиқтисодиётни билиш келажакда жараёнлар қандай ривожланишини олдиндан кўриш, яъни прогнозлар тузиш, келгусидаги иқтисодий муаммоларни олдиндан кўришга имконият беради.

Макроиқтисодий таҳлилнинг икки хил кўриниши фарқланади: *expost* ва *exante* макроиқтисодий таҳлили.

Expost макроиқтисодий таҳлил ёки миллий ҳисобчилик, яъни статистик маълумотлар таҳлили бўлиб, иқтисодий фаолият натижаларини баҳолаш, муаммолар ва салбий воқеликларни аниқлаш, уларни ҳал этиш ҳамда енгиб ўтиш бўйича иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш, турли мамлакатлар иқтисодий имкониятларини қиёсий таҳлилини ўтказишга имкон беради.

Exante макроиқтисодий таҳлил, яъни муайян назарий концепциялар асосида иқтисодий жараёнлар ва воқеликларни прогнозли моделлаштириш бўлиб, иқтисодий жараёнларнинг ривожланиш қонуниятларини аниқлаш ҳамда иқтисодий воқеликлар ва ўзгарувчилар ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаларини очиқ бериш имконини беради. Бу макроиқтисодиётни фан сифатида намоён бўлишидир.

“Макроиқтисодиёт” кенг кўламдаги иқтисодиёт билан шуғулланади. Унинг **объекти** миллий иқтисодиёт кўламида ялпи ишлаб чиқариш, иш билан бандлик, баҳоларнинг умумий даражаси ва ташқи савдо, инфляция, яъни, ресурслар, товарлар ва даромадлар доиравий айланиши ҳисобланади. Жаҳон хўжалиги ривожини ва фан-техника тараққиётининг ҳозирги даврида барча мамлакатлар иқтисодиёти бир-бири билан узвий боғланиб кетган. Бу мамлакатларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва мудофаа қобилияти эса кўп жиҳатдан улардаги макроиқтисодий вазият билан боғлиқ. Хуллас «Макроиқтисодиёт» мураккаб ва кўп қиррали масалаларни ўз ичига олади.

«Макроиқтисодиёт» фани мамлакат иқтисодиёти ва ялпи ишлаб чиқаришининг ўсиши, пасайиши, турғунлик даврларини иқтисодий таҳлил қилади ва уни тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини яратади.

Мавжуд ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳамда иқтисодий ўсиш тақозо этадиган шарт-шароитларни муваффақият билан яратиш учун иқтисодчи макроиқтисодий жараёнлар таҳлилини, иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятларни яхши билиши, иқтисодий жиҳатдан тўғри хулосалар чиқара олиши ҳамда уларнинг тўғри ва асосли эканини исботлаб бера олиши керак.

Нисбатан кенгроқ бўлган амалий иқтисод фани сифатида «Макроиқтисодиёт» курсининг **аҳамияти** шундаки, у иқтисодий йўналишдаги бошқа фанлар жамланмаси хизматини ўтайди ҳамда уларни билишга таянади,

шунингдек, коорпорациялар, уй хўжаликлари ва ҳукуматнинг ўзаро манфаатларига тааллуқли кўпгина масалаларни ечишда тўғри йўналишлар беради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ўрганиш «Макроиктисодиёт» фанининг *предмети* ҳисобланади.

«Макроиктисодиёт» ўқув фани сифатида иқтисодий йўналишдаги бошқа фанлар, айниқса, «Микроиктисодиёт», «Иқтисодий математика», «Иқтисодий кибернетика», «Тармоқлараро баланс», «Лойиҳалар таҳлили», «Миллий иқтисодиёт» каби кўпгина фанлар билан чамбарчас боғланган. Чунки, уларнинг барчаси учун иқтисодиёт ягона тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади.

Иқтисодчилар, «Макроиктисодиёт»нинг бошқа иқтисодий фанлар билан алоқаларини ривожлантириш йўллари тадқиқ қилишда инсонларнинг самарали ҳаракати гипотезасидан фойдаланишади.

Инсонларнинг самарали ҳаракати - бу, чегараланган имкониятлар шароитида уларнинг юқори самарага эришиш учун қиладиган хатти-ҳаракатидир. Унда:


- индивид иш ҳақининг юқори бўлиши орқали ўз эҳтиёжини тўлиқ қондиришга;
- корхона юқори фойда олишга;
- давлат эса аҳолининг ижтимоий фаровонлигини оширишга ҳаракат қилади.

Инсонларнинг самарали ҳаракати – табиий ҳаракатдир. Уларнинг объектив кучлари мажмуасидан илмий фойдаланиш улкан иқтисодий муаммолардан биридир. Инсонларнинг самарали ҳаракати уларнинг «мустақил хоҳишлари»дан келиб чиқади. Масалан, ҳар бир инсон ўз ҳаракатининг самарали бўлишини кўзлайди, яхши, моддий ва маънавий бой яшашни истайди ва бу мақсадга интилади. Барча хоҳиш-истакларни ўрганиш, ресурслар, вақт ва инсон ҳаракатининг чегараланганлиги доимо бир нечта масала ҳал қилинишини тақозо этади. Бу масалалар эса макро ва микроиктисодиёт муаммоларидир. Демак, «Макроиктисодиёт» иқтисодий йўналишдаги бошқа фанлар каби мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш йўллари, шунингдек, халқаро иқтисодиётни ривожлантириш муаммоларини ўрганади.

Ҳар қандай, мамлакат халқаро иқтисодий интеграцияда иштирок этиб бирор маҳсулотни экспорт шунингдек, импорт қилади. Яъни, ҳар бир мамлакат ўз ички эҳтиёжларини ва халқаро эҳтиёжларни қондириш учун миллий иқтисодиёт миқёсида нима, қандай, қанча ва ким учун ишлаб чиқариш керак ҳамда мамлакат иқтисодий тизими бўлаётган ўзгаришларга тайёрми, деган саволлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиши лозим.

Бунда иқтисодчилар турли макроиқтисодий моделлардан фойдаланишади. Макроиқтисодий моделлар у ёки бу иқтисодий жараённинг умумлашган, соддалашган кўринишини ифодалайди. Масалан, Ўзбекистоннинг барча табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиб, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришини кўриб чиқайлик (1_(a) чизма).

Чизмада ОХ горизонтал ўқи истеъмол буюмларини, ОУ вертикал ўқи эса ишлаб чиқариш воситаларининг ўсиши ёки камайишини; ABCD эгри чизиғи барча ресурслардан юқори даражада фойдаланилганда ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмларининг мумкин бўлган ишлаб чиқариш имкониятларини билдиради.




1_(a)-чизма. Ишлаб чиқариш имкониятлари графиги

Ушбу чизмада бир-бири билан боғлиқ учта жиҳатни-ресурсларнинг чегараланганлигини; ҳар бир нуқта бўйича вариантларда ўзига хос ҳажмда ишлаб чиқариш мавжуд бўлишини ҳамда харажатлар ўзгаришини кўрамиз. Масалан, F нуқта маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларидан паст даражадаги ишлаб чиқаришни ифодалайди. Аксинча, E нуқта бўйича юқори имкониятларда ҳам ишлаб чиқариш қуввати ҳамда ресурслар етишмайди. Ёки В ва С нуқталарни таққослаб курайлик: В нуқтани танласак, С нуқтага нисбатан истеъмол буюмларидан ($Xв$) камроқ ва ишлаб чиқариш воситаларидан ($Ув$) кўпроқ ишлаб чиқаришни танлаган бўламиз. Аниқроғи, В нуқтадан С нуқтага ўтишда кўшимча $\Delta X = OXс - OXв$ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни танлаймиз. Бироқ бу ҳолда $\Delta У$ миқдорда ишлаб чиқариш воситаларини йўқотамиз ($\Delta У = OУв - OУс$). Яъни, ресурсларни истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга кўшимча сарфлаб, шунга мос равишда истеъмол маҳсулотлари оламиз. Худди шунча миқдордаги ресурслар ва

имкониятларни ишлаб чиқариш воситалари яратиш имконидан маҳрум бўламиз.


(ABCD) эгри чизик максимал имкониятни кўрсатар экан, ишлаб чиқариш ҳажмлари чегарасидан ташқарига (масалан, E нуқтага), юқори ва ўннга чиқариш мумкинми?» - деган савол туғилади. Агар янги техника ва технологик жараёнлар халқ хўжалигининг барча тармоқларига баробар киритиладиган бўлса ($1_{(6)}$ -чизма)



$1_{(6)}$ -чизма. Ишлаб чиқариш имкониятлари графиги

AD эгри чизигини ишлаб чиқариш имкониятларини характерловчи A1. D1 эгри чизигига кўчириш мумкин. У ҳолда ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш имкониятлари баробар, бир текис кенгайди ва E нуқтадаги ишлаб чиқаришга эришиш мумкин.

Агар янгиликлар ишлаб чиқариш воситаларига жорий қилинса, у ҳолда ишлаб чиқариш имкониятлари ишлаб чиқариш воситаларига қараб кенгайди ва у қуйидагича кўринишда бўлади ($1_{(B)}$ -чизма).



$1_{(B)}$ -чизма. Ишлаб чиқариш имкониятлари графиги

2. Асосий макроиқтисодий муаммолар. Уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва ташқи дунё макроиқтисодиёт субъектлари сифатида.

Макроиқтисодиёт ўз таҳлилида микроиқтисодиёт қандай усуллар ва тамойилларни қўлласа шулардан фойдаланади. Иқтисодий таҳлилнинг шунда умумий усуллари ва тамойилларига абстрактлаштириш (иқтисодий жараёнлар ва воқеликларни тадқиқ қилиш ва тушунтириш учун моделлардан фойдаланиш); дедукция ва индукция усуллари мувофиқлаштириш; норматив ва позитив таҳлилни мувофиқлаштириш; “бошқа тенг шароитларда” тамойилидан фойдаланиш, иқтисодий агентларнинг оқилона ҳуқ-атвори ҳақидаги фаразлари ва бошқалар тааллуқли.

Макроиқтисодий таҳлилнинг хусусияти шундан иборатки, унинг муҳим тамойили бўлиб агрегатлаш, яъни умумлаштириш қатнашади. Иқтисодий боғлиқлар ва қонуниятларни бутун иқтисодиёт даражасида ўрганиш, агар уларни умумлаштириб ёки агрегатлар сифатида қаралсагина мумкин бўлади. Макроиқтисодий таҳлил умумлаштиришни талаб этади. Умумлаштириш алоҳида қисмларни битта қилиб бирлаштириш, йиғишни ўзида акс эттиради. Умумлаштириш доимо абстрактлаштиришга, яъни иқтисодий жараёнлар ва воқеликларнинг аҳамиятли бўлмаган ҳолатларидан воз кечиш ҳамда энг аҳамиятли, зарур ўзига хос белгиларини, қонуниятларини ажратишга асосланади. Умумлаштириш макроиқтисодий агентларни, макроиқтисодий бозорларни, макроиқтисодий ўзаро боғлиқларни, макроиқтисодий кўрсаткичларни ажратади.

Иқтисодий агентлар ҳуқ-атворининг энг ўзига хос белгиларини аниқлашга асосланган умумлаштириш, тўртта макроиқтисодий агентларни ажратив кўрсатиш имкониятини таъминлайди:

- 1) Уй хўжаликлари;
- 2) Фирмалар;
- 3) Давлат;
- 4) Хорижий соҳа.

1. Уй хўжаликлари (households) – бу мустақил, оқилона ҳаракат қилувчи макроиқтисодий агент бўлиб, унинг иқтисодий фаолиятини мақсади нафлиликни максималлаштириш ҳисобланади. У иқтисодиётда юзага келадиган вазиятларда: а) иқтисодий ресурслар (меҳнат, ер, капитал ва тадбиркорлик қобилияти) эгаси. Иқтисодий ресурсларни сотиб, уй хўжаликлари даромад оладилар, уларнинг катта қисмини истеъмолга (истеъмол харажатлари) сарфлайдилар ва шу сабабдан б) товар ва хизматларнинг асосий харидори. Уй хўжаликлари даромаднинг қолган қисмини жамғарадилар ва шунинг учун в) асосий жамғарувчи ёки қарз

берувчи, яъни иқтисодиётда кредит маблағларини таклифини таъминловчи сифатида қатнашади.

2. Фирмалар (business firms) - бу мустақил, оқилона ҳаракат қилувчи макроиқтисодий агент бўлиб, унинг иқтисодий фаолиятини мақсади нафлиликни максималлаштириш ҳисобланади. Фирмалар а) иқтисодий ресурсларнинг харидори, улар ёрдамида ишлаб чиқариш жараёни таъминланади ва шунинг учун б) иқтисодиётдаги товар ва хизматларнинг асосий ишлаб чиқарувчиси ҳисобланадилар. Ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларни сотишдан олинган тушумни фирмалар омилли даромадлар кўринишида уй хўжаликларига тўлайдилар. Ишлаб чиқариш жараёнини кенгайтириш, капитал захираси кўшимча ўсишини таъминлаш ва капитал эскиришини тиклаш учун фирмаларга инвестицион товарлар (биринчи навбатда ускуналар) зарур, шу сабабдан фирмалар в) инвесторлар, яъни инвестицион товар ва хизматларни харидорлари ҳисобланадилар. Фирмалар ўз инвестицион харажатларини молиялаштириш учун одатда қарз маблағларини ишлатганлиги сабабли улар иқтисодиётдаги асосий қарз олувчи, яъни кредит маблағларига талаб билдирувчи бўлиб қатнашади.

3. Давлат (government) – бу иқтисодий жараёнларни боришига таъсир кўрсатиш, иқтисодиётни тартибга солишда сиёсий ва юридик ҳуқуққа эга бўлган давлат муассасалари ва ташкилотлари йиғиндисиدير. Давлат – бу мустақил, оқилона ҳаракат қилувчи макроиқтисодий агент, унинг асосий вазифаси – бозор заифликларини йўқ қилиш (marketfailures) ва жамият фаровонлигини максималлаштириш ва унинг учун а) ижтимоий неъматларни ишлаб чиқарувчиси; б) давлат соҳасини амал қилишини таъминлаш учун товар ва хизматларни харидори ҳамда ўзининг кўп сонли функцияларини бажарувчиси; в) миллий даромадни (солиқлар ва трансфертлар тизими орқали) қайта тақсимловчи; г) давлат бюджетининг ҳолатига қараб – молия бозорида қарз берувчи ёки қарз олувчиси сифатида қатнашади. Бундан ташқари, давлат бозор иқтисодиётини амал қилишини тартибга солувчиси ва ташкилотчиси сифатида қатнашади.

У иқтисодиётни амал қилишининг институционал асосларини яратади ва таъминлайди (қонуний асос, хавфсизлик тизими, суғурта тизими, солиқ тизими ва бошқалар), яъни “ўйин қоидаларини” ишлаб чиқади; пул эмиссияси бўйича якка ўз ҳуқуққа эга бўлганлиги учун мамлакатда пул таклифини таъминлайди ва назорат қилади; макроиқтисодий сиёсатни ўтказди ва бу сиёсат қуйидагиларга бўлинади:

- иқтисодий ўсишни таъминловчи тузилмавий;
- иқтисодиётнинг даврий тебранишларини юмшатиш ва ресурсларнинг тўлиқ бандлигини, нархларнинг барқарор даражаси ҳамда ташқи иқтисодий

мувозанатни таъминлашга йўналтирилган конъюнктурали (барқарорлаштирувчи). Барқарорлаштириш сиёсатининг асосий турлари бўлиб:

- а) бюджет (ёки бюджет-солиқ) сиёсати;
- б) монетар (ёки пул-кредит) сиёсати;
- в) ташқи иқтисодий сиёсат;
- г) даромадлар сиёсати.

Хусусий ва давлат секторлари ёпиқ иқтисодиётни ташкил этади.

4. Хорижий сектор (foreignsector) – жаҳоннинг барча қолган мамлакатларини бирлаштиради ва мустақил оқилона ҳаракат қилувчи макроиқтисодий агент ҳисобланади ва у ушбу мамлакат билан қуйидагилар орқали ўзаро ҳатти-ҳаракатларни амалга оширади:

- а) халқаро савдо (товар ва хизматлар экспорти ва импорти)
- б) капиталларни кўчиши (капитал экспорти ва импорти, яъни молиявий активлар).

3. Доиравий айланиш модели. “даромадлар-харажатлар” ва “ресурслар-маҳсулотлар” оқими.

Ҳар қандай иқтисодий тизимда товарлар ва хизматларни такрор ишлаб чиқариш умумий жараёнини ресурслар, товар ва хизматлар ҳамда даромадларнинг доиравий айланиши кўринишида тасаввур қилиш мумкин.


Товарлар айланмасида иқтисодиёт икки секторга бўлинади: уй хўжаликлари ва фирмалар. Уй хўжаликлари ўз ресурсларини (ишчи кучи, капитал ва ерни) фирмаларга сотиб даромад оладилар ва бу даромадларини фирмалардан товарлар ва хизматлар олишга ишлатадилар. Фирмалар ўзларининг товар ва хизматларини сотиб ундан тушган даромадни уй хўжалиқларидан ресурсларни сотиб олишга ишлатадилар.

Қуйида келтирилган $2_{(a)}$ -чизмадан кўриниб турибдики, ҳақиқатдан ҳам нима истеъмол қилиш керак, демак, нима ишлаб чиқариш керак, деган масалани уй хўжаликлари ҳал қилади. Уй хўжалиқларининг бундай қарори, фирмаларнинг ишлаб чиқариш режаларини тузиш учун асос бўлиши керак. Фирмалар, ўз навбатида, ноёб ресурслардан фойдаланиш қарорларини бир-бири билан мувофиқлаштириши лозим. Ниҳоят, уй хўжаликлари истеъмол қилиш учун режалаштирилган неъматларни олишлари керак, яъни улар истеъмол қилиш бўйича қарорларини бир-бири билан мослаштириши керак бўлади.

Бозор тизимида мувофиқлаштириш масалаларини иккита бозор ҳал қилади: ишлаб чиқариш ресурслари бозори ва истеъмол неъматлари бозори.

Талаб ва таклиф модели тадбиркорлар сектори билан уй хўжаликлари сектори ўртасидаги ўзаро муносабатларни тушунтиришга хизмат қилади. Агар

бу икки сектор товарлар бозорида олди-сотди бўйича ўзаро муносабатда бўлса, талаб ва таклиф модели товар нархини ва сотиладиган товар ҳажмини аниқлайди. Агар улар ресурслар бозорида олди-сотди бўйича ўзаро муносабатда бўлсалар модел сотиладиган ресурслар нархини ва миқдорини аниқлайди.



2(a)-чизма. Соф бозор иқтисодийёти шароити “ресурслар-маҳсулотлар”, “даромадлар ва харажатлар”нинг доиравий айланиши

Ҳар бир бозор ўзининг иккита қарор қабул қилувчи субъектига эга: сотувчи ва харидорлар. Бозорда қабул қиладиган қарорларнинг мувофиқлиги ҳар бир неъматнинг мувозанат нархи ва мувозанат миқдори билан таъминланади. Нарх талаб ва таклиф муносабатлари натижаси сифатида, уй хўжаликлари ва фирмалар томонидан қабул қилинадиган қарорларни мувофиқлаштириш учун муҳим ахборот бўлиб ҳисобланади. Бундай ахборот бир вақтнинг ўзида жамиятдаги ноёб неъматларни тақсимлаш муаммосини ечиш учун муҳим аҳамият касб этади. Масалан, нон нархининг ошиши – харидорлар учун нонни истеъмол қилишни чеклаш тўғрисида сигнал бўлса, фирмалар учун нонни ишлаб чиқаришни ошириш ва нон бозоридаги мувозанатни тиклаш тўғрисида муҳим ахборот бўлиб хизмат қилади.


Нархлар ноёб ресурсларни рационал тақсимлашни таъминлайди, неъматларни рационал истеъмол қилишга, харажатларни камайтиришга ундайди. Нарх ер, капитал ва ресурслар эгаларининг даромадини аниқлайди.

Бозор тизимида мувофиқлаштириш масаласини бозор ҳал қилади. Мувофиқлаштириш масаласи билан боғлиқ харажатларга *транзакцион харажатлар* дейилади.

Бозор мувофиқлаштиришдан ташқари ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар қарорларини вақт бўйича тартиблаштиради. Бу келажакдаги неъматлар (фючерс) бозорининг вужудга келиши билан боғлиқдир. Келажакдаги неъматларнинг олди-сотдиси, уларнинг нархлари тўғрисида тасаввурга эга бўлишга, уларнинг келажакда нисбатан ноёблиги тўғрисида ахборот беради. Истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар бундай нарх ахборотларига кўра, ўзларининг жорий хўжалик режаларини қайта кўриб чиқадилар ва ўзларининг иқтисодий ҳаракатларини тартибга соладилар.

Ҳар қандай иқтисодий тизимда товарлар ва хизматларни такрор ишлаб чиқариш умумий жараёнини ресурслар, товар ва хизматлар, даромадлар ҳамда харажатларнинг доиравий оқими модели кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Бу содда модел макроиқтисодий таҳлил асосини ташкил қилади. Фақат хусусий мулкка таянган (яъни давлат иштироки мавжуд бўлмаган) юпик иқтисодиётда бундай доиравий оқими фирмалар ва уй хўжаликлари ўртасида амалга оширилади.

Уй хўжаликлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган барча иқтисодий ресурсларни ресурслар бозорига етказиб берадилар, корхоналар эса бу ресурсларни сотиб олиб турли хил маҳсулотларга, хизматларга айлантирадилар, сўнгра эса уларни тайёр маҳсулот ва хизматлар бозорига етказиб берадилар. Айни пайтда “ресурслар-товарлар ва хизматлар” оқимига қарама-қарши йўналишда “даромадлар-харажатлар”нинг ҳам доиравий оқими амалга оширилади. Яъни уй хўжаликлари ўзлари етказиб берган иқтисодий ресурслар эвазига даромад олади ҳамда уларни товарлар ва хизматлар истеъмол қилиш учун сарфлайдилар ёки аксинча корхоналар ресурслар учун сарф-харажатлар қиладилар ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш эвазига даромад оладилар.



2(а)-чизма. “Ресурслар-товарлар хизматлар” ҳамда “даромадлар-харажатлар”нинг давлат аралашуви мавжуд иқтисодиётдаги доиравий айланиш модели.

Ресурслар ҳамда товар ва хизматлар оқими жами таклифни, даромадлар ва харажатлар оқими талабни кўрсатади. Давлат иштироки мавжуд бўлмаган ёпиқ иқтисодиётда ялпи талаб ва ялпи таклифнинг ўзаро тенг бўлиши фирмаларнинг ялпи сотуви, ёки ялпи ишлаб чиқариши ҳажми уй хўжаликларининг ялпи даромадлари, ёки ялпи даромадларига тенг бўлиши шаклида намоён бўлади. Бу кўрсаткичлар ўртасидаги тенгликнинг бузилиши ишлаб чиқаришнинг пасайиши, инфляция ва ишсизлик даражаларининг кўтарилиб кетишига сабаб бўлади. Давлат аралашуви мавжуд бўлган иқтисодиётда бу модел анча мураккаб кўриниш олади. Бунда:

- | | |
|---|------------------------------|
| 1. Ер, меҳнат, капитал. | 9. Истеъмол харажатлари. |
| 2. Ресурслар. | 10. Сотишдан тушган даромад. |
| 3. Товар ва хизматлар. | 11. Ресурс харажатлари. |
| 4. Товар ва хизматлар. | 12. Солиқлар. |
| 5. Ресурслар. | 13. Солиқлар. |
| 6. Товар ва хизматлар | 14. Харажатлар. |
| 7. Транспортлар. | 15. Харажатлар. |
| 8. Пул даромадлар (иш ҳақи, рента, фоиз, фойда) | 16. Субсидиялар. |

Иқтисодиётда фақат баҳо ёки фақат давлат режаси ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнларининг бир текис кечишини таъминлашга қодир эмас. Бозор тизимида доимо такрорланиб турадиган иқтисодий инқирозлар ва режали тизимнинг емирилиши буни яққол намоён этди. Шу билан бирга тартибга солишнинг бозор ва режа механизмларидан биргаликда фойдаланишга асосланган аралаш иқтисодий тизимнинг ҳаётийлигини жаҳон амалиёти тасдиқлади.

2₍₆₎-чизмадан кўриниб турибдики ресурслар, товарлар ва даромадларнинг узлуксиз ҳаракати ҳам бозор орқали, ҳам давлат аралашуви билан таъминланади. Бунда ҳукумат ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг ҳаракатини бевосита бошқармайди, балки ресурслар ва товарлар бозорларида қатнашиш орқали уларнинг иқтисодий фаолиятига қулай шароитлар яратади. Давлат корхоналари ва уй хўжаликларини солиққа тортиш билан бирга корхоналарга субсидиялар бериш, аҳолига трансферт тўлаш орқали уларнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ва харидга қодир талабларига таъсир этади. Айни пайтда давлат ресурслар бозоридан ҳамда товарлар ва хизматлар бозорида сотиб олувчи сифатида иштирок этади. Давлат ўз иштироки билан фирмаларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари ва уй хўжаликларининг товарлар ва хизматлар харид қилиш миқдорлари тўғрисидаги қарорлари ўзаро мос келмаган ҳолларда рўй берадиган иқтисодий тебранишларни тартибга солиб туради. Очиқ иқтисодиёт шароитида доиравий оқимлар модели янада мураккаблашади. Энди унда тўртинчи макроиқтисодий субъект – ташқи дунё ҳам пайжо бўлади. Чет эл инвестицияларининг киритилиши ва хорижга инвестиция қилиш, экспорт ва импорт операциялари шу жумладан молиявий бозор орқали жамғармаларнинг инвестицияларга оқиб ўтиши ва молиявий маблағларнинг қайта тақсимланишини эътиборга олсак кўриб ўтилган модел мукамал эмаслигига иқрор бўламиз. Аммо шу кўринишда ҳам бу модел макроиқтисодий жараёнларни яхлит ҳолда тасаввур қилишга имкон беради. Доиравий оқимлар моделидан чиқариладиган хулоса шуки, давлат, фирмалар, уй хўжаликлари ва ташқи дунёнинг ялпи харажатлари ялпи ишлаб чиқариш ҳажмига тенг бўлиши ресурслар, товарлар ва хизматлар оқимлари (яъни реал оқим) билан даромадлар ва харажатлар оқимлари (яъни пул оқимлари) ўзаро тенг бўлишининг асосий шартидир. Ялпи харажатлар ҳажмининг ошиши ишлаб чиқариш ҳажмлари ва иш билан бандлилик даражасининг ўсишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида ялпи даромадларнинг ошишига сабаб бўлади. Каттароқ ҳажмдаги ялпи даромадлар унга мос ҳажмдаги ялпи харажатларни белгилаб беради. Сабаб оқибат боғланишлари ўрин алмашиши туфайли доиравий оқимлар модели доиравий айланиш кўриниши олади. Иқтисодиёт барқарор ривожланиб бориши учун ялпи харажатлар тўхтовсиз ўсиб бориши

шарт. Бу вазифа бюджет-солиқ сиёсати воситалари бўлган солиқларни ҳамда давлат харажатларини ўзгартириш ҳамда пул-кредит сиёсати воситалари ёрдамида пул массасини ўзгартириш орқали бажарилади.

4. Макроиктисодий моделлар. Эндоген ва экзоген ўзгарувчилар. Ёпиқ ва очик иқтисодиёт.


Макроиктисодчилар томонидан ўрганиладиган бутун иқтисодиётда юз берадиган воқеликлар ва жараёнлар охир-оқибатда кўплаб уй хўжаликлари ҳамда кўплаб фирмалар ўзаро ҳатти-ҳаракатлари натижасида йиғилганлиги сабабли, микро ва макроиктисодиёт бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бутун иқтисодиётни ўрганишда биз алоҳида иқтисодий агентларнинг қарорларини эътиборга олишимиз лозим. Масалан, ялпи истеъмол омилларини аниқлаш учун оиланинг бугун қанча сарфлаши, келажак учун қанча олиб қўйиши ҳақидаги қарорларини таҳлил қилиши керак. Инвестицияларнинг умумий ҳажмини белгилловчи омилларни аниқлаш учун фирмаларнинг янги корхоналарни қуриш ҳақидаги қарори тўғрисида маълумотга эга бўлиш зарур. Макроиктисодий кўрсаткичлар алоҳида шахслар ва корхоналар қарорлари натижасида йиғиладиган ўзгарувчиларнинг оддий йиғиндиси бўлганлиги учун, макроиктисодиётнинг асослари микродаражада қўйилади.

Макроиктисодий моделлар асосида ҳар доим микроиктисодий даражада қабул қилинадиган қарорлар турса, фирмалар ва уй хўжаликлари нуқтаи назаридан мақбул бўлган кўплаб моделларда уларнинг ҳатти-ҳаракатларини аниқловчи қарорлар яққол кўринишда бўлмайди, балки кўзда тутилади. Бизнинг нон бозори моделимиз бунга мисол бўлиб хизмат қилади. Нонга бўлган талаб асосида уй хўжаликларининг сотиб оладиган нонлари миқдори ҳақидаги қарорлар ётса, нон таклифи нонвойхоналарнинг нон ишлаб чиқариш ҳажмлари тўғрисидаги қарорлари билан аниқланади. Уй хўжаликлари қарорни нафтилиқни максималлаштиришдан келиб чиққан ҳолда, нонвойхоналар эса фойдани максималлаштиришдан келиб чиққан ҳолда қабул қилишлари кўзда тутилади. Шу билан бирга, бу микроиктисодий қарорлар моделда ўзидан-ўзи қатнашмайди: улар унинг “фони”ни ташкил этади. Ҳудди шундай фирмалар ва уй хўжаликлари томонидан қабул қилинадиган улар нуқтаи назаридан мақбул ҳисобланган қарорлар фақат ёпинчикли кўринишда ва бутун макроиктисодиётда қатнашади.

Иқтисодчилар моделлар номини олган соддалаштирилган назарияларни қўллаб иқтисодиёт ҳақидаги қарашларни тузишга уринадилар. Моделларда кўпинча математик кўринишда турли иқтисодий ўзгарувчилар ўртасидаги нисбат ифодаланади. Моделларни қўллаш аҳамиятли бўлмаган қисмларга

этибор бермаслик ва аҳамиятли иқтисодий боғлиқликларни аниқлашга имкон берганлиги учун ҳам мақсадга мувофиқдир.

Моделларда икки хил: экзоген (ташқи) ва эндоген (ички) ўзгарувчилар қўлланилади. *Экзоген ўзгарувчилар* ташқаридан киритилади – бу дастлабки маълумотлар; *эндоген ўзгарувчилар* модел “ичида” шаклланади – улар уни ҳал этишнинг натижаси ҳисобланади. Бошқача айтганда, экзоген ўзгарувчиларнинг миқдори моделни қуриш бошлангунча берилади, эндоген ўзгарувчиларнинг миқдори эса модел бўйича ҳисоб-китоблар қилиш жараёнида аниқланади. 3-расмда кўрсатилганидек, моделнинг мақсади экзоген ўзгарувчилар эндоген ўзгарувчиларга қандай таъсир қилишини аниқлаш ҳисобланади.



3-расм. Модел нимани кўрсатади.

Модел иқтисодий кўрсаткичлар ўртасидаги асосий боғлиқликларни соддалаштирилган назарий асосланиши ҳисобланади. Экзоген ўзгарувчилар – бу ташқаридан киритиладиган ўзгарувчилар, эндоген ўзгарувчилар – бу ушбу модел билан тушунтириладиган ўзгарувчилар. Модел экзоген ўзгарувчилардан бирининг ўзгариши эндоген ўзгарувчиларга қандай таъсир этишини кўрсатади.

Масалан, нон бозори модели қандай қурилишини кўриб чиқамиз. Иқтисодчи нонга бўлган талаб ҳажми Q^d нон нархи P_b ва ялпи даромад Y га боғлиқ деб қараз қилади. Бу боғлиқлик қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$Q^d = D(P_b, Y)$$

Худди шундай иқтисодчи нонвойхоналар томонидан таклиф қилинадиган нонлар миқдори Q^s ноннинг нархи P_b ва нонни ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган уннинг нархи P_r га боғлиқ деб фараз қилади:

$$Q^s = S(P_b, P_r)$$

Ниҳоят, иқтисодчи талаб ва таклиф мувозанати таъминланиши учун ноннинг нархи шундай ўзгаришини фараз қилади:


$$Q^d = Q^s$$

Бу учта тенглама нон бозори моделини ташкил этади.

Нон бозори модели талаб ва таклифнинг 1-3 расмда кўрсатилган диаграммаси билан намоён этилади. Талаб эгри чизиғи ялпи даромаднинг доимий даражасида нонга бўлган талаб билан нон нархи ўртасидаги нисбатни кўрсатади. Талаб эгри чизиғи пастга йўналтирилган, чунки нон нархи қанчалик юқори бўлса, истеъмолчилар шунчалик кўп даражада бошқа


озик –овқатларни истеъмол қила бошлайдилар ва шунчалик кам нон сотиб оладилар. Таклиф эгри чизиғи ноннинг таклиф қилинаётган миқдори ва уннинг доимий нархида нон нархи ўртасидаги нисбатни кўрсатади. Таклиф эгри чизиғи юқорига йўналтирилган, чунки ноннинг нархи қанчалик юқори бўлса, нонвойхоналар шунчалик кўпроқ миқдорда нон ишлаб чиқаради. Икки эгри чизиқнинг кесишиш нуқтаси бозор мувозанати ҳолатига мос келади, бунда нонга мувозонатли нарх ўрнатилади ва таклиф қилинаётган нон миқдори талабга мос келади.

Моделда бир экзоген ўзгарувчининг ўзгариши иккала эндоген ўзгарувчиларга қандай таъсир этишини кўрсатади. Масалан, ялпи даромад ошганда 1-4 расмда кўрсатилганидек нонга талаб ошади. Худди шундай, 1-5 расмда кўрсатилганидек ун нархи ошганида нон таклифи камаяди. Моделда ушбу ҳолатда нон нархининг мувозонатли даражаси ошиши, нон миқдорининг мувозонатли даражаси камайиши кўрсатилади. Шундай қилиб, модел ялпи даромаднинг ёки ун нархининг ўзгариши нон бозорига қандай таъсир этиши мумкинлиги яққол намоён э тади.




4-расм. Талаб ва таклиф эгри чизиқлари.

Нон бозори моделида иккита экзоген ва иккита эндоген ўзгарувчилар бор. Ун нархи ва ялпи даромад-экзоген ўзгарувчилар. Моделда уларни тушунтириш мақсад қилиб қўйилмаган, улар олдиндан берилган (улар бошқа модел билан тушунтирилиши мумкин) сифатида қабул қилинади. Бу моделда эндоген ўзгарувчилар бўлиб нон нархи ва сотилган нон миқдори ҳисобланди. Ушбу модел бу ўзгарувчиларни тушунтириши тан олинган.



5- расм. Талабнинг ошиши.

Ялпи даромаднинг ошиши нонга бўлган талабнинг ортишига олиб келади- ушбу нархда истеъмолчилар энди нонни кўпроқ олишга интиладилар. Бу талаб эгри чизиғининг ўнга – юқорига силжиши билан акс эттирилган. Ноннинг нархи таклиф яна талаб билан мувозанатлашмагунга қадар кўтарилиб боради. Нон нархининг мувозанатли даражаси ва таклифи ошиб боради.



6- расм. Таклифнинг қисқариши.

Ун нархи кўтарилганда нон таклифи пасаяди – ноннинг хар қандай ушбу нархида унинг савдоси кам фойдали бўлиб қолади ва ишлаб чиқариш

қисқаради. Бу таклиф эгри чизиғини чапга-юқорига силжиши билан акс эттирилган. Талаб ва таклиф эгри чизиқлари кесишишининг янги нуқтаси пайдо бўлади. Нон нархининг мувозанатли даражаси кўтарилади, миқдорнинг мувозанатли миқдори эса камаяди.

Барча моделларда бўлгани каби нон бозори моделида баъзи соддалаштирувчи фаразлар қабул қилинган. Моделда масалан, барча нонвойхоналар турли жойларда жойлашганлиги эътиборга олинмаган. Хар бир истеъмолчига қайсидир нонвойхона бошқаларига қараганда қулайроқ, шунинг учун ҳам нонвойхоналар ўз нархларини ўрнатишда баъзи имкониятларга эгалар. Моделда нонга ягона нарх кўзда тутилган бўлсада, ҳақиқатда хар бир нонвойхонада нарх турлича бўлиши мумкин.

Моделнинг ҳақиқатга бундай мувофиқ келмаслигига қандай муносабатда бўлиш керак? Нонга бўлган талаб ва таклифнинг оддий моделини қўллашдан воз кечиш керакми? Биз нонга турли нархларни киритиш имконини берувчи мураккаброқ моделни яратишимиз лозимми? Бу саволларнинг жавоблари биз томондан қўйилган мақсадларга боғлиқ. Агар, бир томондан бизнинг мақсадимиз уннинг нархи сотилаётган ноннинг ўртача нархи ва миқдорига қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини тушунтириш ҳисобланса, унда нархларнинг фарқ қилиши, эҳтимол, унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Нон бозорининг оддий модели бу саволга жавоб беришга тўлиқ қодир. Бошқа томондан, агар бизнинг олдимизда нима учун учта нонвойхона бўлган шаҳарда битта нонвойхона бўлган шаҳардагига қараганда ноннинг нархи пастроқлигини тушунтириш масаласи турган бўлса, оддий модел кам наф берар эди.

Қачон у ёки бу фараз асосийни иккинчи даражалидан ажратишга имкон беришини, қачон у нотўғри натижаларга олиб келишини аниқлаш – бир бутун санъатдир. Ҳақиқатнинг барча турли – туманликларини тўлиқ акс эттирувчи хар қандай модел тушуниш учун жуда мураккабдир. Соддалаштириш моделни ишлаб чиқиш жараёнининг зарурий таркибий қисми ҳисобланади. Шу билан бирга, агар моделда иқтисодиётнинг муҳим хусусиятлари эътибордан четда қолса, нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин. Баъзан ушбу ҳолатда нима муҳим ҳисобланишини аниқлаш қийин, чунки бир масалаларни кўриб чиқишда ўзини оқлаган фаразлар, бошқаларини кўриб чиқишда нотўғри хулосаларга олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, иқтисодий моделлаштириш эҳтиёткорликни ва соғлом фикрлашни талаб этади.

Барча иқтисодий моделлар иқтисодий ўзгарувчилар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни ифода этади. Кўпинча бу боғлиқликлар функциялар кўринишида ифодаланади. *Функция* – бир ўзгарувчилар тўпламини бошқасига боғлиқлигини акс эттирувчи математик тушунча.

Ёпиқ ва очик иқтисодиёт тушунчаси

Ҳар бир мамлакат халқаро иқтисодий алоқаларга киришади. Бу жараёнда бошқа давлатлар билан товарлар, хизматлар, ахборотлар, капитал ва ишчи кучларини ўзаро айирбошлайди. Мамлакат иқтисодиётининг очиклик даражаси бундай алоқаларнинг ривожланиш кўламига қараб аниқланади.

Очик иқтисодиёт бу шундай иқтисодиётки, унда мамлакатнинг барча фуқаролари халқаро товар ва капитал бозорида олди-бердиларни чекланмаган ҳолда амалга оширишлари мумкин. Бироқ, шундай мамлакатлар ҳам борки, улар ўз қобиғига ўралиб қолган. Масалан, собиқ СССР иккинчи жаҳон урушига қадар шундай ҳолатда эди.

Халқаро савдода иштирок этмайдиган иқтисодиёт **ёпиқ иқтисодиёт** деб аталади. Таъкидлаш лозимки, ҳозирги даврда бундай иқтисодиётга эга давлат мавжуд эмас. Аммо, макроиқтисодий таҳлил ва истиқболни белгилашда фойдаланиладиган моделларда шартли тарзда бундай мавҳумликларга йўл қўйилади. Ёпиқ иқтисодиёт моделида товарлар, хизматлар ва капитал оқимлари миллий чегаралардан ташқарига чиқмайди ҳамда унда асосий макроиқтисодий айният қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y = C + I + G$$

бунда: Y - миллий маҳсулот, даромад;

C - уй хўжалиқларининг ўз мамлакатадаги маҳсулотларни харид қилишга сарфланган истеъмол харажатлари;

I - шу мамлакат ишлаб чиқарувчиларининг ўз мамлакати инвестиция товарларига харажатлари;

G - давлат томонидан ўз мамлакати товар ва хизматларини харид қилиш.

Очик иқтисодиётда мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқалар мавжуд ва у миллий иқтисодиётда товарлар ва даромад ҳаракатида намоён бўлади. Асосий иқтисодий тенгликка қўшимча кўрсаткич киритилса, у қуйидаги кўринишни олади.

$$Y = C + I + G + X_n$$

бунда: X_n - хорижликларнинг шу мамлакат ичкарасида ишлаб чиқарган товар ва хизматларга қилган харажатлари билан хорижда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга ички харажатлар ўртасидаги, лўндароқ айтганда экспорт ва импорт ўртасидаги фарқ. Иқтисодий адабиётларда бу кўрсаткич соф экспорт деб юритилади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Макроиктисодиёт фани ўрганадиган муаммоларни изоҳлаб беринг.
2. “Макроиктисодиёт” фанининг иқтисодий йўналишидаги бошқа фанлар билан алоқасини изоҳланг.
3. Иқтисодчилар нима учун моделларни тузади ва улардан фойдаланади?
4. Ресурслар, даромадлар ва харажатларнинг доиравий айланиши чизмадаги қарама-қарши омилларна изоҳ беринг.
5. Очиқ ва ёпиқ иқтисодиётнинг афзалликлари нимада?

Асосий адабиётлар

1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. М.: изд. М.: «Дело и сервис», 2001.
2. Борр Р. Политическая экономика в 2-х томах. 1-том. Москва: 1995.
3. Йўлдошев З., Қосимов М.С. Макроиктисодиёт асослари. Т.: «Ўқитувчи», 1994.
4. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиктисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ - 2000.
5. Роберт С. Пиндайк, Дэниел Л. Рубинфельд. Микроэкономика. М.: «Дело и сервис», 2001.

2-мавзу: Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

Режа:

1. Миллий ҳисобчилик тизими макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш асоси.
2. ЯИМни ҳисоблаш усуллари.
3. Миллий ҳисоблар тизимида макроиқтисодий кўрсаткичлар.
4. Номинал ва реал ЯИМ.

Таянч сўз ва иборалар: макроиқтисодий кўрсаткичлар, яли ички маҳсулот, яли миллий даромад, соф ички маҳсулот, миллий даромад, шахсий даромад, ихтиёридаги даромад, якка тартибдаги солиқлар, даромадлар усули, харажатлар усули, қўшилган қиймат, жорий нархлар, базис нархлар, номинал кўрсаткичлар, реал кўрсаткичлар, дефлятор, истеъмол нархлари индекси.

1. Миллий ҳисобчилик тизими макроиқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш асоси.

Макроиқтисодиёт – бу мамлакат миқёсида моддий ишлаб чиқариш ва номоддий соҳаларини бир бутун қилиб бирлаштирган миллий хўжалиги даражасидаги иқтисодиётдир. Макроиқтисодиёт ўз ичига халқ хўжалигининг моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини олади. Миллий иқтисодиёт меъёрида фаолият қилиш ва барқарор ўсиши учун барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро боғлиқлиги ва мувозанатли ривожланиши талаб қилинади.

Мамлакат макроиқтисодий таҳлил қилиш, миллий иқтисодиёт ривожланишидаги муаммоларни аниқлаш ҳамда уни янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқариш учун Миллий ҳисобчилик тизими ҳисобланадиган бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланилади. Бу кўрсаткичларнинг асосийларидан бири бўлиб яли ички маҳсулот (ЯИМ) ҳисобланади.

Макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали бутун иқтисодиётнинг ҳолати, унинг ўсиши ёки пасайиши таҳлил қилинади ва хулосалар чиқарилади. Макроиқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида давлат ўз иқтисодий сиёсатини белгилайди. Макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими, ЯИМни унинг ҳаракатининг барча босқичларида, яъни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва натижада фойдаланиш босқичларида кўргазмали шаклда акс эттиришга имкон беради.

Муайян мамлакат иқтисодий ҳолатини ифода этувчи кўрсаткичлар *макроиқтисодий кўрсаткичлар* дейилади. Макроиқтисодий кўрсаткичлар

миқдор ва сифат кўрсаткичларига гуруҳланади. Макроиқтисодий миқдор кўрсаткичлари муайян мамлакат иқтисодиётини ифодалайди, буларга ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), соф ички маҳсулот (СИМ), миллий даромад (МД), шахсий даромад (ШД), ихтиёридаги даромад (ИД) ва бошқалар киради. Сифат кўрсаткичлари мазкур мамлакатлар иқтисодиётини нисбий жиҳатдан акс эттиради, уларга: инфляциянинг ўсиш суръатлари, давлат бюджети тақчиллиги, дефлятор, истеъмол баҳолари индекси, ишсизлик даражаси, аҳолининг иш билан бандлик даражаси, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот, аҳолининг моддий неъматлар ва хизматлар истеъмоли ҳажми, уларнинг жамғармалари, иш ҳақининг қўйи миқдори ва бошқалар киради.

Бу кўрсаткичлар иқтисодий тизимнинг умумий ҳолатини турли томондан ифодалаб, ижтимоий ишлаб чиқаришда барча қатнашувчилар (корхона, тармоқ, минтақа, давлат) ва уй хўжалиги фаолиятлари натижалари асосида аниқланади. Улар мамлакатнинг иқтисодий имкониятларини, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини нархлаш учун ишлатилади. Бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг кенгайтирилган тушунчасига амал қилинади. Шу маънода, ижтимоий ишлаб чиқариш – иқтисодиётнинг даромад яратувчи барча соҳаларининг ишлаб чиқаришидир. Бу ерда моддий ишлаб чиқариш соҳаларидан ташқари, пулли хизматлар кўрсатувчи тармоқлар (молия, суғурта, соғлиқни сақлаш, маориф ва бошқалар) ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришга киради. Шу сабабли бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатларда яратилган ижтимоий маҳсулот таркибига товарлар ҳам, хизматлар ҳам, миллий даромадда эса, товарларни сотишдан, хизмат кўрсатишдан олинган даромадлар ҳисобга олинади, ижтимоий ишлаб чиқаришдан четда фақат бепул хизматлар кўрсатиш жараёнлари қолади. Чунки бепул хизматлар кўрсатувчи тармоқларда даромад яратилмайди ва ҳар қандай мамлакатда бу тармоқлар давлат ҳисобига фаолият кўрсатади. Ижтимоий ишлаб чиқариш тушунчасидаги фарқ натижасида, мамлакатлар ўзининг мазмунига кўра ажратиб турувчи кўрсаткичлардан фойдаланади, уларни ҳисоблашнинг турли услублари қўлланилади.

2. ЯИМни ҳисоблаш усуллари

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлардан бири бу - ялпи ички маҳсулотдир. **Ялпи ички маҳсулот** – бу муайян давр мобайнида (бир йил) ким томонидан яратилишидан қатъий назар мамлакат ҳудудида яратилган барча якуний товар ва хизматларнинг бозор қийматидир.

ЯИМ - бу бирор-бир мамлакат ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотларда ишлаб чирарилган товар ва хизматларнинг умумий йиуиндисидан иборатдир. ЯИМни тўғри ҳисоблаш учун бир йилда ишлаб

чиқарилган жами маҳсулот ва хизматлар фақат бир марта ҳисобга олинади керак. Маҳсулот то тайёр маҳсулотга айлангунча бир неча босқичлардан ўтади. ЯИМни ҳисоблашда фақат охириги маҳсулотларнинг бозор қиймати ҳисобга олинади. Оралиқ маҳсулотлар ҳисобга олинмайди. Икки мартаба ҳисобга олмаслик учун фақат ҳар бир ишлаб чиқаришда яратилган қўшимча қийматни киритиш лозим.

Ялпи ички маҳсулот 3 хил усул асосида аниқланади.

Ишлаб чиқариш усули – бунда ялпи ички маҳсулот барча қўшилган қийматлар йиғиндиси сифатида аниқланади.

$$\text{Ялпи ички маҳсулот} = \sum QQ$$

Қўшимча қиймат бу - маҳсулот бозорий нархи ва ишлатилган ҳом ашё, материаллар ва бошқа харажатлар ўртасидаги фарқ.

Харажатлар усули – бунда якуний истеъмолчиларнинг харажатлари йиғиндиси сифатида аниқланади.

$$\text{Ялпи ички маҳсулот} = C + I + G + X_n$$

бу эрда: C – шахсий истеъмол харажатлари; I – инвестиция харажатлари яъни хусусий ички инвестициялар; G – давлат харажатлари яъни товар ва хизматларнинг давлат хариди; X_n – чет элликларнинг харажатлари, яъни соф экспорт.

Харажатлар бўйича ялпи миллий маҳсулот мамлакатда охириги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланган жами харажатлар, яъни шахсий истеъмол харажатларини, инвестицияларни, давлат харажатларини ва соф экспортни қўшиш орқали аниқланади.

ЯИМни ишлаб чиқариш харажатлари бўйича ҳисоблашда асосан пировард маҳсулот ва хизматларни яратишга кетган барча харажатлар ҳисобга олинади. Буларга:

Шахсий истеъмол харажатлари (C) - уй хўжаликларининг турли товар ва хизматларини сотиб олишга қилинадиган харажатлари, яъни:

- а) узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмлари сотиб олишга;
- б) кундалик фойдаланиладиган истеъмол буюмлари сотиб олишга;
- в) истеъмол хизматлари тўловига кетадиган харажатлар.

Инвестиция харажатлари (I) - бу инвестицион товарларга қилинадиган харажатлар, асбоб-ускуналар, машиналарни якуний сотиб олиш харажатлари; корхоналар, иншоотлар, турар жой биноларини қуришга сарфланган харажатлар; товар захиралари ўртасидаги фарқлар ёки захираларнинг ўзгаришларидан иборат бўлади.

Инвестиция иккига бўлинади:

1. Ялпи инвестициялар.
2. Соф инвестициялар.

Ялпи инвестиция ҳам янги жиҳозларни сотиб олиш орқали кенгайтириш, ҳам эски жиҳозларни қайта тиклаш харажатларини ўз ичига олади.

Соф инвестиция фақат ишлаб чиқаришни кенгайтириш харажатларини қамраб олади.

Давлат харажатлари (G) - бу бевосита товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга кетадиган давлат харажатларини ўз ичига олади чунончи, маҳаллий ва марказий бошқарув ҳокимияти идоралари томонидан корхоналарнинг пировард маҳсулотлари ва ресурслари хариди автомобиль йўллари ва почта муассасалари қурилиши, давлат корхоналарида тўланадиган иш ҳақи, энергетика тармоқлари, касалхоналар, кутубхоналар, давлат транспорти харажатлари киритилади. Лекин бу ўринда таъкидлаш лозимки, бу харажатларга давлат трансферт тўловлари киритилмайди.

Соф экспорт (Xn) – мамлакатнинг импорт ва экспорт операциялари бўйича харажатлар ўртасидаги фарқ.

Даромадлар усули – бунда ялпи ички маҳсулот барча якуний истеъмолчиларнинг даромадлари йиғиндиси сифатида аниқланади. Шу билан бирга ялпи ички маҳсулот таркибига бизнесга эгри солиқлар ва амортизация ҳам киритилади.

ЯИМни ишлаб чиқарувчиларнинг барча даромадлари йиғиндиси кўринишида ҳисоблашда асосан қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

биринчидан, **истеъмол қилинган капитал ҳажми (ССА) ёки амортизация (A)**, яъни, жорий йилдаги ЯИМни ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган инвестиция товарларини сотиб олишга мўлжалланган ажратмалар.

иккинчидан, **бизнесга эгри солиқлар (T)** - маҳсулот баҳосини оширувчи, ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган харажатлар ҳисобланади. Жумладан, қўшимча қиймат солиғи, акцизлар, лицензия тўловлари ва божхона бождари.

учинчидан, **ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари (W)**, яъни хусусий ва давлат компанияларининг иш ҳақи тўлашга сарфлаган умумий харажатлари (иш ҳақи ва қуйидаги қўшимчалар; ижтимоий суғурта, нафақа, бандлик ва бошқа ижтимоий фондларга ажратмалар ҳамда бадаллар).

тўртинчидан, **ижара ҳақи (R1)**, хусусан, бу иқтисодий мулк ресурслари билан таъминловчи уй хўжалиқларининг даромадлари (масалан, ижарага берилган тураржойлар, бинолар, асбоб-ускуналар, ер ва бошқалардан олинадиган даромадлар).

бешинчидан, **фоиз ставкалари ёки фоизли даромадлар (R)** - пул капиталини етказиб берувчиларга хусусий бизнес даромадидан пул тўловлари.

олтинчидан, индивидуал мулкдан келадиган даромад (**P₁**).

еттинчидан, корпорация фойдаси (P_2).

Корпорацияларнинг фойдаси қуйидагиларга бўлинади:

- а) корпорацияси фойдага солиқ ёки фойда солиғи;
- б) ҳиссадорлар ўртасида тақсимланадиган дивидендлар;
- в) тақсимланмаган фойда.

ЯИМ = амортизация + бизнесга эгри солиқлар + ижара ҳақи + фоиз кўринишидаги даромадлар + ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи + якка тартибдаги қўйилмалардан даромадлар + корпорация фойдасига солиқлар + дивидентлар + корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси.

Кўплар ЯИМни иқтисодиёт аҳволини энг яхши кўрсаткичи деб ҳисоблайдилар. АҚШ иқтисодиёт вазирлиги томонидан хар уч ойда ҳисобланадиган статистик маълумотлар иқтисодий фаолият натижаларини ягона қиймат кўрсаткичида акс эттиришга мўлжалланган. ЯИМ ни аниқроқ қуйидагича тасаввур этиш мумкин:

Барча иқтисодий агентларнинг ялпи даромади;

Товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга харажатларнинг умумий ҳажми.

ЯИМ иқтисодиёт аҳволини тавсифлаши мумкин, чунки одамлар кам даромадга қараганда кўпроғини афзал кўрадилар. Шунга ўхшаш, товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик юқори бўлса, шахсий, ишлаб чиқариш ва давлат эҳтиёжларини қондириш даражаси шунчалик юқори бўлади.

ЯИМ бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодиётдаги даромадни, ҳам ишлаб чиқаришга харажатлар ҳажмини ўлчайди, чунки охир-оқибат бу миқдорлар бир хил: бутун иқтисодиёт учун даромадлар ҳажми харажатлар ҳажмига тенг бўлиши лозим. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун, биз миллий ҳисобчиликни, ЯИМ ва у билан боғлиқ бошқа бир қатор кўрсаткичларни ўлчашнинг статистик тизимини ўрганишимиз лозим.

ЯИМ иқтисодиётдаги пул оқимларини ифодалайди. Биз уни икки усул билан ҳисоблашимиз мумкин. ЯИМ – бу нон ишлаб чиқаришдан олинган ялпи даромад бўлиб, у иш ҳақи ва фойда йиқиндисига тенг- пуллар доиравий айланиш чизмасининг юқоридаги ярми. Шу билан бир вақтда, ЯИМ – бу нонни сотиб олишга қилинган харажатларнинг умумий ҳажмидир-пуллар доиравий айланиш чизмасининг пастки ярми. Шундай қилиб, биз ё фирмалардан уй хўжаликларига пуллар оқимини ёки уй хўжаликларидан фирмаларга пуллар оқимини олишимиз мумкин.

Даромадлар ва харажатлар тенглиги ҳисобга олиш қоидаларидан келиб чиқади: маҳсулотларни сотиб олишга барча харажатлар албатта бу

маҳсулотларни ишлаб чиқарувчиларнинг даромади ҳисобланади. Бу қоидага мувофиқ, харажатлар ҳажми ўзгариши юз берадиган ҳар қандай битим натижасида даромад ўзгариши ҳам юз беради ва даромад ўзгаришига олиб келувчи ҳар қандай битим натижасида харажатлар ҳажми ўзгариши юз беради. Фараз қилайлик, масалан фирма уй хўжаликларига 1 та нонни кўпроқ ишлаб чиқаради ва сотади. Бу операцияда нонга харажатларнинг умумий миқдори кўпаяди, бироқ бунда даромадларнинг умумий ҳажми ҳам ўзгаради. Агар фирмага қўшимча нонни ишлаб чиқариш учун қўшимча ходимларни ёллаш талаб этилса, унда иш ҳақининг умумий миқдори ошади. Агар фирма қўшимча нонни қўшимча ходимларни жалб этмай ишлаб чиқарса (ишлаб чиқариш жараёнини самаралироқ қилиб), унда фойда кўпаяди. Иккала ҳолда ҳам харажатлар ҳам, даромадлар ҳам бир хил миқдорга кўпаяди.

Фақат нон ишлаб чиқарилаётган гипотетик иқтисодиётда биз ЯИМни нонни сотиб олишга қилинган барча харажатларни қўшиб оддийгина ҳисоблашимиз мумкин. АҚШ ЯИМни ҳисоблаш анча қийин вазифани ўзида акс эттиради. Бундай йирик ва мураккаб иқтисодиётда ЯИМни ҳисоблашда товар ва хизматларга қилинган харажатларни тўғридан тўғри қўшилади деб фикр юритиб бўлмайди. Бу китобда биз ЯИМни ҳисоблашнинг тўлиқ услубиятига кириб бормасакда, ЯИМ тушунчаси ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш учун уни шакллантиришнинг асосий тамойилларини билиш керак.

Фараз қилайлик, фақат битта товар тури ишлаб чиқарилаётган иқтисодиётда фирма нонни ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун қўшимча ишчиларни ёллайди, уларга иш ҳақи тўлайди, кейин эса қўшимча ишлаб чиқарилган нонни фирма сота олмайди. Бу ЯИМ миқдorigа қандай таъсир этади?

Бу саволга жавоб сотилмай қолган нон билан нима юз беришига боғлиқ. Бир томондан, агар нон ташлаб юборилган бўлса, унда фирманинг фойдаси қўшимча тўланган иш ҳақи миқдorigа камаёди - фирма иш ҳақи сифатида катта миқдорни тўлади, бироқ ўзи учун бундан ҳеч қандай наф олмайди. Бу операция харажатлар ҳажмига ҳам, даромад даражасига ҳам таъсир кўрсатмаганлиги сабабли ЯИМ миқдори (унинг иш ҳақи улушига тўғри келадиган қисми энди кўп, фойда ҳиссасига тўғри келадиган қисми кам бўлишига қарамай) ўзгармай қолади. Бошқа томондан, агар нон уни кейинроқ сотиш учун захирага олиб қўйилган бўлса, унда миллий ҳисобчилик тамойилларига мувофиқ, бу операция бошқача ҳисобга олинади. Бу ҳолда фойда қисқармайди, чунки бу фирма эгалари фирма захиралари учун нон “сотиб олиши” билан бир хилдир. Шундай қилиб, ЯИМ миқдори ортади: юқорироқ иш ҳақи туфайли даромад ошади, захиралар жамғарилиши сабабли эса харажатлар миқдори кўпаяди.

Умумий қоида шундан иборатки, фирма товарлар захираларини кўпайтирганда, захираларга инвестициялар ҳажми ҳам харажатлар таркибига, ҳам даромадлар таркибига киритилади. Шундай қилиб, агар ишлаб чиқариш натижасида захиралар кўшимча ўсиши юз берса, бунда ЯИМ худди бевосита сотиш учун ишлаб чиқарилгани каби ортади.

Биз ЯИМ таҳлилини иқтисодиётда ишлаб чиқариладиган ягона товар нон ҳисоблангандаги таклифдан бошладик. Ҳақиқатда эса иқтисодиётда сезиларли миқдордаги турли-туман товарлар ва хизматлар: нон, гамбургерлар, автомобиллар, сартарошлик хизматлари ва шу кабилар ишлаб чиқарилади. ЯИМда бу турли товарлар қиймати битта йиғилган кўрсаткичда ифода этилади. Иқтисодиётда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг турли-туманлиги ЯИМни ҳисоблашни қийинлаштиради, чунки барча бу товарлар турли қийматга эгалар.

Фараз қилайлик, мисол учун, иқтисодиётда учта апелсин ва тўртта олма ишлаб чиқарилади. Биз ЯИМни қандай ҳисоблаймиз? Биз олма ва апелсинлар миқдорини оддийгина кўшиб, ЯИМ меваларнинг етти бирлигига эга дейишимиз мумкин. Бироқ бу фақат олмалар ва апелсинлар бир хил қийматга эга бўлган ҳолдагина маънога эга бўлиши мумкин, бу эса нотўғри. (бу мисол агар биз иқтисодиётда тўртта тарвуз ва учта грейпфрут ишлаб чиқарилади деб фараз қилганимизда янада яққолроқ бўларди).

Турли товарлар умумий қийматини ҳисоблаш учун биз улар қийматини ифодаси сифатида уларнинг бозор нархини қўллаймиз. Бозор нархи қўлланилишининг сабаби, у одамлар муайян товар ёки хизматлар учун тўлашга тайёр бўлган пул миқдорини ўзида акс эттиради. Агар олмалар донаси 50 цент турса, апелсинлар эса донаси 1 доллар турса, унда ЯИМ қуйидагига тенг бўлади:

$ЯИМ = (\text{олма нархи} * \text{олмалар миқдори}) + (\text{апелсин нархи} * \text{апелсинлар миқдори}) = (0,50 * 4) + (1,00 * 3) = 5,00$

ЯИМ 5 долларга тенг, яъни барча олмалар қиймати (2 доллар) қўшув барча апелсинлар қиймати (3 доллар)

Кўплаб товарларни ишлаб чиқариш бир қанча босқичлардан ўтади: бир фирмада ҳом ашё оралиқ маҳсулотларга айланади ва кейин бошқа фирмага тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш учун сотилади. Биз бундай товарларни ЯИМни ҳисоблашда қандай ҳисобга олишимиз лозим? Фараз қилайлик фермер Мак Доналдсга 0,50 долларга гўштнинг чорак фунтини сотади, Мак Доналдс эса кейин Сизга гамбургерларни 1, 50 доллардан сотади. ЯИМ да ҳам гўштни, ҳам гамбургерни қиймати (2 доллар миқдорида) ҳисобга олиниши лозимми ёки фақат гамбургер қиймати (1, 5 доллар) ми?

Бу саволга жавоб қуйидагича бўлади: ЯИМга фақат якуний маҳсулотлар қиймати киритилади. Шундай қилиб, гамбургер қиймати ЯИМнинг бир қисми ҳисобланади, гўшт қиймати эса йўқ; ЯИМ 2 долларга эмас, фақат 1,5 долларга кўпаяди. Бунинг сабаби шундан иборатки, оралиқ маҳсулотнинг қиймати якуний маҳсулот қийматига киритиб бўлинган. Оралиқ маҳсулот қийматини якуний маҳсулот қийматига қўшиш икки марта ҳисобга олишга олиб келади-яъни бита гўшт икки марта ҳисобга олинган бўлади. Шундай қилиб, ЯИМ-якуний маҳсулот ва хизматлар умумий қиймати.

Барча якуний товар ва хизматлар қийматини ҳисоблаш усулларида бири ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида қўшилган қийматларни қўшишдан иборат. Фирманинг қўшилган қиймати ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан фирма сотиб олган оралиқ маҳсулот қийматини айирмасига тенгдир. Гамбургер келтирилган мисолда, фермер томонидан қўшилган қиймат 50 центга тенг (фермер ҳеч қандай оралиқ маҳсулот сотиб олмаслиги кўзда тутилади), Мак Доналдс томонидан қўшилган қиймат эса (1, 50 доллар – 0,50 доллар) 1,00 долларга тенг. Умумий қўшилган қиймат, шундай қилиб 0,50 доллар + 1,00 доллар = 1,50 долларга тенг. Бутун иқтисодиёт учун қўшилган қийматнинг умумий миқдори барча якуний товар ва хизматларнинг бозор қийматига тенг бўлиши лозим. Шундай қилиб, ЯИМни шунингдек, барча фирмалар қўшилган қийматлари йиғиндиси сифатида ҳам ифодалаш мумкин.

Кўплаб товар ва хизматлар ЯИМда уларнинг бозор қиймати бўйича ҳисобга олинган бир вақтда, баъзи товарлар ва хизматлар бозорда сотилмайди, демак бозор нархига эга эмас. Бу хизматлар қиймати ЯИМга киритилиши лозим бўлгани учун, биз уни ўлчамимиз керак. Бундай баҳолашлар шартли ўтказилган қийматлар номини олди.

Шартли ўтказилган қиймат, масалан, уй-жой соҳасида хизматларни баҳолашда қўлланилади. Уй-жойни ижарага олаётган инсон, хизматлар учун ҳақ тўлайди ва уй эгасини даромад билан таъминлайди; ижара ҳақи ЯИМ ҳисобига уй эгасининг даромади сифатида ҳам, уй-жойни ижарага олувчининг харажатлари сифатида киритилади. Шу билан бирга, кўплаб одамлар шахсий уйларида яшайдилар. Улар ижара ҳақи тўламасалар ҳам, бироқ улар уй-жойни ижарага олувчилар сингари худди шундай хизматлардан фойдаланадилар. Шундай қилиб, шахсий уй эгалари фойдаланадиган хизматларни ҳисобга олиш учун ЯИМ таркибига улар ўзи ўзига “тўлайдиган” “ижара ҳақи” киритилади. Албатта улар ўзи ўзига ҳеч қандай ижара ҳақи тўламайдилар. Савдо вазирлиги агар улар уй-жойни ижарага олганларида тўлашлари мумкин бўлган ижара ҳақи миқдорини баҳолайди ва бу шартли ўтказилган қиймат миқдорини ЯИМга киритади. Бу ижара ҳақи уй эгаларининг ҳам харажатлари, ҳам даромадлари сифатида ҳисобга олинади.

Давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳам худди шундай тарзда баҳоланади. Масалан, аҳолига полициячилар, ўт ўчирувчилар, сенаторлар хизмат кўрсатадилар. Бу хизматларнинг қиймат баҳосини бериш қийин, чунки улар бозорда сотилмайди ва бозор нархига эга эмас. ЯИМ таркибида бу хизматлар уларни кўрсатишга кетадиган сарфларга мувофиқ ҳисобга олинади. Бу ушбу давлат хизматчиларининг маҳсулотлари қийматининг кўрсаткичи бўлиб уларнинг иш ҳақиси хизмат қилишини англатади.

Кўпгина ҳолларда бундай ҳисобга олиш ҳақиқатда зарур бўлсада, бироқ амалиётда амалга оширилмайди. ЯИМ да ўз уйлари учун шартли равишда ўтказилган ижара қиймати ҳисобга олинганлиги учун ҳам мантиқан унга шахсий мулк бўлган автомобиллар, қимматбаҳо буюмлар ва узоқ муддат фойдаланиладиган бошқа товарлар учун шартли равишда ўтказилган ижара қиймати киритилиши лозим, бироқ амалиётда бундай қилинмайди. Бундан ташқари баъзи товарлар уйда ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади ҳамда ҳеч қачон бозорга чиқмайди. Масалан, уйда тайёрланган овқат ресторанда тайёрланган овқатдан унчалик фарқ қилмайди, бироқ овқатни уйда тайёрлаш жараёнида қўшилган қиймати ЯИМ га киритилмайди. Ниҳоят, ЯИМга ноқонуний тайёрланадиган ва сотиладиган товарлар қиймати киритилмайди. Масалан, гиёҳванд моддалар.

Шартли ўтказилган қийматни ҳисоблаш услубияти мукамал бўлмаганлиги ва кўплаб товарлар ҳамда хизматларнинг қиймати ЯИМга киритилмаганлиги сабабли, ЯИМ иқтисодий фаолият натижаларининг идеал кўрсаткичи ҳисобланмайди. Шунга қарамай бу хатоликларнинг мавжудлиги ЯИМ аҳамиятини камайтирмайди. Агар хатоликлар миқдори вақт ўтиши билан унчалик ўзгармаса, ЯИМ турли йиллар ва турли ўн йилликларда иқтисодий фаолият натижаларини солиштириш учун муваффақиятли равишда қўлланилиши мумкин.

3. Миллий ҳисоблар тизимида макроиқтисодий кўрсаткичлар

Макроиқтисодий миқдор кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни миллий ҳисоблар тизими орқали қуйидагича ифодалаш мумкин;

Барча тармоқларнинг ялли ишлаб чиқариши – оралиқ истеъмол = Ялли ички маҳсулот.

Ялли ички маҳсулот - амортизация = Соф ички маҳсулот.

Соф ички маҳсулот – бизнесга эгри солиқлар = Миллий даромад

Миллий даромад – ижтимоий сугуртага бадаллар – корпорация фойдасига солиқлар – корпорацияни тақсимланмаган фойдаси + трансферт тўловлари = Шахсий даромад.

Миллий даромад ресурслар билан таъминловчилар нуқтаи назаридан ишлаб чиқаришда катнашишдан олинган даромад ўлчови кўрсаткичини

билдиради. Ишлаб чиқарувчилар нуктаи назаридан эса миллий даромад бу ресурслар нархи ўлчови кўрсаткичидир. Демак миллий даромад тенг:

$$МД = иш\ хақи + рента + фоиз + фойда.$$

Шахсий даромад миллий даромаддан шу билан фарқ қиладики, меҳнат натижасида яратилган даромаднинг бир қисми - ижтимоий сурурта ажратмалари, фойдадан солиқ тақсимланмаган фойда - уй хўжаликларига етиб бормади. Аксинча трансферт тўловлари, меҳнат фаолияти натижасида олинадиган даромад бўлмаса ҳам, шахсий даромадга киритилади. Бундан келиб чиқадики:

$$ШД = МД - СС - ФС - ТФ + ТТ$$

бунда: *ШД* - Шахсий даромад;

СС - Ижтимоий суғурта;

ТТ - Трансферт тўловлари;

ТФ - Тақсимланмаган фойда;

ФС - Фойдадан солиқ.

Агар *ШД* дан солиқларни айирсак ихтиёрдаги даромад, фақат истеъмол ва жамғармага сарфланадиган қийматга, яъни ихтиёрдаги даромадга эга бўламиз.

Шахсий даромад – якка тартибдаги солиқлар = Ихтиёрдаги даромад.

Миллий даромад - бу, миллий ишлаб чиқаришдан олинган даромад ёки ижтимоий ишлаб чиқаришдаги барча даромад турларининг йиғиндисидир.

Ялпи миллий даромад куйидагича ҳисобланади ;


ЯМД = ЯИМ + ҳориждан олинган омилли даромадлар – ҳорижликларнинг ушбу мамлакат ҳудудидан олган омилли даромадлари.

Шахсий даромад ва миллий даромаднинг бир-биридан шуниси билан фарқ қиладики, ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш эвазига олинган даромадларнинг бир қисми (ижтимоий суғурталар тўловлари, корпорация фойдасига солиқ ва корпорациянинг тақсимланмаган фойдаси) амалда бевосита уй хўжалигига тушмайди. Уй хўжалиги ҳисобига тўғри келадиган даромадларнинг бир қисми, масалан, (трансферт тўловлари) - меҳнат натижаларини билдирмайди.

Трансферт тўловларига - суғурта ташкилотлари томонидан тўланадиган, яъни қариликда ва бахтсиз ходисаларга шунингдек ижтимоий дастурларга асосланган ҳолда ишсизларга тўланадиган нафақалар, ногиронларга тўланадиган ҳар хил тўловлар, ишсизларга ва пенсионерларга тўланадиган нафақалар, истеъмолчилар ва давлат томонидан тўланадиган фоиз тўловлари ва бошқа тўловлар киради.

Шахсий ихтиёрдаги даромад деб индивидуал солиқларни тўлагандан кейинги даромадларга айтилади. **Индивидуал солиқлар** - даромад солиғи, хусусий мол-мулкларга ва мерос қолган мулкларга солинидаган солиқлардан иборат. Шундай қилиб, ҳамма кўрсаткичларни бир бирига боғлайдиган куйидаги

схемага эга бўламиз.



4. Номинал ва реал ЯИМ

Ишлаб чиқаришнинг ҳажмини ифодалаш учун ҳам натурал, ҳам қиймат кўрсаткичлари қўлланилади. Аммо миллий иқтисодиёт ишлаб чиқариш ҳажмини натурал бирликларда амалда ўлчаш мумкин эмас, чунки бу эрда бир – бири билан солиштириб бўлмайдиган миллионлаб номдаги товар ва хизматлар устида гап боради.

Шунинг учун ҳам миллий ишлаб чиқариш ҳажмини ва таркибини ифодалашда қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар икки миқдор ёрдамида аниқланади:

- ишлаб чиқаришнинг натурал шаклидаги ҳажми;
- нархлар даражаси.

Амалиётда миллий ҳисобчилик тизимида нархларнинг икки кўриниши қўлланилади:

- жорий ёки ҳақиқий нархлар;

- ўзгармас ёки солиштирма базис нархлар.

Шу йилдаги жорий ёки амалдаги нархлар йил мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг истеъмоли ўртасидаги боғлиқликни аниқлашда қўлланилади ҳамда такрор ишлаб чиқаришнинг молиявий қиймат жиҳатларини акс эттиради. Лекин жорий нархлардан ишлаб чиқаришни маълум бир вақт давомида таҳлил қилиш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки уларни хар қандай ошиши ёки пасайиши ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг ҳажмига бевосита таъсир этиб, иқтисодиётнинг ҳақиқий аҳволини бузиб кўрсатади. Миллий иқтисодиётнинг ривожланишига ҳаққоний баҳо бериш учун ўзгармас нархлардан фойдаланилади. Ўзгармас ёки солиштирма нархлар асос қилиб олинган бирор – бир йилдаги маҳсулотнинг нархи бўлиб, таҳлил қилинаётган давр учун ишлаб чиқариш ҳажмини қиймат жиҳатдан баҳолашда фойдаланилади. Бу нархлар маҳсулотнинг натурал ҳажмини ўзгаришини илғаш имконини беради ва ишлаб чиқаришни маълум бир вақт давомида ҳақиқий ўзгаришини акс эттиради.

Мамлакат иқтисодий ривожланишининг жорий ва солиштирма нархлардаги ифодаси тубдан фарқланади.

Базис йилни хар бир мамлакат ривожланиш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўзи белгилайди. Базис нархлардан фойдаланиб ҳам ўтган йиллар, ҳам келгуси йилларнинг қиймат кўрсаткичлари қайта ҳисоблаб чиқилади.

Жорий нархларда ўлчанган ишлаб чиқариш ҳажмини номинал, солиштирма нархларда ўлчанганини реал деб аталади.

Нархларнинг ўсиши билан ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгаришини кўрсатувчи миқдорни барча тайёр маҳсулот ва хизматларнинг умумий **нарх индекси ёки дефлятор** деб аталади. Ялпи ички маҳсулот таркибига миллионлаб номдаги яратилган неъматлар киради ва уларни хар бирининг нархини ўзгариб туришини жисмонан кузатиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам дефлятор бозор савати ёрдамида аниқланади. Бозор савати ялпи ички маҳсулот таркибига кирувчи, унинг асосий қисмини ташкил этувчи муҳим товар ва хизматларни ўз ичига олади. Статистика идоралари томонидан бозор саватига киритилган товар ва хизматларга бўлган нархларнинг ўзгариши доимо кузатилиб турилади ва шу асосда нархларнинг умумий индекси ёки дефлятор ҳисобланади.

**Жорий йилдаги бозор саватининг баҳоси
шу йилнинг нархларида**

Жорий йил дефлятори = -----x 100

**Жорий йилдаги бозор саватининг баҳоси
базис йили нархларида**

Агарда ўтган давр ичида ялпи ички маҳсулотнинг натурал ҳажми ўзгармасдан қолган бўлса, унинг номинал қиймати шунча ошади. Нархлар даражаси пасаяётган бўлса, унда нархлар индекси ёки дефлятор 100 фоиздан кам даражагача тушиб кетади. ЯИМ нархлари индексининг жорий йилда базис йилга қараганда кўтарилиб бориши инфляцияни ва аксинча, уни камайиб бориши дефляцияни билдиради. Миллий ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгаришига нархларнинг таъсирини бартараф этиш мақсадида дефлятор ёрдамида реал ялпи ички маҳсулот ҳисобланади.

Номинал ЯИМ

$$\text{Реал ЯИМ} = \text{-----} \times 100 \%$$

Дефлятор

Иқтисодий амалиётда дефлятор билан бир қаторда инфляция даражасини яна бир кўрсаткичи – истеъмол нархлари индекси (ИНИ) ёки ҳаёт кечириш қиймати индекси кенг қўлланилади. Бу кўрсаткич ҳам дефлятор каби бозор савати ёрдамида аниқланади. Аммо, бу ерда бозор саватига фақат аҳолининг истеъмол бюджети асосини ташкил этувчи истеъмол моллари ва хизматлар киритилади, ҳолбуки, дефляторни ҳисобланаётганда бозор саватининг сезиларли қисмини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган товарлар ташкил этади. Истеъмол нархлари индекси жорий йилда базис йилга қараганда қайд этилган истеъмол буюмлари ва хизматлар туркумининг қийматини қандай ўзгараётганини акс эттиради. Бошқача айтганда, бу индекс ёрдамида ҳар бир кишининг, оиланинг ва барча аҳолининг ҳаёт кечириш қиймати ёки турмуш даражаси қандай ўзгараётганини аниқлаш мумкин.

Демак, иқтисодиётда доимий инфляция жараёнининг мавжудлиги макроиқтисодий кўрсаткичларни таққослама баҳоларда ҳисоблашни зарур этиб қўяди. Чунки, инфляция иқтисодиётнинг реал ҳолатини бузиб кўрсатади. Иқтисодиётни таҳлил қилиш, муаммоларни аниқлаш ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилишни қийинлаштиради. Бу вазифани бажариш учун жорий баҳоларда ҳисобланган номинал кўрсаткичлардан эмас, балки таққослама (базис) баҳоларда ҳисобланган реал кўрсаткичлардан фойдаланиш зарур. Баҳолар индексини ёки инфляция даражасини ҳисоблаш учун: дефлятор; истеъмол нархлари индекси (Ласпейрес индекси); саноат ишлаб чиқариш баҳолари индекслари ҳисобланиши лозим.

Дефлятор кўрсаткичи қуйидаги формула билан ҳисоблаганади:

$$\text{Дефлятор} = \frac{\sum Q_1^i P_1^i}{\sum Q_1^i P_0^i} \cdot 100$$

$$\text{Реал ЯИМ} = \frac{\text{Номинал ЯММ}}{\text{Дефлятор}} - 100$$

Истеъмол нархлари индекси куйидагича аниқланади:

$$\text{INI} = \frac{\sum Q^i_0 P^i_1}{\sum Q^i_0 P^i_0} - 100$$

бу эрда:

Q^i_0 – базис йилда бозор саватига киритилган i – товар ва хизматлар ҳажми; P^i_1 – i – товарнинг жорий йилдаги баҳоси; P^i_0 – i – товарнинг базис йилдаги ҳажми.

Саноат ишлаб чиқарувчилар баҳо индекси истеъмол нархлари индекси сингари ҳисобланади. Лекин бозор саватига саноат маҳсулотларигина киритилиб улар улгуржи баҳоларда ҳисобланади.

Фоиз ставкаси

Муҳим макроиктисодий кўрсаткич сифатида фоиз ставка ишлатилади. **Фоиз ставка** - бу кредитга бериладиган пулларга тўлов. Фоиз ставка даражаси иқтисодда муҳим рол уйнайди. Фоиз ставкалар даражаси турлича бўлиши мумкин. Фоиз ставкалар дифференциацияси қарз берувчининг таваккал қилиши даражасидан боғлиқ.

Фоиз ставкалар бозор механизми таъсири остидадир: пул таклифи тушса, фоиз ставка ўсади ва аксинча.

Номинал ва реал фоиз ставкалари фарқ қилинади. Реал фоиз ставка инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади. У талаб ва таклиф асосида аниқланадиган номинал фоиз ставкадан инфляция даражасини айириш билан аниқланади:

$$r = i - \% AP,$$

бунда: r - реал фоиз ставка;

i - номинал фоиз ставка;

P - нарх умумий даражаси.

Ўзбекистон Республикасида икки поғонали банк тизими қўлланилгандан бери Марказий банк ҳамма тижорат банклари учун ягона фоиз ставка белгилайди. Бу фоиз ставка маъмурий равишда белгиланади ва рақобатга боғлиқ эмас. Тижорат банклари эса ўз фоиз ставкаларини бозор конъюнктурасига қараб белгилайдилар.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ялпи ички маҳсулот тушунчаси.
2. Даромадлар бўйича ЯИМни аниқлаш услуби.
3. Харажатлар бўйича ЯИМни ҳисоблаш услуби.
4. Трансферт тўловлари нима? Билвосита солиқларни тушунтириш.
5. Рента маъноси. Инвестицион харажатлар моҳияти нимада?
6. Соф ички маҳсулот қандай аниқланади? Шахсий даромад кўрсаткичини изоҳланг. Ихтиёрдаги даромадни қандай тушунасанг? Соф экспорт дегани нима?
7. Миллий даромад кўрсаткичи ва унинг аҳамияти.
8. Фоиз ставкаси ва унинг макроиктисодий барқарорлаштиришдаги аҳамияти
9. Амортизация моҳияти. Давлат харажатларининг моҳияти.
10. Нархлар индекси ва уни ҳисоблаш услуби.

Асосий адабиётлар

1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. М.: ДИС. 1997.
2. Бункина М.К., Семянов В.А. Макроэкономика. М.: 1997.
3. Жеффри Д., Сакс Д., и др. Макроэкономика. Глобальнўй подход. М.: Дело. 1996.
4. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиктисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ - 2000.
5. Менкью Н.Г. Микроэкономика. М.: МГУ, 1994.

3-мавзу. Иқтисодий тебранишлар. Ишсизлик

Режа:

1. Иқтисодий давр тушунчаси ва унинг босқичлари.
2. Иқтисодий даврларни юзага келиш сабаблари. Иқтисодий даврларнинг асосий типлари
3. Иқтисодий даврларнинг таъсири. Давлатнинг даврийликка қарши сиёсати
4. Ишсизлик тушунчаси ва ишсизлик даражасининг ўлчаниши.
5. Ишсизлик турлари. Реал иш ҳақи, ишчи кучига талаб ва таклиф.

Таянч сўз ва иборалар: иқтисодий инқироз, иқтисодий цикл ,турғунлик (депрессия), жонланиш, юксалиш, даврийлик, иқтисодий жараён, тебраниш, ишсизлик, ишчи кучи, фрикцион ишсизлик, таркибий ишсизлик, даврий ишсизлик, иқтисодий фаол аҳоли, меҳнат бозори, реал иш ҳақи, ишчи кучига талаб, ишчи кучи таклифи.

1. Иқтисодий давр тушунчаси ва унинг босқичлари

Барқарор иқтисодий ривожланишнинг шарти бўлиб мувозанат, ижтимоий ишлаб чиқариш ва истеъмол, ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги тенглик ҳисобланади. Бироқ бозор иқтисодиётида мувозанат ҳолати вақти вақти билан бузилиб туради. Миллий хўжалик амал қилишида муайян даврийлик, такрорланиш кузатилади, бунда иқтисодиётнинг юксалиш даври пасайиш ҳамда турғунлик даврлари билан алмашади. Даврийликни миллий иқтисодиётни бир макроиқтисодий мувозанатдан бошқасига ҳаракати сифатида аниқлаш мумкин.

Иқтисодий ўсиш – бу ўзгармаган ҳолда бир хилда юксалиб бориш ҳолатидир. Ижтимоий ишлаб чиқариш ҳаракатида ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми жуда тез ўсадиган йиллар бор, бошқа йилларда эса бу жараён секин юз беради, баъзида эса пасайиш йиллари ҳам бўлади. Ижтимоий ишлаб чиқариш ҳаракатида муайян вақт оралиғида тез-тез такрорланадиган ҳолат унинг ривожланишини даврийлик хусусиятини билдиради. Бир даврнинг оралиғи иқтисодиётни бир инқироздан бошқасигача, ёки бошқача айтганда чўққининг бир нуқтасидан бошқасигача бўлган ҳаракатини қамраб олади. Иқтисодий пасайиш иқтисодиётнинг юксалиши, ишлаб чиқариш ўсиши ва ишсизлик қисқариши билан алмашади.

Замонавий шароитда давлат иқтисодиётнинг “қизиб кетишини” олдини оловчи ёки турғунлик босқичида иқтисодиётни жадаллаштирувчи иқтисодий воситаларнинг бутун тўпламига эга. Шу мақсадларда солиқ тизимидан фойдаланилади: фойдага (қўшилган қийматга) солиқ ставкасини ошириш ёки тушириш орқали давлат муайян фаолият соҳаларида ишчан фаолликни рағбатлантиради (ёки аксинча тўхтатади), имтиёзлар тизимидан фойдаланиб, муайян корхоналар гуруҳига мақсадли йўналтирилган таъсирни амалга оширади. Худди шу мақсадларда кредит сиёсатидан фойдаланилади – фоизнинг ҳисоб ставкасини тушириб ёки ошириб, қўшимча капитал қўйилмаларга қизиқишни ошириш ёки уларни бутунлай йўқ қилиш мумкин. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва даврийликни юмшатишга давлатнинг бюджет сиёсати катта ҳисса қўшади. Ривожланишнинг йирик дастурларини (масалан, ишлаб чиқариш инфратузилмасини) бюджет ҳисобига молиялаштириш жамият учун зарур фаолият соҳаларида бизнесни ривожлантириш учун умумий шарт-шароитларни яратади.

Иқтисодий давр миллий хўжаликлар нотекис ривожланиши ва умуман иқтисодий жараёни ифода этувчи иқтисодий фаолликни қатор бир бири билан кетма-кет алмашадиган босқичларини ўз ичига олади. Охир оқибатда даврийлик орқали иқтисодий ўсиш намоён бўлади, ёки ҳаракат доиравий э мас, вазиятнинг узоқ муддатли каби, ўрта муддатли тебранишларини акс эттириб спирал бўйича бўлади. Даврийлик - тизимнинг даврлар ёрдамида ўз ҳаракатини амалга ошириш хусусияти. Даврийлик мувозанатли каби мувозанат бўлмаган тизимларга ҳам хос, бунда фақат шакл жиҳатдан фарқ қилади - доирага яқин шаклдаги, тўлқин шаклидаги, спирал шаклидаги ёки зина шаклидаги кўринишга эга бўлади. Иқтисодий даврнинг ҳаракатида кетма-кет бўладиган тўртта босқич кузатилади:

1. Инқироз – бу ишлаб чиқаришни пасайиши ва тўхтаб қолишини юзага келтирувчи иқтисодиётдаги мувозанатни бузилиши. Бозор иқтисодиёти учун ортиқча ишлаб чиқаришнинг инқирози хос бўлиб, унинг оқибатида нархнинг катъий тушиши юз беради (1929-1933 йиллар АҚШда нархлар 54 фоизга пасайди. Кейин ишлаб чиқариш ҳажми пасаяди, бу ишсизликни ўсишига, демак аҳоли даромадларини пасайишига, ўз навбатида тўлов қобилиятли талабни қисқаришига олиб келади. Бунда ишлаб чиқариш ва бандлик даражалари камаяди, аммо нархнинг ўсиш даражаси пасаймайди. Бу босқич фаол ва узоқ давом этсагина нархнинг ўсиш даражаси сустлашиши мумкин. Пасайишнинг қуйи нуктасида ишлаб чиқариш ва бандлик энг қуйи даражага тушади ва таназзул даври бошланади.

2. Таназзул – товарлар ортиқчалиги муайян вақт давомида аста-секин сарфланадиган давр (бир қисми паст нархларда, бир қисми бузилади).

Товарларни сотиш қайта тикланади, нархларни пасайиши тўхтайдди. Ишлаб чиқариш ҳажми бир мунча кўпаяди, бироқ савдо суст бўлади. Шунинг учун капитал саноат ва савдода ўз қўлланилишини топмайди, банкда сақланади ва пул таклифини кўпайтиради ҳамда ссуда фоизини меъёрини пасайтиради.

3. Жонланиш – саноат ишлаб чиқаришининг инқироздан олдинги ҳажмини қайта тиклаш даври бўлиб, бу давр давомида нархлар, фойда, иш ҳақи кўтарилади, унинг оқибатида ишлаб чиқариш ва бандлик даражаси аста-секин тўлиқ бандликка ва қувватларнинг тўлиқ юклашга қадар, яъни чўққигача ошиб боради.

4. Чўққи – ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ юкланганлиги, юқори бандлик, нархлар, иш ҳақи ва фоизнинг жуда юқори даражаси билан ифодаланади. Иқтисодий ривожланишнинг энг юқори даражасига эришилган босқич бўлиб, у «чўққи» деб юритилади. Бу иқтисодиётда иш билан тўлиқ бандлик, ишлаб чиқариш тўла қувватда ишлаётганлиги, шунингдек, маҳсулотларнинг нарх даражасининг ўсиш ҳолати кузатилади.

Иқтисодий цикл деганда, одатда иқтисодиёт ривожланишининг бир ҳолатидан бошланиб, бирин кетин бир неча фазаларни босиб ўтиб, ўзининг дастлабки ҳолатига қайтиб келгунга қадар ўтган давр тушунилади.

Иқтисодиётнинг ривожланишидаги ҳаракати бир цикл билан тўхтаб қолмайди, балки у тўхтовсиз тўлқинсимон ҳаракат сифатида давом этади. Циклли ҳаракат иқтисодий ўзгаришнинг муҳим омили, макроиқтисодий мувозанат унсурларидан бири бўлиб, миллий хўжалик турли таркибий қисмларининг амал қилишидаги нотекисликни, унинг ривожланишидаги инқилобий ва тадрижий босқичларнинг иқтисодий тараққиёт жараёнидаги алмашувини акс эттиради.


Алоҳида иқтисодий цикллар бир-биридан давомийлиги ва интенсивлиги бўйича кескин фарқланади. Шунга қарамай, уларнинг ҳаммаси бир хил фазаларга эга бўлади. Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш тарихини ўрганиш, улардан ҳеч бири узоқ муддатда бир текис ривожланмаганлиги, аксинча, барча мамлакатлар учун даврий ривожланиш хос эканлигини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш, бандлилик ва инфляция даражасининг даврий тебранишга **иқтисодий давр (цикл)лар** дейилади. Айрим иқтисодий даврлар бошқаларидан ўтиш даврининг давомийлиги ва фаоллиги билан фарқ қилади. Шунга қарамасдан уларнинг барчаси бир хил босқичлардан ташкил топади (7-чизма).

Юқорида таъкидлаганимиздек, иқтисодий даврлар бир хил босқичларга эга бўлсада, аммо улар давомийлиги ва фаоллигига кўра ўзаро фарқ қилиб туради. Шунинг учун ҳам иқтисодчилар, бу жараёнларни

иқтисодий даврлар деб эмас, балки иқтисодий тебранишлар деб аташ тўғри бўлади деб ҳисоблашади.

ЯИМ



7-чизма. Иқтисодиётнинг даврий ривожланиши

2. Иқтисодий даврларни юзага келиш сабаблари. Иқтисодий даврларнинг асосий типлари

Иқтисодий тебранишларнинг асосий сабаби сифатида иқтисодчилар уч омилни кўрсатади. Биринчи гуруҳ олимлар иқтисодий тебранишларнинг асосий сабаби техника ва технологияларда рўй берадиган ўзгаришлар деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича фан-техника ютуқларини қўллаш натижасида иқтисодиётда ўсиш рўй беради. Масалан автомобилнинг яратилиши ёқилғи саноати, нефт қазиб чиқариш, химия, йўл қурилиши материаллари саноатларининг жадал ривожланишига сабаб бўлди. Янги технологиялар ишлаб чиқариш унумдорлигини бир неча баравар ошириш, илгари фойдаланилмаган ресурсларни ишга тушириш имконини беради. Техник ва технологик янгиликлар доим ҳам яратилавермаслиги иқтисодиётдаги тебранишларга сабаб бўлади.

Олимларнинг яна бир гуруҳи иқтисодий босқичларни сиёсий ва тасодифий вазиятларга боғлашади.

Бу жараёни монетар сиёсатга боғлайдиган олимлар ҳам мавжуд. Яъни, давлат қанчалик кўп пул босиб чиқарса, унинг қадри шунчалик камайиб боради, ва аксинча, пул миқдори қанчалик кам бўлса, ишлаб чиқариш қўламининг пасайиши ва ишсизлар сонининг ортиши шунчалик тезлашади. Хуллас, иқтисодий босқичларни нархлашга турли хил ёндашувлар мавжуд. Аммо барча иқтисодчилар, ишлаб чиқариш ва бандлилик даражаларини ялпи талаб ва бошқача айтганда ялпи харажатлар миқдorigа боғлиқ, деган фикрни қўллаб-қувватлайдилар. Чунки, корхоналар ўз товар ва хизматларини уларга талаб бўлсагина ишлаб чиқаради. Бошқача айтганда, талаб катта бўлмаса, корхоналарда товар ва хизматларни катта

миқдорда ишлаб чиқариш фойдали эмас. Ўз навбатида, ишлаб чиқаришда бандлилик ва даромадлар даражаси ҳам, айнан шу сабабли, паст бўлади. Ялпи харажатлар миқдори қанчалик кўп бўлса, ишлаб чиқаришнинг ўсиши катта фойда олиб келади. Шунинг учун ишлаб чиқариш, бандлилик ва даромадлар даражаси ортиб боради. Иқтисодий тебранишлар сабабларини, уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш, иқтисодий тебранишлар амплитудасини қисқартириш барча ҳукуматлар макроиқтисодий сиёсатининг муҳим мақсадларидан биридир.

Иқтисодий циклларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларга таъсир кўрсатувчи омилларнинг чуқур ва изчил равишда тадқиқ этилиши турли кўринишдаги иқтисодий икл назарияларининг вужудга келишига олиб келди.

Кўпчилик ҳозирги замон иқтисодчилари иқтисодий циклларнинг объектив тавсифини тан олиб, бу ҳодисани унга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш орқали ўрганишни тавсия қилади. Иқтисодий циклларни ташқи омилларнинг мавжудлиги билан тушунтирувчи назарияни *экстернал назария* деб аталади.

Ташқи омилларга иқтисодий тизимдан ташқарида ётувчи ва иқтисодий ҳодисаларнинг даврий такрорланишини келтириб чиқарадиган омиллар киритилади. Бу ташқи омиллар ичидан қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

- ✓ урушлар, инқилобий ўзгаришлар ва бошқа сиёсий ларзалар;
- ✓ олтин, уран, нефт ва бошқа қимматли ресурслар йирик конларининг очилиши;
- ✓ янги ҳудудларнинг очилиши ва бу билан боғлиқ равишда аҳоли миграцияси, ер шарни аҳолиси сонининг ўзгариб туриши;
- ✓ ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган технология, тадқиқотлар ва инновациялардаги қудратли ўзгаришлар.

Иқтисодий циклларни иқтисодий тизимнинг ўзига хос ички омиллари таъсирида вужудга келишини асословчи назария *интернал назария* деб аталади.

Асосий капиталнинг жисмоний ва маънавий жихатдан эскириб, хизмат муддати тугаши ва унинг янгиланиши кўпчилик иқтисодчилар томонидан иқтисодий циклни келтириб чиқарувчи муҳим омиллардан бири сифатида қаралади.

Агар бир ёки бир неча тармоқда машина-ускуналарга талабнинг кескин ортишини келтириб чиқарадиган иқтисодий ўсиш бошланса, табиийки, бу ҳол машина ва ускуналар тўлиқ эскирадиган ҳар 10-15 йилдан кейин такрорланади. Фан-техника тараққиёти натижасида бу муддат қисқариб

боради ва инқирозлар тез такрорланади. Шунингдек, қуйидаги бошқа ички омиллар ҳам ажратиб кўрсатилади:

- шахсий истеъмолнинг ўзгариши (қисқариши ёки кенгайиши);
- инвестициялар, яъни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни янгилаш ва янги иш жойларини вужудга келтиришга йўналтирилган маблағлар ҳажми;
- ишлаб чиқариш, талаб ва таклифлар ҳажмига таъсир кўрсатишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариши.

Иқтисодий циклларнинг келиб чиқишини фақат экстернал ёки интернал назария орқали тушунтириш тўғри бўлмайди. Иқтисодий цикл ва умуман иқтисодий тизимдаги миқдорий ва сифат ўзгаришлар ташқи ва ички омиллар биргаликдаги таъсири оқибатида келиб чиқиши мумкин. Шунингдек, иқтисодиётнинг циклли ривожланиши сабабларини изоҳлашда бир қатор назариялар ҳам илгари сурилади.

Иқтисодий даврларнинг асосий типлари

Цикл турлари	Циклнинг давомийлиги	Асосий хусусиятлари
Китчин цикли	2–4 йил	Захиралар миқдори ® ЯММ, инфляция, бандликнинг тебраниши, тижорат цикллари
Жуглар цикли	7–12 йил	Инвестицион цикл ® ЯММ, инфляция ва бандликнинг тебраниши
Кузнетс цикли	16-25 йил	Даромад ® иммигрантсия ® уй-жой қурилиши ® ялпи талаб ® даромад
Кондратев цикли	40-60 йил	Техника тараққиёти, таркибий ўзгаришлар
Форрестер цикли	200 йил	Энергия ва материаллар
Тоффлер цикли	1000-2000 йил	Цивилизацияларнинг ривожланиши

Китчин цикли захиралар цикли деб ҳам номланади. Бунда Жозеф Китчин (1926 й.) ўзининг эътиборини товар захираларининг ҳаракат чоғидаги молиявий ҳисоблар ва сотиш нархларини таҳлил қилиш асосида 2 йилдан 4 йилгача давр давомидаги қисқа тўлқинларни тадқиқ қилишга қаратади. Айниқса, у циклнинг давомийлигини жаҳондаги олтин захираларининг тебранишлари билан боғлаб, уни 3 йилу 4 ойга тенг, деб ҳисоблайди. Бироқ қисқа муддатли цикллар сабабларининг бундай изоҳи бугунги кунда кўпчилик иқтисодчиларни қониқтирмайди.

Жуглар цикли «бизнес-цикл», «саноат цикли», «ўртача цикл» ва «катта цикл» каби номлар билан ҳам аталади. Олдинги даврларда иқтисодий фан 7-12 йиллик циклларни ажратиб кўрсатганлиги туфайли, айнан шу цикл

Франция, Англия ва АҚШда фоиз ставкалари ва нархдаги тебранишларни асосий таҳлил қилиш асосида саноат циклининг табиатини ўрганишга катта ҳисса қўшган Клемент Жуглар (1819-1905 йй.) номи билан аталади.

Биринчи саноат цикли 1825 йили Англияда металлургия ва бошқа етакчи тармоқларда машинали ишлаб чиқариш ҳукмрон мавқени эгаллаган даврда кузатилади. 1836 йилдаги инқироз дастлаб Англияда бошланиб, кейин АҚШга ҳам тарқалади, 1847-1848 йилларда АҚШ ва қатор европа давлатларида бошланган инқироз туб моҳиятига кўра биринчи жаҳон саноат инқироzi бўлган.

Агар XIX асрда саноат цикли 10-12 йилни ташкил қилган бўлса, XX асрда унинг давомийлиги 7-9 йил ва ундан ҳам кам давргача қисқарган.

АҚШ ва европанинг ривожланган давлатлари XX асрда 12 та саноат циклини бошдан кечирган бўлиб, улардан еттитаси иккинчи жаҳон урушидан кейин рўй берган.

Кузнец цикли кўп ҳолларда «қурилиш цикли» деб ҳам номланиб, 20 йилгача бўлган иқтисодий тебранишлар билан аниқланади. Саймон Кузнец ўзининг «Миллий даромад» (1946 й.) номли китобида миллий даромад, истеъмол сарфлари, ишлаб чиқариш мақсадидаги ускуналар ҳамда бино ва иншоотларга ялпи инвестициялар кўрсаткичларида 20 йиллик ўзаро боғлиқ тебранишлар мавжуд бўлишини кўрсатиб берган. 1955 йилда америкалик иқтисодчининг хизматларини тан олиш рамзи сифатида саноат циклини Кузнец цикли деб номлашга қарор қилинади.

Кондратев цикли «узоқ тўлқинлар» цикли деб ҳам аталади. Цикллиликнинг бу назариясини ишлаб чиқишга рус олими Н.Д.Кондратев катта ҳисса қўшган. Унинг тадқиқоти Англия, Франция ва АҚШнинг 100-150 йил давомидаги ривожланишини қамраб олган. Бунда у иқтисодий ўсишнинг кўп омилли таҳлилини ўтказиб, яъни товар нархлари капитал учун фоиз, номинал иш ҳақи, ташқи савдо айланмаси каби макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўртача даражасини умумлаштириш натижасида бир қатор катта циклларни ажратиб кўрсатади.

I-цикл: 1787-1814 йиллар – кўтарувчи тўлқин; 1814-1851 йиллар – пасайтирувчи тўлқин.

II-цикл: 1844-1851 йиллар – кўтарувчи тўлқин; 1870-1896 йиллар – пасайтирувчи тўлқин.

III-цикл: 1896-1920 йиллар – кўтарувчи тўлқин.

Кондратев циклининг давомийлиги ўртача 40-60 йилни ташкил қилади ва унинг асосий хусусияти техника тараққиёти ҳамда таркибий ўзгаришларни ўзида акс эттириши ҳисобланади. Кондратев биринчи катта циклининг юксалиш фазасини Англиядаги саноат революцияси, иккинчисини – темир

йўл транспортининг ривожланиши, учинчисини – электр энергияси, телефон ва радионинг кашф этилиши, тўртинчисини – автомобил саноатининг ривожланиши билан боғлайди. Ҳозирги замон тадқиқотчилари бешинчи циклни электроника, ген инженерлиги ва микропроцессорлар ривожланиши тақозо қилишини кўрсатади.

Иқтисодий даврларнинг синфланиши куйидаги чизмада акс этган.



Иқтисодий даврларнинг таъсири

Иқтисодий цикл барча томонлари билан намоён бўлиб, амалда иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларига сезиларли таъсир кўрсатади. Иқтисодиёт таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлиги сабабли унинг ҳеч бир соҳаси инфляция тўлқини ёки турғунликнинг ноҳуш оқибатларидан четда қолмайди. Аммо шунинг эътиборга олиш зарурки, иқтисодий цикл алоҳида шахслар турмуш даражаси ва корхоналар иқтисодий фаоллигига турли даражада таъсир кўрсатади. Одатда иқтисодий инқирозлардан саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари ва узоқ муддатли фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқлари кўпроқ зарар кўрадилар.

Уй-жой ва саноат бинолари қурилиши, оғир машинасозлик ҳамда инвестицион товарлар, автомобиллар, маиший хўжалик буюмлари ва шунга ўхшаш товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ саноат тармоқлари ва уларда банд бўлган ишчилар циклнинг инқироз фазасида оғир оқибатга учрайди. Бироқ, бу тармоқлар циклнинг юксалиш фазасида ўзининг ривожланиши учун юқори даражада рағбат олади.

Иқтисодиёт қийинчиликни бошидан кечири бошлаганда ишлаб чиқарувчилар кўпинча, замонавий ускуналарни сотиб олишни ва янги заводлар қуришни тўхтатади ёки қандайдир муддатга кечиктириши мумкин. Бундай конъюнктура шароитида инвестицион товарлар захираларини

кўпайтириш ҳеч қандай иқтисодий мазмунга эга эмас, аксинча корхоналар мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан анча тўлароқ фойдаланишлари мумкин бўлади.

Иқтисодий жиҳатдан қулай даврларда, яъни циклнинг жонланиш ва юксалиш фазаларида ишлаб чиқариш воситалари одатда улар тўлиқ эскиргунга қадар алмаштирилади. Аммо таназзул даври келганида, корхоналар ўзининг эскирган ускуналарини таъмирлаб, уларни ишга туширади. Шу сабабли бу даврда ишлаб чиқариш воситаларига инвестициялар кескин қисқаради. Ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари мавжуд бўлган айрим корхоналар, ҳатто истеъмол қилинган асосий капиталининг ўрнини қоплашга ҳам ҳаракат қилмайди.

Қисқа муддатли фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари иқтисодий циклнинг оқибатларини нисбатан камроқ даражада сезади.

Аҳоли ёки кенг истеъмолчилар қатламига иқтисодий цикл турлича таъсир кўрсатади. Таназзул даври бошланганда, доимий даромад олувчи истеъмолчилар оила бюджетини қисқартиришларига тўғри келади, маиший техника ва автомашина каби узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилишни тўхтатади. Ҳар қандай шароитда ҳам оила аъзолари еб-ичиши ва кийиниши зарурлиги туфайли, озик-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечаклар, яъни қисқа муддатда фойдаланадиган истеъмол товарларини харид қилишни тўхтатиш мумкин эмас. Фақат, бундай товарларни харид қилиш миқдори қандайдир даражада камайиши мумкин.

Инвестицион товарлар ва узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи кўпчилик саноат тармоқлари юқори даражада монопол мавқега эгаллиги билан фарқланади ва натижада бозорда нисбатан кўп бўлмаган йирик фирмалар маълум давр давомида нархнинг пасайишига қарши туриши, талабнинг камайиши сабабли маҳсулот чиқариш ҳажминини чеклаш учун этарлича монопол ҳукмронликка эга бўлиши мумкин. Шу сабабли талабнинг камайиши биринчи навбатда ишлаб чиқариш ва бандлик даражасига таъсир кўрсатади. Бунга тесқари бўлган ҳолатни қисқа муддатли фойдаланиладиган истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларида кузатиш мумкин. Бу тармоқларнинг кўпчилиги ўзларининг рақобатга лаёқатсизлиги ва ишлаб чиқариш марказлашув даражасининг пастлиги билан тавсифланади. Шу сабабли улар циклнинг салбий оқибатларига қарши тура олмаслиги мумкин ва маҳсулотларига талабнинг пасайиши ишлаб чиқариш даражасига қараганда нархларда кўпроқ акс этади.

Демак, капиталнинг тўпланиши юқори даражада бўлган тармоқларда ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин пасайиши ва нархларнинг нисбатан

секин тушиши, тўпланиш даражаси паст бўлган тармоқларда нархларнинг сезиларли тушиши ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг нисбатан кам қисқариши кузатилади.

Давлатнинг даврийликка қарши сиёсати

Даврийликка қарши сиёсат — иқтисодий сиёсат воситаларидан иқтисодий конъюнктуранинг тебранишларига қарши ҳаракати, иқтисодий даврнинг кескин бурилишининг юқори ва қуйи нуқталарини юмшатиш учун учун фойдаланиш.

Даврий тебранишларни давлат томонидан тартибга солиш усуллари қандай бўлмасин, уларнинг барчаси ўзаро қарама-қаршиликка олиб келади. Барча чора-тадбирлар ҳар бир ҳолатда тебраниш боришига қарши йўналтирилиши лозим. Инқироз ва таназул даврида — бозор конъюктураси паст ва давлат барча воситалар ёрдамида хўжалик фаолиятини фаоллаштиришга, жонланиш, айниқса кўтарилиш даврида у ишчан фаолликни ушлаб туришга интилади. Шундай қилиб, масалан, ишсизлик, ишчан фаоллик пасайиш даврида давлат харажатларини ошириш ва солиқларни пасайтириш ҳамда чўққига эришган даврда бу харажатларни қисқартириш билан солиқларни ошириш орқали тартибга солинади. Бундан ташқари давлат ортиқча ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидини амалга ошириб ўз бюджетини кенг қўллайди ва бошқалар. Даврийликка қарши тартибга солиш шунчалик муваффақиятли амалга ошириладики, у даврни ҳамда унинг юзага келишини замонавий шароитларга мослайди.

Давлатларнинг иқтисодий сиёсати асосан инқирозга қарши, даврийликка қарши сифатида ривожланди. Даврни тартибга солиш бўйича кенг қамровли йўналиш ва чора-тадбирлари ишланди. Бунда бугунги кунда бюджет сиёсат инструментлари, монетар сиёсат воситалари ва ниҳоят такрор ишлаб чиқариш нисбатларига бевосита таъсир чора-тадбирлари — миллий иқтисодиётларни дастурлаш ва режалаштириш.

Бюджет сиёсати давлат харажатлари кўламлари, товарлар ва хизматлар хариди даврга барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатади. Товар ва хизматларни давлат хариди — конъюнктура тебранишларига чидамли СИМга ялпи талабнинг бир қисми. Бироқ бюджет сиёсат даврга фақат кўламига эмас, балки таркибига ҳам таъсир кўрсатади. Даврга таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан у ё рағбатлантирувчи, экспансия, ёки тўхтатувчи, рестриктив бўлиши мумкин.

Монетар сиёсат ҳозирги аҳамиятига олтин стандартдан олтинга бўлинмайдиган кредит ва қоғоз пулларга ўтиши билан боғлиқ асосда пайдо бўлди. Олтин стандарт шароитида муомаладаги пул миқдори даврларга унчалик сезиларли таъсир кўрсатмаган: катта миқдор хазинага кетган ва у

ерда пулларга бўлган кўшимча эҳтиёжлар тўлдирилган. Бошқа иш бу олтинга бўлинмаган пуллар бўлиб, улар инфляцияга учрайди, бу уларни хазинага ўтишига тўсқинлик қилади. Шу сабабдан пул миқдори даврга таъсир кўрсатувчи омилга айланади.

Бозор иқтисодиётида марказий ўринни пул ва кредит эгаллайди. Иқтисодиётнинг цикли ўзгариши энг аввало пул массаси оқимини ўзгартиришга боғлиқ.

Иқтисодий фаолликнинг ўсиши, иқтисодиётнинг раванқ топиши, унинг турғунлик билан алмашилиб туришига ягона сабаб пул оқимининг ўзгаришидир. Товарларга талабнинг ортиши натижасида савдо, чакана нарх ўсиб, ишлаб чиқаришнинг кенгайишига олиб келади.

Пул оқими (истеъмол харажатлари суммаси) пул миқдорининг ўзгариши натижасида ўзгаради. Пул миқдорининг камайиши иқтисодий фаолият фаоллигини пасайтиради.

Пул ва кредит тизими беқарор тавсифга эга эканлиги сабабли пул оқимини барқарорлаштириш мураккаб ҳисобланади. Ҳозирги пайтда кредит пуллари тўлов ва муомала воситаси сифатида асосий ролни ўйнайди. Айнан банк тизими кредит пулларни яратади, шунга кўра, пул оқимининг ўзгаришида банкларнинг ҳисоб ставкалари катта аҳамият касб этади. Бу назариянинг айрим намоёндалари пулни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида қараб, мувозанатнинг бузилишига асосий сабаб деб кўрсатадилар.

Иккинчи гуруҳи эса пул тизими мутаносибликни бузмайди, фақат мутаносибликни бузилишига олиб келувчи бошқа омиллар учун шароит яратади, деган фикрни илгари сурадилар. Мувофиқ равишда монетар ва номонетар йўналиш вужудга келди. Монетар назариянинг эътиборли томонлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- 1) юксалиш фазаси даврида кредитни кенгайтириш туфайли келиб чиққан ишлаб чиқариш тузилмаси номутаносибликлари таҳлил қилинади;
- 2) мазкур номутаносибликларнинг салбий оқибати сифатида келиб чиқувчи инқирозлар таҳлил қилинади.

Шундай қилиб, бу назария тарафдорлари жамғаришнинг даврий равишда ошиб кетиши ва мутаносиблик бузилишининг асосий сабаби сифатида пулни кўрсатадилар. **Номонетар назария** тарафдорлари эса технологик ўзгаришлар, янгиликлар, ихтироларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб, пул жамғаришнинг кўпайиб кетишидаги ролни кўрсатишади. Монетар ва номонетар йўналиш ўртасидаги фарқ унча катта эмас, бири иккинчисини тўлдиради. Ҳар иккала назария ҳам охир-оқибат иқтисодий фаолликнинг кучайишига истеъмол эмас, балки инвестиция сабаб бўлади, деган фикрни илгари суради.

Иқтисодий циклларни истеъмол товарларига талабнинг ўзгаришига боғлаб, акселерация принципига эътибор қаратилади. Бу принцип моҳиятига кўра техник сабаблар туфайли истеъмол товарларига бўлган талабнинг озгина ўзгариши ишлаб чиқариш учун зарур товарларга талабнинг кескин ўзгаришига олиб келади.

Кўпроқ жамғариб, самарали даражада истеъмол қилмаслик жамиятни цикли ривожланишининг сабаби қилиб кўрсатилади:

1) маблағни жамғариш, бошқача айтганда хазинага айлантириш турғунликка олиб келиши мумкин, чунки бу маблағ инвестициялаш учун фойдаланилмайди;

2) пулни жамғариш истеъмол товарларига талабнинг қисқаришига олиб келади, чунки у истеъмолга сарфланмайди.

3) натижада инвестицияга нисбатан пул шаклидаги жамғариш ҳажми ўсиб бориб, истеъмол товарларига талаб камайиб боради, таклиф эса ортади, нарх пасаяди, истеъмол товарлари бозоридаги қийинчиликлар инқирозга олиб келади.

Иқтисодий цикл ишлаб чиқариш воситалари ёки капиталлашган инвестицион товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Кундалик истеъмол товарлари ишлаб чиқариш билан узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар ва ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш цикллари ўртасида катта фарқ бор.

Кундалик истеъмол моллари доимий равишда истеъмол қилинади.

Уларнинг истеъмол миқдори ўзгарган тақдирда ҳам унча катта ўзгаришлар содир бўлмайди. Узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни доимий равишда харид қилинмайди.

Балки улар истеъмолчи даромади кўпайган пайтдагина сотиб олинади. Узоқ муддат фойдаланиладиган товарларга талаб барқарор эмас. Ишлаб чиқаришни давом эттириш учун капитал товарлар ишлаб чиқариш зарур.

Истеъмол ўсган сари капитал товарларга талаб ҳам ортади. Бунда ишлаб чиқариш таркибида номутаносибликлар юз беради, яъни истеъмол товарлари, узоқ муддат фойдаланиладиган ва капитал товарлар ўртасида нисбатлар бузилади.

Инқирознинг сабаби пул этишмаслиги, банк резервларининг камлиги эмас, балки ана шу нисбатларнинг бузилишидир. Лекин кўпчилик иқтисодчилар э тарли даражада истеъмол қилмаслик инқирознинг сабаби эмас, балки унинг оқибатидир, деб таъкидлайдилар. Яъни истеъмолчилар даромадларини кўпроқ жамғаришга ажратганлари учун эмас, балки тўлов қобилиятининг е тарли эмаслиги, яъни харид қилиш учун пулнинг йўқлигидан келиб чиқади.

Иқтисодиётнинг циклли ривожланишини тушунтиришда иқтисодий назариялар билан бир қаторда психологик назариялар ҳам кенг ўрин олиб бормоқда. Психологик назария тарафдорларига Ж.М.Кейнс, У.Митчелл, Ф.Хаек ва бошқаларни киритиш мумкин. Уларнинг фикрича, инсондаги оптимизм ва пессимизм фаолият активлигига объектив иқтисодий омиллар: фойда меъёри, пул оқими, фойда ва бошқалар таъсир кўрсатиб, бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг қисқариши ёки кенгайиши рўй беради.

Кредитнинг кенгайиши, талаб ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши одамларнинг кайфиятини кўтарди ва аксинча. Бундан ташқари кишилар борган сари ликвидлиги юқори бўлган пул жамғаришга мойиллиги ортиб бориши ва ўз навбатида иқтисодий ривожланишга таъсир этишини кўрсатишади.

3. Ишсизлик тушунчаси ва ишсизлик даражасининг ўлчаниши

Ишсизлик кўпчилик одамларга тўғридан-тўғри ва қаттиқ таъсир қиладиган макроиқтисодий муаммо ҳисобланади. Кўпчилик учун ишдан ажралиш бу яшаш стандартларининг пасайиши ва психологик тушкунлик дегани. Ажабланарли э маски, ишсизлик сиёсий дебатларнинг тез тез такрорланиб турадиган мавзулари ва ўша сиёсатчилар ўзларининг мақсадли сиёсатлари иш яратишга ёрдам беришини таъкидлашади. Иқтисодчилар ишсизликни унинг сабабларини билиб олиш ва ишсизликка таъсир қиладиган жамият сиёсатларини ривожлантиришга ёрдам бериш учун ўрганишади. Шундай сиёсатлардан баъзилари масалан Job-training дастурлари одамларга иш топишда ёрдам беради. Бошқалари, ишсизликдан суғурталаш бази бир зарурат, эҳтиёж, йўқчиликларни енгиллаштиради. Юқори минимал иш ҳақи қонунлари мисол учун, ишчи кучининг энг кам лаёқатли ва тажрибали аъзолари орасида ишсизлик даражасини кўтариб юборади деб ўйлашади. Бизнинг ишчи кучи бозори тўғрисидаги музокараларимиз ҳалигача ишсизликни инкор қилиб келмоқда. Айниқса, миллий даромад модели иқтисодиёт ҳар доим тўлиқ бандликда бўлади деган фараз билан қурилган. Ҳақиқатда, ишчи кучи таркибидаги ҳар бир шахсда иш мавжуд эмас. Барча очик бозор иқтисодиётида, ҳар қандай вақтда баъзи одамлар ишсиз бўлиб келишган.

Иқтисодиётнинг бекарор ривожланиши оқибатида, иқтисодий пасайиш даврида ишлаб чиқариш ресурслари тўлиқ фойдаланилмай қолади.

ЯИМни яратишда қатнашадиган иқтисодий ресурсларнинг энг асосийларидан бири бўлган меҳнат ресурсларидан тўлиқ фойдаланилмаслик ишсизликда намоён бўлади.

Макроиқтисодий таҳлилда меҳнат ресурслари эмас балки ишчи кучи категориясидан кўпроқ фойдаланилади.

Ишчи кучи ёки иқтисодий фаол аҳоли деганда меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишлаётган ва ишсиз юрган аҳолининг умумий сони тушунилади.

Меҳнат бозорида бошқа ресурслар бозори сингари талаб ва таклиф қонуни амал қилади. Ишчи кучининг баҳоси ҳисобланган реал иш ҳақи ҳажми ошса ишчи кучига бўлган талаб қисқаради, агар реал иш ҳақи ҳажми камайса ишчи кучига бўлган талаб ортади, ишчи кучи таклифи эса камаяди. Ишчи кучига бўлган талаб миқдорининг ишчи кучи таклифи миқдоридан кам бўлиши ишсизликни келтириб чиқаради.

Ишсизлар – бу ишчи кучининг бир қисми бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган, лекин ишлашни хоҳловчи ва фаол иш қидираётган аҳолидир.

Ишсизлик даражаси деб ишсизларни ишчи кучи сонига нисбатига (% ҳисобида) айтилади ва уни қуйидаги формула билан аниқлаш мумкин:

$$\text{Ишсизлик даражаси} = (\text{ишсизлар сони} / \text{ишчи кучи сони}) \times 100$$

Ҳар куни бир нечта одамлар ўз ишларини йўқотишади ёки ташлаб кетишади, ва баъзи ишсизлар ишга ёлланади. Бу даврий инқироз ва оқим ишсиз бўлган ишчи кучининг бир қисмини белгилайди. Бу қисмда биз ишсизлик табиий даражасини нималар белгилашини кўрсатадиган ишчи кучи динамикаси моделини ривожлантирамыз². Биз бироз мулоҳаза билан бошлаймиз, келинг L ишчини белгиласин. E ишлаётган ишчи кучи сони ва U ишсизлар сони. Ҳар бир ишчи ёки ишли ёки ишсиз бўлгани учун, Ишчи кучи ишсизлар ва иш билан бандларнинг йиғиндисидир.


$$L = E + U$$

Бунда- ишсизлик даражаси U/L га тенг. Ишсизлик даражасига қандай омиллар таъсир қилишини кўришимиз учун, фараз қилайлик ишчи кучи L ўзгармас ва ишчи кучидаги ишчилар E ва ишсизлар ўртасидаги шахсларнинг кўчишига боғланган. Келинг s ишдан айрилишнинг даражасини белгиласин, ишлайдиганлардан ҳар ойда ишини йўқотган ёки ташаб кетганлар қисми. F иш топишнинг даражасини ифодаласин, ишсиз шахсларнинг ҳар ойда иш топадиган қисми. Job separation даражаси s ва Job finding даражаси f биргаликда ишсизлик даражасини кўрсатиб беради. Агар ишсизлик даражаси ошмаса ҳам пасаймаса ҳам, бундай ҳолат ишчи кучи бозори барқарор бўлган вазиятда бўлади, унда иш топадиган одамлар сони fU , ишини йўқотадиган одамлар сони s эга тенг бўлиши керак. Бундай барқарор ҳолатни қуйидагича ёзишимиз мумкин.

$$fU=sE$$

Биз бу тенгламадан ишсизликнинг барқарор даражасини топишда фойдаланишимиз мумкин. Ишчи кучи ҳақидаги тарифимиздан, $E=L-U$; бу иш билан бандлар сони ишчи кучидан ишсизлар сонини айирганга тенг. Агар барқарорлик шароитида э ни $(L-U)$ билан алмаштирадик, топамиз

$$fU=s(L-U)$$



Кейин, тенгламанинг иккала тарафини L га бўламиз, қўлга киритиш учун

$$f \frac{U}{L} = s \left(1 - \frac{U}{L} \right).$$

Энди, U/L ечамиз, топишимиз учун

$$\frac{U}{L} = \frac{s}{s + f}.$$

Бу эса қуйидагича ёзилиши мумкин

$$\frac{U}{L} = \frac{1}{1 + f/s}.$$

² Robert E. Hall, "A Theory of the Natural Rate of Unemployment and the Duration of Unemployment," *Journal of Monetary Economics* 5 (April 1979): 153–169.

Бу тенглама барқарорлик шароитидаги ишсизлик даражаси Жоб сепаратион даражаси s ва Job finding даражаси f га боғлиқлигини кўрсатади. Job separation даражаси қанчалик юқори бўлса, ишсизлик даражаси ҳам шунча юқори бўлади. Job finding даражаси қанчалик юқори бўлса, ишсизлик даражаси шунчалик паст бўлади. Мана қуйида сон билан келтирилган мисоллар Фараз қилинг, ишлиларнинг 1 фоизи ҳар ойда ишини йўқатади ($s=0.01$). бу ўртача оганда иш 100 ой ёки тахминан 8 йил давом этади деганидир. Яна фараз қилинг, ишсизларнинг 20 фоизи ҳар ойда иш топади ($f=0.20$), шундай экан ишсизликнинг вақт оралиғи ўртача 5 ой давом этади. Демак, ишсизликнинг барқарор даражаси

$$\frac{U}{L} = \frac{0.01}{0.01 + 0.20} = 0.0476.$$

Бу мисолдаги ишсизлик даражаси тахминан 5 фоизни ташкил этади. Ишсизлик табиий даражасининг бундай оддий моделида жамият сиёсати учун муҳим маъно мазмун бор. Ишсизликнинг табиий даражасини пасайтиришни мақсад қилдан ҳар қандай сиёсат ёки Job separation даражасини камайитириши керак ёки Job finding даражасини кўтариши керак. Ўз навбатида, Job separation ва Job finding даражасига таъсир қиладиган ҳар қандай сиёсат шунингдек ишсизликнинг табиий даражасини ўзгартиради. Бу модел ишсизлик даражасини Job separation ва Job findingга боғлашда фойдали бўлса ҳам, у марказий саволга жавоб беришда оқсайди: биринчи ўринда нимага ишсизлик бўлади? Агар ҳар доим тезлик билан иш топа олганда, унда Job finding даражаси юқори бўларди ва ишсизлик даражаси олга яқин бўларди. Ишсизлик даражасининг бу модели шуни тахмин қиладики унда, иш топиш бир онда содир бўладиган нарса эмас, аммо у нимага деганни тушинтиришда оқсайди. Кейинг иккита бўлимда, ишсизликнинг иккита яширин сабабларини кўриб чиқамиз: иш излаш ва иш ҳақи барқарорлиги³.

4. Ишсизлик турлари.

Ишсизлар – бу, ишчи кучларининг бир қисми бўлиб, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган, лекин ишлашни хоҳловчи ва иш қидираётганлардан иборат.

Ишсизликнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Таркибий ишсизлик. Таркибий ишсизликка ишлаб чиқариш структурасининг натижасида ишчи кучига талаб таркибининг ўзгариши

³ N.Gregory Mankiw. Macroeconomics, Seventh edition. USA, 2009. p. 164-166.

натижасида ишсиз қолганлар киради. Унга асосан малакаларини ўзгартириши ва ошириши, маълумот олиши, янги касб эгаллаши лозим бўлган ишсизлар гуруҳлари киради. Фрикцион ишсизлик билан структурали ишсизликнинг асосий фарқи шундаки, биринчисида, маълум малака ва тажриба мавжуд бўлади ва ундан фойдаланиб, иш жойларини тезроқ топиб олишади, иккинчисида эса, ишчи кучи дарҳол ва тезроқ иш жойларини топа олмайди. Структурали ишсизлик истеъмол бозори маълум маҳсулотлар билан тўлдирилганда ва уларга эҳтиёж қолмаганда пайдо бўлади.

Даврий ишсизлик асосан ишлаб чиқаришнинг пасайиши натижасида ишчи кучига бўлган талабнинг камайишидан пайдо бўлади. Даврий пасайиш товар ва хизматларга бўлган ялпи таклифнинг камайишини, шунга мувофиқ, ялпи таклифнинг камайишини, ва оқибатда аҳолининг иш билан бандлиги қисқариши ва ишсизликнинг ўсишини билдиради.

Тўла иш билан бандлик барча ишчи кучининг 100% иш билан таъминланганлигини билдирмайди. Аксинча, фрикцион ва структурали ишсизлик иложсиз ҳол бўлганлигини ҳисобга олсак, биз мутлақ тўла иш билан бандлиликка эришиб бўлмаслигини тушунамиз.

Агарда даврий ишсизлик бўлмаса, у ҳолда тўла иш билан бандлиликка эришилади. Тўла иш билан бандлик давридаги ишсизлик, **ишсизликнинг табиий даражаси** дейилади. Бунга иш қидирувчилар сони бўш иш жойлари сонига мувофиқ келсагина эришиш мумкин.

Ишсизликнинг табиий даражаси биринчидан, у иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш потенциалидан тўлиқ фойдаланаётганлигини кўрсата олмайди, чунки амалиётда ишсизлик даражаси «ишсизликнинг табиий даражаси»дан кўпроқ бўлади, иккинчидан, ишсизликнинг табиий даражаси доимий эмас, чунки у қонун ва миллий анъаналар билан боғлиқ ҳолда ўзгаришини билишимиз лозим.

Барча мавжуд ресурслардан тўлиқ фойдаланиш ёки ишсизликнинг табиий даражаси ҳолатида иқтисодиётда яратилиши мумкин бўлган маҳсулот ҳажмини иқтисодиётнинг **ишлаб чиқариш потенциали** деб аталади.

Маҳсулотларнинг потенциал ва ҳақиқий ишлаб чиқарилиши ўртасидаги фарқ ЯИМ ҳажмининг **узилиши ёки орқада қолиши** деб аталади. У потенциал ишлаб чиқаришга нисбатан фоизда акс эттирилади.

$$\text{ЯИМ узулиши} = \left(\frac{\text{маҳсулотнинг потенциал ишлаб чиқариш-маҳсулотни ҳақиқий ишлаб чиқариш}}{\text{маҳсулотнинг потенциал ишлаб чиқариши}} \right) \times 100.$$

Фрикцион ишсизлик. Унга иш қидираётган ёки яқин вақтлар ичида иш билан таъминланишни кутаётган ишчи кучи киради. Ишсизликнинг бу тури асосан иш ёки турар жойларни ўзгартириш, ўқув юртларини тугатиш ва

шунингдек, бошқа сабаблардан келиб чиқади. У доимо мавжуд бўлиб, маълум бир даражада керакли ҳисобланади.

Баъзи бир фрикциион ишсизлик ўзгараётган иқтисодиётда бўлиши аниқ. Кўп сабабларга кўра, уй хўжаликлари ва фирмалар талаб қиладиган товарлар турлари вақт ўтиши билан ўзгариб боради. Товарга бўлган талабнинг кўчиши сабаб, ўша товарларни ишлаб чиқаридиган меҳнатга ҳам талаб кўчади. Шахсий компьютерларнинг ихтиро қилиниши мисол учун, typewriter ва typewriter ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнатига талабни камайтирди. Айти ҳозирги даврда, электроника саноатидаги меҳнатга талабни оширди. Шунга ўхшаб, ҳар хил ҳудудлар ҳар хил маҳсулотлар ишлаб чиқарганлиги сабабли ишчи кучига талаб мамлакатнинг бир қисмида ошаётган, бошқа бир қисмида тушаётган бўлиши мумкин. Ёғ нархидаги кўтарилиш ёғ ишлаб чиқарувчи штатлардаги ишчи кучига талабнинг ўсишига сабаб бўлиши мумкин, аммо нефтнинг қиммат бўлиши ҳайдашни кам attractive қилгани боис, Мичиган штати каби ҳудудларда авто-ишлаб чиқаришдаги ишчи кучига талабни камайтириши мумкин. Иқтисодчилар ҳудудлар ёки саноатлар орасидаги талабнинг тузилишидаги ўзгаришларни соҳавий кўчиш деб аташади. Чунки sectoral шифт лар ҳар доим содир бўлаяпти ва ишчилардан sectorни ўзгартиришга вақт кетганлиги сабабли, ҳар доим фрикциион ишсизлик мавжуд бўлади. Sectoral шифтлар Job separation ва фрикциион ишсизликнинг ягона сабаби эмас. Қўшимча, ишчилар қачонки ўзларининг фирмалари инқирозга учраса, уларнинг иш ижролари ёки уларнинг ўзига хос тажрибалари ортиқ зарур бўлмаса ўзларини кутилмаганда ишсиз топишади. Ишчилар шунингдек карьерасини ўзгартириш мақсадида ёки мамлакатнинг бошқа қисмига кўчиш учун ишдан кетишлари мумкин. Ишдан ажралишнинг сабабларига қарамасдан, бу ишчилардан янги иш топиш учун вақт ва машаққат кетади. Токи фирмалар орасидаги ишчи кучига талаб ва таклиф ўзгараётган экан, фрикциион ишсизликдан қочиб бўлмайди.


Кўпгина ижтимоий сиёсатлар ишсизлик кўрқувини қисқартириш орқали ишсизлик даражасини пасайтиришга ҳаракат қилишади. Ҳукумат меҳнат агентликлари ишчилар ва ишларни унумли қилиш мақсадида бўш иш ўринларини эълон қилишади. Давлат томонидан молиялаштирилган дастурлар ишчиларни инқирозга юз тутаётган саноатдан ривожланаётган корхона томон ҳаракатини осонлаштириш мақсадида асос солинган. Агар бу дастур иш топиш даражасини ошира олса ишсизлик даражасини пасайтира олади. Баъзи давлат дастурлари тасодифан ишсизлик кўрқувини ошириб кўяди. Буларнинг бири бу ишсизлик суғуртаси. Бу дастур асосида ишсизлар маълум давр оралиғида оз касбларидаги маошнинг маълум бир қисмини

олишади. Одатда ишчилар маошининг 50 фоизини 26 ҳафта давомида олишади. Кўпгина Европа мамлакатларида бу дастур анча юқорироқдир. Бу дастур ишсизлик кўркуви ва ишсизлик табиий даражасини оширади. Натижада бу дастурдан фойда олаётган ишсизлар иш топиш учун камроқ ҳаракат қилиб унчалик яхши бўлмаган иш талабларини рад қилишади. Бу икки ўзгариш ҳам иш топиш даражасини қисқартиради. Улар ўз даромадлари ҳимояланганлигини билиб турганликлари учун ҳам иш топиш учун камроқ ҳаракат қилишади. Бу эса ишдан айрилиш даражасини оширади. Ишсизлик даражасини оширадиган бу дастур сиёсатнинг нотўғри танлови деб бўлмайди албатта. Бу дастур ишчиларнинг даромадлари ноаниқлигидан фойда олади. Ундан ташқари ўзларига унчалик мос бўлмаган иш таклифларини рад қилишлари ўзлари жуда мос бўлган бошқа бир ишни топишлари учун замин яратиши мумкин. Иқтисодчилар ҳар доим ишсизлик даражасини камайтирадиган ишсизлик суғуртасини ислоҳ қилишни таклиф қилганлар. Бир оддий таклифлардан бири, ишдан ҳайдайдиган корxonани ишсизлик суғуртасидан келадиган тўлиқ даромад билан таъминлаш. Бу усул 100 фоизли тажриба деб аталади чунки корxonаларнинг ишсизлик суғуртаасига тўлайдиган пули тўлиғича шу ишчиларнинг ишсизлигини кўрсатиб беради. Ҳозирги кўпгина дастурлар эса қисман тажриба даражасидадир. Бу дастур асосида, корхона ишчини ишдан бўшатганда бу ҳолат қисман ишсизликдан келадиган даромад эвазига қопланса қолган қисми дастурнинг умумий даромадидан қопланади. Корхона бор йўғи маошининг бир қисмини тўлаганлиги учун ҳам меҳнат талаби кам бўлганда корxonалар ишдан бўшатишга туртки пайдо бўлади. Бу турткини қисқартириш орқали таклиф қилинган ислоҳот доимий ишдан четлаштиришни қисқартириши мумкин⁴

Ишсизликнинг иккинчи сабаби иш ҳақининг ўзгармаслиги - меҳнат таклифи ва талаби бир бирига тенг бўлган даражага ўзгартиришдаги мувофақиятсизлик. Меҳнат бозорининг мувозанатли моделида, реал иш ҳақи меҳнат таклифи ва талаби мувозанатида жойлашади. Иш ҳақи ҳар доим ҳам эгилувчан бўлмайди. Баъзан, реал иш ҳақи market-clearing даражасидан юқорида бўлади. Қуйидаги чизма нима учун иш ҳақи ўзгармаслиги ишсизликка олиб келишини кўрсатади. Реал иш ҳақи талаб ва таклиф мувозанатидаги даражадан юқорида бўлганда, таклиф қилинган меҳнат миқдори талаб қилинган миқдордан ошиб кетади. Фирмалар баъзи йўллар орқали ишчилар орасидаги чекланган ишни камроқ беришлари керак. Реал иш ҳақи ўзгармаслиги иш топиш даражасини қисқартиради ва ишсизлик даражасини оширади.

⁴ N.Gregory Mankiw. Macroeconomics, Seventh edition. USA, 2009. p. 166-167.

Иш ҳақи ўзгармаслиги ва иш ўринларини қисқартириш натижасидаги ишсизлик, баъзан, **таркибий ишсизлик** деб аталади. Ишчиларнинг ишсизлиги ўзларига айнан мос ишни қидиришлари эмас, балки, ишлашни хоҳловчи ишчилар сони ва мавжуд иш ўринлари орасидаги тенгсизликдир. Айни ҳолатдаги иш ҳақида, таклиф қилинган меҳнат миқдори меҳнат талабидан ошиб кетади, кўплаб ишчилар иш ўринлари очилишини кутиб қоладилар.



8-чизма. Иш ҳақи ўзгармаслиги ишсизликка олиб келиш графиги

Иш ҳақининг ўзгармаслиги ва структуравий ишсизликни тушуниш учун, биз х нима учун меҳнат бозори у қадар аниқ эмаслигини таҳлил қилишимиз керак. Реал иш ҳақи мувоzzанатли ҳолатдан ошиб кетса ва ишчи таклифи талабдан ошиб кетса, биз фирмалардан иш ҳақини пастлатиши мумкинлигини кутамиз. Структуравий ишсизлик ошиб боради, чунки, фирмалар ортиқча меҳнат таклифига қарамасдан иш ҳақини пастлатишда омадсизликка учрашади. Биз энди иш ҳақининг ўзгармаслигига урта сабабни кўриб чиқамиз, улар:

- Енг кам иш ҳақи қонунлари,
- Бирлашманинг монополия қуввати,
- Самарали иш ҳақи.

Таркибий ишсизлар гуруҳига ишлаб чиқариш структурасининг ўзгариши натижасида ишчи кучига талаб таркибининг ўзгариши натижасида ишсиз қолганлар киради. Унга асосан малакаларини ўзгартириши ва ошириши, маълумот олиши, янги касб эгаллаши лозим бўлган ишсизлар гуруҳлари киради. Фрикцион ишсизлик билан таркибий

ишсизликнинг асосий фарқи шундаки, биринчисида, маълум малака ва тажриба мавжуд бўлади ва ундан фойдаланиб, иш жойларини тезроқ топиб олишади, иккинчисида эса, ишчи кучи дарҳол ва тезроқ иш жойларини топа олмайди.

Ҳукумат иш ҳақининг ўзгармаслигига сабабчи бўлади, қачонки, у мувозанатли ҳолатдан пастга тушиб кетишнинг олдини олса. Энг кам иш ҳақи қонунлари фирмаларнинг ишчиларга берадиган ойлигига қонуний минимум ўрнатади. Бази ишчилар учун, айниқса тажрибасиз ва ўқувсиз ишчилар учун, энг кам иш ҳақи ўзларининг мувозанатли иш ҳақи даражасидан ошиб кетади. Шу сабабли, фирма талаб қилган меҳнат миқдори қисқаради.

Иқтисодчилар шунга ишонадики, энг кам иш ҳақи ўсмир ёшидагилардаги ишсизликда ўзининг энг катта таъсирига эга. Ўсмирларнинг мувозанатли иш ҳақи 2 сабаб туфайли паст бўлади. Биринчиси, ўсмирлар меҳнат бозоридаги ишчилар орасида энг тажрибасиз ва қобилиятсизлардир. Уларда паст маржинал самарадорлик мавжуд. Иккинчиси, ўсмирлар тез – тез ўзларининг “компенсация”ларини касб-training шаклида олади, тўғридан-тўғри тўлов орқали олишдан кўра. “Шогирдлик” ойлик иш ҳақи ўрнига олинадиган trainingга классик мисол.

Бу иккала сабаб учун, талабга тенг бўлган ўсмир ишчилар тақлифидаги иш ҳақи паст бўлади. Шунинг учун, энг кам иш ҳақи ўсмирлар учун бошқа ишчиларга қараганда кўпроқ мажбуриятни юклайди.

Кўп иқтисодчилар ўсмирларнинг иш билан таъминланишида энг кам иш ҳақининг таъсирини ўрганишган. Бу тадқиқодчилар вақт мобайнида минимум иш ҳақи турли ҳил талқинлари билан иш билан таъминланган ўсмирлар турли ҳил талқинларини таққослашади. Бу тадқиқотлар шуни аниқладики, минимум иш ҳақидаги 10 % лик ўсиш ўсмирларнинг иш билан таъминланишини 1 % дан 3 % га қисқартиради.⁵

Юқориқ Минимум иш ҳақиға қарама қарши тарафлар шуни таъкидлашадики, бу йўл ночор ишчиларга ёрдам беришнинг энг яхши йўли эмас. Улар юқори меҳнат нархлари нафақат ишсизликни оширибгина қолмасдан, қолаверса, минимум иш ҳақи ёмон аниқланганлигига қарши чиқишади. Кўплаб минимум иш ҳақи олувчилар ўсмирлардир.

⁵ Charles Brown, “Minimum Wage Laws: Are They Overrated?” *Journal of Economic Perspectives* 2(Summer 1988): 133–146. Броун минимал иш ҳақи таъсирларини кўрсатиб берди, аммо шунга эътибор бериш керакки, бандлик таъсирларининг магнитутаси маҳсли ҳисобланади. Ишсизликнинг сезиларсиз таъсирларини тадқиқ қилиш учун, қаранг David Card and Alan Krueger, *Myth and Measurement: The New Economics of the Minimum Wage* (Princeton, NJ: Princeton University Press, 1995); and Lawrence Katz and Alan Krueger, “The Effects of the Minimum Wage on the Fast-Food Industry,” *Industrial and Labor Relations Review* 46 (October 1992): 6–21. Қарама қарши хулосаларни ўрганиш учун, қаранг David Neumark and William Wascher, “Employment Effects of Minimum and Subminimum Wages: Panel Data on State Minimum Wage Laws,” *Industrial and Labor Relations Review* 46 (October 1992): 55–81.

Кўплаб иқтисодчи ва сиёсатшунослар шунга ишонадики, ночор ишчиларнинг даромадини оширишнинг энг яхши йўли солиқ имтиёзларидир. Ишлаб топилган даромаддан солиқлар имтиёзи ночор ишчи оилалар даромадидан олинадиган даромад солиғига берилган имтиёздир.

Паст даромадли оилалар учун имтиёз солиқдан юқорида туради ва ойла ҳукуматдан тўлов олиб туради. Минимум иш ҳақидан фарқли равишда, даромад солиғидаги имтиёзлар меҳнат нархини фирмалар учун оширмайди. Шунинг учун, фирма талаб қилган ишчи кучи миқдорини қисқартирмайди. Ҳукуматнинг даромад солиғи қисқаришига қарамасдан, Бунинг ёмон тарафи мавжуд.

Самарали иш ҳақи назариялари иш ҳақи ўзгармаслигининг сабабларидан биридир. Бу назариялар шуни англатадики, юқори иш ҳақи ишчиларни анча самарали ишлашга ундайди. Ишчининг нафлиликсига иш ҳақининг таъсири ошиқча меҳнат таклифига қарамасдан фирмаларнинг иш ҳақини қисқартира олмаслиги билан изоҳланади. Иш ҳақи қисқариши фирма учун иш ҳақи тўловларини пастлатишига қарамасдан, агар назария тўғри бўлса, у ишчиларнинг самарадорлигини ва фирманинг фойдасини пастлатишга олиб келиши мумкин.

Иқтисодчилар иш ҳақи қандай қилиб ишчи самарадорлиликсига таъсир кўрсатиши ҳақида турли хилдаги назарияларни илгари суришган. Нисбатан паст ривожланаётган давлатлар қабул қилган биргина иш ҳақи самарадорлиги назарияси шуни англатадики, иш ҳақи истеъмолга таъсир қилади. Яхши ҳақ тўланадиган ишчилар юқори истеъмолга эга бўлишади, ва соғлом ишчилар анча самарадордир. Фирма иш ҳақини соғлом ишчи кучини бир меъёрда ушлаш учун мувозанатли даражадан юқори ушлаб туриши мумкин. Албатта, бу қараш бой давлатлар учун у қадар муҳим эмас. Чунки, мувозанатли даража соғлом ҳаёт кечириш стандартларидан юқорида туради.

1 – иш ҳақи самарадорлиги назарияси, ривожланган давлатлар учун, шуни англатадики, юқори иш ҳақи меҳнат айланмасини қисқартиради. Ишчилар ўз ишларини кўплаб сабаблар туфайли тарк этишади- бошқа фирмада юқори лавозим учун, карьерасини ўзгартириш учун, ёки бошқа жойга кўчкани туфайли. Фирма ўз ишчиларига қанча юқори иш ҳақи тўласа ишчиларнинг фирма билан бирга қолиш омили шунча юқори бўлади. Юқори иш ҳақи тўлаш орқали, фирма ишчиларининг тез тез ўзгариб туришининг олдини олади, шу сабабли, вақт ва янги ишчиларни таёрлаш учун маблағлар тежаб қолинади.

2 – иш ҳақи самарадорлиги назарияси шуни англатадики, фирманинг ишчи кучи ўртача сифати ишчиларига қанча иш ҳақи беришига боғлиқ.

Агар фирма иш ҳақини қисқартирса, яхши кадрлари бошқа жойдан иш кидириши мумкин ва фирма малакаси пастроқ ишчилар билан бўлиб қолиши мумкин. Иқтисодчилар бу ёқимсиз саралашни – **ноқулай танлов** сифатида тан олади. Мувозанатли даражадан юқорида иш ҳақи тўлаш орқали, фирма ноқулай танловни қисқартириши, ишчи кучининг ўртача сифатини ошириши ва шу сабабли самарадорликни кўтариши мумкин.

3 – иш ҳақи самарадорлиги назарияси шуни ўз ичига оладики, юқори иш ҳақи ишчининг имкониятини оширади. Бу назария шундан иборатки, фирмалар ўз ишчиларининг имкониятини тўлиқ назорат қила олишмайди ва ишчилар ўзлари қандай даражада ишлашини белгилашади. Ишчилар астойдил ишлашларини ёки ишга енгил қарашларини ўзлари танлашлари мумкин. Иқтисодчилар бу эҳтимолликни – **руҳий хавф** сифатида тан олишади. Фирма руҳий хавф муаммосини юқори иш ҳақи орқали қисқартириши мумкин. Иш ҳақи қанча юқори бўлса, ишчининг ишдан кетиш нарҳи шунча юқори бўлади. Юқори иш ҳақи тўлаш орқали, фирма ўз ишчиларининг ишга енгил қарашини қисқартиради ва шу сабабли иш самарадорлиги юксалади.

Бу 4 та назария бир-биридан биров фарқ қилсада, улар бир хил мазмунни ифодалайди, чунки, фирма анча самарали иш олиб боради, агар ишчиларига юқори иш ҳақи тўласа. Фирма талаб ва таклиф балансидан юқори даражада иш ҳақи таклиф қилса, анча ўзига фойда келтириши мумкин. Бу мувозанатдан юқори иш ҳақи натижасида иш топшиш кўрсаткичи пастлайди ва ишсизлик кўтарилади⁶.

Мамлакат иқтисодиётида ЯИМни яратишда қатнашадиган иқтисодий ресурсларнинг энг асосийларидан бири меҳнат ресурслари ҳисобланади. Инсон ресурслари аввало ёлланма ходимлар меҳнати ва инсонларнинг тадбиркорлик қобилиятларидан иборат. Меҳнат ёки инсон ресурсларининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини «Статистика», «Этнография», «Меҳнат иқтисоди», «Ижтимоий-маданий комплексни прогнозлаштириш» фанлари қатори «Макроиқтисодиёт» фани ҳам ўрганеди.

«Макроиқтисодиёт» инсон ресурсларининг ижтимоий-иқтисодий йўналишларини тадқиқ этиш орқали уларни самарали бошқаришни мақсад қилиб олади. Чунки, меҳнат ресурслари ва уларнинг фаол қисми бўлган ишчи кучи ишлаб чиқариш кучларининг энг асосий қисмидир. Ишчи кучи ёки иқтисодий фаол аҳоли деганда меҳнатга лаёқатли ёшдаги ишлаётган ва ишсиз юрган аҳолининг умумий сони тушинилади.

⁶ Чуқурроқ муҳокама учун, қаранг Janet Yellen, “Efficiency Wage Models of Unemployment,” *American Economic Review Papers and Proceedings* (May 1984): 200–205; and Lawrence Katz, “Efficiency Wages: A Partial Evaluation,” *NBER Macroeconomics Annual* (1986): 235–276.

Меҳнат ресурсларини сифат жиҳатдан такомиллаштириш иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам мамлакатда меҳнат бозорини, меҳнатни бошқариш институтларини ва унинг иқтисодий-ҳуқуқий механизмларини яратиш энг асосий вазифалардан биридир.


Демак, меҳнат бозори ва унинг маромида фаолият кўрсатиши куйидаги омилларга боғлиқ:

- аҳоли сони, ёши ва жинси таркибининг ўзгаришларга;
- иш билан бандлиликдаги ҳудуд ва тармоқ ўзгаришларига;
- кўшимча ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш механизмига;
- ишлаб чиқариш ҳажмига, унинг ўсиш суръатига, ишлаб чиқариш таркибига;
- меҳнат ресурсларини бошқариш усули ва бошқаларга.

Ҳозирги шароитда меҳнат бозорида талаб ва таклиф қонуни амал қилади. Чунки, ишчи кучи ҳам бошқа меҳнат ресурслари қатори, товар шаклига эга бўлиб, товар-пул муносабатларига фаол жалб қилинади. Унинг бу хусусияти меҳнат кўрсаткичлари тизимида ўз аксини топади. Улар орасида иш билан бандлик ва ишсизлик кўрсаткичлари муҳим аҳамиятга эга. Яъни, ишбилармонлар ишчи кучидан шундай миқдорларда фойдаланадиларки, бунда меҳнатнинг юқори маҳсули реал иш ҳақи билан ёки иш ҳақи ҳажмининг пулдаги ифодаси меҳнатнинг юқори маҳсули қийматига тенг бўлиши керак. Агарда, реал иш ҳақи ҳажми ошса, ишбилармон ишчи кучига бўлган талабни қисқартиради, агар реал иш ҳақи ҳажми камайса, ишчи кучига бўлган талаб ортади.


9-чизмадан кўриниб турибдики, реал иш ҳақини қисқартириш натижасида меҳнатга бўлган талаб ошмоқда ва аксинча, реал иш ҳақи ошса, меҳнатга бўлган талаб камаяди.

Меҳнатнинг таклиф функциясида индивид ўз хизматини иш ҳақининг пулдаги ифодасидан келиб чиқиб эмас, балки иш ҳақининг ўлчовларидан келиб чиқиб таклиф қилади. Буни биз 9, 10-чизмалардан ҳам кўришимиз мумкин:



9-чизма. Меҳнатга бўлган талаб эгри чизиги

Бу ерда: L - талаб қилинадиган меҳнатнинг миқдори;
 W/R - реал иш ҳақи миқдори;
 L_d - меҳнатга бўлган талаб эгри чизиғи.




10-чизма. Меҳнатга бўлган таклиф эгри чизиғи

Бу ерда: L_s - меҳнат таклифининг эгри чизиғи;
 W/R - реал иш ҳақи;
 L - таклиф қилинаётган меҳнатнинг миқдори.

Реал иш ҳақи миқдори катта бўлса, унга мос равишда меҳнатнинг таклифи ҳам юқори, агар кичик бўлса, пастроқ бўлади.

Талаб ва таклиф эгри чизиғини умумлаштириб 11-чизмада ифодалаймиз.

11-чизмадан кўришиб турибдики, $(W/R)_E$ га тенг бўлган иш ҳақи даражасида, меҳнат бозорида мувозанат вужудга келади. Бунинг маъноси шуки, агар иш ҳақининг шу даражада ким иш излаётган бўлса, у иш билан таъминланади, иккинчи томондан, ишбилармонлар ўзларига керак бўлган ишчи кучи миқдорини топиш имкониятига эга бўладилар. E ҳарфи билан белгиланган нуқта тўла иш билан бандлилик ҳолатини билдиради.



11-чизма. Меҳнатга бўлган талаб ва таклиф эгри чизиғидаги мувозанат

Реал иш ҳақининг бошқача қийматида меҳнат бозорида мувозанатни ўрнатиб бўлмайди:

1. Агар иш ҳақи мувозанат нуқтадан юқори бўлса, $(W/R)^*$ нуқтада меҳнатнинг таклифи талабдан ошиб кетади, яъни, $h_1 > h_2$;

2. Агар иш ҳақи мувозанат нуқтадан паст бўлса, $(W/R)^{**}$ нуқтада меҳнатга бўлган талаб таклифдан ошиб кетади: $L1^{**} > L2^{**}$.

Биринчи ҳолатда ишсизлик вужудга келади, иккинчи ҳолатда эса иш жойлари бўшаб қолади.

Амалиётда аҳолининг «тўла иш билан бандлиги» деган тушунча бор. Лекин бундай натижага ўз-ўзидан эришиш қийин. Чунки аҳолининг ишламоқчи бўлган қисмини иш билан деярли тўлиқ банд қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам аҳолининг маълум миқдорда ишсиз бўлиши иқтисодий жиҳатдан меъёрий ҳол ва асослидир.


5. Ишсизликнинг иқтисодий оқибатлари. А. Оукен қонуни

Ишсизликнинг кўпайиши натижасида мумкин бўлган ЯИМ ҳажмини иқтисодиёт ололмайди. Шу сабабли мамлакат миқёсида ишсизликни табиий даражасида сақлаш ва уни тартибга солиш иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Ишсизликнинг ҳақиқий даражаси унинг табиий даражасидан қанчалик юқори бўлса, ЯИМ узилиши шунча кўп бўлади. Шунинг учун ҳам потенциал ҳажмдаги ЯИМ* ҳақиқий ЯИМ дан катта бўлади.

Яъни, $ЯИМ^* > ЯИМ$ ёки $У^* > У$. Бунинг чизма шаклдаги ифодаси 12-чизмада берилган.

Потенциал ЯИМ*ни ҳисоблашда мамлакатда ишсизлик мутлақо йўқ деб эмас, балки мавжуд, бироқ у табиий даражада, деб ҳисобланади.

Ишсизлик даражаси ва ЯИМ узилиши ўртасидаги миқдорий нисбатни инглиз иқтисодчиси Артур Оукен математик ҳолда исботлаб берган. Шунинг учун бу қонун, **ОУКЕН қонуни** дейилади. Қонуннинг моҳияти шундан иборатки, агар ҳақиқий ишсизлик ишсизликнинг табиий даражасидан бир фоизга ошиб кетса, миллий иқтисодиёт ЯИМни икки ярим фоизга кам олади. Ушбу нисбат ишсизликнинг турли даражаларидаги маҳсулот йўқотишларни аниқлаш имконини беради.



12-чизма. ЯИМнинг ЯИМ*дан нисбатан орқада қолиши

ЯИМ узилиши = -2,5 (ишсизликнинг табиий даражаси - ишсизликнинг ҳақиқий даражаси).

Демак, мос равишда уларнинг нисбати 1:2,5 ёки 2:5 га тенг. Йўқотилган ЯИМнинг эса мутлақ қийматини ҳисоблаш мумкин. Мисол учун, 1992 йили ишлаб чиқариш пасайган даврда ишсизлик 9,5 фоизга тенг бўлган, деб олайлик. Ишсизликнинг табиий даражаси эса 6 фоизга тенг бўлиши керак ёки 3,5 фоиз ишсизлик унинг табиий даражасидан кўп: 3,5 фоизни ОУКЕН коэффициентига (2,5) кўпайтириб, 1992 йилда ЯИМнинг потенциал ЯИМдан 8,75 фоизга кам олинганлигини аниқлаймиз. ЯИМнинг пастроқ даражаси ўз навбатида, ишлаб чиқаришда қатнашувчилар даромадларининг нисбатан камроқ бўлишини ва иқтисодиётнинг келгуси тараққиётини инвестициялаш имкониятлари қисқаришини билдиради.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Нима учун иқтисодий тебранишлар такрорланиб туради?
2. Ишсизлик тушунчаси ва унинг турлари?
3. Ишсизлик даражаси қандай аниқланади?
4. А.Оукен қонунининг моҳиятини тушгунтириб беринг.

Асосий адабиётлар

1. Ишмухамедов А.Э., Жумаев К.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ - 2000.
2. Максимова В.Ф., Ишшов А.А. и др., Рыночная экономика: учебник в трёх томах. 2 -том. М.: Семинтек. 1992.

3. Robert E. Hall, "A Theory of the Natural Rate of Unemployment and the Duration of Unemployment," *Journal of Monetary Economics* 5 (April 1979): 153–169.
4. N.Gregory Mankiw. *Macroeconomics*, Seventh edition. USA, 2009. p. 164–166.
5. Charles Brown, "Minimum Wage Laws: Are They Overrated?" *Journal of Economic Perspectives* 2(Summer 1988): 133–146.
6. David Card and Alan Krueger, *Myth and Measurement: The New Economics of the Minimum Wage* (Princeton, NJ: Princeton University Press, 1995); and Lawrence Katz and Alan Krueger, "The Effects of the Minimum Wage on the Fast-Food Industry," *Industrial and Labor Relations Review* 46 (October 1992): 6–21.
7. David Neumark and William Wascher, "Employment Effects of Minimum and Subminimum Wages: Panel Data on State Minimum Wage Laws," *Industrial and Labor Relations Review* 46 (October 1992): 55–81.
8. Janet Yellen, "Efficiency Wage Models of Unemployment," *American Economic Review Papers and Proceedings* (May 1984): 200–205; and Lawrence Katz, "Efficiency Wages: A Partial Evaluation," *NBER Macroeconomics Annual* (1986): 235–276.

4-мавзу. Инфляция ва инфляцияга қарши сиёсат

Режа:

1. Инфляция тушунчаси, кўрсаткичлари ва ўлчаниши.
2. Ўсиш суръатларига кўра инфляция турлари.
3. Инфляция сабаблари.
4. Инфляциянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ва инфляцияга қарши сиёсат.

Таянч сўз ва иборалар: инфляция, инфляция нарх индекслари, талаб инфляцияси, таклиф инфляцияси, Филиппс эгри чизиги, аксилинфляция сиёсати, градуаллаш.

1.Инфляция тушунчаси, кўрсаткичлари ва ўлчаниши

Инфляция (лотинча *inflatio* - шишиш, бўртиш, таранглашиш) – маълум давр мобайнида мамлакатда нархлар ўртача (умумий) даражасининг барқарор ўсиши, пулнинг харид қобилиятини узоқ муддатли пасайиши. Инфляция бозор иқтисодиётининг асосий издан чиқарувчи омиллари жумласига киради, унинг суръати қанчалик юқори бўлса, иқтисодиётга хавfli таъсири шунчалик катта бўлади. Айниқса бир иқтисодий тизимдан иккинчи бир иқтисодий тизимга ўтаётган мамлакатларда инфляциянинг иқтисодиётга таъсири анча хавfli. Чунки, бу давр нархларнинг эркинлашуви ва шунга мувофиқ уларнинг умумий даражаси кескин ошиб кетиши билан боғлиқ.

Аммо инфляция даврида барча товарларнинг нархлари ҳам ошавермайди: айримлариники барқарор бўлиб турса, баъзилариники эса тушиши мумкин.

“Инфляция” атамаси илк бор Шимолий Америкада 1861-1865 йиллардаги Фукарлар уруши даврида қўлланилди. Инфляциянинг атамаси муомаладаги қоғоз пул массасининг товарларнинг реал таклифига нисбатан ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши ҳолатини изоҳланган. Аммо инфляциянинг бундай тавсифи мукамал эмас ва унинг сабабларини очиб бермайди. Умуман олганда инфляция пул муомаласи қонунларининг бузилиши шакли сифатида макроиқтисодий мувозанатнинг бузилишини, талаб ва таклиф номуносивблигини англатади.

Кейнсчлар мактаби намоёндалари бундай номуносивбликнинг сабаби тўлиқ бандлик шароитида талабнинг ҳаддан зиёд бўлишида деб билишади.

Шу сабабли улар ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси паст бўлса бюджет тақчиллиги ва қўшимча пул чиқариш йўли билан харид қобилиятини, бошқача айтганда ялпи талабни кўпайтириш инфляцияга олиб келмайди деб ҳисоблашишади.

Неоклассик ёндашув тарафдорлари инфляциянинг манбаи ишлаб чиқаришнинг ҳаддан зиёд ўсишида, ишлаб чиқариш харажатларининг кўпайишида деб билишади. Демак кейнсчилар инфляцияга талаб томонидан, неоклассиклар эса таклиф томонидан ёндошишади.

Агар иқтисодиётда товарлар ва хизматлар массаси ялпи талабга нисбатан секинроқ ўсса, ёки ялпи талаб кўпайгани ҳолда ўзгармасдан турса, бу номутаносиблик нархлар даражасининг кўтарилиши орқали бартараф этилади. Оқибатда пул бирлигининг харид қобилияти пасаяди ва миллий иқтисодиётнинг қўшимча пул массасига эҳтиёжи пайдо бўлади.

Инфляция нафақат пул муомаласининг издан чиқиши, балки бутун такрор ишлаб чиқариш механизмининг касали, макроиқтисодий бузилишлар натижасидир. Нархларнинг ўсиши, пул бирлиги харид қобилиятининг пасайишидан ташқари инфляция намоён бўлишининг қуйидаги уч белгиси ҳам бор. Булар:

- 1) валюта курурсларининг ўзгариши;
- 2) кредит бериш шартларининг қимматлашув ва муддатларининг қисқариши томон ўзгариши;
- 3) кундалик эҳтиёж молларидан иборат истеъмол савати нархсининг ўсиши.

Инфляция нарх индекслари - дефлятор ва истеъмол нархлар индекси ёрдамида аниқланади.

Нархлар ўртача (умумий) даражасининг нисбий ўзгариши **инфляция даражаси** (нархларнинг ўсиш суръати) деб аталади. Макроиқтисодий моделларда инфляция даражаси қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$\pi = \frac{P_t - P_{t-1}}{P_{t-1}} \cdot 100 \% \quad \text{ёки} \quad p = \frac{\Delta P}{P_{t-1}} \cdot 100 \%$$

ёки

$$\pi = \left(\frac{P}{P_{t-1}} - 1 \right) \cdot 100 \%$$

бунда: π – йиллик инфляция суръати; P_t - жорий йилнинг нархлар индекси; P_{t-1} - ўтган йилнинг нархлар индекси.

Инфляцияни миқдоран ўлчаш учун макроиктисодиётда «70-миқдор қоидаси» деб аталган усулдан ҳам фойдаланилади. Бу усул нархларнинг барқарор ўсиши шароитида инфляция даражаси неча йилда икки бараварга ошишини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун 70 ни йиллик инфляция даражасига бўлиш кифоя:

$$\frac{\text{Нархлар икки мартага} \quad 70}{\text{ошиши учун зарур} \quad = \quad \frac{\text{йиллар сони} \quad \pi}{\text{-----}}}$$

Мисол учун, йиллик инфляция даражаси 7 % га тенг бўлса, тахминан 10 йилда нархлар икки мартага ошади, яъни, (70:7=10). Реал ЯИМ ва жамғарманинг неча йилдан сўнг икки марта ошишини ҳисоблаш зарур бўлган ҳолларда ҳам «70-миқдор қоидасидан» фойдаланилади.

2. Ўсиш суръатларига кўра инфляция турлари

Халқаро амалиётда инфляциянинг нархларини ўсиши, яни пулларнинг миқдори ўсиши жихатидан асосан уч шаклини ажратилади:

Сокин инфляция. Ушбу инфляция иктисодий ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлиб, ушбу ҳолатда маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволар йилига ўртача 3% дан 10% гача ошиши мумкии. Бу мамлакатларда муомаладаги пул массаси сакланиб туради ва миллий пул бирлигининг харид қилиш қобилияти сакланиб туради.

Шиддатли инфляция. Ушбу инфляция иктисодий ривожланаётган мамлакатларда мавжуд бўлиб, ушбу ҳолатда маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволар йилига ўртача 10% дан 100% гача баъзи ҳолатларда 200% гача ошиши мумкин. Бунинг натижасида муомаладаги пул массаси кўпаяди ва миллий пул бирлигининг харид қилиш қобилияти тушади. Мамлакат аҳолиси ўртасида миллий пул бирлигини жамғариши эмас, балки олтин, кўчмас мулк ҳолатида жамғариши жараёни кучаяди.


Жиловланмаган (гиперинфляция) инфляция. Ушбу инфляция ҳолатида маҳсулотлар, бажариладиган ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нарх-наволар йилига 1000% дан ортиқ ёки ойига 100% дан ортиқ даражада ошади. Ушбу ҳолатда миллий иктисодиётда инқироз юзага чиқади.

Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ва бозор бошқарувсиз фаолият кўрсатадики, нарх ва иш ҳақи ўртасидаги фарқ ортади. Мамлакат аҳолиси кўлидаги коғоз пулларга товарлар сотиб олади. Бу ҳолат эса муомалада товар массаси билан товар ва хизматлар билан таъминланмаган ортиқча коғоз пуллари тўлиб-тошишига олиб келади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, инфляциянинг асосий сабаби одатда бир эмас, балки бир нечта бўлиб ўзаро маҳкам боғланган бўлади ва нархининг кўтарилиб бориши билангина намоён бўлиб қолмайди, балки нархни бошқарилишига ҳам боғлиқ бўлади. Ушбу жиҳатдан қуйидаги инфляция шакллари ажратилади:

Ошқора инфляция. Талаб томонига қараган макроиқтисодий тенгсизлик доимий равишда нархнинг кўтарилиб бориши билан ифодаланадиган бўлса, бундай инфляция ошқора инфляция дсб аталади. Ошқора инфляция бозор механизмини бузмайди: нарх баъзи бозорларда кўтарилиши билан бир вақтда бошқа бозорларда пасайиб бориши мумкин. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, бозор механизмлари ўз таъсирини давом эттириб, миллий иқтисодиётга баҳолар тўғрисидаги маълумотларни ошқора етказиб туради, инвестицияларни илгари суриб, ишлаб чиқаришни кенгайтириши билан таклифни рағбатлантириб боради.

Яширин инфляция. Инфляциянинг ушбу тури шундай кўринишда бўладики, бундай ҳолатда баъзи бир истеъмол маҳсулотларига нарх маъмурий тарзда давлат томонидан ўрнатилади ва тартибга солиб турилади. Бундан асосий мақсад, давлат томонидан баъзи маҳсулотларга нархни «ижтимоий паст» даражада белгилайди. Яширин инфляция шароитида нархнинг кескин ўсиши кузатилмаслиги мумкин. Лекин миллий пул бирлигининг қадрсизланиши, маҳсулотлар аҳоли пул маблағларига керакли маҳсулотларни харид қилиб бўлмаслиги ҳолатлари пайдо бўлади. Иқтисодиётда яширин инфляция юзага чиққанда маҳсулотларнинг нархи ҳамда аҳолини даромадларини ўсиши вақтинча тўхтатилади. Яширин инфляцияни вужудга келишини асосий сабабларидан бири бу нархлар устидан маъмурий назорат ўрнатишдир. Бунинг натижасида бозор механизми деформацияланади. Унинг қайси даражада ва ўзгарганлиги даражаси ва давомийлиги давлат томонидан олиб бориладиган сиёсатга ҳамда тартибга солиш шаклига бевосита боғлиқ бўлади. Ушбу инфляциянинг салбий томони шундан иборатки, инфляция даврида ишсизлик даражаси ошади, чунки ишлаб чиқариш ривожланмайди.



13-чизма. Босим остидаги(яширин) инфляция

3. Инфляция сабаблари

Инфляция XVII асрнинг ўрталарида муомалага таъминланмаган жуда кўп миқдорда пул чиқариши натижасида пул тизимидаги инқироз ҳолат асосида юзага чиққан. Инфляция (лотинча «inflation» сўзидан олинган ва шишиш, кўпчиш, кўтарилиш маъносини англатади) ўз моҳиятига асосан пулнинг қадрсизланиши, товар ва хизматларга бўлган баҳоларнинг мунтазам равишда ошиб бориши жараёнини англатади. Шунини таъкидлаш лозимки, ривожланган мамлакатлар тажрибаси инфляция нисбатан меъёр даражасидаги пул массаси ҳолатида ҳам юзага чиқиши мумкин.

Ҳозирги замон инфляцияси нафақат товарлар ва хизматларга бўлган баҳоларни мунтазам ўсиши натижасида пулнинг сотиб олиш қобилиятини пасайиши билан бир қаторда ишлаб чиқариш жараёнидаги номутаносиблик, пул муомаласи, молия ҳамда кредит соҳасидаги салбий омиллар билан таснифланади. Инфляциянинг юзага чиқишининг асосий сабаблари бўлиб, иқтисодиёт тармоқлари, жамғарма ва истеъмол, талаб ва таклиф, даалат даромадлари ва харажатлари, хўжаликларнинг пул массаси ва унга бўлган талаби ўртасидаги мутаносиблик ҳамда марказий банкнинг кредит экспансияси ҳисобланади. Ушбу таъкидлаб ўтган омиллар ўз моҳиятига асосан инфляцияга, унинг даражасига турлича таъсир этиши мумкин.

Халқаро амалиётда иқтисодчи олимлар инфляциянинг юзага чиқадиган омиллар асосан икки гуруҳга: *ички ва ташқи омилларга* ажратадилар.

1. Ички омилларни моҳиятига асосан пуллик (монетар) ва пулсиз омилларга ажратиш мумкин. Пуллик омилларга давлат молиясининг

инқирози, бюджетнинг тақчиллигини мавжудлиги, давлат қарздорлигини ортиши, пул эмиссияси, кредит дастакларининг айланишини кўпайиши, пул айланмасининг тезлиги ва бошқалар киради. Пулсиз омилларга миллий иқтисодиёт тармоқлари ўртасидаги номутаносиблик, тармоқлар иқтисодий ривожланишдаги бир маромсиз даража, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида монополиянинг (олигополия) мавжудлиги, нарх шакллантиришдаги давлат монополияси, марказий банкнинг кредит эҳсансия ва бошқа омилларни киритиш мумкин;

2. Ташқи омиллар ўз моҳиятига асосан бирон аниқ давлат ривожланишига таъсир э тадиган дунёда амалга ошаётган жараёнларни акс эттиради. Ушбу омилларга дунё мамлакатларида юзага чиқадиган соҳа инқирозлари ҳисобланадиган ҳом-ашё, энергетика, нефт, валюта инқирозларни киритиш мумкин. Ушбу омиллардан ташқари бирон-бир давлатнинг бошқа давлатларга нисбатан олиб борадиган давлат миқёсидаги валюта сиёсатини, яширин ҳолатда валюта, олтинни экспортини амалга оширилишини ҳам киритиш мумкин. Биз қуйидаги чизмада инфляцияни юзага чиқиш шакллари таҳлил этамиз. Ушбу чизма таҳлилидан кўриниб турибдики, инфляция асосан уч йўналишда юзага чиқади. Биринчи йўналишда маҳсулотлар, ишлар ва кўрсатиладиган хизматларга бўлган нархларни асосан равишда ўсиб кетиши туфайли пул қадрсизлана бопшайди. Бунинг натижасида миллий валютанинг харид қилиш қобилияги тушиб кетади. Иккинчи йўналишда, хорижий валюталарга нисбатан миллий валютанинг курси пасайиб кетади. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва мамлакат аҳолиси эркин муомаладаги хорижий валюталари (АҚШ доллари, евро, швейцария франки ва бошқаларни) жамғара бошлайди. Учинчи йўналишда олтинга бўлган миллий пул бирлигида ифодаланган нарх кўтарилиб кетади. Бунинг натижасида мамлакат аҳолиси ўртасида олтиннинг тўпланиб қолиши амалга ошади.


Одатда инфляцияни икки хилга талаб инфляцияси ва таклиф инфляциясига ажратилади. **Талаб инфляцияси** - бу иқтисодиётда талаб кескин ошиб кетиши ва уни ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми билан қондириш мумкин бўлмайдиган шароитларда келиб чиқади. Яъни, тўлиқ бандлиликка яқин шароитда иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш имкониятлари ўсиб бораётган ялпи талабни қондиролмайди. Ортиқча талаб эса реал товарлар нархининг кўпайишига иқтисодий босим беради ва талаб инфляцияси келиб чиқади. Ёки, оддий сўзлар билан айтганда, «хаддан зиёд пуллар хаддан кам товарларни овлайди». Талаб инфляциясини келтириб чиқарувчи асосий сабаблар аҳолининг иш билан тўлиқ бандлиги ва иш

ҳақининг ошиб бориши ҳисобланади. Демак, инфляция талаб, таклиф, иш билан бандлик, нарх, ишлаб чиқариш суръатлари каби кўпгина омилларга боғлиқ.

Иқтисод пасайиш ҳолатида бўлганда мамлакатда жами талаб ошса, ишлаб чиқариш ҳажми кўпаяди, ишсизлик камаяди, нарх даражаси эса деярли ўзгармайди ёки кам миқдорда ўзгаради. Нарх ўзгармаслигининг сабаби шундаки катта ҳажмдаги бўш турган меҳнат ва ҳом ашё ресурсларини шу ўзгармас нархда ишга тушириш мумкин бўлади. Чунки, ишсиз юрган киши иш ҳақини оширишни талаб қилмайди, унинг учун ишга ёлланишнинг ўзи кифоя ҳамда қўшимча станок сотиб олишга ҳожат йўқ.

Бундан ташқари, нарх ишчи кучини тўла иш билан бандлигига эришишдан олдин ҳам ошиши мумкин. Яъни, баъзи саноат корхоналарида бўш турган ресурс ва захираларни ишлаб чиқаришга эртароқ тўлиқ жалб қилинади, натижада улар талабнинг ўсишига мос ишлаб чиқаришга, таклифга эриша олмайди. Талаб, таклифдан кўпайиб кетади, натижада нарх яна оша бошлайди.

R^0 – ўтган йилнинг (базис) нархлар индекси.



14-чизма. Талаб инфляцияси


$$\frac{\Delta M}{M} \cdot 100\% + \frac{\Delta V}{V} \cdot 100\% - \frac{\Delta P}{P} \cdot 100\% + \frac{\Delta Y}{Y} \cdot 100\%$$

бу ерда: $(\Delta M/M \cdot 100\%)$ - пул массасининг қўшимча ўсиши, одатда m билан белгиланади, $(\Delta V/V \cdot 100\%)$ – пул айланиш тезлигининг қўшимча ўсиши, $(\Delta P/P \cdot 100\%)$ – нарх даражасининг қўшимча ўсиши, яъни инфляция суръати Δ , $(\Delta Y/Y \cdot 100\%)$ – реал ЯИМнинг қўшимча ўсиши, g билан белгиланади.

Талаб инфляциясини чеклаш учун эса махсус чора-тадбирлар кўриш зарур бўлади. Инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми қисқариши билан бир вақтда номинал ҳажмининг ортиб бориши каби вазият содир бўлади. Даромадларни ишлаб чиқариш томонидан таъминланмаган ўсиши аҳоли кўлидаги пулнинг таклиф қилинаётган товар ва хизматлардан ошиқчалигига олиб келади. Бундай ҳол пул бирлигининг харид қувватини пасайтиради, бир миқдордаги пулга жорий йилда ўтган йилдагига нисбатан аҳоли камроқ маҳсулот сотиб олади, яъни, унинг реал даромади камаяди. Мисол учун, жорий йилда аҳолининг номинал даромадлари 30% га кўпайган, нархлар даражаси 50% га ошган бўлса, унда аҳолининг реал даромадлари 20% га камайган бўлади. Чунки, нархларнинг ўсиши аҳоли пул даромадларининг ўсишидан юқори бўлган ($30\% - 50\% = 20\%$).

Таклиф инфляцияси - бу мамлакат иқтисодиётида товар ва хизматлар таклифининг камайиши натижасида товар ва хизматлар нархларининг ошишидан пайдо бўлади. Бундай ҳолларда ортиқча талаб бўлмаса ҳам товарларнинг нархлари ошиб боради. Ҳатто иш билан бандлик ва ЯИМ ишлаб чиқариш камайган йиллари товарларнинг нархи ошади. Жами таклиф қисқаришининг асосий сабаби маҳсулот бирлигига сарфланган харажатларнинг ўсиши ҳисобланади. Бунда номинал иш ҳақи, хом ашё ва ёқилғи нархларининг ошиши натижасида ишлаб чиқариш таннархи ҳам ошади.

Таклиф инфляциясининг келиб чиқишига, шунингдек, таклиф механизмининг бузилиши ҳам таъсир қилади. Таклиф механизми эса тасодиқий ҳолда асосий ишлаб чиқариш омиллари нархсининг кескин кўпайишидан келиб чиқади. Иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, таклиф инфляцияси ўз-ўзини чеклайди. Ишлаб чиқаришнинг пасайиши харажатларнинг қўшимча ўсишини чеклайди, чунки ишсизликнинг ўсиши номинал иш ҳақининг аста-секин пасайишига олиб келади.



15-чизма. Таклиф инфляцияси

Инфляцияни реал даромадлар даражасига таъсири у кутилаётган ёки кутилмаётганига ҳам боғлиқ. Кутилаётган инфляция шароитида даромад олувчи инфляциянинг у олаётган даромадга таъсирини камайтириш, яъни реал даромади даражавсини сақлаб қолиш чорасини кўради.

Бу учун Фишер тенгласидан фойдаланиш мумкин:

$$i = r + \pi_{kutil}$$

бу эрда i - номинал фоиз ставкаси; r - реал фоиз ставкаси; π_{kutil} - кутилаётган инфляция даражаси.

Инфляция суръати 10 фоиздан ошганда Фишер тенгласи куйидаги кўринишни олади:

$$r = \frac{i - \pi_{kutil}}{1 - \pi_{kutil}}$$


Кутилмаган инфляция даромадларни дебиторлар ва кредиторлар ўртасида кредиторлар фойдасига қайта тақсимлайди. Шунингдек кутилмаган инфляция даромадларни қайд қилинган даромад олувчилар ва қайд қилинмаган даромад олувчилар ўртасида кейингилари фойдасига қайта тақсимлайди. Талаб ва таклиф инфляциясини қатъий чегаралаш қийин. Баъзида бу икки турдаги инфляция бир-бири билан қўшилиб кетади. Масалан, талаб инфляцияси шароитида ёлланма ишчилар кутилаётган инфляция даражасини эътиборга олиб иш ҳақилари оширилишини меҳнат шартномаларига киритадилар. Бу эса маҳсулот таннархини ошириб таклиф инфляциясини келтириб чиқаради. Товарлар таклифнинг камайишини кузатаётган иқтисодий агентлар пул маблағларини товарларга айлантиришга шошадилар. Бу ҳолат талаб инфляцияси кўринишини келтириб чиқаради. Бундай кетма-кетлик охир-оқибат гиперинфляцияни келтириб чиқариши

мумкин. Гиперинфляция бошқариб бўлмайдиган инфляция жараёни бўлиб, ишлаб чиқариш ва бандлик даражаларига ҳалокатли таъсир кўрсатади. Харажатлар инфляцияси стагфляцияга, яъни бир вақтда ишлаб чиқаришни пасайиши ва нарх даражасининг ўсишига олиб келади.

Инфляция ва ишсизлик. Филлипс эгри чизиғи

Иш ҳақи меҳнат бозорида мувозанатни ўрнатувчи восита ҳисобланади ва унинг даражаси ўзгариши ишсизликка бевосита таъсир кўрсатади. Бу икки кўрсаткич ўртасидаги ўзаро боғлиқлик инглиз иқтисодчиси А.В.Филлипс томонидан аниқланган. У **Филлипс эгри чизиғи** (16-чизмада) деб акс эттирилган. Мадомики, иш ҳақи ва нархлар ўзгаришининг суръатлари ўртасида бир хил нисбат мавжуд экан, у ҳолда Филлипс эгри чизиғи ўз моҳиятига кўра, инфляция ва ишсизлик ўртасидаги боғлиқликни акс эттиради. Бунда инфляциянинг ўсиш суръатида ишсизликнинг паст даражаси кузатилади ва аксинча. Яъни, ишлаб чиқаришнинг қисқариши ва ишсизликнинг кўпайиши нархлар ошиши билан кузатилади. Бу ҳодиса стагфляция деб аталиб, кам инфляцияни ҳам ишсизликнинг ўсиши билан ифодалайди.

Давлатнинг меҳнат бозорига таъсир этиш чоралари Филлипс модели билан чекланиб қолмасдан солиқ, пул-кредит сиёсатининг кенг таъсир этиш чораларини ҳамда меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларни ҳам ўз ичига олади.



16-чизма. Филлипс эгри чизиғи


Иқтисодий тебранишларнинг асосан тўртта босқичини ва тебранишларга иқтисодчи олимлар томонидан турли хил ёндашувларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Инфляция товар ва хизматлар баҳосининг кўпайиши натижасида пул харид қувватининг тушиб кетишидан келиб чиқади. Иқтисодиётда

инфляциянинг бир нечта турлари аниқланган. Шунинг учун ҳам барча мамлакатларда инфляцияни камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Инфляцион спирал

Йиллик суръати бир неча ўн ёки юз фоизни ташкил этган инфляция пул тизимининг бошланаётган ёки кучаяётган инқироzi белгисидир. Гиперинфляция унинг ҳалокатини, бутун бозор механизми фалажланишини англатади.



17-чизма.инфляцион спирал.

Гиперинфляциянинг расмий мезони америкалик иқтисодчи Филипп Кеган томонидан киритилган. Ф.Кеган гиперинфляциянинг бошланиши деб нархларнинг биринчи бор 50% дан ошган ойни, тугалланиши деб эса нархларнинг ўсиши бу суръатдан пасайган ва шундан сўнг камида бир йил давомида ундан ошмаган ойдан олдингисини ҳисоблаш керак деб таклиф қилган. Гиперинфляция шароитида пул ўзининг қиймат ўлчови ва алмашинув воситаси сингари функцияларини бажаролмай қолади. Нормал иқтисодий муносабатлар бузилади. Маблағлар ишлаб чиқаришга эмас, балки товар-моддий бойликлари жамғаришга йўналтирилади.

Инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми қисқариши билан бир вақтда номинал ҳажмининг ортиб бориши каби вазият содир бўлади. Даромадларни ишлаб чиқариш томонидан таъминланмаган ўсиши аҳоли қўлидаги пулининг таклиф қилинаётган товар ва хизматлардан ошиқчалигига олиб келади. Бундай ҳол пул бирлигининг харид қувватини пасайтиради, бир миқдордаги пулга жорий йилда ўтган йилдагига нисбатан аҳоли камроқ

маҳсулот сотиб олади, яъни, унинг реал даромади камаяди. Инфляциянинг ўсиш суръатини қуйидагича аниқлаш мумкин:

$$\text{Инфляция ўсиш суръати} = \frac{R^1 - R^0}{R^0}$$

R^1 - жорий йилнинг нархлар индекси.

4.Инфляциянинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ва инфляцияга қарши сиёсат

Инфляцияга қарши сиёсат - нархлар умумий даражасини барқарорлаштириш, инфляцион кескинликни юмшатишга йўналтирилган макроиқтисодий сиёсат.

Инфляцияга қарши сиёсати инфляцияни юзага келтирган сабабларни тугатишга қаратилган фаол ва инфляция шароитларига мослашишга қаратилган пассив кўринишда бўлиши мумкин.

Инфляцияга қарши сиёсати ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ялпи талабни тартибга солиш;
- ялпи таклифни тартибга солиш.

Кейнсчи иқтисодчилар биринчи йўналиш тарафдорлари бўлиб, улар давлат буюртмаси ва арзон кредит ҳисобига самарали талабни шакллантириш асосида ялпи таклиф даражасини кўтариш мумкин деб ҳисоблашади. Ҳукуматнинг бу тадбирлари иқтисодий пасайишни қисқартиради ва ишсизликни камайтиради.

Аммо бундай инфляцияга қарши сиёсати давлат бюджети тақчиллигини юзага келтиради ва қўшимча пул эмиссиясига эҳтиёж туғдиради. Кейнс давлат бюджети тақчиллигини давлат томонидан олинадиган узоқ муддатли қарзлар ҳисобига қоплашни таклиф этган.

Инфляцияга қарши сиёсатининг монетарстик йўналиши тарафдорлари кейинчалик, кейнсчиларнинг инфляцияга қарши кураш бўйича таклифлари доимо самара беравермагач ва камчиликлари юзага чиқиб қолгач юзага келди. Жумладан, бир қатор мамлакатларда давлат қарзи ҳаддан ошиб кетди. Бундай шароитда монетаристлар радикал аксинфляция усулларини таклиф этишди. Улар ялпи талабни конфискация типигаги пул ислохоти ўтказиш ҳисобига чеклаш ва бюджет тақчиллигини ижтимоий дастурларни қисқартириш камайтиришни таклиф этишди.

Монетаристлар инфляция айнан пул билан боғлиқ ҳодиса бўлганлиги сабабли шок терапияси пул массасининг ўсиш суръатларини кескин қисқартиради ва инфляция суръатларини туширади деб ҳисоблашади. Аммо бунда ишлаб чиқариш кескин пасайиши ва бандлилик қисқариши мумкин.

Конфискация типигаги шок терапияси кўринишларидан бири бўлиб даромадларнинг ва нархларнинг номинал даражаларини ўзгартирмаган ҳолда эски пулларни белгиланган нисбатда янгисига алмаштириш ҳисобланади.

Бундай тадбирлар аҳоли томонидан оғир қабул қилиниши сабабли, у қисқа муддатда самара бериши зарур.

Монетаристлар томонидан таклиф қилинаётган инфляцияга қарши сиёсатининг яна бир кўриниши - инфляция суръатларини аста секинлик билан пасайтириб бориш (градуаллаш) усулидир. Бу усулда инфляция суръатлари пул массасини кўп мароталаба, лекин оз оздан камайтириш орқали пул массасининг ўсиш суръатини пасайтиришни кўзда тутди. *Градуаллаш усули* инфляцияни аста секинлик билан пасайтира бориб иқтисодиётда чуқур пасайишни олдини олиш имконини беради.

Градуаллаш усулини қўллаш пул массаси ва нархлар даражасининг йиллик ўсиш суръати 20-30 фоиздан ошмаганда муваффақиятли бўлади, деб ҳисобланади.

Инфляцияга қарши сиёсатининг монетар усулларга муқобил бўлган вариантларидан бири нархлар ва даромадларни тартибга солиш сиёсатидир. Бу усул даромадларнинг ўсиши ва нархларнинг ўсиши ни мувофиқлаштиришни (адаптив сиёсат) кўзда тутди.

Даромадлар ва нархларни тартибга солиш сиёсатини амалга ошириш ҳукумат томонидан нархлар (нархлар) ва даромадлар даражаларини музлатиб қўйиш, пул кўринишидаги иш ҳақининг ўсишини ўртача меҳнат унумдорлигининг ўсишига боғлаб қўйиш орқали амалга оширилади.

Солиқлар таркибини ўзгартириш, ялпи солиқ тушумларидаги тўғридан-тўғри солиқларнинг улушини камайтириш, билвосита солиқлар улушини кўпайтириш, солиқ ставкаларини пасайтириш, уларнинг рағбатлантириш функцияларини кучайтириш, давлат бюджети харажатларини пасайтириш кабилар ҳам инфляцияга қарши кураш тадбирлари ҳисобланади.

Инфляцияга қарши сиёсатининг у ёки бу турини танлаш инфляция жараёнларининг хусусиятига боғлиқ.

Инфляциянинг юқори суръатларини олдини олиш учун ҳукумат қуйидагиларни таъминлаши керак:

- самарали солиқ тизимини ва давлат харажатларининг барқарорлигини;
- пул массаси ва миллий даромаднинг бир маромдаги ўсиш суръатларини;
- “инфляцияни импорт қилиш” га йўл қўймаслик.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Инфляция тушунчаси ва унинг турлари.
2. Талаб инфляциясини изоҳлаб беринг.
3. Таклиф инфляцияси нима ва унинг графикда ифодаланиши.
4. Инфляцияга қарши сиёсатнинг моҳияти ва усуллари тушунтиринг.

Асосий адабиётлар

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, сиёсат, мафкура. 1-том. Т.: «Ўзбекистон», 1996.
2. Бурдо М., Виплаш Ч. Макроэкономика (Евралейский текст). С. Петербург: Судостроение. 1998.
3. Жеффри Д., Сакс Д., и др. Макроэкономика. Глобальный подход. М.: Дело. 1996.
4. Ишмухамедов А.Э., Жумаев К.Х., Жумаев З.А. Макроиктисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ - 2000.
5. 5. Максимова В.Ф., Ишшов А.А. и др., Рыночная экономика: учебник в трёх томах. 2 -том. М.: Семинтек. 1992.

5-мавзу. Ялпи талаб – ялпи таклиф модели

Режа

1. Ялпи талаб тушунчаси ва унинг ҳажмига таъсир қилувчи омиллар.
2. Ялпи таклиф ва унга таъсир этувчи омиллар.
3. AD-AS моделида нархлар ва миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг мувозанатли даражалари.

Таянч сўз ва иборалар: ялпи талаб, ялпи таклиф, мувозанатли ҳажм, Кейнс кесмаси, вертикал ёки классик кесма, оралиқ кесма, храповик самараси

1. Ялпи талаб тушунчаси ва унинг ҳажмига таъсир қилувчи омиллар

Макрокўламда миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши билан бирга нархлар умумий даражасининг ўзгариши ўртасида боғлиқликни тадқиқ қилиш, нима учун миллий ишлаб чиқариш ҳажми айрим даврларда барқарор ўсиши, баъзи даврларда эса пасайиб кетишни изохлаб бериш учун ялпи талаб - ялпи таклиф (AD-aggregate demand – AS-aggregate supply) моделидан фойдаланамиз.

Бу моделда ялпи талабватаклиф, нархларнинг умумий даражаси каби агрегат кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Макроиктисодиётда AD-AS модели ишлаб чиқариш ҳажмлари ва нархлар даражаларининг тебранишларини ҳамда улар ўзгаришининг оқибатларини ўрганиш учун асосий модел бўлиб ҳисобланади ва бошқа бир қанча моделлар AD-AS моделининг хусусий ҳоли ҳисобланади. AD-AS модели ёрдамида давлат иқтисодий сиёсатининг турли вариантлари тасвирлаб берилиши мумкин.

Ялпи талаб — уй хўжаликлари, корхоналар, ҳукумат ва чет эллик харидорларнинг нархларнинг маълум даражасида иқтисодиётда ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва хизматларнинг умумий ҳажмига бўлган талабидир.

Ёки бошқача қилиб айтганда умумий талаб иқтисодиётда ишлаб чиқарилган якуний товарлар ва хизматларни сотиб олишга қилинган умумий ҳаражатлар йиғиндисидир. Формула кўринишида умумий талабни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$AD = C + I + G + X_n$$

Нархлар даражаси ва талаб қилинган миллий маҳсулот ҳажми ўртасидаги боғлиқликни ифода этувчи чизиқ жами талаб эгри чизиғи деб аталади. Буни чизма кўринишида тасвирлаш мумкин (18-чизма). 18-

чизмадан кўришиб турибдики, талаб эгри чизиги доимо пастга ва ўннга сурилади. Нима учун?



18-чизма. Ялли талаб эгри чизиги

Бундай сурилишнинг сабаби ҳар хил. Яъни, алоҳида олинган товарларда талаб эгри чизигининг сурилишига асосан даромад самараси ва ўринбосар товарлар сабаб бўлар эди. Айрим товарларнинг нархи пасайганда, истеъмолчиларнинг пул даромадлари кўпроқ маҳсулот сотиб олиш имконини беради (даромад самараси). Шунингдек, нарх пасайганда истеъмолчи ушбу товарни кўпроқ бошқа сотиб олади, чунки у бошқа товарларга нисбатан арзонроқ бўлади (ўрнини босадиган товарлар).

Миллий бозорда AD-эгри чизигининг траекториясини аввало пулнинг миқдорий назарияси тенгламаси ёрдамида изоҳлаш мумкин.

$$M \cdot V = Y \cdot R$$

бу ерда: M — муомаладаги пул иқдори; V — пулнинг айланиш тезлиги; R — иқтисодиётдаги нархлар даражаси (нарх индекси); Y — талаб қилинаётган реал ишлаб чиқариш ҳажми.

Бу тенгламадан $P = \frac{M \cdot V}{Y}$; $Y = \frac{M \cdot V}{P}$ тенгламаларни келтириб чиқарамиз.

Бу тенгламалардан кўринадикки, нархлар даражаси қанча ошса, реал миллий маҳсулот ҳажмига талаб ҳажми шунча паст бўлади, яъни пул массаси (M) ва унинг айланиш тезлиги (V) ўзгармас бўлса, нархлар даражаси ва умумий талаб ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд бўлади.

Бундай боғлиқлик, шунингдек қуйидаги нарх омиллари билан изоҳланади:

1. Фоиз ставкаси самараси;
2. Бойлик самараси ёки реал касса қолдиқлари самараси;

3. Импорт харидлар самараси.

Фоиз ставкаси самараси ёки Кейнс самараси шуни билдирадики, жами талабнинг эгри чизиқ бўйича сурилиши нархлар даражаси ўзгаришининг фоиз ставкасига бўлган таъсирига боғлиқ.

Демак, товарларнинг нарх даражалари ошса, истеъмолчиларга харид қилиш учун катта миқдорда нақд пул керак бўлади. Ишбилармонлар учун ҳам иш ҳақи ва бошқа харажатларни тўлашга катта миқдорда пул зарур бўлади. Қисқача айтганда, товарлар нархси даражаларининг юқорилиги пулга бўлган талабни оширади.

Пул таклифи ҳажми ўзгармаган ҳолатда талабнинг ошиши фоиз ставкасини кўтарилишига олиб келади. Фоиз ставкалари юқори бўлган шароитда ишбилармонларнинг инвестиция товарларига бўлган талаби пасаяди.

Инвестиция харажатлари умумий талабнинг бир қисми бўлганлиги туфайли бу умумий талаб ҳажмининг пасайишига олиб келади.

$$P \uparrow \rightarrow M_d \uparrow (M_s \text{ const}) \rightarrow R \uparrow \rightarrow I \downarrow \rightarrow AD \downarrow$$


Бойлик самараси ёки реал касса колдиқлари самараси (Пигу самараси) шуни билдирадики, нархлар даражасининг ошиши, номинал нархси олдиндан белгиланган молиявий активлар (омонатлар, облигациялар) реал харид қобилиятини пасайтириб юборади. Бундай шароитда аҳоли жорий даромадидан истеъмол харажатлари миқдорини қисқартиради, яъни истеъмолга чегаравий мойиллик пасайиб боради. Масалан, муайян шахс активида 10 млн. сўм бўлса, ундан ҳеч иккиланмасдан бирорта автомашина сотиб олиши мумкин бўлади, агарда инфляция таъсирида машина нархи 12 млн. сўмга кўтарилса, у машина сотиб ололмаслиги мумкин ва яна 2 млн. сўм жамғариш учун жорий даврда олган ихтиёридаги даромадидан кўпроқ қисмини жамғаради.

Истеъмол харажати умумий талабнинг бир қисми бўлганлиги туфайли унинг камайиши ADнинг пасайишига олиб келади.

$$P \uparrow \rightarrow \left\{ \begin{array}{l} \text{Молиявий} \\ \text{активларнинг} \\ \text{реал қиймати} \end{array} \downarrow \quad \begin{array}{l} S \downarrow \\ \\ S \uparrow \end{array} \right\} \rightleftharpoons AD \downarrow$$

Импорт харидлари самараси шуни билдирадики, бирор мамлакатда товар ва хизматларнинг ички нархлари ташқи нархларга нисбатан ошиб борса, шу мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товар ва хизматларга талаб ҳажми камаяди ва ўз навбатида шу мамлакатда импорт маҳсулотларга бўлган талаб ошади. Ва, аксинча, ички нархларнинг пасайиши импортнинг

камаишига ва экспортнинг ошишига ёки миллий маҳсулотга талаб ҳажми ошишига олиб келади. Бу эса соф экспорт ҳажми орқали умумий талаб ҳажмига таъсир кўрсатади.



Юқорида кўриб ўтилган омиллар жами талабнинг **нарх омиллари** деб аталади.

Бундан ташқари жами талабнинг нархларга боғлиқ бўлмаган омиллари ҳам мавжуд. Бу омиллардаги ўзгаришлар жами талабнинг миқдорида ўз аксини топади ва унинг эгри чизигини чапга ёки ўнгга силжитади. Жами талабнинг нархларга боғлиқ бўлмаган омилларига қуйидагиларни киритамиз:

1. Истеъмол харажатларидаги ўзгаришлар:

➤ истеъмолчиларнинг реал моддий активлари қийматининг ўзгариши, бу ерда реал моддий активларнинг қиймати инфляция таъсирида ўзгаришини эмас (Пигу самараси), балки бошқа сабаларга кўра ўзгариши назарда тутилади. Масалан акцияларнинг нархи кескин ўсиши билан акциядорларнинг бойлиги ошади ва улар кўпроқ истеъмол қилишга мойил бўлади ва аксинча уйларнинг ва ерларни нархи кескин пасайиши билан истеъмолчининг бойлиги камаяди ва у кўпроқ жамғаради;

➤ истеъмолчилар кутиши, яъни келажакда реал даромадларнинг кўтарилиши кутилса, ёки инфляция даражаси юқорироқ бўлиши башорат қилинса, аҳоли кўпроқ истеъмол қилишни бошлайди;

➤ истеъмолчиларнинг қарзлари миқдорининг ўзгариши – агар олдинги истеъмол кредит ҳисобига қилинган бўлса;

➤ истеъмолчилар даромадларидан олинадиган солиқлар миқдорининг ўзгариши, солиқларнинг пасайиши ихтиёрдаги даромад ҳажмини оширади.

2. Инвестиция харажатларидаги ўзгаришлар:

➤ фоиз ставкасидаги ўзгаришлар, бу эрда Кейнс самараси эмас, балки фоиз ставкасини бошқа нархлар даражасига боғлиқ бўлмаган ўзгаришлари назарда тутилади. Масалан, пул массасининг ошиши фоиз ставкасини пасайтиради ва натижада инвестиция харажатлари ошади;

➤ инвестициялардан кутилаётган фойда меъёрининг ўзгариши, масалан, истеъмол харажатларнинг ошиши кутилаётган бўлса, ишлаб чиқарувчиларнинг кутилаётган фойдаси ҳам ошади ва натижада улар ишлаб чиқаришга кўпроқ инвестиция қилишга мойил бўладилар;

➤ корхоналардан олинадиган солиқлар миқдорининг ўзгариши, солиқлар даражасининг оширилиши корхоналарнинг капитал қўйилмалардан олган

фойдасини камайтиради ва натижада улар камрок инвестиция қилади;

➤ янги технологияларнинг ишлаб чиқаришга жалб қилиниши, янги ва такомиллаштирилган технологияларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш учун ишлаб чиқарувчилар янги ускуналар сотиб олади;

➤ захирадаги қувватлар ўзгариши, захирадиги ишлаб чиқариш қувватлари миқдори юқори бўлса, ишлаб чиқарувчилар янги ускуналар сотиб олишни ва янги иншоотлар қуришни тўхтатиб қўйядилар.

3. Давлат харажатларининг ўзгариши. Масалан, харбий харажатлар ва янги касалхона ва бошқа муассасалар қуришга қарор қилинганда.


4. Соф экспорт ҳажмидаги ўзгаришлар.

➤ бошқа мамлакатлар миллий даромадларининг ўзгариши миллий экспортга бўлган талабни оширади. Мисол, жаҳондаги молиявий-иқтисодий инкироз натижасида кўплаб ривожланган мамлакатлардаги аҳолининг реал даромадлари тушиб кетган ва уларнинг бизнинг мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларга бўлган талаби ҳам камайган. Ҳозирги кунда нефт нархининг кескин ўсиши нефт экспорт қилувчи мамлакатлар миллий даромадларини ошириб боришига ва натижада бу мамлакатларда бизнинг маҳсулотларга талабини ошиб боришига сабаб бўлмоқда.


➤ валюта курсларидаги ўзгаришлар, миллий валюта сўмнинг курси пасайиши билан хориждан келаётган меҳмонлар олиб келган доллари эвазига кўпроқ сўмга эга бўлишади, яъни бизнинг маҳсулотларимиз хорижликлар учун нисбатан арзонроқ бўлиб қолади.

Пулнинг миқдорий назарияси тенгламаси юқоридагилардан ташқари умумий талабнинг нархларга боғлиқ бўлмаган яна икки омилни беради. Булар: пул таклифи (M) ва пулнинг айланиш тезлиги (V)дир. Нархлар ўзгармаган ҳолда, пул массасининг кўпайиши ёки пулнинг айланиш тезлигининг ошиши қисқа муддатда жами талаб эгри чизиғини ўнгга силжитади, чунки бу ўзгаришлар иқтисодиётдаги мавжуд бўлган реал пул захираларини ҳамда истеъмолчиларнинг сотиб олиш қобилиятини оширади.

Умумий талабнинг нархга боғлиқ бўлмаган омиллари таъсирида AD эгри чизиғи ўнгга ёки чапга силжийди. Натижада маълум нарх даражасига мос келувчи талаб қилинаётган миллий маҳсулот ҳажми ўзгаради.



19.1-чизма. Умумий талаб эгри чизигининг ўнга силжиши




19.2-чизма. Умумий талаб эгри чизигининг чапга силжиши

Пул таклифининг, пулнинг айланиш тезлигининг ошиши, бошқа давлатлар миллий даромадининг ошиши, миллий валюта курсининг маълум миқдорда пасайиши (булар экспортнинг ортиши, импортнинг пасайишига олиб келиши туфайли) оқибатида соф экспортнинг пасайиши ва ялпи харажатлар турли компонентларининг ошиши AD эгри чизигининг ўнга силжишига олиб келади. Бунга аксинча бўлган ҳолатларда AD эгри чизиги чапга силжийди.

2. Ялпи таклиф ва унга таъсир этувчи омиллар

Ялпи таклиф деганда муайян нархлар даражасида ишлаб чиқарилиши ва таклиф қилиниши мумкин бўлган товар ва хизматларнинг реал ҳажми тушунилади. Умумий таклиф тушунчаси кўпинча ялпи ички маҳсулот синоними сифатида қўлланилади. **Ялпи таклиф** – бу муайян нархлар даражасида ишлаб чиқарилиши ва таклиф қилиниши мумкин бўлган истеъмол ҳамда инвестиция товарлари ва хизматларнинг умумий миқдоридир. Нархлар даражаси деганда, турли хил товар ва хизматларнинг алоҳида нархларини умумлаштирувчи жами нарх тушунилади. Нархларни нархлар даражасига, жами истеъмолчиларнинг тўлов қобилиятли талабини жами талабга, барча товар ва хизматларни эса миллий ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмига бундай бирлаштириш йириклаштириш деб аталади. Кўрсаткичларни йириклаштиришни бу усулидан макроиктисодий тадқиқотларда тез-тез фойдаланиб турилади. Макро даражада иқтисодиётни усиз таҳлил қилиб ёки олдиндан айтиб бўлмайди. Ялпи талаб ва таклиф ҳамда нархлар даражаси барча макроиктисодий моделлар тўзилишининг асоси ҳисобланади. Оддий кўринишда бу кўрсаткичларнинг ўзаро бири-бирига боғлиқлиги график ёрдамида акс эттирилади (20-чизма).

Нархлар даражаси P




20-чизма. Ялпи талаб, ялпи таклиф ва нархлар даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик.

Нархларнинг юқори даражаси ишлаб чиқарувчиларга кўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришга рағбат яратади ва аксинча паст нархлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қисқаришга олиб келади. Шунинг учун ҳам миллий ишлаб чиқариш ҳажми билан нархлар даражаси ўртасида тўғри алоқа мавжуд. Демак, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми нархлар ўсиб бориши билан ўсиб, пасайиши билан тушиб боради. Ялпи таклиф (AS) эгри чизиғи алоҳида товар таклифи эгри чизиғидан фарқ қилиб уч қисмдан, горизонтал ёки кейнс кесмаси, кўтарилиб борувчи ёки оралик кесма ҳамда вертикал ёки классик кесмадан иборат. Бу умумий таклифни таҳлил қилишга классик ва кейнсчиларга хос ёндашув билан изоҳланади. Иқтисодий адабиётларда кўпинча оралик кесма ҳам кейнс кесмасига киритиб юборилади.

Ялпи таклиф эгри чизиғидаги бу кесмалар қандай иқтисодий вазиятларни акс эттиради?

Кейнс кесмасида миллий ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми тўлиқ бандлик шароитидаги миллий ишлаб чиқариш ҳажмидан камдир. Демак, горизонтал кесма иқтисодиёт инқирозга учраган ва катта миқдордаги ресурслардан фойдаланилмаган шароитни кўрсатади. Фойдаланилмаётган ушбу ресурсларни нархлар даражасига таъсир кўрсатмаган ҳолда ишга тушириш мумкин. Бу кесмада миллий ишлаб чиқариш ҳажми ошиши нархлар даражаси ўзгармай қолган шароитда рўй беради.



Ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми

21 - чизма. Жами таклиф эгри чизиги

Ялпи талабнинг Кейнс кесмасида иқтисодиётни нисбатан қисқа муддатда амал қилишини характерлайди. Умумий талабни таҳлил қилиш қуйидаги шартларга таянади:

- иқтисодиёт ишлаб чиқариш омили тўлиқ банд бўлмаган шароитда амал қилади;
- нархлар, номинал иш ҳақи қайд этилган, бозор тебранишларидан жуда кам таъсирланади;
- реал миқдорлар (ишлаб чиқариш, бандлилик, реал иш ҳақи) ҳаракатчан ва бозор тебранишларидан тез таъсирланади.

Вертикал ёки классик кесма. Эгри чизик бўйича ўнгга сурилиши натижасида ишлаб чиқаришнинг мавжуд ҳажмида иқтисодиёт тўлиқ бандлик шароитига ёки ишсизликнинг табиий даражаси шароитига эришган вазиятни кўрамиз. Иқтисодиёт эгри чизикнинг бу кесмасида ўзининг ишлаб чиқариш потенциалли даражасида бўлади. Бу шуни билдирадики, нархларнинг ҳар қандай ошиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига олиб келмайди. Чунки, иқтисодиёт тўлиқ қувватда фаолият кўрсатаяпти. Тўлиқ бандлик шароитида айрим фирмалар бошқа фирмаларга нисбатан ресурсларга юқорироқ нархларни таклиф этиш орқали ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ҳаракат қилади. Аммо, бундай ҳолатда айрим фирмаларнинг ресурслар ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши, бошқалари учун йўқотишга олиб келади. Натижада бу маҳсулотлар нархи ошиши мумкин, лекин ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми ўзгармай қолади.

Классик назарияда ялпи таклифни таҳлил қилиш қуйидаги шартларга таянади:

- ишлаб чиқариш ҳажми фақатгина ишлаб чиқариш омили ҳажмига

ва технологияларга боғлиқ ва нархлар даражасига боғлиқ эмас;

- ишлаб чиқариш омиллари ва технологияларда ўзгариш секинлик билан рўй беради;

- иқтисодиёт тўлиқ бандлик шароитида амал қилади, яъни ишлаб чиқариш ҳажми потенциал даражага тенг;

- нархлар ва номинал иш ҳақи ўзгарувчан, уларнинг ўзгариши бозорларда мувозанатни таъминлаб туради.

Оралиқ кесма — ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ўсиши нархлар даражасининг ўсишига мос равишда ўсиб боради. Нима учун? Чунки, иқтисодиётнинг пасайиш ҳолатидан тўлиқ бандликка ўтиши нотекис ва турли вазиятларда рўй беради. Масалан, айрим тармоқларда ресурсларнинг ётишмаслигига дуч келинса, бошқа тармоқларда ҳозирча ортиқча ресурслар мавжуд бўлади. Шунингдек, улар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун янги асосий воситалар сотиб олиш ва малакасиз мутахассислардан фойдаланишига тўғри келади. Бу эса маҳсулотлар бирлигига кетадиган харажатларнинг ошишига ва натижада нархлар даражасининг ўсишига олиб келади.

Ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиши ёки камайиши нархга боғлиқ бўлмаган омиллар ҳисобига ҳам рўй бериши, бу омиллар эса ялпи таклиф эгри чизиғини ўнг ёки чап томонга силжитиши мумкин. Нархга боғлиқ бўлмаган омилларнинг хусусияти шундаки, улар маҳсулот бирлигига кетган харажатларга бевосита таъсир қилади ва шу орқали ялпи таклиф эгри чизиғининг силжишига сабаб бўлади.

Бу омиллар қуйидагилардан иборат

1. Ресурсларга бўлган талабнинг ўзгариши:

- ички бозордаги ресурслар миқдорининг камайиши уларнинг нархининг ошишига олиб келади:

- ер ресурслари;
- меҳнат ресурслари;
- капитал;
- тадбиркорлик қобилиятлари;

- валюта курсининг ўзгариши сабабли импорт ресурслар нархларидаги ўзгаришлар;

- бозордаги ҳукмронлик ва монополия, ОПЕК томонидан нефт нархининг кўтарилиши.

2. Ишлаб чиқариш унумдорликдаги ўзгаришлар .

3. Ҳуқуқий меъёردаги ўзгаришлар:


- солиқ ва субсидияларнинг ўзгариши;

➤ давлатнинг тартибга солиш жараёнидаги ўзгаришлар, давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиниши охири оқибат ишлаб чиқариш харажатларини оширади. Масалан, солиқ турларини кўпайтирилиши кўшимча бухгалтернинг хизматидан фойдаланишга мажбур қилиши мумкин, яъни давлат томонидан иқтисодиётни юқори даражада тартибга солиниши қоғоз ишини кўпайтиради.

3. AD-AS моделида нархлар ва миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг мувозанатли даражалари

Нархларнинг мувозанатли даражаси деганда шундай нарх даражаси тушуниладики, унда ялпи талаб ва таклиф ҳажми бир-бирига мос келиши ёки тенг бўлиши керак. Аввало ялпи талаб эгри чизиғи ва ялпи таклиф эгри чизигининг оралиқ кесмада мос келишини кўриб чиқамиз. Нархларнинг мувозанатли даражаси ва миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанатли даражалари мос равишда P_e ва Y_e лар билан белгиланган. Нима учун P_e нархларнинг мувозанатли даражаси ва Y_e миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли даражасини билдиришини кўрсатишимиз учун нархларнинг мувозанатли даражаси P_e эмас, балки R_1 деб ҳисоблаймиз. Нархлар даражаси R_1 бўлган вазиятда корхоналар миллий ишлаб чиқариш ҳажмини Y_1 миқдоридан оширмайди.

Истеъмолчилар нархлар даражаси R_1 бўлганда маҳсулотларни Y_2 даражада сотиб олишга тайёр туради. $AD > AS$ бўлганлиги туфайли истеъмолчилар ўртасидаги рақобат нархлар даражасини P_e гача суради. Нархлар даражасининг R_1 дан P_e гача кўтарилиши ишлаб чиқариш ҳажмини Y_1 дан Y_e гача оширишга ва истеъмолчиларнинг талабини Y_2 дан Y_e гача камайтиришга олиб келали. Ва бу AD , AS тўғри чизиқлари e нуқтада кесишади. Демак, айнан P_e нарх нархларнинг мувозанатли даражаси ва e мувозанат нуқтасидир.



22-чизма. Ялпи таклиф эгри чизигининг оралиқ кесмадаги мувозанат

22-чизмада ялпи талаб эгри чизиғи ялпи таклиф эгри чизиғини Кейнс кесмасида кесиб ўтади. Бундай вазиятда нархлар даражаси ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Буни тушуниш учун аввало миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажмини E ва мувозанатли нархлар даражасини P_e билан белгилаймиз.


Мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми айнан E эканлигини исботлаш учун бу ҳажмни Y_1 деб ҳисоблаймиз. У ҳолда $AD < AS$, оқибатида сотилмай қолган товарлар ва хизматлар ҳажмининг ортиши ишлаб чиқаришни E даражага пасайтирилишига олиб келади. Мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажмини Y_2 деб ҳисобласак, аксинча, $AS < AD$ оқибатда корхоналарда товар захиралари камайиб уларни ишлаб чиқаришни E даражага оширишга ундайди. Шундай қилиб айнан жами таклиф ва жами талабнинг кесишиш нуқтасигина $AD-AS$ моделда мувозанат нуқтаси ва шу нуқтага мос келувчи ишлаб чиқариш ҳажми эса миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми дейилади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, ялпи таклиф эгри чизиғининг кейнс кесмасида ялпи талабнинг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ёки камайишига олиб келади, нархлар даражаси эса ўзгармайди.

Ялпи талаб эгри чизиғини AS эгри чизиғининг вертикал кесмасида ўзгарса бу ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир кўрсатмайди ва фақат нархлар даражаси ўзгаради, холос. Яъни, бу кесмада талабнинг ошиши талаб инфляциясини келтириб чиқаради. Ялпи таклифнинг бу кесмасида талабнинг ҳар қандай ўзгариши фақат нархлар даражаси ўзгаришга олиб келади. Ишлаб чиқариш ҳажми эса тўлиқ бандлик шароитида ўзгармай қолади.

Оралик ва вертикал кесмаларда нархлар ўсиб бориши билан кузатилган ялпи талабнинг кўпайиши талаб инфляцияси мавжудлигини кўрсатади.

Ялпи таклиф ўзгаришининг нархларнинг ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли даражасига таъсирини 23-чизма мисолида кўриб чиқамиз.



23-чизма. Ялпи таклиф ўзгаришининг таъсири

Нархдан бошқа омиллар таъсирида ялпи таклифнинг AS_1 дан AS_2 га силжиши натижасида ишлаб чиқариш ҳажми Y_1 дан Y_2 гача камаяди, нархлар даражаси эса R_1 дан R_2 гача кўтарилади, яъни стагфляция рўй беради.

Бошқа бир вазиятда, масалан, нархларга боғлиқ бўлмаган омиллардан бирортаси ўзгариб, ялпи таклифнинг ўзгаришига олиб келсин. Яъни, ернинг нархи пасайса, корхоналардан олинадиган солиқлар камайса ва булар натижасида маҳсулот бирлигига кетган сарф-харажатлар қисқарса, унда жами таклиф эгри чизиғи AS_1 дан AS_3 ҳолатга силжийди. Бунда нархлар мувозанат даражаси R_1 дан R_3 га қадар пасаяди ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми Y_1 дан Y_3 қадар ошади, яъни, иқтисодий ўсиш ҳолати рўй беради.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Жами талабнинг баҳо ва баҳодан бошқа омилларига изоҳ беринг.
2. Нима учун AD эгри чизиғи пастга томон оғган траекториясига эга?
3. Жами таклифнинг нархга боғлиқ бўлмаган омилларни санаб ўтинг.
4. $AD-AS$ моделидаги мувозанат ҳолатини ва унинг шартларини тушунтиринг.

Асосий адабиётлар

1. Бункина М.К., Семянов В.А. Макроэкономика. М.: 1995 г.
2. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ - 2000.
3. Линвут Т., Гайгер А. Макроэкономика теория и переходная экономика. М.: 1996 г.
4. Менкью Н.Г. Макроэкономика. М.: МГУ. 1994 г.
5. Самуэльсон Н. Экономика вводный курс. М.: Прогресс. 1996 г.
6. Пиндайк Р.С., Рубинфельд Д.Л. Микроэкономика. М.: Дело. 2001 г.

6-мавзу: Истеъмол, жамғариш ва инвестиция

Режа

1. Истеъмол ва жамғариш, уларнинг графиклари ва функциялари.
2. Истеъмол ва жамғаришга ўртача ҳамда чегараланган мойиллик.
3. Жон Майнард Кейнс ва истеъмол функцияси. Ирвинг Фишер ва вақтлараро танлов.
4. Инвестиция харажатлари ва уларнинг типлари.
5. Инвестицияларнинг моҳияти, кўринишлари ва улар миқдорини аниқловчи омиллар. Инвестициялар ва жамғармалар ўртасидаги боғлиқлик.

Таянч сўз ва иборалар: истеъмол, истеъмол графиги, инвестициялар, инвестиция графиги, акселератор, истеъмолга ўртача мойиллик, и истеъмолга (жамғаришга) чегараланган мойиллик, истеъмол ва жамғариш функциялари, лойиҳа, инвестиция, инвестицион харажатлар, фоиз ставкаси, асосий фондлар, капитал захиралари, фойда, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари, хорижий инвестициялар, реал иқтисодиёт, диверсификация

1. Истеъмол ва жамғариш, уларнинг графиклари ва функциялари.

Уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари (бундан буён истеъмол деб юритилади), ялпи талаб, ёки ЯИМнинг якуний истеъмолга кўра таркибида энг катта улушга эга бўлган компонентдир. Ривожланган мамлакатларда истеъмол харажатлари шахсий тасарруфдаги даромаднинг 90 фоиздан ортиқ қисмини ташкил этади. Шу туфайли ҳам истеъмол харажатларига таъсир этувчи омилларни, унинг ўзгариш қонуниятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Уй хўжаликлари тасарруфидаги даромаднинг истеъмол қилинмасдан қолган қисми уларнинг жамғармаларини ташкил этади. Классик мактаб вакиллари жамғариш ҳажми фоз ставкасининг функцияси деб қарашса Ж.М. Кейнс уй хўжаликларининг истеъмол харажатлари ва жамғаришлари ҳажмини белгиловчи асосий омил уларнинг ишлаб чиқаришда иштирок этишдан олинган даромадлари деб ҳисоблайди. Янада аниқлик киритсак истеъмол ва жамғариш ҳажмини белгиловчи асосий омил уй хўжаликларининг ишлаб топган даромадлари, олган трансферт тўловлари ва тўлаган солиқлари билан белгиланадиган тасарруфидаги даромади (DI – *disposable income*, ёки Y_d) кўрсаткичидир. Макроиқтисодий назарияда истеъмол ва жамғармалар, миллий даромад ёки шахсий даромадларнинг функцияси сифатида ҳам тадқиқ қилинади.

Ихтиёрдаги шахсий даромад истеъмом ва жамғариш учун ишлатилади, яъни қанча кўп истеъмом қилинса, шунча кам жамғарилади ва аксинча. Истеъмом ва жамғариш ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳар хил даромадга эга бўлган шахсларда бир хил эмас: кам даромадга эга бўлганлар одатда кўпроқ истеъмом қилиб, камроқ жамғаради, лекин даромадлари ошиб бориши билан бу нисбат жамғариш улушининг ўсиши томонга ўзгаради.

Истеъмом бу ихтиёрдаги даромаднинг истеъмомчи томонидан жорий даврдаги эҳтиёжларини қондириш учун сарфлаган қисми бўлиб, у пировард ҳамда оралик истеъмомга ажратилади. Оралик истеъмомда товар ва хизматлар истеъмом жараёнида тўлиқ йўқ бўлиб кетмайди, пировард истеъмомда эса улар истеъмом жараёнида тўлиқ ишлатилади. Жамғариш эса истеъмомдан фарқли равишда келгусидаги эҳтиёжларни қондириш учун хизмат қилади ва ихтиёрдаги даромаднинг истеъмомдан кейин қолган қисмини акс эттиради. Кўрсаткичлар ўртасидаги бундай боғлиқликни қуйидагича ифодалаш мумкин:

1-жадвал

Даромад, истеъмом ва жамғариш кўрсаткичлари (шартли рақамларда)
минг сўм

Йиллар	Ихтиёрдаги даромад, Yd	Истеъмом, C	Жамғариш, S
2009 йил	170	175	-5
2010 йил	210	210	0
2011 йил	250	245	5
2012 йил	290	280	10
2013 йил	330	315	15
2014 йил	370	350	20
2015 йил	410	385	25
2016 йил	450	420	30
2017 йил	490	455	35
2018 йил	530	490	40


Ихтиёрдаги даромад ҳажми 170 минг сўмга тенг бўлганда истеъмом 175 минг сўмга тенг, яъни ихтиёрдаги даромаддан 5 минг сўм кўп бўлади. Яъни аҳоли 5 минг сўмга тенг миқдорда қарз ҳисобига ёки ўтган йилларда тўпланган жамғармалар ҳисобига истеъмом харажатлари қилади.

Ихтиёрдаги даромад ҳажми 210 минг сўмга тенг бўлганда, унинг миқдори истеъмом миқдори билан тенглашади. Бу миқдор бўсағавий даромад деб юритилади. 1-жадвал маълумотлари асосида истеъмом графигини чизамиз.

Истеъмол графиги икки тўғри чизиқ кўринишда берилган.

Биринчиси – бу биссектриса, у шундай шартли вазиятни ифодалайдики, қачонки ҳар қандай йилда истеъмол ихтиёрдаги даромадга тенг бўлади, яъни жамғариш бутунлай мавжуд бўлмайди. Алгебраик, бу ўзаро боғлиқлик $Y_d=C$ тенглиги кўринишида ифодаланган.


Иккинчи тўғри чизиқ – бу ҳақиқатдаги истеъмол графиги бўлиб, ҳақиқий истеъмол ва ихтиёрдаги даромад тенг бўлган нуқтада (190 минг сўм) биссектриса билан кесишади. Бундан қуйи нуқтада ҳақиқий истеъмол ихтиёрдаги даромаддан ортиқ. Бу вазият инсонларни қарз ҳисобига ҳаёт кечиришларини билдиради. Икки тўғри чизиқ кесишиш нуқтасидан юқорида ҳақиқий истеъмолнинг барча миқдорлари ихтиёрдаги даромаддан кам ҳамда улар ўртасидаги фарқ жамғаришни ташкил этади. Ҳақиқий истеъмол графиги ўзининг оғиш бурчагига эга ва биссектрисадан фарқли равишда даромад нолга тенг бўлганда истеъмолни маълум миқдорини кўрсатади (24-чизма).



24-чизма. Истеъмол графиги

Чизмадан кўриниб турибдики, одамлар жорий йилда ҳеч қандай даромадга эга бўлишмаса ҳам, истеъмол қилишдан бутунлай тўхтамайдилар, балки улар ўзларининг ўтган йиллардаги жамғармалари ёки қарз ҳисобига яшашади. Ихтиёрдаги даромад ва ҳақиқий истеъмол ўртасидаги алгебраик боғлиқликни $C = a + bY_d$ кўринишидаги чизиқли тенглама ифодалайди. Бунда a – ихтиёридаги даромаддан қатъий назар автоном истеъмол, b – чизиқнинг оғиши. Чизиқнинг оғиши истеъмол ҳажмини ўзгариши (вертикал ўзгариш) ва ихтиёрдаги даромад миқдорини ўзгариши (горизонтал ўзгариш) нисбатлари сифатида аниқланади.

Келтирилган маълумотлар асосида жамғариш графигини ҳам кўриб чиқамиз (25-чизма).



25-чизма. Жамғариш графиги

Жамғариш графиги ихтиёрдаги даромад билан жамғариш ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Вертикал ўқдаги ҳар бир нуқта жамғарма миқдорини билдиради ва ихтиёрдаги даромад билан унга мувофиқ келадиган истеъмол ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади ($S = Yd - C$). Бошланғич даромад даражасида жамғариш нолга (0) тенг бўлган ҳолда ихтиёрдаги даромад ҳажми ўсиб бориши билан унинг миқдори ҳам ошиб боради. Жамғариш графиги истеъмол графигига ўхшаб алгебраик ифодага эга: $S = -a + (1-b)Yd$, бунда a —ихтиёрдаги даромад даражаси унинг бошланғич миқдоридан паст бўлгандаги қарз ҳажми, $(1-b)$ — оғиш бурчаги бўлиб, жамғаришни ўзгаришини (вертикал ўзгариш) даромаднинг ўзгаришига (горизонтал ўзгариш) бўлган нисбати сифатида аниқланади.

Мавзунинг биринчи саволида келтирилган гепотетик маълумотлар ва графикларга таяниб истеъмол функциясини ёзамиз:

$$C = a + b Yd,$$

бу ерда: a – автоном харажатлар; Yd – тасарруфидаги даромад ($Yd = Y - T$), бу эрда: T – солиқлар; b – истеъмол ҳажмининг тасарруфидаги даромадга боғлиқлигини ифодаловчи коэффициент, бошқача айтганда истеъмолга чегараланган мойиллик.

$$b = \frac{\Delta S}{\Delta Yd} \cdot 100$$

Демак, истеъмол ҳажми автоном истеъмолга, тасарруфидаги даромад ҳажмига ва истеъмол ҳажмининг тасарруфидаги даромад ўзгаришига таъсирчанлигига боғлиқ.

Жамғариш графигини ҳам истеъмол графигига ўхшаб алгебраик ифодалаш мумкин, яъни жамғариш функцияси куйидаги кўринишга эга:

$$S = -a + (1 - b) Yd$$

Истеъмол ва жамғариш ҳажмига тасарруфидаги даромад динамикасида ташқари куйидаги омиллар, тўғрироғи бу омиллардаги ўзгаришлар ҳам таъсир кўрсатади:

1. Уй хўжаликлари даромадлари.
2. Уй хўжаликларида тўпланган мулк ҳажми.
3. Баҳолар даражаси.
4. Иқтисодий кутиш.
5. Истеъмолчилар қарзлари ҳажми.
6. Солиққа тортиш ҳажми.

Дастлабки беш омил таъсирида истеъмол ва жамғариш графиклари ўзаро тескари томонга силжийди. Бу беш омил таъсирида жорий тасарруфидаги даромад таркибида истеъмол ва жамғариш улуши нисбатлари ўзгаради. Солиққа тортиш даражасининг ўзгариши ихтиёрдаги даромад ҳажмини ўзгартиргани туфайли унинг таъсирида истеъмол ва жамғариш графиклари бир томонга қараб силжийди. Истеъмол функциясини аниқлаш борсидаги тадқиқотлар, унинг ҳажми шунингдек аҳолининг даромадлари ҳажми ва тўплаган мулки кўламига кўра табақаланиши даражаси ҳамда аҳолининг сони ва ёшига кўра таркибига ҳам боғлиқлигини кўрсатди.

2. Истеъмол ва жамғаришга ўртача ҳамда чегараланган мойиллик.

Макроиқтисодий таҳлил жараёнида истеъмол ва жамғариш функцияларини янада тўлароқ билиш учун истеъмол ва жамғаришга ўртача мойиллик ва чегараланган мойиллик тушунчаларини моҳиятини англаб олишимиз лозим.

Истеъмолга ўртача мойиллик деганда тасарруфидаги даромаддаги истеъмол харажатларининг улуши тушунилади, яъни:

$$APC = \frac{S}{Y_d} \cdot 100;$$

бунда: APC – (average propensity to consume) истеъмолга ўртача мойиллик.

Тасарруфидаги даромаддаги жамғариш улушини жамғаришга ўртача мойиллик деб аталади, яъни:

$$APS = \frac{S}{Y_d} \cdot 100;$$

бунда: APS (average propensity to saving) – жамғармага ўртача мойиллик.

Мисол учун, тасарруфидаги даромад даражаси 410 ва 530 шартли бирликка ва истеъмол даражалари 405 ва 495 шартли бирликка тенг бўлган ҳолатлар учун истеъмолга ўртача мойилликни ҳисоблаймиз, яъни:

$$ARS = (405 / 410) \times 100 = 98,78\% \text{ ёки } 0,98;$$

$$ARS = (495 / 530) \times 100 = 93,39\% \text{ ёки } 0,93 \text{ га тенг.}$$

Демак, бу мисоллардан кўриниб турибдики, тасарруфидаги даромадлар миқдори кўпайиб бориши билан унинг таркибидаги истеъмол улуши камайиб ва аксинча жамғарма улуши кўпайиб боради. Бу ҳолатни Кейнснинг “асосий психологик қонун”и билан изоҳлаш мумкин. “Мавжудлигига нафақат априор тасаввурларга кўра, бизнинг инсон табиатини билишимиздан келиб чиқиб шунингдек ўтмиш тажрибасини синчиклаб ўрганиш асосида биз тўлиқ ишонишимиз лозим бўлган асосий психологик қонун шундан иборатки кишилар даромадлари ўсиши билан, одатда, ўз истеъмолларини оширишга мойиллар, аммо даромадлари ўсган даражада эмас”

Солиқлар тўлангандан кейин қолган даромаднинг бир қисми истеъмол қилинади, иккинчи қисми эса жамғарилади, шу туфайли ҳам истеъмолга ва жамғаришга ўртача мойиллик йиғиндиси 100%га ёки коэффициент кўринишда 1 га тенг:

$$ARS + ARS = 100\% \text{ ёки } 1.$$

Уй хўжаликлари тасарруфидаги даромадларининг ўсган қисмини ё истеъмол қилади, ёки жамғаради.

Истеъмолдаги ўзгаришларнинг шу ўзгаришни келтириб чиқарган тасарруфидаги даромад ўзгаришдаги улуши истеъмолга чегараланган мойиллик дейилади.

$$MPC = \frac{\Delta S}{\Delta Y_d} \cdot 100$$

бу эрда: MPC (marginal propensity to consume) – истеъмолга чегараланган мойиллик.

Юқорида келтирилган 1-жадвал маълумотларига кўра ихтиёрдаги даромад 410 ш.б.дан 430 ш.б.кача ошган ҳолатда MPCни ҳисоблаймиз.

$$\Delta S = 420 - 405 = 15; \quad \Delta Y_d = 430 - 410 = 20;$$

$$MPC = (15/20) \cdot 100 = 75\%;$$

Бу шуни билдирадики, даромад 100 % га (ёки бир бирликка) ўзгарганда истеъмол 75 % (ёки 0,75)га ўзгаради.

Жамғаришдаги ўзгаришнинг ихтиёрдаги даромад ўзгаришдаги улуши жамғаришга чегараланган мойиллик дейилади.

$$MPS = \frac{\Delta S}{\Delta Y_d} \cdot 100;$$

бу эрда: MPS (marginal propensity to saving) – жамғаришга ўртача мойиллик. Юқорида келтирилган мисолда:

$$\Delta Y_d = 430 - 410 = 20 \quad \Delta S = 10 - 5 = 5$$

$$MPS = (5/20) \cdot 100 = 25\%;$$

Шундай қилиб, истеъмолга чегараланган мойиллик 0,75 ни ташкил этган бўлса, жамғармага чегараланган мойиллик 0,25 ни ташкил этади. Даромаднинг ўсган қисми ёки истеъмолга, ёки жамғармага сарфланади. Шу сабабга кўра истеъмол ва жамғаришга ўртача мойиллик кўрсаткичлари йиғиндиси 100%га ёки коэффициент кўринишида 1га тенг бўлади.

$MPC + MPS = 100\%$ ёки 1.

MPC ва MPS анча барқарор кўрсаткичлар бўлиб, жуда секин ўзгаришга учрайдилар.

3. Жон Майнард Кейнс ва истеъмол функцияси

Биз, 1936-йилда чоп этилган Жон Майнард Кейнснинг бош назарияси билан истеъмолни ўрганишни бошлаймиз. Бизнинг Кейнс истеъмол функциясини назариясини яратди ва бу назария макроиктисодий таҳлилда асосий рол ўйнаган. Келинг кўриб чиқайлик, Кейнс истеъмол функцияси ҳақида ўйлади, ва унинг ғоялари маълумотларга қарши чиққанига гувоҳ бўлди.

Кейнс назарияси

Бугунги кунда, иқтисодчилар мураккаб техникага таяниб истеъмол маълумотларини таҳлил қиладилар. Компютер ёрдамида, миллий даромад ҳисоби орқали умумий иқтисодиётнинг таҳлил қилиш ва индивидуал уй хўжаликларининг текшириш, улар ҳақидаги жами маълумотлар устида батафсил таҳлил қилиш ишлари амалга оширилади. Кейнс, чунки 1930-йилда маълумотлар силсиласи катталигидек компютерлар таҳлил қилишнинг ҳам афзаллиги зарурийлиги ҳақида ёзган эди. Статистик таҳлилга таяниш ўрнига, Кейнс истеъмол функцияси асосида ўз-ўзини кузатиш ва сабабли кузатиш конъюктурасини яратди.

Биринчи ва энг муҳими, Кейнс маргинал истеъмол талаби деб истеъмол миқдорини нол ва бир ўртасидаги қўшимча доллар даромадини ҳисоблайди. У шундай ёзади: “фундаментал психологик қонунларга юкасақ ишончлар билан ваколат берганмиз..., даромадлари ошганидек истеъмол қилиш ҳам ошади аммо кўпроқ даромадда ўсиш кузатилади. Яъни шахс қўшимча доллар олса, у одатда маълум бир қисмини сарфлайди, ва маълум бир қисмини жамғаради. Кейнс мувозанатини ривожлантирдик, истеъмолга бўлган маргинал талаб Кейнс сиёсати тавсияларига яъни кенг тарқалган ишсизликни камайтириш учун муҳим эди. Бюджет сиёсат кучи иқтисодиётга таъсир қилишида яъни бюджет сиёсат билан ифодаланган даромад ва истеъмол ўртасидаги фикр мулоҳазаларни кўпайишидадир.

Иккинчидан, Кейнс истеъмолни даромадга нисбати, бу ўртача истеъмол талаби пасаяди, даромад кўтарилади, у жамғариш қимматли, чунки у

камбағалликдан кўра ўз даромадини юқори нисбатда ушлаб туриши билан бой бўлишга интилади. Шунингдек, кейнс анализи шундан иборатки, истеъмолга бўлган ўртача талаб камайса, даромад ошиши кейнснинг марказий иқтисодиётига айланди.

Учинчидан, Кейнс фикрича даромад истеъмолнинг асосий меъзонидир, ва талаб даражаси муҳим рол ўйнамайди. Унинг таҳмини ўзидан олдинги классик иқтисодчилари эътиқодидан кескин фарқ қилади. Классик иқтисодчилар, юқори талаблар назарияси бир масала сифатида жами жамғармани рағбатлантиради, истеъмолни эса рағбатлантирмайди деб ҳисоблайди. Кейнс талаб даражасини истеъмолга таъсир кўрсатиши мумкин, деб тан олди. Унинг ёзишича, тажрибалардаги асосий хулосаси талаб даражасининг қисқа муддатли таъсири нисбатан аҳамиятсиз бўлади.

Бу уч тахминлар асосида, Кейнс истеъмол функциясини қуйдагича ишлаб чиқади

$$C = C_0 + cY, C_0 > 0; 0 < c < 1,$$


бу ерда: C -истеъмол, Y - бир марталик даромад, C_0 — ўзгармас, ва c -истеъмол қилишнинг маргинал талаби, истеъмол функцияси, тўғри чизик графиги бўлади. C_0 вертикал ўқда тўхтайтиди, ва c қия ҳолатда белгилайди. Кейнс ўртага ташлаган истеъмол функцияси уч хусусиятларига эътибор беринг. Бу Кейнснинг дастлабки фарази тасдиқланди, чунки, нол ва бир орасидаги истеъмолга бўлган маргинал талаб бу — c , шундай қилиб, юқори даромад юқори истеъмол ва шунингдек юқори жамғариш бўлишига олиб келади. Бу истеъмол функциясида Кейнс иккинчи фарази тасдиқланди, чунки ўртача истеъмол талаби APC ни ташкил этади,

$$APC = C / Y = C_0 / Y + c.$$

Y кўтарилса, C/Y пасаяди, шунинг учун ўртача истеъмол талаби C/Y тушади. Ниҳоят, истеъмол функцияси Кейнснинг учинчи фарази тасдиқланди, чунки талаб даражаси истеъмол фактори сифатида бу тенгламани ўз ичига олмайди.

Илк амалий мувафакқиятлар.

Кейнс истеъмол функциясини тадбиқ қилгандан сўнг, иқтисодчилар унинг фаразлари ҳақидаги маълумотларни йиғиб, ўрганишни ва синашни бошладилар. Дастлабки тадқиқотлар Кейнснинг истеъмол функцияси таҳмини истеъмолчилар табиати қандай э канлигини кўрсатади. Бу изланишларнинг баъзиларида, тадқиқотчилар уй хўжаликларини текшириб, истеъмол ва даромад тўғрисида маълумотларни тўплаган.



26-чизма. Кейнснинг истеъмол функцияси.

Даромад юқори бўлса истеъмол ҳам юқори бўлади ва маргинал талаб нолдан катта бўлиши тасдиқланган. Улар, шунингдек, даромади юқори бўлганда жамғариш ҳам юқори бўлади, маргинал талаб эса бирдан кичик бўлишини тасдиқладилар. Бундан ташқари, бу тадқиқотчилар юқори-даромадда жамғариш ҳам юқори бўлади, ўртача истеъмол талаби камайганда даромад ошади. Шундай қилиб, бу Кейнснинг маргинал ва ўртача талаб ҳақидаги қарашлари маълумотлари текширилди.

Бошқа тадқиқотларга келсак, тадқиқотчилар иккинчи жаҳон уруши орасидаги давр истеъмол ва даромад тўғрисидаги умумий маълумотлар ўргандилар. Ушбу маълумотлар ҳам Кейнснинг истеъмол функцияси назариясини қўллаб-қувватлади. Даромад паст бўлган йилларда даромад ва жамғариш миқдори ҳам паст бўлган яъни маргинал истеъмол талаби нол ва бир орасида бўлган. Бундан ташқари даромад кам йиллар давомида истеъмол даромадга нисбати юқори эди, бу эса Кейнс иккинчи фаразини тасдиқлайди. Даромад ва истеъмол ўртасидаги боғлиқлик жуда кучли эди, бошқа ҳеч қандай ўзгарувчанлик истеъмолини тушунтириб бериш учун муҳим бўлмаган. Шундай қилиб, маълумотлар, шунингдек, даромад асосий ҳал қилувчи эканлигини Кейнс учинчи фарази ҳам тасдиқланди яъни қанча одамлар даромадини истеъмол қилишни танлайди.

Ирвинг Фишер ва вақтлараро танлов

Кейнснинг истеъмол функцияси орқали жорий даромадга жорий истеъмол боғлиқлиги аёнدير. Бу боғлиқлик тўла боғланиш эмас қачон одамлар қанча истеъмол учун қанча жамғариш учун қарор қилсалар шундагина улар ҳозирги ва келажакка ишонч назари билан қарайдилар. Улар

бугун кўпроқ истеъмол қилишдан завқланадилар, эртага эса камроқ завқланадилар. Хўжаликларда келажакда оладиган даромадини олдиндан билиши зарур ва товар ва хизматларни сотиб олиш қобилияти мавжуд бўлиши керак.

Иқтисодчи Ирвинг Фишер истеъмолчиларнинг мақсадли ва вақтлараро танлови яъни турли даврларини ўз ичига олган танловларни таҳлил қилган иқтисодчилар билан биргаликда моделини ривожлантирган.

Вақтлараро бюджет тақчиллиги

Кўп одамлар товарлар ва хизматлар миқдорини ёки сифатини оширишни афзал кўрадилар, улар яхшироқ кийимларини кийишни, яхшироқ ресторанларда овқатланишни ёки кўпроқ филмлар кўришни хоҳлайдилар. Одамлар ўзлари истаганидан кам истеъмол қилишларининг сабаби уларнинг даромадлари чекланганлигидадир. Бошқача истеъмолчилар қанча сарф қила олиш чегарасига дуч келишади, бу эса бюджет чеклови дейилади. Қачон улар қанча истеъмол қилиш ва қанча келажак учун жамғариш тўғрисида қарор қабул қилсалар, улар интертемпорал бюджет чекловига дуч келишади яъни бугун ва келажак истеъмоли учун жами ресурслар яроқлилиги билан ўлчанади.

Оддий нарсаларни сақлаб қолиш учун, биз икки давр яшайдиган истеъмолчи қарорини текшираемиз. Биринчи давр истеъмолчи ёшларни ифодалайди ва иккинчи давр истеъмолчининг катта ёшлилигини ифодалайди. Истеъмолчи даромад Y_1 олади ва биринчи даврда C_1 истеъмол қилади ва даромад Y_2 олади ва C_2 иккинчи даврда истеъмол қилади. (барча ўзгарувчилар ҳақиқий, яъни инфляция учун ўрнатилади.) Чунки истеъмолчида қарз бериш ва жамғариш учун имкониятлар мавжуд, истеъмол маълум бир муддатда даромаддан юқори ёки аксинча бўлиши мумкин.

Истеъмолчининг даромади икки даврда қандай чегараланади. Биринчи даврда, **жамғарма = даромад минус истеъмолга тенг**. Яъни

$$S = Y_1 - C_1,$$

S жамғарма. Иккинчи даврда истеъмол жамғармадаги талаб плус иккинчи давр даромади яъни,

$$C_2 = (1 + r) S + Y_2$$

r – реал талаб даражаси ҳисобланади. Мисол учун, агар реал талаб даражаси 5 фоиз бўлса, кейин жамғаришнинг ҳар 1\$ биринчи даврдаги, истеъмолчи иккинчи даврда қўшимча \$ 1,05 эга. Чунки учинчи давр мавжуд эмас, истеъмолчи иккинчи даврда жамғарма олмайди.

Ўзгарувчан S жамғариш ёки қарз бўлиши мумкин ва бу тенгламалар иккала ҳолларда тенг бўлади. Агар биринчи даврда истеъмол иккинчи давр

даромадидан кам бўлса, истеъмолчи жамғаради, S нолдан катта бўлади. Агар биринчи даврда истеъмол даромаддан ошса, истеъмолчи қарз беради ва S нолдан кичик бўлади. Биз қарз бериш талаб даражаси ва жамғариш талаб даражаси бир хил деб фараз қиламиз.

Истеъмол бюджети чекловини ҳосил қилиш учун, икки олдинги тенгламаларни бирлаштириш керак биринчи тенгламани ўрнига иккинчи тенглама S қўйилади.

$$C_2 = (1 + r)(Y_1 - C_1) + Y_2$$

Тенгламани энгиллаштириш учун, биз шартларини қайта ташкил қилишимиз керак. $(1 + r)C_1$ ўнг томондан олиниб тенгламанинг чап томонга сурилади ва жойлаштирилади.

$$(1 + r)C_1 + C_2 = (1 + r)Y_1 + Y_2$$


Энди $1 + r$ ҳар икки томонидан ажратиб олинади.

$$C_1 + \frac{C_2}{1 + r} = Y_1 + \frac{Y_2}{1 + r}$$

Бу тенглама даромадга икки даврларда истеъмол билан боғлиқ. Бу интертемпорал бюджет чекловини тасвирлашнинг стандарт йўлидир. Истеъмол бюджети чеклов осонликча талқин этилади. Агар талаб даражаси нолга тенг бўлса, бюджет чеклови шуни кўрсатадики иккинчи даврдаги жами истеъмол иккинчи даврдаги жами даромадга тенг бўлади. Талаб даражаси нолдан катта бўлаганда келажакдаги даромад ва истеъмол $1 + r$ орқали ҳисобга олинмайди. Бу дисконтлаш жамғармага талаб орқали вужудга келган. Истеъмолчи талаби жорий даромаддан келиб чиқади яъни келажакдаги даромад жорий даромадга қараганда яхшироқ. Худди шундай, келажакда истеъмол учун жамғармадан тўланади яъни келажакда даромад жорий даромадга қараганда камроқ бўлади. Иккинчи давр истеъмоли омил $1/(1 + r)$ билан ўлчанади: Биринчи давр истеъмол миқдори иккинчи давр истеъмолнинг бир қисмини ташкил этиши лозим.

Қуйидаги расмда истеъмол бюджет чеклови акс этган. Расмда уч нуқта белгиланган. Нуқта А, истеъмолчи ҳар бир даврда ўзининг даромадини истеъмол қилади, шунинг учун икки даврда ҳам на қарз олиш на жамғариш бўлмайди.

$$C_1 = Y_1 \text{ ва } C_2 = Y_2$$



Iste'molchi budjet cheklovi.


Bu grafik birinchi va ikkinchi davrlarda iste'molchi tanlovini ko'ramiz. Agar u A va B nuqtalarni tanlasa, u kamroq iste'mol qiladi. Agar u A va C nuqtani tanlasa u ko'proq iste'mol qiladi.

27-чизма. Истеъмолчи бюджет чеклови.

Нукта В да, истеъмолчи биринчи даврида ҳеч нарса истеъмол қилмайди ($C_1 = 0$) ва барча даромадини жамғаради, шунинг учун иккинчи даври истеъмол $C_2(1+r)Y_1 + Y_2$ ҳисобланади. С нуктада, истеъмолчи иккинчи даврида ҳеч нарса истеъмол қилмасликни режалаштиради ($C_2 = 0$) ва шунинг учун, қарз олиш иккинчи даври даромадига имкон қадар қарши бўлади, шунингдек, биринчи даври истеъмол C_1 бу $Y_1 + Y_2/(1+r)$ ҳисобланади. Биринчи ва иккинчи давр истеъмолининг учта асосий комбинацияси мавжуд яъни истеъмолчи В дан С сурилиши мумкин.

Қачонки 1-давр истеъмоли паст ва 2-давр истеъмоли баланд бўлганда, яъни Y нуктада, айирбошлашнинг муҳим бўлмаган қисми баланд бўлади: истеъмолчи 1-давр истеъмолининг бир қисмидан воз кечиш учун кўпроқ қўшимча тарзда 2- давр истеъмолига эҳтиёж сезади.

Истеъмолчи берилган ўхшаш эгри чизиқнинг ҳамма нукталарида тенг равишда бахтли бўлади, лекин у бошқаларига қараганда баъзи ўхшаш эгри чизиқларни афзал кўради. Чунки у камроқ истеъмолдан кўра, кўпроқ истеъмолни афзал кўради, у куйидаги ўхшаш эгри чизиқлардан кўра юқоридаги ўхшаш эгри чизиқларни афзал кўради. Қуйидаги чизмада истеъмол IC_1 эгри чизиғидаги исталган нукталардан кўра IC_2 эгри чизиғидаги исталган нукталарни маъқул кўради.



Iste'molchi afzalligi.

Befarqlik egri chizig'i iste'molchi afzalligini birinchi va ikkinchi iste'mol davrlari bo'yicha ko'rsatib beradi. Befarqlik egri chizig'i ikkita davrda iste'mol egri chizig'i kombinatsiyasini ko'rsatadi. Bu rasm ko'p befarqlik egri chizig'ining ikkitasini ko'rsatadi.

Iste'molchi W, X, Y nuqtalarda bir xil qoniqadi ammo W, X, Y nuqtalarga qaraganda Z nuqtani afzal ko'radi.

28-чизма. Истеъмолчи афзаллиги.

Ўхшаш эгри чизиклар тўплами истеъмолчи танловининг тўлиқ ҳолатини кўрсатади. Бу шуни бизга маълум қиладики, истеъмолчи W нуқтадан кўра Z нуқтани танлайди, лекин бу аниқ бўлиши керак, чунки Z нуқтада иккала даврда ҳам кўпроқ истеъмол бўлади. Z нуқта ва Y нуқталарни таққослаймиз: Z нуқтада 1- даврда кўпроқ истеъмол ва 2-даврда эса камроқ истеъмол мавжуд. Қайси бири танланган, Z ёки Y? Z нуқта Y нуқтага караганда юқоридаги ўхшаш эгри чизикда эканлигидан биз биламизки, истеъмолчи Y нуқтадан кўра Z нуқтани афзал кўради. Шундай қилиб, биз 1-давр ва 2-давр истеъмолларининг исталган комбинацияларини жойлаштириш учун ўхшаш эгри чизиклар тўпламини ишлатишимиз керак.⁷

Истеъмол харажатларини ЯИМнинг энг йирик компоненти бўлиб, унинг ҳажмини аввало уй хўжалиқларининг тасарруфидаги даромади белгилайди. Аҳолининг даромадлари миқдори ошиб бориши билан ундаги жамғармалар улуши ҳам ошиб боради.

Истеъмол ва жамғариш ҳажми, шунингдек истеъмолчилар бойликлари даражасига, нарх ва солиқ ўзгаришлари, истеъмолчиларнинг қарзи даражасига ва бошқа омилларга боғлиқ.

Истеъмол ва жамғаришга ўртача мойиллик аҳоли даромадларининг қанча қисми истеъмолга ва қанча қисми жамғармага сарфланганлигини характерловчи кўрсаткичлардир.

Истеъмолга чегаравий мойиллик (MPC) истеъмолдаги ўзгаришларни ихтиёрдаги даромад даражасидаги ўзгаришга бўлиб топилади. MPC нинг катта ёки кичиклиги бюджет сиёсат самарадорлигини белгиловчи омиллардан биридир.

⁷ N. Gregory Mankiw. Macroeconomics (7th edition). USA, 2009, p 496-498.

4. Инвестиция харажатлари ва уларнинг типлари

Инвестициялар ЯИМнинг жуда муҳим ва энг ўзгарувчан таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Пасайиш вақтида товар ва хизматларга харажатлар қисқариши юз беради, бу қисқаришнинг катта қисми инвестицион харажатлар ҳажмининг пасайиши туфайли юзага келган.

Иқтисодчилар товар ва хизматлар ишлаб чиқариш миқдорининг ўзгариш табиатини яхшироқ тушуниш учун инвестицияларни ўрганадилар. ЯИМ моделларида инвестициялар даражасини реал фоиз ставкаси билан боғловчи оддий функция $I = I(r)$ қўлланилади. Бундай функция реал фоиз ставкасининг кўпайиши инвестицияларни қисқаришини юзага келтиришини англатади. Инвестиция функциясининг асосида ётувчи назарияни батафсилроқ кўриб чиқиш жуда муҳимдир.


Инвестиция харажатларининг учта типи ажратилади. Корхоналарнинг асосий фондларига инвестициялар бу корхоналар томонидан ўз ишлаб чиқариш фаолиятларида фойдаланиш учун сотиб олинган бинолар, иншоотлар ва асбоб- ускуналардир. Уй-жой қурилиши учун инвестициялар ўз ичига уларда ўзлари яшашлари учун уйларни сотиб олишга харажатларни, шунингдек кейинчалик ижарага бериш учун уй эгалари томонидан сотиб олинаётган уйларга харажатларни ўз ичига олади. Заҳираларга инвестициялар сақлаш учун фирмалар томонидан қолдирилган товарларни ўз ичига олади. Бу товарлар таркибига ҳом ашё ва материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр буюмлар ҳам киради.

Корхонанинг асосий фондларига инвестицияларнинг андозавий модели инвестицияларнинг неоклассик модели номини олган. Неоклассик моделда инвестицион товарларга эга бўлган фирмаларнинг фойда ва харажатлари кўриб чиқилади. Моделда инвестициялар даражаси капитал заҳиралари билан биргаликда капиталнинг чекли маҳсули, фоиз ставкаси ҳамда фирмаларга нисбатан қўлланиладиган солиққа тортиш қоидаларига қандай боғлиқлиги кўрсатилади.

Моделни шакллантириш учун иқтисодиётда фирмаларнинг икки тури мавжуд деб фараз қиламиз. Ишлаб чиқарувчи фирмалар ижарага олинган капиталдан фойдаланиб товар ва хизматлар ишлаб чиқарадилар. Капитални ижарага берувчи фирмалар иқтисодиётга барча инвестицияларни амалга оширадилар; улар ишлаб чиқариш фондларини сотиб оладилар ва уларни ишлаб чиқарувчи фирмаларга ижарага берадилар. Ҳаётдаги иқтисодиётда кўплаб фирмалар иккала функцияни ҳам бажарадилар, яъни улар товарлар ва хизматларни ишлаб чиқарадилар ҳамда келгуси ишлаб чиқаришга капитални инвестиция қиладилар. Бизнинг таҳлилимиз нуктаи назаридан фаолиятнинг бу

икки турини улар билан турли хил фирмалар шуғулланади деб фараз қилган ҳолда ажратиш фойдалидир.

Даставвал ишлаб чиқарувчи фирмаларни кўриб чиқамиз. Одатда фирма фойдаланадиган капитал миқдори тўғрисидаги қарорини қуйидаги тартибда қабул қилади: капиталнинг ҳар бир қўшимча бирлигидан олинадиган фойда ва харажатларни солиштиради. Фирма капитални R ставка бўйича ижарага олади ва ўз маҳсулотини P нарх бўйича сотади, ишлаб чиқарувчи фирма учун капитал бирлигига ҳақиқатдаги харажатлар R/P ни ташкил этади. Капитал бирлигидан фойдаланишнинг ҳақиқий натижаси капиталнинг чекли маҳсулотидир (МРК), яъни капиталнинг қўшимча бирлигидан фойдаланиш ҳисобига олинадиган қўшимча ишлаб чиқарилган маҳсулотдир. Фирма томонидан фойдаланиладиган капитал ҳажми ортиши билан унинг чекли маҳсулоти пасаяди: фирма қанчалик кўпроқ капиталга эга бўлса, капитални қўшиб бориш билан ишлаб чиқариш ҳажмининг шунчалик кам ўсишига эришилади. Бундан хулоса шуки, фирма фойдасини максималлаштириш учун капиталнинг чекли маҳсулоти капитални ижарага олишнинг ҳақиқий нархи даражасигача пасаймагунга қадар, ижарага олинадиган капитални оширади. Шундай қилиб капиталнинг чекли маҳсулоти графиги бизга капиталга бўлган талаб графигини беради. Қуйидаги чизмада ижарага олинган капитал бозоридаги мувозанат кўрсатилган. Капиталнинг чекли маҳсулоти капиталга бўлган талаб эгри чизигини аниқлайди. Капиталаг бўлган талаб эгри чизиги ўннга пастга эгилган, чунки капитал ҳажми қанчалик кўп бўлса, унинг чекли маҳсулоти шунчалик кам. Ҳар бир вақтда иқтисодиётдаги капитал миқдори қайд этилган, шунинг учун таклиф эгри чизиги вертикал чизиқ ҳисобланади. Капитални ижараси учун олинадиган нарх талаб ва таклифни мувозанатлаштириш учун ўзгартириб турилади.



29-чизма. Капиталга бўлган талаб графиги.

Капитал ижараси учун олинадиган нархнинг мувозанатли даражасига қандай ўзгарувчилар таъсир э тишини аниқлаш учун кўплаб иқтисодчилар қандай қилиб меҳнат ва капитал ҳаётдаги иқтисодиётда товарлар ва хизматларга айланишини етарли даражада асосланган ҳолда акс эттирувчи сифатида қарайдиган Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясини асос қилиб оламиз ва у қуйидаги кўринишга эга:

$$Y = AK^{\alpha}L^{1-\alpha}$$

Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясида капиталнинг чекли маҳсулоти қуйидагича ёзилади:

$$MPK = \alpha A(L/K)^{1-\alpha}$$

бунда: K-капитал, L-меҳнат, A-технология даражасини кўрсатувчи кўрсаткич ва α – тайёр маҳсулотни ишлаб чиқаришда капиталнинг улушини ўлчовчи нолдан катта ва бирдан кичик бўлган кўрсаткич. Мувозанат шароитида капитал ижараси учун олинадиган ҳақиқий нарх капиталнинг чекли маҳсулотига тенг бўлганлиги сабабли, биз қуйидаги ифодани ёзишимиз мумкин:

$$R/R = \alpha A(L/K)^{1-\alpha}$$

Бу капитал ижараси учун олинадиган ҳақиқий нархни аниқловчи ўзгарувчилар миқдорининг ифодасидир. У қуйидагиларни кўрсатади:

- Капитал заҳираси қанчалик кам бўлса, унинг ижарасини ҳақиқий нархи шунчалик юқори.
- Қўлланиладиган меҳнат миқдори қанчалик кўп бўлса, капитал ижараси ҳақиқий нархи шунчалик юқори.
- Технология қанчалик яхши бўлса, капитал ижараси ҳақиқий нархи шунчалик юқори.

Капитал заҳираларини камайтирувчи (ер қимирлаши), бандликни оширувчи (ялпи талаб кенгайиши) ёки технологияни яхшиловчи (илмий топилмалар) капитал ижараси учун олинадиган ҳақиқий нархнинг мувозанатли миқдорини оширади.

Капиталга эгалик қилишнинг фойдалилиги уни ишлаб чиқарувчи фирмаларга ижарага беришдан олинадиган даромаддандир. Ўз капиталини ижарага берган фирма унинг хар бирлигига R/R ҳақиқий нархни олади.

Капиталга эгалик қилиш харажатлари мураккаброқ тузилишга эга. Фирма капитал бирлигини ижарага бераётган вақтнинг хар бир даври мобайнида у уч хил харажатларни қилади:

1. Фирма капитал бирлигини сотиб олиб, кейин уни ижарага бераётганда у капитални сотиб олиш учун сарфланган маблағларни банк ҳисобига қўйиб олиши мумкин бўлган миқдордан фоизларни йўқотади. Ёки, шунга ўхшаш,

фирма капитални сотиб олиш учун қарз маблағларидан фойдаланди, унда у олинган қарз бўйича фоизлар тўлашига тўғри келади. Агар R_k - капитал бирлигини сотиб олиш нархи, i - номинал фоиз ставкаси бўлса, унда iR_k – фоизлар бўйича харажатлардир.

2. Фирма капитални ижарага бергунча, унинг нархи ўзгариши мумкин. Агар капитал нархи пасайган бўлса, унда фирма унинг активлари қиймати пасайганлиги туфайли зарар кўриши мумкин. Агар капитал нархи ошаётган бўлса, унда фирма активлари қиймати кўтарилиши сабабли ютади. Бу ютуқ ёки зарарнинг миқдори ΔR_k га тенг.

3. Капитал ижарага берилганда, у эскиради ва қийматини йўқотади. Бу амортизация деб аталади. Агар δ -амортизация меъёри, яъни эскириш натижасида муайян давр давомида қийматнинг йўқотилган қисми бўлса, унда амортизация миқдорининг пулдаги ифодаси δR_k бўлади.

Шундай қилиб, бир давр мобайнида капитал бирлигини ижарага бериш бўйича умумий харажатларкуйидагини ташкил этади:

$$\text{Капитал бирлигига харажатлар} = iR_k - \Delta R_k + \delta R_k = R_k (i - \Delta R_k/R_k + \delta)$$

Капитал бирлигига харажатлар капитал бирлиги нархига, фоиз ставкасига, капитал нархни нисбий ўзгаришига ва амортизация меъёрига боғлиқ.

Капитал бирлиги харажатлари учун ифодани соддалаштириш ва у билан ишлаш қулай бўлиши учун инвестицион товарлар нархи бошқа товарлар нархи билан бирга кўтарилади деб ҳисоблаймиз. Бундай вазиятда $\Delta R_k/R_k$ инфляциянинг умумий даражаси π га тенг. $i - \pi$ ифода реал фоиз ставкаси r га тенг бўлганлиги учун, биз капитал бирлигига харажатларни қуйидаги кўринишда ёзишимиз мумкин.

$$\text{Капитал бирлигига харажатлар} = R_k (r + \delta)$$

Бу тенгламадан кўришиб турибдики, капитал бирлигига харажатлар капитал нархи, реал фоиз ставкаси ва амортизация меъёрига боғлиқ.

Ва ниҳоят биз капитал бирлигига харажатларни иқтисодиётдаги бошқа товарлар нархлари билан боғлиқлигини кўрмоқчимиз. Капитал бирлигига ҳақиқий харажатлар - бу иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш бирликларида ўлчанган капитал бирлигини сотиб олиш ва ижарага бериш бўйича харажатлардир ва у қуйидагини ташкил этади:

$$\text{Капитал бирлигига ҳақиқий харажатлар} = (R_k/R)(r + \delta)$$

Бу тенгламадан кўриш мумкинки, капитал бирлигига ҳақиқий харажатлар инвестицион товарлар нисбий нархлари (R_k/R), реал фоиз ставкаси r ва амортизация меъёри δ га боғлиқ.

5. Инвестицияларнинг моҳияти, кўринишлари ва улар миқдорини аниқловчи омиллар

Инвестициялар – асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади. Пул маблағлари кўринишидаги инвестиция номинал инвестиция, ана шу пул маблағларига сотиб олиш мумкин бўлган инвестицион ресурслар реал инвестиция дейилади. Инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича амалий ҳаракатлар – инвестицион фаолият, инвестицияларни амалга оширувчи шахс – инвестор дейилади.

Инвестицияларнинг манбаларидан бири бўлиб аҳоли кенг қатламларининг жамғармалари ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, амалда жамғарма эгаси ва инвестор бир шахсда намоён бўлиши ва бўлмаслиги ҳам мумкин. Одатда, жамғарма жамиятдаги кўпчилик субъектлар томонидан амалга оширилиб, улардан инвестиция сифатида фойдаланиш эса бутунлай бошқа субъектлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, иқтисодиётда фаолият юритувчи саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар жамғармаси ҳам инвестиция манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу ўринда «жамғарувчи» ва «инвестор» бир субъектда мужассамлашади.

Инвестиция фаолияти қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилиши мумкин:

- ✓ инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари (фойда, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва ҳ.к.);
- ✓ қарз олинган молиявий маблағлар (облигация заёмлари, банк кредитлари);
- ✓ жалб қилинган молиявий маблағлар (акцияларни сотишдан олинган маблағлар, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг пай ва бошқа тўловлари);
- ✓ давлат бюджети маблағлари;
- ✓ чет элликлар маблағлари.

Инвестицияларга сарфлар даражасини иккита асосий омил белгилаб беради:

- a. инвестиция сарфларидан кутилаётган фойда нормаси;
- b. фоиз ставкаси.

Инвестицияларга қилинадиган сарфларнинг ҳаракатлантирувчи motive фойда ҳисобланади. Тадбиркорлар ишлаб чиқариш воситаларини улар фойда келтирадиган бўлсагина сотиб оладилар.

Инвестициялар даражасини белгилайдиган иккинчи омил фоизнинг реал ставкаси ҳисобланади. **Фоиз ставкаси** – реал асосий капитални сотиб олиш учун зарур бўлган, банкдан олинган ссуда капиталига корхона тўлаши лозим бўлган пул миқдори.

Капитал бирлигига реал фойда қуйидагини ташкил этади:

$$\text{Фойда меъёри} = \text{даромад}(R/R) - \text{харажатлар}(R_k/R)(r + \delta)$$

Мувозанат шароитида капитал ижарасидан олинадиган ҳақиқий нарх капиталнинг чекли маҳсулотига тенг бўлганлиги сабабли биз фойда меъёри учун ифодани қуйидаги кўринишда ёзишимиз мумкин:

$$\text{Фойда меъёри} = MPK - (R_k/R)(r + \delta)$$

Капитални ижарага берувчи фирмалар агар капиталнинг чекли маҳсулоти бир бирлик капиталга харажатлардан катта бўлса фойда оладилар, аксинча бўлса, зарар кўрадилар. Айнан шу кўрсаткич соф инвестициялар миқдорини белгилаб беради.

$$\Delta K = I_n(MPK - (R_k/R)(r + \delta))$$

бунда $I_n(MPK - (R_k/R)(r + \delta))$ функция соф инвестициялар миқдори инвестицияларга рағбатлар мавжудлигига қанчалик таъсирчанлигини кўрсатади.

Энди биз инвестиция функциясини келтириб чиқаришимиз мумкин. Корхоналар асосий фондига инвестициялар учун харажатларнинг умумий миқдори соф инвестициялар ва чиқиб кетган капитални тиклашга инвестициялар миқдорлари йиғиндисига тенг. Инвестиция функцияси қуйидагича ёзилади:

$$I = I_n(MPK - (R_k/R)(r + \delta)) + \delta K$$

Корхоналар асосий фондларига инвестициялар капиталнинг чекли маҳсулоти, капитал бирлигига харажатлар ва капиталнинг чиқиб кетган миқдорига боғлиқ бўлади.

Модел шунингдек инвестициялар нима учун фоиз ставкасига боғлиқлигини ҳам кўрсатади. Фоиз ставкасини ўсиши капитал бирлигига харажатларни кўпайтиради. Бу капитал эгалари томонидан олинадиган фойда қисқаришига олиб келади ва капиталнинг катта қисмини жамғаришга рағбатни қисқартиради. Ҳудди шунга ўхшаш, фоиз ставкасини пасайиши капитал бирлигига харажатларни қисқартиради ва инвестицияларни

рағбатлантиради. Шу сабабдан ҳам инвестицияларнинг фоиз ставкасига боғлиқлигини ифодаловчи эгри чизиқ пастга эгилган.

Инвестиция даражасига кутилаётган соф фойда нормаси ва фоиз ставкасидан ташқари бошқа куйидаги омиллар ҳам таъсир кўрсатади:


- 1) машина ва ускуналарни харид қилиш, ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;
- 2) тадбиркорлардан олинадиган солиқ миқдори;
- 3) технологик ўзгаришлар.

Ялпи сарфлар таркибининг инвестиция сарфларига оид қисми ялпи хусусий ички инвестициялар деб юритилади. Шунга кўра ялпи ва соф инвестицияларни ҳам бир-биридан фарқлаш зарур.

Ялпи инвестициялар жорий йил давомида истеъмол қилинган асосий капитални қоплашга мўлжалланган (амортизация) ҳамда иқтисодиётдаги капитал ҳажмига ҳар қандай соф кўшимчалардан иборат барча инвестицион товарларни ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Соф инвестициялар эса жорий йил давомида кўшимча равишда жалб қилинган инвестицион товарлардан иборат.

Ялпи инвестиция ҳамда амортизация нисбати ўзгаришининг иқтисодиётга таъсири


а) ўсиб боровчи иқтисодиёт



б) турғун иқтисодиёт



в) қисқараётган иқтисодиёт



Бошқача айтганда, соф инвестиция ялпи инвестиция билан амортизация ажратмаларининг айирмасига тенг. Соф инвестиция асосий ва айланма капиталнинг ўсишини таъминлайди.

Ялпи инвестициялар билан амортизация ҳажми ўртасидаги нисбат иқтисодиёт ривожланиш ҳолатининг кўрсаткичи ҳисобланади.

Юқоридаги чизмада ялпи ва соф инвестициялар ҳамда амортизация нисбати ўзгаришининг ўсувчи, турғун ва қисқарувчи иқтисодиётларга таъсирини кўришимиз мумкин.

Чизмадан кўринадикки, ялпи инвестициялар таркибида соф инвестициялар ҳажмининг аҳамиятли даражада бўлиши йил охирида капитал ҳажмининг ўсишига ҳамда, пировардида иқтисодиётнинг ўсишига олиб келади. Турғун иқтисодиёт шароитида эса ялпи инвестициялар фақат амортизация ажратмалари, яъни истеъмол қилинган капитални қоплаш фонди ҳажмига тенг бўлиб, йил охирида капитал миқдори ўзгармай қолади.

Ялпи инвестицияларнинг истеъмол қилинган капитални қоплаш фонди ҳажмидан ҳам оз бўлиши йил охирида капитал миқдорининг қисқаришига ва бунинг оқибатида, иқтисодиёт кўрсаткичларининг пасайиб кетишига олиб келади.

Кейнсчилар фикрича эса, пул бозорида бошқа иккита манба мавжуд. Биринчидан, уй хўжаликларининг нақд жамғармалари ва иккинчидан, пул таклифини кўпайтирадиган кредит ташкилотлари фаолият кўрсатади.

Кейнсчилар назарияси бўйича аҳоли ўз маблағларини нафақат кунлик харидларни амалга ошириш учун, балки ўз бойликларини ошириш учун ҳам сақлашади. Бу пул воситалари бир қисмининг камайиши ва уларни пул бозорида инвесторларга бериш, жорий жамғармаларга нисбатан солиштирганда воситаларнинг ортиқчалигига олиб келиши мумкин. Шунга ўхшаш кредит берадиган муассасалардан ссудаларнинг берилиши пулнинг таклифини кўпайтиради. Банк ёки бошқа молиявий ташкилотлардан кредитларнинг берилиши жорий жамғармалар кўпайишига асос бўлади. Натижада уй хўжаликлари қўлидаги пул воситаларининг камайиши ва банклар томонидан ссудаларнинг берилиши инвестициялар миқдори жорий жамғармалар миқдоридан ошишига олиб келиши мумкин.

Бунда истеъмолнинг оддий функцияси қуйидаги кўринишга эга:

$$C = a + b (Y - T);$$

бу ерда: C - истеъмол харажатлари; a - мустақил истеъмол (жорий даромадлар миқдорига боғлиқ бўлмаган); b – истеъмолга чегаравий мойиллик ёки истеъмол ҳажмининг ихтиёрдаги даромадга боғлиқлигини ифодаловчи коэффицент, у қуйидагича аниқланади:

$$(b = \Delta C / Yd = (C_t - C_{t-1}) / (Yd_t - Yd_{t-1}))$$

У – даромад;

Т – солиқлар;

(У–Т) – ихтиёридаги даромад. Макроитисодий моделларда бу кўрсаткич Y_d ёки DI кўринишни билдиради.

Истеъмолга чегаравий мойиллик (MPC) қуйидагича аниқланади.

$$MPC = \Delta C / \Delta Y_d;$$

бу ерда: MPC – истеъмолга чегаравий мойиллик;

ΔC – истеъмол харажатларининг ўсиши;

ΔY_d – ихтиёрий даромаднинг ўсиши.

Истеъмолга ўртача мойиллик қуйидагича аниқланади:

$$APC = S / Y_d;$$

бу ерда: APC – истеъмолга ўртача мойиллик;

S – истеъмол харажатлари миқдори;

Y_d – ихтиёридаги даромадлар.

Жамғарманинг оддий функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$S = - a + (1 - b) \times Y_d$$

бу ерда: S – хусусий сектор жамғармалари миқдори;

a – мустақил истеъмол;

(1 - b) – жамғармага чегаравий мойиллик;

Y – даромад;

T – солиқлар.

Жамғармага чегаравий мойиллик қуйидагича аниқланади:

$$MPS = \Delta S / \Delta Y_d;$$

бу ерда: MPS – жамғармага чегаравий мойиллик;

ΔS – жамғармаларнинг ўсиши;

ΔY_d – ихтиёридаги даромаднинг ўсиши.

Жамғармага ўртача мойиллик қуйидагича аниқланади:

$$APS = S / Y_d;$$

бу ерда: APS – жамғармага ўртача мойиллик;

S – жамғарма миқдори;

Y_d – ихтиёридаги даромад.

Умуман, классик назариячилар барча жорий жамғармалар пул бозорига чиқарилади, деб нотўғри фикрни билдиришади. Чунки, биринчидан, уй хўжаликлари жамғармаларнинг қандайдир бир қисмини пул бозорига юбормасдан қўлида олиб қолиши мумкин, иккинчидан, жорий жамғармалар банк фоизларини тўлаш учун ишлатилади.

Кейнсчилар ёндашуви шундан иборатки, жамғариш ва инвестициялар режаси бир-бирига мос келмайди ва шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш, даромад, бандлик, нархлар даражасида ўзгаришлар бўлиб туради. Бундан

ташқари, Кейнсчилар фикрича, нархлар даражаси ва иш ҳақи ҳақиқатда пасайишга йўналтирилган эгулвчанликдан иборат эмас. Ҳатто улар шундай бўлган тақдирда ҳам шубҳалидир. Чунки нархлар ва иш ҳақининг пасайиши кенг тарқалган ишсизликни бироз юмшатиши мумкин, холос.

Қисқа муддатли даврларда ихтиёрдаги даромадларнинг ўсиши АРС ни камайтириб, АРС ошишига олиб келади. Яъни, истеъмолчилар даромадларининг ошиши истеъмол харажатларини камайтириб, жамғармалар миқдорини оширади. Аммо, узоқ муддатли даврларда эса истеъмолга ўртача мойиллик мутоносиблашади. Чунки, истеъмол харажатлари миқдори нафақат ихтиёрдаги даромадлар миқдorigа, балки умумий яшаш даражасига ҳамда кутилаётган ва доимий даромадлар миқдorigа ҳам таъсир қилади.

Истеъмол ва жамғарма миқдорини аниқлайдиган омиллар:

1. Уй хўжаликлари даромадлари;
2. Уй хўжаликларига йиғилган бойликлар;
3. Нархлар даражаси;
4. Иқтисодий кутишлар;
5. Истеъмол қарзлари миқдори;
6. Солиқлар даражаси.

Ялпи талабнинг биринчи омили сифатида истеъмол харажатлари мутоносиб бўлса, унинг иккинчи омили инвестиция эса ўзгарувчан ҳисобланади.

Инвестициянинг асосий кўринишлари:

1. Ишлаб чиқариш инвестициялари;
2. Товар-материал захираларига инвестициялар;
3. Уй-жой қурилишига инвестициялар.

Мустақил инвестицияларнинг оддий кўриниши қуйидагича бўлади:

$$I = e - dR;$$

бу ерда: I - мустақил инвестиция харажатлари;

e - ташқи иқтисодий омиллар орқали аниқланадиган (фойдали қазилмалар захираси ва бошқалар) мустақил инвестициялар;

d - инвестициянинг эмпирик коэффициенти(фоиз ставкаси ўзгаришига мойил);

R - реал фоиз ставкаси.

Инвестициялар миқдорини аниқлайдиган омиллар:

1. Соф фойданинг кутилаётган нормаси;
2. Реал фоиз ставкаси;
3. Солиқлар даражаси;
4. Ишлаб чиқариш технологиясидаги ўзгаришлар;
5. Асосий капитал миқдори;

6. Иқтисодий кутиш;
7. Ялпи даромаднинг ўзгариши.

Инвестицияларнинг даромадларга ижобий боғлиқлигини қуйидаги кўринишда бериш мумкин:

$$I = e - dR + \gamma Y;$$

бу ерда: γ - инвестициялашга чегаравий мойиллик;

Y - ялпи даромад.

$$\gamma = \Delta I / \Delta Y = (I_t - I_{t-1}) / (Y_t - Y_{t-1});$$

бу ерда: ΔI - инвестициялар миқдорининг ўзгариши;

ΔY - даромадларнинг ўзгариши.

Инвестицияларнинг нобарқарорлигига таъсир қилувчи асосий омиллар:

1. Асбоб-ускуналар хизмат даврининг давомийлиги;
2. Янгилаш жараёнининг номунтазамлиги;
3. Иқтисодий кутишларнинг ўзгарувчанлиги;
4. ЯММ нинг доимий ўзгариши.

Инвестициялар ҳажмининг ЯИМ ёки даромадлар даражасига боғлиқлигини **акселератор модели** акс эттиради:

$I = f(Y)$, яъни инвестициялар (I) ЯИМ (Y)нинг функцияси экан.

Акселератор моделининг тўлиқроқ кўриниши қуйидагича бўлади:

$$I = I_{reja} + \gamma Y$$

$$\gamma = \frac{\Delta I}{\Delta Y} = \frac{I_t - I_{t-1}}{Y_t - Y_{t-1}}$$

бу ерда: I_{reja} – режалаштирилган инвестициялар; Y – ЯИМ (даромад) ҳажми.

Акселетатор моделини ҳисобга олиб, инвестиция функциясини қуйидагича ёзиш мумкин:


$$I = e - dR + \gamma Y$$

ЯИМ ҳажми ошиши корхоналар фойдасининг кўпайишига олиб келади. Корхона фойдаси инвестицияларнинг манбаи эканлигини ҳисобга олсак, бу ҳолатда инвестиция харажатлари ошади.

Инвестициялар ва жамғармалар ўртасидаги боғлиқлик

Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги макроиқтисодий мувозанатга эришиш барқарор иқтисодий ўсишнинг шарти ҳисобланади. Бироқ, бу мувозанатга эришиш доимо осон кечавермайди. Бунга сабаб инвестиция даражаси ҳамда жамғарма даражасининг бошқа-бошқа жараён ва ҳолатларга боғлиқлиги ҳисобланади. Инвестиция ва жамғарма ўртасидаги мувозанатни таъминлаш борасида бир қатор назарий қарашлар фарқланади. Бу борада энг аввало классик иқтисодчиларнинг қарашларини кўриб чиқамиз.

Классик иқтисодчилар нуқтаи назаридаги энг марказий ҳолат – бу улар томонидан фоиз ставкасининг ҳам инвестициянинг, ҳам жамғарманинг функцияси сифатида қаралиши ҳисобланади.




30-чизма. Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг классик модели

Чизмадан кўринадики, классик моделни тузишда тик ўқ бўйича реал фоиз ставкаси, ётиқ ўқ бўйича эса жамғарма ва инвестиция ҳажми кўрсаткичлари жойлаштирилган. Инвестиция ва фоиз ставкаси ўртасида тескари функционал боғлиқлик мавжуд: фоиз ставкаси қанчалик юқори бўлса, инвестиция ҳажми шу қадар паст бўлади ва аксинча. Жамғарма эса тўғри, ўсувчи функционал боғлиқликка эга, яъни фоиз ставкасининг юқори бўлиши жамғарма даражасининг ҳам юқори бўлишига олиб келади.

Иқтисодиётдаги инвестиция ва жамғарма ҳажмлари ўртасида мувозанат (E нуқта)га эришиш учун фоиз ставкасининг r_0 даражаси таъминланиши лозим. Фоиз ставкаси даражасининг мувозанат даражасидан четланиши (r_1 – паст r_2 – юқори бўлган ҳолатлар) инвестиция ва жамғарма ҳажми ўртасидаги мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Фоиз ставкасининг r_1 даражасида инвесторлар учун қулай нархларнинг вужудга келиши инвестицион ресурсларга бўлган талабни оширади, бироқ бундай даражада жамғарма учун рағбат пасайиб кетади. Натижада инвестицион ресурслар тақчиллиги пайдо бўлади. r_2 даражада эса барча субъектлар учун жамғарманинг нафлилиги ошади, бироқ бундай фоиз даражасида барча инвесторлар ҳам ўз фаолиятининг фойдалилигини таъминлай олмайдилар. Натижада жамғарманинг аҳамиятли қисми инвестицияларга айлана олмайди.

Кейнсчиларнинг инвестиция ва жамғарма ўртасидаги мувозанат модели ўз тузилишига кўра классик моделдан фарқ қилади. Бунда энг марказий нукта – Ж.М.Кейнс томонидан жамғарма фоиз ставкасининг эмас, балки даромаднинг функцияси деб қаралиши ҳисобланади: $S = S(Y)$ Инвестиция эса, классик моделдаги сингари, фоиз ставкасининг функцияси деб олинади: $I = I(r)$. Яъни, кейнсча концепциянинг асосида жамғариш ва инвестиция даражаларининг бошқа-бошқа омиллар таъсирида ўзгариши ётади. Кейнсча моделнинг моҳиятини қуйидаги чизма орқали изоҳлаш мумкин.



31-чизма. Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг кейнсча модели

Чизмадан кўринадики, график кўрсаткичларининг жойлашуви ҳам классик моделдан фарқ қилади. Тик ўқда жамғарма (S) ва инвестиция (I) даражаси, ётиқ ўқда эса миллий даромад даражаси (NI) жойлашган. Иқтисодиётдаги жамғарма даражаси миллий даромад ҳажмига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Миллий даромад ҳажми амалда инвестиция даражасига ҳам таъсир кўрсатсада, мазкур моделда уни миллий даромадга боғлиқ бўлмаган, яъни автоном ҳолда берилади. Графикда инвестиция ва жамғарма эгри чизиқлари E нуктада кесишади. Агар иқтисодиётдаги тўла бандлик ҳолатига миллий даромаднинг F даражасида эришилади, деб тасаввур қилсак, у ҳолда бу даражада инвестиция ва жамғарма мувозанатини (E_F нукта) таъминлаш учун инвестиция I_F даражада бўлишига эришиш лозим бўлади. Бироқ, Кейнс талқинига кўра, инвестиция ва жамғарма даражасининг мувозанати тўла бандлик бўлмаган шароитда ҳам таъминланиши мумкин: графикдаги миллий даромаднинг N ҳажмида айнан шу ҳолатга (E нукта) эришилади.

Инвестиция ва жамғарма даражалари мувозанатининг классик ва кейнсча моделлари ўртасидаги фарқ қуйидагилар орқали намоён бўлади: **биринчидан**, классик моделда бу мувозанат рўй бериши учун иқтисодиётнинг доимий равишда тўла бандлик ҳолатида бўлиши тақозо э тилади. Кейнсча моделда э са, юқорида кўриб чиқилганидек, бу мувозанатга тўла бандлик бўлмаган ҳолатда ҳам эришиш мумкин; **иккинчидан**, классик моделда нарх механизми жуда ҳаракатчан бўлади.

Кейнсча моделда нархнинг бундай мослашувчанлиги инкор этилади; **учинчидан**, юқорида таъкидланганидек, классик моделда жамғарма фоиз ставкасининг функцияси сифатида, кейнсча моделда эса даромад функцияси сифатида қаралади. Демак, юқоридагилардан кўринадики, жамғарма ва инвестиция ўртасидаги мувозанатнинг кейнсча модели классик моделга нисбатан асосланган, реал ҳаёт, яъни иқтисодиётнинг тўла бандлиги мавжуд бўлмаган ҳолатга нисбатан ҳам татбиқ этилиб, такомиллаштирилган модел ҳисобланади. Шунга кўра, биз ҳам макродаражадаги бошқа муаммоларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилишда, асосан, ушбу моделдан фойдаланамиз.

Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш чора-тадбирларини амалга оширишнинг муҳим шарти ва манбаи сифатида фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва хорижий инвестицияларни жалб этиш зарур. Мустақилликнинг дастлабки йилларида ҳукумат томонидан иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш тадбирларини амалга ошириш тамойиллари ишлаб чиқилди.

Мустақиллик йилларида инвестиция дастурларидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун жаҳоннинг Хитой, Германия, Жанубий Корея, Япония, Нидерландия, Буюк Британия, Малайзия, Россия каби 30 дан зиёд мамлакатларидан хорижий инвестициялар ва кредитлар жалб қилинди.

Миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигидаги мавқеини мустаҳкамлаш, миллий ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлик даражасини янада кўтариш, саноатнинг техник таркибини замонавийлаштириш муаммолари ҳам давлат сиёсатининг бошқа омиллари қаторида инвестицион сиёсат орқали амалга оширилади. Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл сармояси иштирокини кенгайтирмай туриб иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналаримизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас.

Маҳсус индустриал зоналардаги корхоналар томонидан қиймати 100 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу борадаги ўсиш суръати 2018 йилга нисбатан 32,8 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда юртимизда фаолият юритаётган корхоналарни жадал модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни таъминлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик ва газ-кимё, электр техникаси, тўқимачилик, озиқ-овқат ва фарматсевтика, ахборот ва телекоммуникатсиялар тармоғи ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга устувор эътибор берилмоқда.

2015–2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари дастурини тайёрлаш доирасида жами қиймати 38 миллиард долларга тенг бўлган 870 та йирик инвестиция лойиҳаси рўйхати шакллантирилди. Ушбу лойиҳаларга биноан 415 та янги корхона барпо этиш ҳамда 455 та ишлаб турган корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш назарда тутилган.

Ўзбекистоннинг 2018 йил иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш яқунлари ва 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномасида қилган маърузада мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқлиги таъкидланди. 2018 йилда 18 та давлатлараро расмий ташрифлар амалга оширилди ва 52 миллиард долларлик 1 минг 80 та лойиҳа бўйича келишувларга эришилди.

Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Ислон ва Осиё тараққиёт банклари, бошқа халқаро молия институтлари билан ҳамкорликдаги инвестициялар ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этди.

Бугунги кунда юртимизда, чет эл инвестициялари ҳисобидан қиймати 23 миллиард долларлик 456 та лойиҳа амалга оширилди.

Иқтисодиёт соҳасида олдимизда турган вазифалар ҳақида гапирганда, аввало, кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар негизида қуйидаги мақсадлар мужассам эканини қайд этиш лозим:

– очик иқтисодиёт, соғлом рақобат, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш учун зарур шароитларни яратиш;

– иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий секторни жадал ривожлантириш орқали янги иш ўринларини кўпайтириш;

– иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш;

– “яширин” иқтисодиётга қарши курашиш, унинг ҳажмини кескин қисқартириш;

– валютани эркинлаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, барқарор монетар сиёсатни амалга ошириш;

– иқтисодиётни ривожлантиришга доир стратегик вазифаларни рўёбга чиқаришга қодир малакали кадрларни тайёрлаш.

Бу мақсадларга эришиш учун қуйидаги устувор вазифаларни амалга ошириш талаб этилади.

Биринчидан, биз макроиқтисодий барқарорликни ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашимиз шарт.

Аввало, инфляцияни жиловламасдан туриб, макроиқтисодий барқарорликка эришиш мумкин эмас.

Жаҳон тажрибасини пухта ўрганиб, халқаро экспертларни жалб этган ҳолда, монетар сиёсатни такомиллаштириш ва нарх-наво барқарорлигини таъминлаш концепциясини ишлаб чиқишимиз зарур.

Ўтиш даврида иқтисодиёт соҳасида статистик ҳисоботларни тўғри юритиш ва давлатнинг иқтисодий салоҳиятини аниқ баҳолаш жуда муҳимдир.

Шу орқали ялпи ички маҳсулотни ҳолисона баҳолашга эришиш мумкин.

Шу мақсадда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Халқаро валюта фондининг Миллий ҳисоблар тизимини республикамызда 2020 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ жорий этилиши белгиланди.

Иқтисодиётнинг барқарор ўсиши, биринчи навбатда, етакчи соҳалар ривожига бевосита боғлиқдир. Шунинг учун иқтисодиёт ривожига жиддий туртки берадиган соҳаларни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

Келгуси йил учун Давлат бюджети дефицити 4,5 триллион сўм атрофида бўлиши ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,1 фоиз бўлиши режалаштирилмоқда.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган Рақамли иқтисодиёт миллий концепциясини ишлаб чиқиш ва шу асосда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ҳаётга татбиқ этиш масаласи белгилаб олинди.

Рақамли иқтисодиёт ялпи ички маҳсулотни камида 30 фоизга ўстириш, коррупцияни кескин камайтириш имконини беради.

Иккинчидан, иқтисодиётимиз ривожининг муҳим шарти бўлган фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш.

2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда.

Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг натижаси жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Масалан, дунёдаги нуфузли “Fitch Ratings” ва “Standart & Poors” рейтинг агентликлари биринчи марта мамлакатимизнинг халқаро суверен кредит рейтингини белгилади.

Ана шу рейтинг баҳолари “Барқарор” прогнозига эга бўлиб, бу яқин 12-18 ой давомида ушбу кўрсаткичнинг пасайиш эҳтимоли камлигини билдиради.

Ўзбекистон эришаётган бундай рейтинг баҳолари кўпгина ривожланаётган давлатларга нисбатан юқори эканини қайд этиш лозим.

Ушбу рейтинг агентликлари Ўзбекистонда валюта, савдо ва нарх сиёсати эркинлашгани, давлат бошқарувидаги институционал ўзгаришлар, мамлакат олтин-валюта ва бюджет захираси етарли экани, давлат қарзининг камлиги сингари омилларга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чоралари кўрилди.

Иқтисодиётимизга сармоя киритишга интиладиган инвесторлар учун ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестиция лойиҳаларини пухта шакллантирилса ижобий натижага эришиш мумкин.

Бу борада эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш лозим.

Биринчи навбатда, экспортга маҳсулот чиқараётган, инновацион ва юқори технологик ишлаб чиқаришни йўлга қўйган тадбиркорларга ва чет эллик инвесторларга шундай имконият яратиш керак.

Ўзбекистон ҳудудида тўлиқ чет эл капитали ва корпоратив бошқарувнинг хорижий усуллари асосланган корхоналар муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Хусусан, 2019 йилда барча манбалар ҳисобидан қарийб 138 триллион сўмлик ёки 2018 йилга нисбатан 16 фоиз кўп инвестицияларни ўзлаштириш мўлжалланмоқда. Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори жорий йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар оширилиб, 4,2 миллиард долларга етказилади. Натижада 142 та замонавий корхона ишга туширилади⁸.

Юқорида билдирилган таҳлил ва мулоҳазалардан келиб чиқиб шунини таъкидлаш лозимки, жаҳон молиявий иқтисодий инқирози давом этаётганлиги, жаҳон ва минтақавий инвестиция бозорларида рақобат кучайиб бораётганлиги мамлакатда янада қулайроқ инвестиция муҳитини яратиш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш, шунингдек, хорижий инвесторлар билан

8 - Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2018 йил 28 декабрь.

ишлашдаги мавжуд бюрократик ғовлар ва тўсиқларни бартараф этиш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятига давлат ва назорат идоралари томонидан ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик борасида қўшимча чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Даромад, истеъмол ва жамғармалар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушунтириб беринг.
2. Қандай ҳолатда истеъмол даромадга тенг бўлади ва қандай ҳолатда жамғариш мавжуд бўлади?
3. Истеъмол ва жамғарма графикларини изоҳланг.
4. Истеъмол ва жамғарма ўртача ва чегаравий мойиллик кўрсаткичларини изоҳланг.
5. Қайси маблағлар инвестиция маблағлари бўла олади?

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2018 йил 28 декабр.
2. Гальпирин В.М., Игратов С.М., Моргунов В.И. Макроэкономика. Том-1. С. Петербург. 1994.
3. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ - 2000.
4. Йўлдошев З., Қосимов М.С. Макроиқтисодиёт асослари. Т.: «Ўқитувчи», 1994.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йўлида. Т.: «Ўзбекистон», 1995.
6. Менкью Н.Г. Макроэкономика. М: МГУ. 1994.
7. Ҳакимова М.А. Макроиқтисодиёт (ўқув қўлланма). Т.: «Меҳнат», 1997.

7-мавзу: Кейнснинг товарлар ва хизматлар бозорида макроиктисодий мувозанат модели

Режа:

1. Классик иқтисодчиларнинг иқтисодий мувозанат назарияси.
2. Кейнснинг иқтисодий мувозанат назарияси. Истеъмол ва жамғарма. Инвестиция.
3. Кейнснинг бандлик назарияси. Мустақил харажатлар мультипликатори
4. Ҳақиқий ва режалаштирилган харажатлар. “Кейнс хочи”. Ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанат даражасига эришиш механизми
5. Классик ва Кейнсчилар иқтисодий мувозанат назарияларида жами талаб ва унинг ўзгариши.

1. Классик иқтисодчиларнинг иқтисодий мувозанат назарияси

Маълумки иқтисодий мувозанат ҳақидаги қарашлар вақт ўтиши билан ўзгариб турган. «Буюк депрессия» даврида кўпгина етук иқтисодчилар, яъни, ҳозирги кунда классиклар деб аталадиган иқтисодчилар, бозор иқтисодиёти иқтисодиётдаги ресурслардан тўлиқ фойдаланиш имконини беради, деб ҳисоблашган. Аммо, улар иқтисодиётда айрим вақтларда - уруш, сиёсий тўнтариш, табиий офат ва шунингдек, бошқа ҳолатларда ўзгаришлар бўлиб турушини тан олишса ҳам, бозор тизимининг ўзига хос хусусиятлари бу иқтисодий қийинчиликларни ўз-ўзидан ҳал қилади, деб тушунтиришади.

Классиклар назарияси асосида иккита асосий тушунча мавжуд. Биринчидан, тўлиқ бандлик шароитида маҳсулотларни сотиб олиш учун харажатлар миқдорининг ($Y=C+I+G+X_n$) етишмаслиги (яъни, $AD \neq AS$ бўлиши) мумкин эмас. Иккинчидан, умумий харажатлар миқдори етишмай қолган шароитда ҳам баҳо, иш ҳақи ва фоиз ставкаси каби дастаклар ишга тушади ва натижада харажатлар миқдорининг камайиши ишлаб чиқаришнинг реал ҳажми, бандлик ва реал даромадлар миқдорининг камайишига олиб келмайди. Пул бозори инвестиция ва жамғармалар тенглигини ҳамда тўлиқ бандлик шароитини таъминлайди. Фақатгина, ишсизликнинг табиий даражасида «ихтиёрий» ишсизлик бўлиши мумкин, деб ҳисоблашади. Бу шуни билдирадики, AD ва AS нинг тенглик нуқтасида ишлаб чиқариш ҳажми (Y) унинг потенциал ҳажмига (Y^*) тенг.

Классиклар назариясини тан олмаслик асосан Сей қонунидан бошланган. Сей қонунининг моҳияти маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнининг ўзи ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қийматига тенг равишда даромад яратади деган оддий ғоядан иборат. Демак, маҳсулотларни сотиб олиш учун ҳар қандай маҳсулотлар ҳажмини ишлаб чиқариш ўз-ўзидан даромад яратади. Яъни, таклиф ўзининг хусусий талабини пайдо қилади. Сей қонунининг моҳиятини

маҳсулотлар айирбошлаш савдосида ҳам кўриш мумкин. Пойабзалчи пойабзал ишлаб чиқаради ёки ўзига зарур бўлган бошқа маҳсулотларга бўлган талабини қондириш учун пойабзал таклиф қилади. Пойабзалчи томонидан пойабзалнинг таклиф қилиниши унинг талабидан иборат. Бутун иқтисодиёт бўйича маҳсулотлар алмашиши худди шу тарзда амалга оширилади.

Аммо, Сей қонуни маҳсулотлар ишлаб чиқариши, мос равишда пул даромадлари сўммасини олиш имконини берса ҳам, истеъмолчилар ушбу даромадларнинг ҳаммасини тўлиқ харажат қилмаслиги умум қабул қилинган тушунчадир. Яъни, даромадларнинг қандайдир бир қисми жамғарилади ва бу қисм юқоридаги баҳсда ўз жавобини топмайди. Жамғариш даромадлар таркибидан маълум миқдордаги маблағларни ўзида мужассамлаштиради. Демак, истеъмол харажатлари барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар миқдорини сотиб олишга етмайди. Агарда уй хўжаликлари ўз даромадларининг бир қисмини жамғаришса, у ҳолда таклиф ўз талабини пайдо қилмайди. Жамғариш истеъмолнинг етишмаслигига, натижада, сотилмай қолган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг камайишига олиб келади.

Аммо, классик иқтисодчилар ҳақиқатда жамғариш талабнинг етишмаслигига олиб келмайди, чунки ҳар бир жамғарилган сўм тадбиркорлар томонидан инвестициялашади, деб таъкидлашади. Агарда, тадбиркорлар уй хўжаликларининг жамғармалари миқдоридан инвестиция қилишса, Сей қонуни амал қилади ва ишлаб чиқариш ҳамда бандлик даражаси доимий бўлиб қолади. Иқтисодиётнинг тўлиқ бандлик шароитидаги даромадлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришини таъминлаши учун харажатлар даражасига эришиши ва уни сақлаб қолиши, тадбиркорлар томонидан уй хўжаликлари жамғармалари миқдоридан инвестициялашига боғлиқ.

Юқорида айтганимиздек, классик иқтисодчилар таъкидлашича, капитализмнинг ўзига хос пул бозори мавжуд ва бу бозор жамғарма ва инвестициянинг тенглигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам тўлиқ бандлик мавжуд, яъни, пул бозорида (фоиз ставкалари) жамғарма тариқасида даромадлар ва харажатлар миқдоридан чиққан маблағлар ўз-ўзидан инвестицион маҳсулотларга сарф қилинган маблағлар миқдоридан қайтадан келиши устидан назорат олиб борилади. Фоиз ставкалари ёрдамида жамғарма ва инвестицияларни бошқаришнинг изоҳи оддий ва ҳаммага тушинарилади. Классик иқтисодчиларнинг таъкидлашича, бошқа вазиятларда уй хўжаликлари жамғариш ўрнига истеъмол қилишни афзал кўришади. Товар ва хизматлар истеъмоли инсоният талабини қондиради, фойдаланилмаган маблағлар йўқ. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, истеъмолчилар уларнинг тежамкорлигини рағбатлантириш тариқасида фоиз ставкалари тўласагина жамғариши мумкин. Фоиз ставкалари қанчалик юқори бўлса, шунчалик кўп

маблағ жамғарилади. Жамғармалардан фойдаланиш учун кимлар тўлов ишларини олиб боришади? Албатта, корхоналар хўжайинлари, инвесторлар, яъни, ўзининг ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва янгилаш учун пул капиталини изловчилар ҳисобланишади. Биламизки, фоиз ставкалари ишбилармонларнинг ишлаб чиқариш харажатларига бевосита таъсир кўрсатади. Демак, улар ўз вақтида фоиз ставкаларининг пастроқ бўлишига интилишади. Қисқача айтганда фоиз ставкаларининг ўзгариши Сей қонунини кўпроқ миқдорда жамғармалар мавжуд бўлган иқтисодиётда ҳам фаолият кўрсатишини таъминлайди. Фоиз ставкаси, жамғарма ва инвестицияни боғлаб турар экан, бутун иқтисодиёт шундай бўлиши керак, деб таъкидлашади.

Классик иқтисодчилар ўз ғояларини яна бир тушунча билан исботлашга ҳаракат қилишади. Яъни, тадбиркорлар томонидан таклиф қилинган маҳсулотлар ҳажмининг даражаси нафақат умумий харажатлар миқдорига, балки маҳсулотлар баҳоси даражасига ҳам боғлиқ. Бу шуни билдирадики, агарда фоиз ставкалари айрим сабабларга кўра, жамғармаларни инвестициялар тариқасида ишлаб чиқаришга қайтармаса, камайган ҳар қандай харажатлар миқдори мос равишда баҳонинг пасайиши билан қопланади. Бошқача айтганда 40 сўмга 10 сўмдан тўртта кўйлак сотиб олишса, нархлар 5 сўмга камайганда 20 сўмга шунча кўйлак сотиб олиш мумкин. Сотувчилар ўртасидаги рақобат баҳонинг эгилувчанлигига олиб келади. Бундан ташқари талабнинг камайиши ортиқча маҳсулотлардан қутилиш учун нархларнинг пасайишига сабаб бўлади. Сўм тўлов қобилятининг ошиши жамғармаси мавжуд бўлмаган шахслар мавжуд пул маблағлари шароитида кўпроқ маҳсулотлар сотиб олишга ундайди. Шунинг учун жамғарма ишлаб чиқариш ва бандликнинг пасайишига эмас, балки нархларнинг пасайишига олиб келади.

Нархларнинг пасайиши ресурслар нархининг пасайишига, хусусан, иш ҳақининг пасайишига ҳам олиб келади. Классик иқтисодчиларнинг фикрича, иш ҳақи миқдори камаяди ва камайиши керак. Иш ҳақининг камайиши ишсизлар сонини оширади. Аммо, ишбилармонлар ишсизларни олдингидек юқори иш ҳақи ставкалари билан эмас, балки паст ставкалар билан ишга жалб қилишади. Меҳнатга бўлган талаб тезда камаяди. Юқори иш ҳақи ставкаларида ишлайдиган ишчилар паст иш ҳақи ставкаларида ишлашга мажбур бўлишади. Рақобатнинг мавжудлиги ишчиларни шунга рози бўлишга мажбур қилади. Бўш иш жойларига бўлган рақобат иш ҳақининг шу даражагача пасайишига олиб келадики, токи ишбилармонлар барча ишсизларни ишга жалб қила олишсин. Шунинг учун классик иқтисодчилар мажбурий ишсизлик мавжуд бўлмайди, деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, давлатнинг иқтисодиётга аралашуви умуман мумкин эмас.


2. Кейнснинг иқтисодий мувозанат назарияси. Истеъмол ва жамғарма. Инвестиция.

Классик иқтисодчиларнинг бандлик назариясига иқтисодиётда мавжуд бўладиган ишсизлик ва инфляция тўғри келмайди. Биламизки, иқтисодиётда тўлиқ бандлик шароитига ҳар доим ҳам эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам иқтисодчилар классик назариянинг асосий жаҳатларини танқид қила бошладилар.

1936 йили инглиз иқтисодчиси Жон Мейнарс Кейнс капитализм иқтисодиётига янги, иш билан бандлик назариясини киритади. У ўзининг «Пул, фойз ва иш билан бандликнинг умумий назарияси» асосида унинг нотўғри жиҳатларини исботлашга уринди.

Кейнс назариясининг энг қаътий жиҳати шуки, у бозор иқтисодиётида иш билан тўла бандликни таъминлайдиган ҳеч қандай механизм йўқлигини исботлади. Макрокўламда иқтисодиёт мувозанатга эришиши мумкин, лекин шунда ҳам маълум миқдорда ишсизлик ва инфляция сақланиб қолишини, тўла иш билан бандлик қонуний ҳолат эмаслигини, балки тасодиф эканлигини, капитализм ўз-ўзидан тартибга тушиб, ривожланиб кетавермаслигини исботлаб берди. Шунингдек, иқтисодиётдаги тебранишлар фақат уруш, табиий офат ва шу каби вазиятларгагина боғлиқ эмаслигини, балки у тинчлик йилларида ҳам ички омилларнинг салбий оқибатларидан келиб чиқиши мумкинлигини асослаган. Ишсизлик ва инфляциянинг келиб чиқиши инвестиция ва жамғармаларга бевосита боғлиқ. Нархларнинг ошиши ва иш ҳақининг пасайиши бошқа салбий омиллар билан бирга иқтисодиётнинг беқарорлигига олиб келади. Кейнс назарияси Сей қонунини ҳам маълум даражада инкор этади. Сей қонуни бўйича тадбиркорлар фаолияти ва жамғариш режалари фойз ставкасида мутоносиблашади. Кейнсчиларнинг фикрича эса, агар тадбиркорлар жамғармаларни кўпайтиришса, фирмалар инвестицияларни кўпайтиришлари мумкин.

Қуйидаги 32-чизмадан кўриниб турибдики, жами талаб ва таклифнинг тенглиги шароитида ($AD=AS$), ишлаб чиқариш ҳажми унинг потенциал ҳажмидан кам ($Y^0=Y^*$).



32-чизма. Талаб ва таклифнинг тенглиги

Бундай номуносибликнинг асосий сабабларидан бири режалаштирилган инвестициялар ва жамғармаларнинг бир-бирига мос келмаслигидир.

Чунки, жамғарувчи субъектлар ва инвесторлар ҳар хил гуруҳдаги одамлардир. Корхоналар, айниқса, корпорациялар катта миқдордаги инвестиция қарорларини қабул қилишади. Катта ҳажмдаги ишлаб чиқаришга эга бўлган иқтисодиётда уй хўжаликлари кўп миқдорда жамғаришади. Шунини айтиб ўтиш керакки, жамғариш ва инвестицияларни ҳар хил гуруҳлардаги одамлар турли мақсадларда қабул қилишади.

Жамғарувчилар ва инвесторлар субъектлари ҳар хил сабабларга кўра бошқарилади. Кейнсчилар фикрича, жамғарма ва инвестициялар битта омилга боғлиқ бўлмаган ҳолда турли сабаблар асосида амалга оширилади. Масалан, айримлари қиймати ўзининг иш ҳақи миқдоридан ортиқ бўлган маҳсулотларни сотиб олиш учун, уй хўжаликлари эса автомобиль ёки телевизор харид қилиш учун жамғаришади. Жамғармалар бирор шахс ёки оиланинг келажакдаги истеъмолини кондирish мақсадида; яъни, уй хўжаликлари оила бошлиғининг нафақага чиққандан кейинги ҳаётини ёки болалари келажакини таъминлаш мақсадида жамғаришади. Бундан ташқари жамғарма тасодифий вазиятларда фойдаланиш мақсадида жамғарилади. Кейнсчилар таъкидлашича, жамғарма ва инвестицияларни аниқлашнинг энг асосий омили миллий даромад ҳисобланади.

Нима учун тадбиркорлар ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишади? Инвестициялаш учун пул капиталига эга бўлишга тўланадиган тўловлар, яъни фойз ставкаси инвестиция режасини тузаётганда ҳисобга олинади. Аммо, фойз ставкаси ягона омил ҳисобланмайди. Инвестициялар миқдорини аниқлашда асосий омиллардан бири фойда нормаси ҳам саналади.

Классиклар назарияси бўйича жамғарма ва инвестициялар миқдорини аниқлайдиган асосий омил фоиз ставкаси ҳисобланади. Агарда, у ошса, уй хўжаликлари камроқ истеъмол қилиб, кўпроқ жамғаришга ҳаракат қилишади. Уй хўжаликларида жамғармаларнинг кўпайиши кредит нархларининг камайишига олиб келади. Бу эса ўз вақтида инвестициянинг ўсишини таъминлайди.

3. Кейнснинг бандлик назарияси. Мустақил харажатлар мультипликатори

Олдинги ўринларда қайд этилганидек, Кейнснинг иқтисодий назариясига биноан бозор иқтисодиётида иш билан бандликни тўла таъминлайдиган ҳеч қандай автоматик механизм йўқ. Демак, ишлаб чиқариш ва иш билан бандликнинг ўзаро боғлиқлиги қандай аниқланишини билиш учун товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳажми, иш билан бандлик ва ишлаб чиқаришнинг умумий харажатлари каби кўрсаткичларни қараб чиқиш керак бўлади.

Кейнс моделида мувозанат даражадаги ишлаб чиқаришни аниқлашда бир-бири билан боғлиқ иккита усулдан фойдаланилган.

1. Умумий харажатлар ва ишлаб чиқаришни таққослаш усули. Яъни:

$$(C + I_n) = СИМ.$$

2. Инъекция ва тортиб олиш усули.

Ушбу усуллардан биринчисини, яъни, ялпи харажатлар ва ишлаб чиқариш ҳажми усулини қараб чиқамиз. Бу усул қисқача қилиб «Харажатлар ва ишлаб чиқариш ҳажми усули» деб ҳам айтилади.

Ишлаб чиқариш ҳажми деганда, амалиётда ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган СИМ ҳажмига айтилади. Унда СИМ ишлаб чиқаришнинг турли миқдордаги потенциали билан таққосланади. Бу ерда энг асосий кўрсаткич, ишлаб чиқаришга сарф қилинган умумий харажатлар миқдорида ялпи даромадларни олиш ҳисобланади. Масалан, бирор тадбиркор юз минг сўмлик маҳсулотни таклиф этиб, юз минг сўмлик даромад олсагина у ишлаб чиқаришни давом эттириши мумкин.

Ялпи харажатлар деганда ишлаб чиқаришга сарф қилинган умумий харажатлар миқдори тушунилади. Ёки бошқача айтганда, ЯИМни ҳисоблашдаги истеъмол ва инвестиция харажатларидан иборатдир. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, СИМ ни ҳисоблаётганда, яъни, ялпи инвестициялар миқдори эмас, балки соф инвестициялар миқдори ҳисобга олинади, яъни: **СИМ = ЯИМ - А**

Бундан ташқари умумий ҳисобларда соф инвестицияларнинг жорий миқдори эмас, балки режа миқдори эътиборга олинади. Чунки, ишлаб чиқариш ҳажми билан ялпи харажатлар ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши режадан ортиқча инвестицияларга бўлган талабни келтириб чиқаради.

СИМ Кейнснинг иш билан бандлик назарияси асосини ташкил этади. Мувозанат ҳажмидаги СИМнинг аниқланиши иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлайди.

Мувозанатли ишлаб чиқариш режаси – бу, ялпи харажатлар режаси харид қилинган товар ва моддий ресурслар тенглигини таъминловчи СИМ ҳажмини ишлаб чиқаришдир. Мувозанатли ҳажмдаги СИМни ишлаб чиқариш иш билан тўлиқ бандликни, ишлаб чиқариш харажатлари ва олинаётган даромадларнинг биргаликдаги мувозанатини бирлаштиради.

Инъекция ва тортиб олиш усули тўғридан-тўғри мос келмаса ҳам унинг маъноси шундан иборатки, яъни, мувозанатли даражадан ташқари ҳолатларда СИМ ва ялпи харажатлар мувозанатининг бузилишига қаратилади. Биламизки, ҳар қандай ҳажмдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзига мос равишда солиқлар тўлангандан кейинги даромадлар миқдорини беради. Яна шу маълумки, уй хўжаликлари ушбу даромадларнинг бир қисмини жамғариши мумкин. Жамғариш ўз навбатида тортиб олишни билдиради. Жамғариш натижасида истеъмол ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидан ёки СИМдан кам бўлади. Бундай ҳолатда истеъмол, бозорда жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмини сотиб олишга етмайди. Натижада эса ишлаб чиқариш ҳажми камаяди. Маҳсулотларнинг бир қисми ишлаб чиқариш воситалари шаклини олади. Шунинг учун инвестицияни даромадлар ва харажатлар миқдоридаги харажатлар инъекцияси деб қараш мумкин. Бошқача айтганимизда, инвестиция жамғармага олинган воситаларни қоплаш имкониятини билдиради.

Агарда жамғармага олинган воситалар инвестиция инъекциясидан кўп бўлса, жами харажатлар СИМдан кам бўлади. Бошқача айтганда, СИМнинг ҳар қандай даражаси, яъни, жамғариш инвестициядан кўп бўлган вазиятда мувозанат нуқтадан юқори бўлади. Аксинча, инвестиция инъекцияси жамғармага олинган воситалар миқдоридан кўп бўлса, жами харажатлар СИМдан кўп бўлади. Инвестициялар жамғармалардан кўп бўлган ҳар қандай шароитда СИМ ҳажми мувозанат нуқтадан паст бўлади. Жамғармага олинган воситалар миқдори инвестиция инъекцияси томонидан тўлиқ қопланса, жами харажатлар умумий ишлаб чиқариш ҳажмига тенг бўлади. Инъекция бу мамлакат ичкарисида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган истеъмол харажатларига қўшимча ҳисобланади.

Миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанат ҳолати (Y_0), ялпи харажатлар таркибининг ҳар қандай ўзгариши натижасида (истеъмол, инвестиция, давлат харажатлари ёки соф экспорт) тебраниши мумкин. Ушбу таркибдаги бирорта омилнинг ўсиши режалаштирилган харажатлар эгри чизигини юқорига суради ва аксинча.

Мустақил харажатлар таркибидаги ҳар қандай ўсиш ялпи даромадларнинг (ΔY) мультипликатор самараси ҳисобига кўпроқ ошишига олиб келади.

$$\Delta A = \Delta(a+I+G+X_n)$$

Мустақил харажатлар мультипликатори ЯИМ мувозанатидаги ўзгаришнинг мустақил харажатлар таркибидаги ҳар қандай омиллар ўзгаришига нисбатини кўрсатади.

$$m = \Delta Y / \Delta A:$$

бу ерда: m - мустақил харажатлар мультипликатори;

ΔY - ЯИМ мувозанатидаги ўзгариш;

ΔA – « Y » ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил харажатлар ўзгариши.

Мультипликатор - ялпи даромадлар мустақил харажатларнинг дастлабки ўсиши (камайиши)дан неча марта ортиқ ўсганлигини (камайганлиги) кўрсатади. Мустақил харажатлар таркибидаги омиллардан бирортасининг бир марта ўзгариши, ЯИМ ни бир неча марта ўзгаришига олиб келади.

Масалан, мустақил истеъмол ΔC_A миқдорда ўсса, бу ялпи харажатлар ва даромадларнинг (Y) ўша миқдорда ўсишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида истеъмолнинг иккинчи марта (даромадлар ошиши ҳисобига) $MPC \times \Delta C_A$ миқдорда ўсишига олиб келади. Кейинчалик ялпи харажатлар ва даромадлар $MPC \times \Delta C_A$ миқдорда яна ўсади. Шундай қилиб, «даромад-харажат» кўринишида занжир пайдо бўлади.


$$\Delta CA \uparrow \Rightarrow AD \uparrow \Rightarrow Y \uparrow \Rightarrow C \uparrow \Rightarrow AD \uparrow \Rightarrow Y \uparrow \Rightarrow C \uparrow \Rightarrow AD \uparrow \Rightarrow Y \uparrow \text{ ва ҳакозо.}$$

Ушбу оддий вазиятдан кўришиб турибдики, ялпи даромадлар (Y), дастлабки ўзгаришга $\Delta CA \uparrow$ нисбатан бир неча марта кўп ўзгаради ва мустақил харажатлар мультипликатори миқдорида кўринади. Бу шуни билдирадики, C , I , G ёки X_n миқдорлардаги оддий ўзгаришлар ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик даражаларида катта ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, мультипликатор иқтисодий нобарқарорлик омили ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатидаги асосий вазифалардан бири иқтисодиётнинг бир меъёрада ишлашини таъминлаш тизимини яратиш саналади.

Агарда ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми (Y_0) потенциал (Y^*) ҳажмидан кам бўлса, ялпи талаб самараси ҳисобланади. Яъни, $AD=AS$ тенгликка эришилган бўлсада, ялпи харажатлар миқдори ресурсларининг тўлиқ бандлиги даражасини таъминламайди. Ялпи талабнинг етишмаслиги иқтисодиётда турғунлик даражасига олиб келади.

Ишлаб чиқаришда тўлиқ бандликка эришиш ва регрессион узилишни йўқотиш учун ялпи талабни рағбатлантириш ва тенгликни «А» нуқтадан «В» нуқтагача суриш лозим. Бу ерда ялпи мувозанат даромадларнинг ўсиши ΔY куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\Delta Y = \text{Регрессион узилиш миқдори} \times \text{Муствақил харажатлар мультипликатори миқдори}$$




33-чизма. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ва потенциал ҳажмидаги регрессион узилиш

ЯИМни тўлиқ бандликнинг ноинфляцион даражасигача пасайтириш учун жами талаб (жами харажатлар) камайиши зарур бўлган миқдор **инфляцион узулиш** дейилади.

Агарда, ишлаб чиқариш ҳақиқий ҳажми (Y_0) потенциал (Y^*) ҳажмидан кўп бўлса, ялпи харажатлар ортиқча ҳисобланади. Ялпи талабнинг ортиқчалиги иқтисодиётда инфляция жараёнига олиб келади.

Инфляцион узилишни йўқотиш учун ялпи талабни бир маромда ушлаб туриш керак ва тенгликни А нуқтадан В нуқтагача суриш лозим. Бу ерда ялпи талаб мувозанатидаги (ΔY) қисқариш куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\Delta Y = \text{Инфляцион узилиш миқдори} \times \text{Муствақил харажатлар мультипликатори миқдори}$$



34-чизма. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ва потенциал ҳажмидаги инфляцион тузилиш

Классик иқтисодчилар бир нечта назарияларни олдинги суришади. Шулардан энг асосийси кўра улар тўлиқ бандлик шароитида маҳсулотларни сотиб олиш учун харажатлар миқдори етишмаслиги мумкин эмас, шундай бўлган тақдирда ҳам баҳо ва иш ҳақи каби дастаклар ишга тушиб, барча муаммоларни ҳал қилишади, деб ҳисоблашади.

Классик иқтисодчилар назарияларининг нотўғри жиҳатларини биринчилардан бўлиб инглиз иқтисодчиси Жон Кейнс ўзининг «Пул, фоиз ва иш билан бандликнинг умумий назарияси»да исботлаб берган.

Классиклар фикрича, жами талаб эгри чизиғи вертикал тўғри чизикдан иборат ва ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини ифодалайди. Кейнсчилар фикрича, маҳсулотлар нархи ва иш ҳақи эгилувчан эмас, шунинг учун жами таклиф эгри чизиғи горизантал ўқдан иборат.

Кейнс моделида мувозанат даражадаги ишлаб чиқаришни аниқлашда бир-бири билан боғлиқ иккита усулдан, яъни умумий харажатлар ва ишлаб чиқаришни таққослаш ҳамда инъекция ва тартибга солиш усулларидан фойдаланилади.

4. Ҳақиқий ва режалаштирилган харажатлар. “Кейнс хочи”. Ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанат даражасига эришиш механизми

Ишлаб чиқариш камайиши натижасида мумкин бўлган йўқотишларнинг олдини олиш учун ялпи талабни тартибга солиб турадиган фаол давлат сиёсати зарур. Шунинг учун ҳам Кейнснинг иқтисодий назариясини кўп ҳолларда ялпи талаб назарияси деб юритилади.

Ҳақиқий инвестициялар режалаштирилган ва режалаштирилмаган инвестициялар миқдорини ўз ичига олади. Режалаштирилмаган инвестицияларга товар - материал захираларига (ТМЗ) инвестициялардаги

кутилмаган ўзгаришлар киради. Ушбу режалаштирилмаган инвестициялар тенглаштирувчи механизм сифатида жамғарма ва инвестициялар миқдорининг ўзаро бир-бирига мос келишини билдиради ва макроиктисодий тенгликни таъминлайди.

Режалаштирилган харажатларга уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва ташқи дунёнинг маҳсулот ва хизматларни сотиб олишга мўлжаллаган харажатлари киради. Фирмалар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдаги кутилмаган ўзгаришлар товар материаллар захирасида режалаштирилмаган инвестициялар қилишга олиб келса, реал харажатлар режалаштирилган харажатлардан фарқ қилади.

Режалаштирилган харажатлар функцияси ($E=C+I+G+X_n$), истеъмол функцияси ($C=a +b(Y-T)$) кўринишидагидек, $I+G+X_n$ миқдорда юқорига сурилган бўлади.

Ушбу вазиятда соф экспорт миқдори, ялпи даромадлар (Y) ўзгаришига боғлиқ эмас. Шунинг учун соф экспорт тўлиқ харажатлар миқдорига кўшилади ($a+I+G+X_n$).

Мустақил харажатлар миқдори соф экспорт функциясини ҳисобга олган ҳолда куйидагига тенг бўлади:

$$(a+I+G+X_n)$$

Соф экспорт функцияси эса куйидаги кўринишга эга:

$$X_n = g - m'Y:$$

бу ерда: X_n – соф экспорт;

g – мустақил соф экспорт;

m' - импортга чегаравий мойиллик;

Y – даромад.

$$m = \Delta M / \Delta Y;$$

бу ерда: ΔM - импортга харажатларнинг ўзгариши;

ΔY - даромадларнинг ўзгариши.


Ялпи даромадларнинг ошиши билан импорт ҳам ошади. Чунки, истеъмолчилар ва инвесторлар миллий ва импорт маҳсулотларга бўлган харажатлар миқдорини оширади.

Бунда мамлакатдаги экспорт миқдори ялпи даромадлар (Y) миқдорига боғлиқ бўлмайди, балки мамлакатнинг ялпи даромадлари ўзгаришига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам мамлакатдаги ялпи даромадлар (Y) ўзгариши билан соф экспорт (X_n) ўртасидаги боғлиқлик салбийдир ва соф экспорт функциясида минус ишораси билан белгиланади.

Режалаштирилган харажатлар чизиғи ҳақиқий ва режалаштирилган харажатлар бир-бирига тенг бўлган ($Y=E$) чизиқни қайсидир A нуқтада кесиб ўтади. Келтирилган ушбу чизма “Кейнс хочи” номини олган. $Y=E$ чизиқда

ҳақиқий инвестициялар ва жамғармалар тенглиги сақланади. А нуктада эса даромадлар режалаштирилган харажатларга тенг бўлади. Шунингдек, бу ерда режалаштирилган ҳамда ҳақиқий инвестициялар ва жамғармаларнинг ўзаро тенглиги пайдо бўлади. Яъни, макроиктисодий тенглик таъминланади.

Агарда, ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми (Y_1) унинг тенглик даражасидан (Y_0) кўп бўлса, истеъмолчилар маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар таклиф қилганга нисбатан кам сотиб олади ($AD < AS$). Сотилмаган маҳсулотлар МТЗ кўринишига эга бўлади. Заҳираларнинг ўсиши фирмаларда ишлаб чиқариш ҳамда бандлик даражалари пасайишига олиб келади. Бу эса ЯИМ ҳажмини камайтиради. Y_1 дан Y_0 гача келади, яъни даромад ва режалаштирилган харажатлар тенглашади. Ўз навбатида ялпи талаб ва таклифнинг тенглашишига ($AD = AS$) эришилади. Аксинча, ҳақиқий ишлаб чиқариш (Y_2) унинг тенглик даражасидан (Y_0) кам бўлган вазият эса, фирмалар истеъмолчилар талабига нисбатан кам ишлаб чиқараётганлигини ($AD > AS$) кўрсатади. Талабнинг ошиши эса фирмалар заҳирасининг камайиши хисобига қондирилади. Натижада, ЯИМ доимий равишда Y_2 дан Y_1 га қараб ўсади ва яна $AD = AS$ тенглигига эришилади.



35-чизма. Кейнс хоци

5. Классик ва Кейнсчилар иқтисодий мувозанат назарияларида жами талаб ва унинг ўзгариши

Классик иқтисодчилар фикрича, жами талаб эгри чизиғи вертикал тўғри чизикдан иборат ва фақат ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини ифодалайди. Иккинчидан, пастга эгилган жами талаб эгри чизиғи барқарор бўлишга интилади ва фақат нархлар даражасини аниқлайди. Бу икки умум кўрсаткични қараб чиқамиз.

1. Вертикал жами таклиф. Вертикал жами таклиф эгри чизиғи ишсизликнинг табиий даражасига ёки тўлиқ бандлик шароитдаги ишсизлик даражасига тўғри келади. Классиклар фикрича, иқтисодиёт - Сей қонуни, барқарор фоиз ставкаси, эгилувчан нарх ва иш ҳақи каби омиллар таъсирида тўлиқ бандлик шароитида фаолият кўрсатади. Нархлар ўзгариши билан бир вақтда ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармайди.

Олдинги мавзуларда кўриб ўтдикки, нархларнинг паст даражасида ишлаб чиқариш фойдалилиги камаяди ва ишлаб чиқарувчиларни камроқ маҳсулотлар таклиф қилишга ва шунингдек, камроқ ишчиларни жалб қилишга ундайди. Классиклар фикрича, ишлаб чиқаришга киритилаётган омилларга харажатлар нархлар пасайиши билан бир вақтда камаяди ва натижада реал фойда ва ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармай қолади.

2. Барқарор жами талаб. Классиклар ҳисобича, жами талаб асосида пул ётади. Яъни, ишлаб чиқаришнинг реал ҳажмини сотиш биринчидан, уй жиҳозлари ва ишбилармонлардаги мавжуд пул миқдорларига, иккинчидан, ушбу пулларнинг нархлар даражаси билан аниқланадиган тўлов қобилятига ва реал қийматига боғлиқ. Вертикал чизиқ бўйича пастга тушсак, нархлар даражаси камаяди. Бу шуни билдирадики, ҳар бир сўмнинг тўлов қобиляти ошади ва шунинг учун ушбу пулларга кўпроқ маҳсулотлар сотиб олиш мумкин.

Классиклар фикрича, давлат молия ташкилотлари пул таклифини доимий равишда қўллаб туради. Ушбу таклиф эгри чизиғида пул миқдорини кўпайтириш инфляцияга, камайтириш эса дефляцияга олиб келади. Шунинг учун нархлар барқарорлигини сақлаб туришда пул таклифи устидан назорат олиб бориш керак.

Кейнсчилар фикрича, маҳсулотлар нархи ва иш ҳақи эгилувчан эмас, шунинг учун жами таклиф эгри чизиғи горизонтал ўқдан иборат. Бундан ташқари, жами таклиф талабдаги нарх омилларидан бирортасининг ўзгаришига боғлиқ равишда даврий ўзгариб туради.

1. Горизонтал жами таклиф эгри чизиғи пасайишига қараб, нарх даражаси ва иш ҳақининг ноэластиклиги жами таклиф эгри чизиғини горизонтал жойлаштиради. Бундай ҳолатда ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши нахларнинг пасайишига, шунингдек, реал ишлаб чиқариш ҳажмининг кўпайиши нархларнинг ошишига олиб келмайди. Шунинг учун ҳам Кейнсиан кесма ишлаб чиқариш ҳажмининг нол даражасидан тўлиқ бандликка эришиши ёки ишлаб чиқаришнинг потенциал ҳажмига эришгунгача бўлган қисмидан иборат. Кейнсчилар фикрича, тўлиқ иш билан бандликка эришгандан кейин жами таклиф эгри чизиғи вертикал йўналиш олади.

2. Нобарқарор жами талаб. Кейнсчилар фикрича пул таклифида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаса ҳам жами талаб нобарқарордир. Хусусан, жами талабдаги инвестиция каби омиллар ўзгаришга олиб келади. Масалан, жами талабнинг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажми ва бандликга таъсир кўрсатади. Нархлар даражаси эса ўзгармай қолади.

Классиклар фикрича, пул таклифида катта ўзгариш бўлмаса жами талаб ўзгармайди, яъни барқарор ҳисобланади. Жами талаб камайган тақдирда ҳам нархлар ва иш ҳақининг эгилувчанлиги ишлаб чиқариш реал ҳажмининг барқарорлигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам давлатнинг макроиқтисодий сиёсати ортиқчадир. Кейнсчилар фикрича, жами талабнинг ўзгарувчанлиги ва нархларнинг ноэгилувчанлиги ишсизлик даражаси ошишига олиб келади. Иқтисодиётда катта йўқотишлар қилмаслик учун давлат жами талабни бошқариб туриш мақсадида макроиқтисодий сиёсат юритиш лозим, деб ҳисоблайди. Кейнсианчилар фикрича, жами талабни таҳлил қилишда нархларнинг ноэгилувчанлигидан ташқари ЯММни ҳисоблашда тўртта компонент, яъни, истеъмол, инвестиция, давлат хариди ва соф экспортни ҳам қараб чиқиш керак.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ҳақиқий ва режалаштирилган харажатларга таъриф беринг.
2. Кейнс хочида мувозанатни таъминловчи механизмга изоҳ беринг.
3. Мультипликатив самара нима сабабдан рўй беради?
4. Рецессион узилиш қандай вазиятларда рўй беради ва у қандай бартараф қилинади?
5. Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат модели ва AD-AS моделини таққосланг.

Асосий адабиётлар

1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. М.: ДИС. 1997.
2. Борр Р. Политическая экономика в 2-х томах. 1-том. М.: 1995.
3. Бурдо М., Виплаш Ч. Макроэкономика (Европейский текст). С. Петербург: Судостроение. 1998.
4. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (Маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ - 2000.
5. Макконелл, Кемпбелл Р., Брюстенли Л. Экономика. Принципи проблемў и политика. В 2-х томах. М.: Республика. 1992.
6. Ричард Лэйард. Макроэкономика. Курс лекций для российских читателей. М.: 1994.

8-Мавзу: Пул бозорида мувозанат

Режа:

1. Пул тушунчаси ва унинг функциялари. Пул агрегатлари.
2. Пул таклифи. Банк мультипликатори.
3. Пул таклифининг кенгайтирилган модели пул мультипликатори.
4. Пулга талабнинг классик ва кейнсча назариялари.
5. Пул бозорида мувозанат.
6. Ўзбекистон Республикаси банк тизими.

Таянч сўз ва иборалар: пул, ликвидлилик, пул массаси, пулга талаб, пул таклифи, пул мультипликатори, даромадлар даражаси, пулнинг айланиш тезлиги, фоиз ставкаси, қиймат ўлчови, пул бозорида мувозанат.

1. Пул тушунчаси ва унинг функциялари. Пул агрегатлари.

Пул – иқтисодиёт субъектлари мулкнинг бир тури бўлиб, мулкнинг бошқа турларидан икки хусусиятига кўра фарқ қилади:

- ❖ *биринчидан*, пул юқори ликвидлиликлар, яъни қисқа муддатда, сезиларсиз сарф - харажатлар билан бошқа буюмга айирбошланиш қобилиятига эга;
- ❖ *иккинчидан*, баҳолар ўзгармас бўлган шароитда пул ёки ҳеч қандай даромад келтирмайди, ёки унинг даромадлилиги даражаси бошқа мулк турлариникидан анча кам. Шунга қарамасдан кишилар нима учун мулк сифатида пулга эгалик қилишга ҳаракат қиладилар? Бу саволга жавобни пулнинг функцияларидан топамиз.

Одатда пулнинг уч асосий функцияси мавжуд деб қаралади.

1. *Тўлов воситаси (алмашинув воситаси);*
2. *Қиймат ўлчови воситаси.*
3. *Жамғаруш (бойлик тўплаш) воситаси.*

Умумий эквивалентлилик, юқори ликвидлилик хусусиятлари пулни идеал тўлов воситасига айлантиради. Ҳозирги замон иқтисодиётида тўловлар уч йўл билан амалга оширилади:

- 1) нақд пул тўлови;
- 2) банкдаги ҳисобварақларда ёзув орқали, яъни нақд бўлмаган пул кўчириш орқали;
- 3) бир шахснинг иккинчи шахсга қарздорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар(векселлар, қарз мажбуриятлари) ёрдамида.

Қиймат ўлчови сифатида пуллар товарлар баҳосини ифодалайди ва турли товарлар қийматини таққослаш имконини беради.

Ўз товари учун олган пулини сотувчи доим ҳам бирданига ишлатвермайди. Шу сабабга кўра пуллар уларга ўтказилган қийматни сақлаб туришлари жуда муҳим. Агар пул айтилган хусусиятга эга бўлса, унда у бойлик тўплаш мақсадида жамғарилади. Пулнинг бу функциясини муқобил тарзда мулкнинг бошқа турлари - облигациялар, акциялар, кўчмас мулк ҳам бажариши мумкин.

Ривожланган иқтисодиёт шароитида пулнинг тўлов воситаси сифатидаги вазифаси жамғариш воситаси вазифасига нисбатан муҳимроқ аҳамият касб этади.

Пулнинг юқори ликвидлиги ва қийматни сақлаб туриши хусусиятлар барча турдаги тўлов воситаларида бир хил эмас. Нақд пуллар ва муддатсиз депозитларнинг ликвидлиги даражаси муддатли депозитларга ёки векселларга қараганда юқорироқ. Шу сабабли пул массаси ликвидлилик даражасининг пасайиб бориши тамойилига асосланган агрегатларга бўлинади. Ривожланган мамлакатларда пул массасини аниқлашда - $M1$; $M2$; $M3$; $M4$ деб белгиланадиган пул агрегатларидан фойдаланилади.

Пул агрегатларининг таркиби ва миқдори турли мамлакатларда ўзаро фарқ қилиш мумкин. Қуйида умумлаштириб олинган пул агрегатлари таркибини келтирамиз:

$M0$ - банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар ва тижорат банкларининг Марказий банкдаги резервлари;

$M1 = M0 +$ муддатсиз депозитлар, йўл чеклари ва бошқалар;

$M2 = M1 +$ (миқдори ва муддати чекланган) муддатли депозитлар ва бошқалар ;

$M3 = M2 +$ (миқдори ва муддати чекланмаган) муддатли депозитлар ва бошқалар”⁹

Макроиқтисодий таҳлилда $M1$ ва $M2$ пул агрегатлари энг кўп фойдаланилади. Пул агрегатларининг динамикаси турли сабабларга боғлиқ. Масалан, даромадларнинг ошиши натижасида $M1$ га талаб тезроқ ўсса, фоиз ставкасининг ўсиши натижасида $M2$ ва $M3$ га талаб $M1$ га нисбатан тезроқ ўсади.

2. Пул таклифи. Банк мультипликатори.

Пул таклифи (M_s) ўз ичига банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар (C) ва зарур бўлганда (D) иқтисодий агентлар битимлар учун ишлатиши мумкин бўлган депозитларни олади:

$$M_s = C + D.$$

9 - Саидова Г., Шадыбаев Т. Макроэкономика Т., ИПАК «Шарк» 2003, 34 -с..

Аксарият мамлакатларда давлат пул чиқаришда монопол ҳуқуққа эга. Уни амалга ошириш ҳуқуқи нисбатан мустақил муассаса Марказий банк ихтиёрида. “Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқариш мутлақ ҳуқуқига эга”¹⁰. Аммо пул таклифини кўпайтириш имконига ёки пул яратиш қобилиятига тижорат банклари ҳам эга. Улар кредитлар бера бориб, тўлов воситалари эмиссиясини ёки кредит мултипликатсиясини амалга оширади. Масалан, А банкнинг депозити 2000 сўмга ўсган бўлса, захира нормаси 20 % га тенг бўлганда (захира нормаси – тижорат банклар депозитларининг маълум қисмини Марказий банкда сақлаб туриш нормаси), у 400 сўмни Марказий банкда захиралаб, қолган 1600 сўмни қарзга беради. Шундай қилиб, А банк пул таклифини 1600 сўмга кўпайтиради ва у энди $2000+1600=3600$ сўмни ташкил этади. Яъни, омонатчиларнинг депозитлардаги 2000 сўмдан ташқари яна 1600 сўм қарз олувчилар қўлида қолади. Агар, 1600 сўм яна банка тушса, (масалан, Б банкка) унда 20 % га тенг бўлган захира нормасида у 320 сўмни захирада қолдириб, 1280 сўмни кредитга беради ҳамда шу миқдорда пул таклифини оширади. Кредит беришнинг бу жараёни сўнгги пул бирлигидан фойдаланишга қадар давом этади.

Яқуний ҳисоб китоб банк депозитлари жами 10000 сўмга кўпайганлигини кўрсатади. Бу жараёни формула кўринишида қуйидагича ёзишимиз мумкин:

$$M = (1/rr) \times D$$

бунда: М- пул таклифи ҳажми; rr – мажбурий захира лаш нормаси; D - дастлабки депозит.

Келтирилган формуладан кўриниб турибдики, пул таклифи $1/rr$ коэффицентига боғлиқ бўлиб, уни банк мултипликатори ёки пул эспансияси мултипликатори деб аталади. У ушбу банк захира лар нормасида ортиқча захира ларнинг бир пул бирлиги билан яратилиши мумкин бўлган янги кредит пулларининг энг кўп миқдорини билдиради.

3. Пул таклифининг кенгайтирилган модели, пул мултипликатори.

Пул таклифининг умумлашма модели Марказий банкнинг пул таклифидаги роли ҳамда пулнинг бир қисмини депозитлардан нақд пулларга оқиб ўтишни ҳисобга олган ҳолда ёзилади. Бу модел бир қатор янги ўзгарувчиларни ўз ичига олади. Булар:

10 - Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки тўғрисида”ги Қонуни, 1995йил. 21 декабрь / Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами.Т.: Ўзбекистон, 2003., 18-б.

✓ пул базаси (резерв пуллар, юқори қувватли пуллар) – банк тизимидан ташқаридаги нақд пуллар ва тижорат банклари Марказий банкда сақлайдиган депозитлар суммаси;

✓ депонентлаш коэффициентлари - $Cr = C/D$

Пул базасини MB ва банк резервларини R деб белгиласак,

$$MB = C + R.$$

Пул таклифининг кенгайтирилган моделини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$Ms = \frac{Cr + 1}{Cr + rr} \cdot MB \quad \text{ёки} \quad Ms = m \cdot MB$$

$(Cr + 1) / (Cr + rr)$ нисбат пул мультипликатори деб юритилиб бир сўмлик пул базаси ҳисобига неча сўмлик пул таклифи юзага келишини кўрсатади.

Пул мультипликаторини – пул таклифининг пул базасига нисбати кўринишида ёзиш мумкин:

$$m = \frac{Ms}{MB} = \frac{C+D}{C+R} = \frac{C/D + D/D}{C/D + R/D} = \frac{Cr + 1}{Cr + rr}$$

Cr миқдори – аҳолининг ўз маблағларини нақд пуллар ва депозитлар ўртасида қандай пропорцияда сақлашни танлашга боғлиқ.

$rr = R/D$ миқдори эса – аҳолининг нафақат Марказий Банк белгилаб берган мажбурий резерв нормасига, балки тижорат банклари сақлаб туришни мўлжалланаётган ортиқча резерв миқдорига ҳам боғлиқ.

Демак, пул таклифи пул базаси ва пул мультипликатори миқдорига боғлиқ экан. Пул мультипликатори пул базасининг бир миқдорга ошиши натижасида пул таклифи қандай ўзгаришини кўрсатади.

Марказий банк пул таклифини авваламбор, пул базасига таъсир этиш йўли билан тартибга солади.

Мамлакатда пул миқдори кўпаяди, агар:

- ✚ пул базаси ўсса;
- ✚ мажбурий заҳиралаш нормаси пасайтирилса;
- ✚ тижорат банкларининг ортиқча резервлари камайса;
- ✚ нақд пулларнинг депозитлар умумий суммасига нисбати пасайса.

4. Пулга талабнинг классик ва кейнсча назариялари.

Пулнинг миқдорий назарияси пулга бўлган талабни алмашинув тенгламаси ёрдамида аниқлайди:

$$M \cdot V = P \cdot Y$$

бу эрда: M – муомаладаги пул миқдори; V – пулнинг айланиш тезлиги; P – баҳолар даражаси (баҳо индекси); Y – реал ЯИМ.

Пулнинг айланиш тезлиги, иқтисодиётда битимлар таркиби нисбатан барқарор бўлганлиги учун ҳам доимий катталиқ деб қабул қилинади. Аммо банк тизимига ҳисоб-китобларни тезлаштирувчи техник воситалар жорий қилиниши натижасида у ўзгариши мумкин. V доимий бўлган шароитда алмаштириш тенгламаси қуйидагича бўлади:

$$M \cdot V^* = P \cdot Y \text{ (Фишер тенгламаси),}$$

бундан:

$$M = \frac{P \cdot Y}{V}$$

$P \cdot Y$ – номинал ЯИМ миқдорини билдиришини ва доимий миқдорлигини ҳисобга олсак, муомала учун зарур бўлган пул миқдори ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар миқдори ва уларнинг баҳоси ўзгаришларига, бошқача айтганда, номинал ЯИМ ўзгаришига боғлиқ. Муомаладаги пул массасининг ўзгариши, классик назарияга кўра, Y секин ўзгариши туфайли асосан баҳолар даражасига таъсир кўрсатади. Бу ҳолат “пулнинг нейтраллиги” номини олган.

Монетаристлар қоидасига кўра ҳукумат пул массасининг ўсиш суръатини, реал ЯИМнинг ўртача ўсиш суръати даражасида таъминлаб турсалар иқтисодиётда баҳолар даражаси барқарор бўлади.

Фишер тенгламасидан ташқари бу тенгламанинг бошқа бир шакли Кембриж тенгламасидан ҳам кенг фойдаланилади:

$$M = k \cdot P \cdot Y$$

Бу эрда: $k = 1/V$ – пулнинг айланиш тезлигига тесқари миқдор.

k – коэффициентни номинал пул миқдори (M)нинг даромадлар ($P \cdot Y$)даги улушини кўрсатади.

Кембриж тенгламаси турли даражада даромадли бўлган турлича молиявий активлар мавжудлигини ва даромадни уларнинг қайси бири кўринишида сақлашни танлаш имконияти мавжудлигини кўзда туттади.

Пулга реал талаб қуйидаги кўринишда ҳисобланади:

$$\left(\frac{M}{P}\right)^D = kY$$

Бу эрда: M/P – “реал пул қолдиғи”, “пул маблағларининг реал захираси” деб номланади.

Пулга талабнинг кейнсча назарияси.

Пулга талабнинг Кейнс назарияси, ликвидлиликнинг афзаллиги назарияси, пулни нақд кўринишда сақлашга кишиларни ундовчи уч сабабни ажратиб кўрсатади:

1. трансакцион сабаб (жорий битимлар учун нақд пулга талаб);
2. эҳтиёткорлик сабабли (кўзда тутилмаган ҳолатлар учун маълум миқдорда нақд пулларни сақлаш);
3. спекулятив сабаб (фойда олиш мақсадида қимматли қоғозлар сотиб олиш учун пулга талаб).

Спекулятив сабаб фоиз ставкаси билан облигациялар курси ўртасидаги тескари боғлиқликка асосланади. Агар фоиз ставкаси кўтарилса, облигациялар баҳоси пасаяди, уларга талаб эса ошади. Бу эса ўз навбатида, нақд пул захираларининг қисқаришига ҳамда нақд пулларга талабнинг пасайишига олиб келади.

Пул ликвидлилик хусусиятига эга бўлганлиги учун ҳам аҳоли уни сақлашни афзал билади. Ликвидлиликнинг афзаллиги назарияси кўрсатадики пулга бўлган талаб миқдори фоиз ставкасига боғлиқ. Фоиз ставкаси нақд пул воситаларини қўлда ушлаб туришнинг муқобил харажатлари миқдорини, яъни, сиз фоиз олиб келмайдиган нақд пулларни қўлда ушлаб турган шароитда йўқотадиган пул миқдорини билдиради. Ноннинг нархи нон талаби миқдорига таъсир қилганидек, нақд пулларни қўлда ушлаб туриш миқдори ҳам пул захираларига талаб миқдорига таъсир кўрсатади. Шунинг учун фоиз ставкаси ошганда, инсонлар бойликларини нақд пул шаклида камроқ ушлаб туришга ҳаракат қилади.

Реал пул захираларига талаб функциясини қуйидаги кўринишда ёзамиз:


$$M/P = f(R)$$

Бу тенглама кўрсатаптики, пулга бўлган талаб миқдори фоиз ставкаси функцияси э кан. Графикда фоиз ставкаси ва реал пул захиралари миқдорига талаб тескари боғлиқликка эга эканлиги кўринади. Чунки, юқори фоиз ставкаси пулга талаб миқдорининг камайишини кўрсатади

Классик ва кейнсчиларга хос ёндашувларни умумлаштириб, пулга талабнинг қуйидаги омилларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1) даромадлар даражаси;
- 2) пулнинг айланиш тезлиги;
- 3) фоиз ставкаси.

Агар классик назария пулга талабни асосан, реал даромад ҳажми билан боғласа, кейнсчиларда эса пулга талаб асосан, фоиз ставкасига боғлиқ деб ҳисобланади.



35-чизма. Пулга талаб графиги

Пулнинг айланиш тезлигини ҳисобга олмаганда, реал пул қолдиғига талаб формуласи қуйидагича бўлади:

$$\left(\frac{M}{P}\right)^D = f(R, Y)$$

бу эрда: R – фоиз ставкаси; Y – реал даромад.


Чизиқли боғлиқликни эътиборга олсак, қуйидагича формула ҳосил бўлади:

$$\left(\frac{M}{P}\right)^D = kY - hR$$

бу эрда: k ва h – пулга талабнинг даромадлар ва фоиз ставкасига таъсирчанлигини ифодаловчи коэффитсиентлар; k – фоиз ставкаси (реал фоиз ставкаси).

Реал фоиз ставкаси номинал фоиз ставкасидан инфляция суръатини айириб топилади.

Даромад даражасининг ўзгариши билан пулга талаб эгри чизиғи ўннга ёки чапга силжийди.



36-чизма. Даромадлар даражаси ўзгаришининг натижасида пулга талабнинг таъсири.

Даромадларнинг ўсиши пулга талаб эгри чизиғини ўнгга силжитса, уларнинг пасайиши тескари натижани беради. Бунинг натижасида маълум фоиз ставкасига мос келувчи реал пул захираларига талаб миқдори ҳам ўзгаради.

5. Пул бозорида мувозанат

Пул бозори модели пулга талаб ва таклифни бирлаштиради. Дастлаб, соддалик учун пул таклифи Марказий Банк томонидан назорат қилинади ва $(M/P)^S$ даражасида қайд қилинган деб оламиз.

Агарда M -пул таклифини, P -нархлар даражасини билдирса, M^*/P^* пул воситаларининг реал захираси миқдорини кўрсатади.

$$\left(\frac{M}{P}\right)^S = \frac{\bar{M}}{\bar{P}}$$

бу эрда: M - пул таклифи даражасини билдиради; P – баҳолар даражаси (ушбу моделда экзоген ўзгарувчи)ни кўрсатади.


37-чизма реал пул таклифи миқдоридаги фоиз ставкасига боғлиқ бўлмаган вазиятни кўрсатади. Шунинг учун реал пул воситалари таклифи графикда кўрсатаётганимиздек вертикал чизиқ кўринишига эга бўлади. Бу ҳолат фоиз ставкаси қанчалик ўзгаришига қарамасдан реал пул таклифи миқдори ўзгармасдан қолган вазиятни акс эттиради.

Баҳолар даражасини ҳам барқарор деб қабул қиламиз. Бу ҳолатда реал пул таклифи $\frac{M}{P}$ га тенг ва графикда M^s тўғри чизиқ кўринишига эга бўлади.


Пул талаби берилган даромад даражасида фоиз ставкасига тескари пропорционал эгри чизиқ кўринишига эга. Мувозанат нуқтасида пул талаби ва таклифи ўзаро тенг, (38-чизма).

Ўзгариб турувчи фоиз ставкаси пул бозорини мувозанатда ушлаб туради. Фоиз ставкасининг ўзгариши натижасида иқтисодий агентлар ўз активлари таркибини ўзгартиргани туфайли пул бозорида мувозанатга эришиш учун вазиятга таъсир этиб уни ўзгартириш зарур ва мумкиндир.

Агар P жуда юқори бўлса, пул таклифи унга бўлган талабдан юқори бўлади. Иқтисодий агентлар ўзларида тўпланиб қолган ортиқча нақд пулларни акция ва облигацияларга айлантириб, улардан қутилишга интилишади.




37-чизма. Реал пул воситалари захираси таклифи графиги




38-чизма. Пул бозорида мувозанат модели

Юқори фоиз ставкаси, таъкидланганидек, облигациялар курсининг пастроқ даражасига мос келади. Шу сабабли, арзон облигацияларни (келажакда фоиз ставкаси пасайиши оқибатида улар курси ўсишини кўзда тутиб) сотиб олиш фойдали бўлади.

Банклар, $M_s > M_d$ бўлгани учун фоиз ставкасини пасайтира бошлайди. Аста-секин иқтисодий агентлар ўз активлари таркибини ўзгартириши ва банклар томонидан фоиз ставкасининг ўзгартирилиши оқибатида пул бозорида мувозанат тикланади. Фоиз ставкаси пасайиб кетган ҳолатда тескари жараён рўй беради.



39-чизма. Даромадлар даражасининг ошиши натижасида пулга талабнинг ўзгариши.



40- Пул таклифининг камайиши натижасида пул бозорида мувозанатнинг ўзгариши.

Фоиз ставкаси ва пул массаси мувозанатли даражасининг ўзгариб туриши пул бозорининг экзоген ўзгарувчилари – даромадлар даражаси ва пул таклифининг ўзгариши натижасида ҳам рўй беради.

График кўринишда, бу, пул талаби ва пул таклифи эгри чизиқларининг силжиши сифатида намоён бўлади (39, 40-чизмалар).

Даромадлар даражасининг Y_1 дан Y_2 га қадар ўсиши (20-чизма) пулга талабни M_B^1 дан M_B^2 гача ошишига ва фоиз ставкасини R_1 дан R_2 га қадар кўтарилишига олиб келади. Пул таклифининг камайиши ҳам фоиз ставкасининг кўтарилишига ва мувозанат нуқтасининг ўзгаришига олиб келади.

Пул бозорида мувозанатни ўрнатиш ва сақлаб туриш механизми қимматли қоғозлар бозори ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли амал қилади. Пул бозоридаги мувозанат товарлар ва хизматлар бозоридаги мувозанат сингари макроиқтисодий мувозанатнинг муҳим таркибий қисмидир.

6. Ўзбекистон Республикаси банк тизими.

Молия бозоридаги операциялар молия муассасалари воситасида амалга оширилади. Бундай муассасаларга турли хил банклар, биржалар, депозитарийлар, суғурта компаниялари, инвестиция фондлари, агентликлар ва ҳ.к.лар киради.

«Банк» тушунчаси қадимий франсузча “bang” ва “banca” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, «сарроф курсиси, дўкони» деган маънони англатади. Бундай тушунча тарихчиларнинг тахминан 2000 йил муқаддам фаолият кўрсатган банкирлар ҳақидаги маълумотларида ҳам мавжуд.

Пул муносабатларининг ривожланиши банкларни юзага келтирган. Банк иқтисодиёт иштирокчиларининг пул юзасидан бўлган алоқаларига хизмат қилувчи институт (муассаса)дир. Пул билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар кўп, аммо уларнинг марказида банклар туради. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунида, банк нима, деган саволга қуйидагича жавоб топиш мумкин:

Банк - тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир.

Ўзбекистондаги банк тизими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, акциядорлик-тижорат банклари ва хусусий банклардан иборатдир. 2016 йил 1-январ ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси банк тизими 29 тижорат банкини ўз ичига олди.

Банклар пул оламини ҳаракатга келтирувчи мотор - юрак, пул билан бўладиган ҳисоб-китобларни амалга оширади. Ҳамма пул тўловлари (трансфертлар) банклар орқали ўтади. Банклар қуйидаги ишларни амалга оширади:

- пул ва қимматли буюмларни омонатга олиб, сақлаб беради;

- пул билан бўладиган ҳисоб-китоб операцияларини, хусусан, пул тўлаш ишларини бажаради;
- чет эл валютасини сотади ва сотиб олади;
- ўз қўлидаги пулни қайтариш, фоизлилик ва муддатлилик шарти билан унга (мухтожларга) қарз (ссуда)га беради, яъни, кредит билан шуғулланади;
- ўз пулига акция сотиб олиб, уни бошқа соҳага жойлаштиради;
- бизнес юзасидан маслаҳат беради ва ҳоказо.

Банк иши пул оламида бўладиган бизнесдир. Банк бизнеси фойда топиш мақсадида юритилади.

Марказий банкнинг монополлик мавқеи унинг мамлакатдаги пул ва пировард натижада иқтисодий барқарорлик учун алоҳида жавобгар эканлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг бош мақсади ва асосий вазифалари қуйидагилар:

“Марказий банкнинг бош мақсади миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашдан иборат.

Асосий вазифалари:

Монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасида ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш;

Банклар, кредит уюшмалари ва гаровхоналар фаолиятини лицензиялаш ҳамда тартибга солиш, банклар, кредит уюшмалари, гаровхоналарни назорат қилиш, қимматбаҳо қоғозлар бланкалари ишлаб чиқаришни лицензиялаш;

Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин валюта резервларини, шу жумладан келишув бўйича ҳукумат резервларини сақлаш ва тасарруф этиш;

Давлат бюджети касса ижросини Молия вазирлиги билан биргаликда ташкил этишдан иборатдир”

Тижорат банклари Марказий банкда ўз қисқа муддатли ва ўрта муддатли мажбуриятларидан муайян фоиз ҳажмида энг кам захира деб юритиладиган фоизсиз омонатларни сақлашга мажбур.

Марказий банк банклар фаолиятини назорат қилишда ўзининг минтақавий бўлинмалари орқали кредит муассасаларидан мажбурий равишда ахборот, ойлик ҳисобот ва йиллик якуний баланс маълумотларини тақдим этиш асосида қатнашади.

Кредит муассасаларининг бўйсинишига қараб банк қонунчилиги ҳамда кредит тизимининг пастдан юқорига томон таркибий тузилишига мувофиқ

тарзда банк тизимини икки асосий: бир босқичли ва икки босқичли турга ажратиш мумкин.

Бир босқичли банк тизими доирасида барча кредит муассасалари, жумладан, Марказий банк ҳам, ягона босқичда туради ҳамда мижозларга кредит - ҳисоб хизмати кўрсатишда бир хил вазифаларни бажаради.

Икки босқичли тизимда банклар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бўйига (вертикал) ва энига (горизонтал) йўналишларида тузилишига асосланади. Вертикал – раҳбарлик қилувчи, бошқарувчи марказ ҳисобланган Марказий банк билан қуйи бўғинлар – тижорат ва ихтисослашган банклар ўртасидаги бўйсунуш муносабатлари, горизонтал-турли қуйи бўғинлар ўртасидаги тенг ҳуқуқли шериклик муносабатлари тушунилади.

Ўзбекистон банклари миллий иқтисодиётга таъсир этувчи қудратли тузилмага айланиш учун ривожланишнинг узоқ эволюцион, яъни тадрижий йўлини босиб ўтишига, анчагина машаққатларни бартараф этишига тўғри келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида “... банк ва молия тизимида ислохотларни жадал давом эттириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш зарур.

Бугунги кунда банк тизимидаги энг асосий муаммо – улар капиталининг асосий қисми, яъни, 83 фоизи давлатга тегишли эканидир. Бу, ўз навбатида, банк секторида соғлом рақобатга тўсиқ бўлиб, хизмат кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилмоқда.

Банк тизимига хусусий ва хорижий капитал кириб келиши ҳисобидан биз давлат банклари улушини босқичма-босқич камайтириб борамиз. Бу эса соҳада рақобат муҳитини яхшилашга, тижорат банклари фаолиятини, кредитлаш сифати ва маданиятини ҳар томонлама оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, молия бозорлари, жумладан, фонд бозорини ривожлантириш ҳам янги иқтисодий шароитда асосий мақсадларимиздан бири бўлиши керак.

Янги молиявий инструментларни жорий этиш ва облигациялар чиқариш орқали, банк хизматлари кўламини янада кенгайтириш, илғор ахборот технологиялари асосида банк тизимини ривожлантириш зарур.

Инвесторлар мамлакатимизда ўзини имкон қадар эркин ҳис қилишлари учун валюта бозорини янада эркинлаштириш талаб этилади” – деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар¹¹.

11-Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Пул агрегатларига изох беринг.
2. Пулга талабнинг Кейнсчиларга хос ва классик назарияларини таққосланг.
3. Пул таклифи асосида нималар ётади? Пул мультипликатори қандай аниқланади?
4. Банк мультипликатори нима?
5. Банк тизими ва банкларнинг функциялари.

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
2. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. М.: ДИС. 1997.
3. Борр Р. Политическая экономика в 2-х томах. 1-том. М.: 1995.
4. Бурдо М., Вишлаш Ч. Макроэкономика (Европейский текст). С. Петербург: Судостроение. 1998.
5. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиктисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ – 2000.
6. Макконелл, Кемпбелл Р., Брюстенли Л. Экономика. Принципы проблемы и политика. В 2-х томах. М.: Республика. 1992.
7. Ричард Лэйард. Макроэкономика. Курс лекций для российских читателей. М.: 1994.

9-мавзу: Бюджет-солиқ сиёсати

Режа:

1. Давлат бюджетининг моҳияти, функциялари ва аҳамияти.
2. Бюджет тақчиллиги ва уни молиялаштириш воситалари.
3. Давлат қарзлари.
4. Солиқ моҳияти, турлари ва солиқ ставкалари.

Таянч сўз ва иборалар: давлат бюджети, давлат қарзи, давлат бюджетининг тақсимлаш функцияси, бюджет тизими, давлат бюджетининг харажатлари, бюджетдан молиялаштириш, солиқ, тўғри солиқ, эгри солиқ, солиқ ставкаси, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи.

1. Давлат бюджетининг моҳияти, функциялари ва аҳамияти

Ҳозирги шароитда давлат бюджети ижтимоий (ишлаб чиқариш) муносабатларининг бир қисмини ифода этиб, давлатнинг ихтиёрига мамлакатда яратилган ялпи ички маҳсулот (миллий даромад)нинг нисбатан каттагина қисмини тўплаш ва уни жамият тараққиётининг турли соҳаларини (иқтисодиёт, маориф, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, ижтимоий таъминот, бошқарув, муҳофаза ва бошқалар) ривожланишига йўналтириш имконини берадиган муҳим тақсимлаш воситасидир.


Давлатнинг энг асосий вазифаси иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳисобланади. Бундай барқарорлаштиришга асосан бюджет сиёсати орқали эришилади. Давлат томонидан олиб бориладиган бюджет сиёсати деб асосан бюджет-солиқ сиёсатига айтилади. Бюджет-солиқ сиёсатига, давлат харажатлари ва солиқларини ўзгартириш орқали иқтисодиётда тўлиқ бандлик шароитига, тўлов балансининг тенглигига, иқтисодий ўсишга ва инфляцияни камайтиришга эришиш жараёнларини келтириб ўтишимиз мумкин.

Иқтисодий турғунлик ёки камайиш бўлган вазиятларда давлат томонидан рағбатлантувчи бюджет сиёсат олиб борилади. Яъни, давлат қисқа муддатларда иқтисодиётнинг пасайишини давлат харажатларини ошириш ёки солиқларни камайтириш ёхуд иккаласини бир вақтнинг ўзида олиб бориш эвазига камайтиради. Узок муддатли иқтисодий пасайиш даврларида солиқларни камайтириш ишлаб чиқариш омилларининг ўсишига ва натижада, иқтисодий ўсишга олиб келиши мумкин. Аммо, бунга Марказий банк томонидан олиб бориладиган пул-кредит сиёсатидан самарали фойдаланиш ва давлат харажатлари таркибини мақбул ҳолатга олиб келиш орқалигина эришиш мумкин. Иқтисодиётда тўлиқ бандлик ва ортиқча талаб натижасида инфляция келиб чиқиши мумкин бўлган вазиятларда босиқ бюджет сиёсат олиб борилади. Унинг асосий мақсади G камайиши ва T нинг ўсишини

мўлжаллаб ёки иккаласини бир вақтда олиб бориш орқали иқтисодиётнинг даврий ўсишини чегаралашдан иборат. Қисқа муддатли даврларда ушбу тадбирлар талаб инфляциясини камайтиради. Узоқ муддатли даврларда эса юқори солиқлар иқтисодиётда стагнацияга олиб келиши мумкин. Бу эса мамлакат иқтисодий имкониятларини издан чиқаради. Бунга давлат харажатларидан самарасиз фойдаланиш туртки бўлиши мумкин. Қисқа муддатли даврларда бюджет-солиқ сиёсатлари давлат харажатлари самараси мультипликатори, солиқ мультипликатори ва баланслашган бюджет мультипликаторлари билан бирга олиб борилади.

$$\Delta G \uparrow \rightarrow \Delta E \uparrow (\Delta E = \Delta C) \rightarrow \uparrow \Delta Y (\Delta Y \rightarrow \Delta C \times mg)$$

Давлат харажатларининг ўсиши режалаштирган харажатларининг ушбу миқдорда ўсишига ва умумий харажатларнинг эгри чизиқ бўйича тепага сурилишига (ΔG) олиб келади. Бу вазиятда миллий ишлаб чиқариш ҳажми (ΔY) миқдорида ўсади.



41-чизма. Давлат харажатлари ўзгаришининг мультипликатив самараси

Давлат харажатлари мультипликатори ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажмини қуйидаги тенгламалар системасини ечиш орқали кўрсатиш мумкин:

$$Y = C + I + G;$$

$$C = a + bY;$$

бу ерда: $Y = C + I + G$ – ёпиқ иқтисодиёт учун асосий макроиқтисодий айният;

$C = a + bY$ – истеъмол функцияси.

Тенгламалар системасини Y учун ечамиз:

$$Y = a + bY + I + G;$$

$$Y - bY = a + I + G;$$

$$Y(1 - b) = a + I + G;$$

$$Y = (1 / (1 - b)) \times (a + I + G);$$

бу ерда: $1/(1-b)$ – ёпиқ иқтисодиётда солиққа тортиш ҳисобга олинмаган вазиятда харажатлар мультипликатори;

$(a+I+G)$ - даромадлар миқдорига боғлиқ бўлмаган мустақил харажат;

$b=MPС$ - истеъмолга чегараланган мойиллик.

Солиқларни олиш билан мультипликатор қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y = (1/(1-b)x(1-t)))x(a+I+G);$$

$$t = \Delta Y / \Delta T;$$

бу ерда: $1((1-b)(1-t))$ - ёпиқ иқтисодиётда харажатлар мультипликатори;

t – чегаравий солиқ ставкаси;

T - солиқларнинг ўсиши;

Y - даромадларнинг ўсиши.

Солиқ тизимининг прогрессив усули мультипликатор самарасини юмшатади.

Очиқ иқтисодиётда мультипликатор самараси ёпиқ иқтисодиётга нисбатан пастдир.

Очиқ иқтисодиёт учун мультипликатор ҳисоби:

$$\begin{cases} Y = C+I+G+X_n \\ C = a+b(1-t)Y \\ X_n = g+m'Y \end{cases}$$

бу ерда: m' - импортга чегаравий мойиллик;

Y - даромад;

g - мустақил соф экспорт;

$m' = \Delta M / \Delta Y$.

Агарда (2) ва (3) тенгликларни (1) тенгликка қўйсақ қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Y = (1/(1-b)x(1-t)m'))x(a+I+G+g);$$

Бу ерда: $(1/(1-b)(1-t)+m')$ - очик иқтисодиётда харажатлар мультипликатори.

Моҳиятига кўра давлат бюджети мамлакат молия тизимининг таркибий қисми бўлиб, шунга мос равишда молия тизимида доир барча хусусиятларга эга ва унга тегишли бўлган барча функцияларни бажаради. Бир вақтнинг ўзида, давлат бюджети фақат ўзига хос бўлган характерли хусусиятларга ҳам эгадирки, улар ўз навбатида, давлат бюджетини молия тизимининг бошқа бўлинмаларидан ажратиб туради ва унда марказий ўринни эгаллашга имкон беради. Унинг ана шундай хусусиятларидан бири бевосита давлатга тегишли эканлигидир. Ҳақиқатдан ҳам ҳар бир мамлакатда давлат барча молиявий муносабатларнинг ташкилотчиси бўлса-да, унинг бу хислати, яъни мамлакатнинг моддий ва молиявий ресурслари асосий тақсимловчи сифатидаги роли фақат бюджетда катта куч билан намоён бўлади. Ягоналик ва юқори даражада марказлашув давлат

бюджетининг муҳим хусусиятларидандир. Давлат бюджетига хос хусусиятлар маблағлар билан бюджет сиёсатини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратиб беради. Давлат бюджети дейилганда, энг аввало, икки тушунчанинг кўшилишини тушунмоқ керак:

1) давлат миқёсида ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш натижасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар;

2) давлатнинг асосий молиявий режаси.

Ялпи ички маҳсулотни тақсимлашнинг молиявий воситаси сифатида давлат бюджети бошқа хусусиятларга ҳам эга. Ялпи ички маҳсулотнинг давлат бюджети орқали тақсимланиши маълум даражада, алмашувдан ажралган ҳолда содир бўлади. Қийматнинг давлат бюджети орқали ҳаракатланиши моддий маҳсулотнинг ҳаракатидан тўлиқ узилади ва соф қиймат характерини касб этади. Фақат давлат бюджетидан ташқарида, бюджет ресурслари сарфланаётганда тақсимлаш ва алмашув операцияларининг қайта кўшилиб кетиши содир бўлади. Давлат бюджетининг моҳиятини очиб беришда у орқали амалга ошириладиган тақсимлаш жараёнларининг мазмунини кўриб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ялпи ички маҳсулотни давлат бюджети орқали тақсимлаш бир вақтнинг ўзида, ўзаро боғланган ва маълум даражада мустақил бўлган уч босқичга эгадир:

1. умумдавлат пул фондини шакллантириш (бюджет даромадлари);
2. ҳудудий ва маълум мақсадларга мўлжалланган кўп сонли бюджет фондларини яратиш;
3. бюджет фондидан фойдаланиш (бюджет харажатлари).

Давлат бюджети орқали ялпи ички маҳсулотни тақсимлашнинг бу босқичлари бир вақтнинг ўзида ва узлуксиз содир бўлсада, бу уларнинг нисбатан алоҳидалигини ҳам инкор этмайди. Бу босқичларни бўлиш ва уларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш орқали бюджетли тақсимлашнинг характери, шакли ва методлари тўғрисида осонроқ ва аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Биринчи босқичда юридик ва жисмоний шахсларга тегишли пул маблағларининг бир қисми давлатнинг қўлида тўпланиши содир бўлади. Ана шу асосда маблағларни олувчи сифатида давлат билан маблағларни тўловчилар ўртасида бюджет муносабатлари вужудга келади. Бу муносабатлар, асосан, мажбурийлик (императивлик) характерига эгадир. Бу босқичдаги тақсимлаш жараёнларининг характерли хусусияти шундаки, бюджетга тушувчи маблағлар ажратиб олинган бўлиб, улар қатъий чегараланмаган. Уларнинг барчаси ҳозирча ягона мақсадга — умумдавлат

эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган. Давлат пул фондининг алоҳидалигига аниқ мақсадларга мўлжалланган фондларни кристаллизатсия қилиш бошланганда барҳам берилади.

Бюджет фондини шакллантиришда икки хил тушунчадан фойдаланилади:

- a. бюджетга тўловлар (солиқлар, ажратмалар, божлар ва бошқалар);
- b. давлат бюджетининг даромадлари.

Давлат бюджетига тўловлар (солиқлар, ажратмалар, божлар ва бошқалар), энг аввало, тўловчиларнинг харажатларидан иборат бўлиб, уларнинг даромадларидан чегирилсада, бир вақтнинг ўзида улар давлат бюджетида давлатнинг даромадлари сифатида гавдаланади. Ана шундан тақсимлаш муносабатларига киришган иштирокчилар (томонлар) ўртасидаги манфаатларда баъзи бир фарқли жиҳатлар вужудга келади. Давлат бюджетнинг даромадларини оширишдан манфаатдор бўлса, бу нарса у ёки бу даражада тўловчиларнинг (юридик ва жисмоний шахсларнинг) манфаатдорлигини пасайтиради. Давлат бюджетининг даромадлари ўзининг яхлитлиги билан фарқланади ва улар ягона мақсадга — ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади.

Бюджет даромадлари давлатнинг субъектлар (хўжаликлар ва аҳоли) билан ўзаро муносабатларининг аниқ чегараланган, аниқланган қисмини ифода этади. Бу муносабатлар хилма-хил бўлишига қарамасдан, улар умумий белгиларга эга ва умумлаштирилган, абстракт ҳолда ишлаб чиқариш (бюджет) муносабатларининг алоҳида элементи сифатида майдонга чиқади. Бюджет даромадлари ўзларининг иқтисодий табиатига кўра объектив бўлиб, улар давлатнинг субъектлар (хўжаликлар ва аҳоли) билан барқарор алоқаларини ифодалайди. Уларнинг объектив зарурлиги давлатнинг ўзига хос функцияларга эга бўлган мавжудлиги билан белгиланади.

Давлат бюджети даромадларининг фарқланувчи белгиси шундан иборатки, улар тақсимлаш натижаси (бюджетга тўловлар) ва янада тақсимлаш объекти (бюджет ичидаги фондларни шакллантириш ва молиялаштириш) сифатида майдонга чиқади. Демак, давлат бюджетининг даромадлари аниқ ифодаланган бюджет категорияси бўлиб, уларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тақсимлашнинг бюджет механизми орқали амалга оширилади.

Давлат бюджетининг харажатлари худди унинг даромадлари сингари, иккиёклама характерга эга. Бир томондан, бу давлатнинг харажатлари, бошқа томондан эса—субъектларнинг ихтиёрига тушадиган қайтарилмайдиган маблағлар бўлиб, уларнинг даромадларига айланади ва

улар томонидан турли мақсадларга мўлжалланган тегишли фондларни шакллантиришда фойдаланилади. Ана шу иккиёқлама характер давлат бюджети харажатларининг якуний эмас, балки тақсимлаш жараёнларининг оралик босқичи эканлигидан далолат беради. Бу эрда бюджет фондларининг эгаси — давлат ва пул маблағларини олувчилар — субъектлар ўртасида янги тақсимлаш муносабатлари пайдо бўлади. Даромадлар сингари, давлат бюджетининг харажатлари ҳам объектив иқтисодий категориядир. У категория сифатида бюджетли тақсимлаш муносабатларининг маълум бир якуний қисмини абстракт ҳолда умумлаштиради. Уларнинг моддийлашуви бюджетдан субъектларга пул маблағларининг тескари оқими билан характерланади.

Шундай қилиб, давлат бюджетининг иқтисодий мазмуни деганда умумдавлат пул фондини шакллантириш, маблағларни бюджетлар ичида тақсимлаш ва субъектларни бюджетдан молиялаштириш натижасида вужудга келадиган, ўзаро боғланган тақсимлаш муносабатларининг бутун комплекси тушунилади. Давлат бюджети кўп сонли ва бўлинган тақсимлаш актларининг мажмуи орқали ялпи ички маҳсулот ҳаракатининг асосий йўналишларида намоён бўлади. Айнан бюджет истеъмол ва жамғариш фондларининг шаклланишида, истеъмол фондининг қисмларга ажралишига, соф даромаднинг давлат ва субъектлар ўртасида бўлинишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Мамлакатнинг асосий молиявий режаси кўринишида қонуний расмийлаштирилган, давлат пул фондларини яратиш ва улардан фойдаланиш борасидаги иқтисодий муносабатлар мажмуига давлат бюджети дейилади.

Давлат бюджети икки хил функцияни бажаради:

- 1) тақсимлаш;
- 2) назорат.

Давлат бюджетининг тақсимлаш функцияси орқали унинг моҳияти намоён бўлади. Бу давлат бюджети томонидан амалга оширилаётган тақсимлаш муносабатларининг мазмунида яққол кўринади.

Давлат бюджети орқали амалга ошириладиган тақсимлаш бу жараённинг иккинчи (оралик) босқичидир; Шунинг учун ҳам давлат бюджетининг тақсимлаш функцияси ўзига хос бўлган хусусиятга эга бўлиб, ундан тақсимланган ялпи ички маҳсулотни қайта тақсимлашда фойдаланилади. Агар тақсимлашнинг биринчи босқичида бюджет маблағлари миллий даромадда давлатнинг улуши сифатида майдонга чиқса, унинг иккинчи босқичида эса ана шу улуш қисмларга бўлинади ва кўп сонли каналлар орқали турли тадбирларни молиялаштиришга ва фондларни

шакллантиришга йўналтирилади. Давлат бюджети билан иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча бўлинмалари бевосита ёки билвосита боғлангандир.

Давлат бюджетининг назорат функцияси ҳам ўзига хос хусусиятларга эга.

Биринчи хусусият умумийлик, универсаллик. Бу миллий иқтисодиётни тезкор бошқаришда давлат бюджетининг назорат функциясидан кенг фойдаланиш учун шароит яратади.

Давлат бюджетининг назорат функциясига тегишли бўлган иккинчи характерли хусусият молиявий муносабатларнинг алоҳида соҳаси сифатида давлат бюджетининг юқори даражада марказлаштирилганлигидан келиб чиқади. Марказлаштирилганлик ҳар доим юқори органлар олдида қуйи органларнинг ҳисобот бериб туришини, маълум кетма-кетликда бўйсунининг тизимлилигини англатади. Бу эса, ўз навбатида, юқоридан қуйигача давлат молиявий назоратини ташкил этишга шарт-шароит яратиб беради.

Кучли мажбурийлик, императивлик давлат бюджетининг назорат функциясига тегишли бўлган учинчи хусусиятдир. Бюджет давлатники бўлганлиги учун унинг назорат функцияси миллий иқтисодиётни бошқариш воситаларидан бири ҳисобланади. Давлат бюджетининг назорат функцияси:

1) давлат бюджетининг даромадларини ошириш учун пулмаблағларини жалб қилиш;

2) маблағларни сарфлашнинг қонунийлигини таъминлаш;

3) бюджет механизми орқали ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишни кўзда тутаяди.

Субъектлар фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлашда давлат бюджетининг тартибга солувчи роли қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

— молиявий ресурсларга бўлган янги талабни келгуси бюджет йилида бюджетнинг харажатлари таркибига киритиш;

— молиявий ресурсларга бўлган қўшимча эҳтиёжни мавжудбюджет ресурсларини манёвр қилиш, яъни бюджет кредитларини бир объектдан иккинчисига ўтказиш йўли билан қондириш. Бундай имкониятнинг мавжудлиги амалиётда айрим субъектларнинг ўзларигатақдим этилган молиявий ресурсларни тўлиқ ўзлаштиришнинг уддасидан чиқа олмаслиги билан изоҳланади;

— қўшимча эҳтиёжни ҳукуматнинг захира фондлари ҳисобидан қоплаш ва бошқалар.

2. Бюджет тақчиллиги ва уни молиялаштириш воситалари

Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари мувозанатда бўлишини тақозо қилади. Лекин кўпчилик ҳолларда давлат бюджети харажатларининг даромадлардан ортиқчилиги кузатилади, бунинг оқибатида бюджет тақчиллиги рўй беради. Бу ҳолнинг сабаблари кўп бўлиб, уларнинг ичида давлатнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ролининг узлуксиз ўсиб бориши, унинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг кенгайиши алоҳида ўрин тутади. Бюджет тақчиллигининг ўсиши ёки камайиши мутлақ миқдорда ва унинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбатида аниқ намоён бўлади.

Бюджет тақчиллигининг ўзгариши хўжалик конъюнктурасидаги жорий тебранишлар, ишлаб чиқаришдаги даврий инқироз ва юксалишларни ҳам акс эттиради, инқирозлар даврида давлат бюджет маблағлари ҳисобидан иқтисодиётнинг маълум секторларини молиявий таъминлаб туришга, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган тармоқларда инвестициялар хажмини сақлаб туришга мажбур бўлади. Ўрнатилган халқаро стандартларга кўра бюджет тақчиллиги ЯИМнинг 5% даражасидан ошмаслиги лозим. Бюджет тақчиллиги, асосан, давлат қарзи ҳисобига қопланади.

Давлат жамғармалари қуйидаги миқдорга тенг бўлади:

$$S_g = (T - TR - N) - G$$


Бу ерда давлат жамғармалари (S_d); трансферт тўловлари (TR), давлат заёмлари бўйича фоизлар (N); солиқлар (T) ва давлат хариди (G) харажатлари

Агар давлат жамғармалари нолга тенг бўлса, давлат бюджети мувозанатлашган, жамғаришнинг манфий миқдори бюджет тақчиллигини (BT) билдиради:

$$BT = - S_g$$

Бу ерда: BT – бюджет тақчиллиги миқдори.

Иқтисодиётнинг ўрнатилган барқарорлиги даражаси даврий бюджет тақчиллиги ва ортиқчилиги миқдорларига боғлиқ. Даврий тақчиллик (ортиқчалик) иқтисодий фаоллик пасайиши (ошиши) шароитида солиқ тушумларининг автоматик камайиши (ошиши) ва давлат харажатларининг автоматик ошиши (камайиши) натижасида юзага келадиган давлат бюджети тақчиллиги (ортиқчилиги)дир.



42-чизма. Бюджет тақчиллиги ва ортиқчаллиги

Даврий пасайиш босқичида солиқлар автоматик пасайиши, давлат трансфертларининг ошиши натижасида бюджет тақчиллиги келиб чиқади.

Даврий юксалиш босқичида солиқлар автоматик кўпайиши ва давлат харажатларининг камайиши натижасида бюджет ортиқчаллиги пайдо бўлади. Давлат харажатлари ўзгармас бўлган шароитда ҳам бюджет тақчиллиги ва ортиқчаллиги мавжуд бўлиши мумкин. Даврий тақчиллик ва ортиқчаллик миқдорлари солиқ ва бюджет функциялари графикларининг «тиклигига» боғлиқ. Солиқ функцияси T нинг эгилиш бурчаги миқдори чегаравий солиқ ставкасига t га боғлиқ. t қанча юқори бўлса, T чизиғи шунча тикроқ, γ қанча пастда бўлса, G чизиғи ҳам шунча тик бўлади. Бу эса иқтисодий ўсишнинг ўрнатилган барқарорлиги даражасини оширади. Аммо иқтисодий ўсишнинг таъминлаш вазифаси T ва G чизиқларини ётиқроқ бўлишини тақозо этади.

Ўрнатилган барқарорлаштиригичлар мувозанатли ЯИМ ҳажмини, унинг потенциал ҳажми даражаси атрофида тебраниши сабабини тўлиқ тугатмайди ва ишлаб чиқаришнинг ҳар қандан даражасида мавжуд бўлиши мумкин.

Тўлиқ бандликни таъминлаган дискрет бюджет сиёсат юритилиши натижасида давлат бюджетининг таркибий тақчиллиги (ортиқчаллиги), яъни тўлиқ бандлик шароитида бюджет харажатлари (даромадлари) ва даромадлари (харажатлари) ўртасидаги фарқ юзага келади. Даврий тақчиллик кўпинча давлат бюджетининг ҳақиқий тақчиллиги ва таркибий тақчиллик фарқи сифатида баҳоланади.

Назарий жиҳатдан олиб қаралганда бюджетнинг соғлом (нормал) фаолият кўрсатиши унга тегишли бўлган даромадлар ва харажатларнинг тенглигини тақозо этади. Ҳақиқатдан ҳам у ёки бу миқдордаги

харажатларни амалга ошириш учун бюджет шу миқдордаги даромадларга эга бўлиши керак. Акс ҳолда бу харажатларни амалга оширишнинг иложи бўлмайди. Бюджет даромадлари ва харажатларининг тенглиги бюджетнинг баланслаштирилганлигидан далолат беради. Амалиётда бюджет даромадлари ва харажатларининг тенглигига ҳамма вақт ҳам эришилавермайди.

Айрим ҳолларда бюджетнинг даромадлари унинг харажатларидан кўп бўлиши мумкин. Бундай бюджет профитситли бюджет дейилади. Аксинча, баъзи ҳолларда эса бюджетнинг харажатлари унинг даромадларидан кўпроқ бўлади. Шунга мувофиқ равишда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан кўп бўлишига бюджет тақчиллиги дейилади. Бошқа ҳоллар тенг бўлган шароитда, бюджет тақчиллиги вужудга келишининг энг умумий сабаблари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- иқтисодиётни ривожлантириш учун йирик давлат капитал қуйилмаларини амалга оширишнинг зарурлиги;
- фавқулотда ҳодисаларнинг мавжудлиги;
- иқтисодиётдаги инқироз ҳолатлари, унинг эмирилиши;
- молия-кредит алоқаларининг этарли даражада самарали эмаслиги;
- ҳукуматнинг мамлакатдаги молиявий ҳолатни этарли даражаданазорат қилолмаслиги;
- ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги нисбатан пастлиги;
- ташқи иқтисодий алоқаларнинг натижаси нисбатан камлиги;
- бюджет харажатлари таркибий тузилиши (структураси)нинг оқилона эмаслиги;
- мамлакат миқёсида мавжуд бўлмаган маблағлар ҳисобиданяшашга интилиш;
- йирик давлат инвестицияларини амалга ошириш амалиётининг мавжудлиги;
- ҳарбий харажатлар даражасининг нисбатан катталиги;
- реал ички имкониятни этарли даражада ҳисобга олмаган ҳолда бошқа мамлакатларга ёрдам берилиши;
- давлатга иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга рағбатлантирувчи сифатида фойдаланиш имконини бермайдиган ва этарли даражада самарали бўлмаган бюджет механизмининг мавжудлиги;
- бошқа сабаблар.

Бюджет тақчиллиги вужудга келганда унга нисбатан стратегик ёндашув қуйидагиларга алоҳида эътибор берилишини тақозо этади:

- бюджет тақчиллигининг мавжудлигини математик йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилмаслик керак. Чунки, бу ҳолда иқтисодиётнинг “даволаниш”и ўрнига “касаллиги” кучаяди;

- бюджетнинг баланслилиги, даромадларнинг харажатлардан кўплиги соғлом ва узлуксиз ривожланаётган иқтисодиётдан далолат бермайди.

Бюджет тақчиллиги бўлиши мумкин:

- бюджет тақчиллигининг миқдори (даражаси), одатда, мамлакатялпи ички маҳсулотининг 2—3%идан ошмаслиги лозим. Ана шучегарадан ошилса, уни тезроқ қисқартириш (ёки шу даражага келтириш) чораларини кўриш керак;

- бюджет тақчиллигини қоплаш учун, энг аввало, давлаткредитининг турли шаклларида фойдаланмоқ лозим. Шунингдек, давлатқимматбаҳо қоғозларини молиявий бозорга жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Аксинча, миллий пул бирлиги белгиларини зарб этувчи ускуна ишга солмаслик керак;

- бюджет тақчиллигининг даражасини камайтириш ёки унга барҳам бериш учун, биринчи навбатда, иқтисодиётнинг ўзини “даволамоқ” лозим. Акс ҳолда, ана шу мақсадга эришиш учун кўзда тутилган ҳар қандай тадбир, албатта, муваффақиятсизликка учрайди.

Бюджет тақчиллигининг даражасини камайтириш ёки унга барҳам бериш борасидаги амалга оширилиши лозим бўлган чоратадбирларнинг энг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- бюджет харажатларининг (маблағларининг) инвестицион йўналишини ўзгартириш, уларни энг кўп самара берадиган йўналишларга йўналтириш;

- хўжалик юритишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи молиявий имтиёз ва жазолардан кенг фойдаланиш;

- давлатдан молиялаштириш ва давлат иқтисодиёти соҳасини қисқартириш, хорижий давлатларга ёрдам кўрсатишни кескин камайтириш;

- харбий харажатларни қисқартириш;

- энг муҳим ижтимоий дастурларнигина молиялаштиришни сақлаб қолиш, йирик бюджет харажатларини талаб этувчи дастурларни қабул қилишни тўхтатиб туриш;

- Марказий банкнинг қарзлари давлат қимматбаҳо қоғозлари шаклида расмийлаштирмасдан туриб ҳукумат органларига кредит беришини тақиқлаб қўйиш;

- хорижий сармояларни жалб этиш;

- ва бошқалар.

3. Давлат қарзлари

Бюджет тақчиллиги вужудга келган пайтда уни молиялаштириш манбаларини аниқлаб олмақ зарур. Уни молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири давлатнинг қарз олишидир.

Давлатнинг қарз олиши жисмоний ва юридик шахслар, хорижийдавлатлар, халқаро молиявий ташкилотлардан жалб қилинадиган заёмва кредитларни олишдан иборат бўлиб, ҳукумат олдида қарз олувчиёки бошқа қарз олганларнинг қарзларни қайтариши бўйича кафолатчи сифатидаги мажбуриятлари вужудга келади.

Давлатнинг ички қарз олиши жисмоний ва юридик шахслар, хорижийдавлатлар, халқаро молиявий ташкилотлардан жалб қилинадиган заёмва кредитларни олишдан иборат бўлиб, улар бўйича қарз олувчиёки бошқа қарз олганларнинг қарзларни қайтариш бўйича ҳамкафолатчи сифатида ҳукуматнинг ўз миллий валютасида ифодаланган қарзий мажбуриятлари пайдо бўлади.

Давлатнинг ташқи қарз олиши жисмоний ва юридик шахслар, хорижийдавлатлар, халқаро молиявий ташкилотлардан жалб қилинадиган заёмва кредитларни олишдан иборат бўлиб, улар бўйича қарз олувчиёки бошқа қарз олганларнинг қарзларни қайтариш бўйича кафолатчи сифатида ҳукуматнинг хорижий валютада ифодаланган қарзий мажбуриятлари вужудга келади.

Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг барча манбалари жалбқилинган маблағларнинг асосий турлари бўйича навбатдаги молиявий йилга мўлжалланган бюджет тўғрисидаги қонунда қонунчилик ҳокимияти органлари томонидан, албатта тасдиқланиши керак.

Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг манбаи сифатида мамлакат Марказий банкининг кредитлари ва Марказий банк томонидан ҳукуматнинг сотиб олинган қарзий мажбуриятлари майдонга чиқиши мақсадга мувофиқ эмас.

Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг барча манбаларини икки гуруҳга бўлиш қабул қилинган:

- 1) ички манбалар;
- 2) ташқи манбалар.

Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг ички манбалари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- мамлакат ҳукумати томонидан шу мамлакатнинг миллий валютасида кредит ташкилотларидан олинган кредитлар;
- мамлакат ҳукумати номидан қимматбаҳо қоғозларни чиқариш орқали

амалга оширилаётган давлат заёмлари;

- давлат мулкига тегишли бўлган мол-мулкни сотишдан олингантушумлар;
- давлат захиралари ва резервлар бўйича даромадламинг харажатлардан ўсган қисми суммаси;
- бюджет маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларидаги маблағларқолдиғининг ўзгариши;
- ва бошқалар.

Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг ташқи манбалари қаторига қуйидагилар киради:

- мамлакат ҳукумати номидан қимматбаҳо қоғозларни чиқариш орқали хорижий валютада амалга оширилган давлат заёмлари;
- хорижий валютада тақдим этилган ва мамлакат ҳукумати томонидан жалб қилинган хорижий давлатлар, банклар ва фирмалар, халқаро молиявий ташкилотламинг кредитлари.

Юридик ва жисмоний шахслар, хорижий давлатлар, халқароташкилотлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари олдидаги (давлаткафолатлари бўйича мажбуриятларни қўшган ҳолда) мамлакат ҳукуматининг қарзий мажбуриятлари ҳукуматнинг давлат қарзини вужудга келтиради. Бу қарз давлат хазинасини ташкил этадиган давлатмулки билан тўлиқ ва ҳеч қандай шартсиз таъминланиши керак.

Бунда давлат ҳокимияти органлари мамлакат ҳукуматининг қарзиймажбуриятлари ва давлат қарзига хизмат қилиш учун мамлакат бюджетининг даромадларини шакллантириш бўйича барчаваколатлардан фойдаланадилар. Мамлакатнинг қарзий мажбуриятлари қуйидаги шаклларда бўлишимумкин:

- қарз олувчи сифатида мамлакат ҳукумати номидан кредитташкилотлари, хорижий давлатлар ва халқаро молиявий ташкилотлар билантузилган кредит битимлари ва шартномалари;
- мамлакат ҳукумати номидан қимматбаҳо қоғозларни чиқариш орқали амалга оширилган давлат заёмлари;
- мамлакат ҳукумати томонидан давлат кафолатини бериш тўғрисидаги шартномалар;
- ўтган йиллардаги мамлакатнинг қарзий мажбуриятларини реструктуризатсияқилиш ва муддатини ўзгартириш тўғрисидаги мамлакатҳукумати номидан тузилган (шу жумладан, халқаро) битимлар вашартномалар;
- ва бошқалар.

Мамлакатнинг қарзий мажбуриятлари ўзининг муддатига қарабқисқа муддатли (бир йилгача), ўрта муддатли (бир йилдан ортиқ вабеш йилгача) ва узоқ муддатли (беш йилдан юқори) бўлишимумкин. Улар заёмнинг конкрет шартларига мувофиқ равишда(заём шартларини, жумладан, тўлов муддатлари, фоиз тўловларинингмиқдори, муомала муддатларини ўзгартирмасдан) қайтарилиши керак.

Мамлакат ҳукуматининг давлат ички қарзлари куйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- ҳукуматнинг давлатни қимматбаҳо қоғозлари бўйичақарзининг асосий номинал суммаси;
- ҳукуматга тақдим этилган кредитлар бўйича асосий қарзнинг ҳажми;
- мамлакат ҳукумати томонидан берилган кафолатлар бўйичамажбуриятлар ҳажми;
- ва бошқалар.

Ўз навбатида, ҳукуматнинг давлат ташқи қарзлари:

- хорижий давлатлар ҳукуматлари, кредит ташкилотлари, фирмалар ваҳалқаро молиявий ташкилотларга мамлакат ҳукумати томонидан тақдим этилган давлат кафолатлари бўйича мажбуриятлар ҳажми;
- хорижий давлатлар ҳукуматлари, кредит ташкилотлари, фирмалар ваҳалқаро молиявий ташкилотлардан ҳукумат олган кредитлар бўйичаасосий қарз ҳажмидан иборат бўлади.

Давлат қарзи ички ва ташқи қарзлардан иборат бўлади. Давлат ички қарзи – бу давлатнинг мамлакат ичида заёмлар ва бошқа қимматли қоғозларини чиқариш, турли нобюджет фондлари (суғурта фонди, ишсизлик бўйича суғурталаш фонди, пенсия фонди)дан қарз олиш кўринишидаги қарзлари.

Бюджет тақчиллигини молиялаштириш (қоплаш)нинг муҳим кўринишларидан бири давлат кредити ҳисобланади. Давлат кредити – давлат қарз олувчи ёки кредитор сифатида майдонга тушадиган барча молиявий-иқтисодий муносабатлар йиғиндиси.

Молиявий ресурсларни давлат томонидан қарзга олишнинг асосий шакли – бу давлат қарз мажбуриятлари (заёмлари)ни чиқариш ҳисобланади. Уларни жойлаштириш жараёнида давлат аҳоли, банклар, савдо ва саноат компанияларининг вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб қилади.

Давлат ўз мажбуриятларини нафақат хусусий секторда жойлаштириши, балки уларни Марказий банкда ҳисобга олиши ҳам мумкин. Бунда банк муомалага пулнинг товар ҳажмининг кўпайиши билан боғлиқ бўлмаган кўшимча миқдорини чиқаради. Мазкур ҳолда, давлат бюджетини молиялаштириш пул муомаласига тўғридан-тўғри инфляцион таъсир

кўрсатади. Пул массасининг ўсиши жамият ҳақиқий бойлигининг кўпайиши билан бирга бормайди.

Давлат қарзларининг тўхтовсиз кўпайиб бориши, миллий даромадни фоиз тўловлари шаклида тобора кўпроқ қайта тақсимланишга олиб келади.

Катта бюджет тақчиллиги ва давлат мажбуриятлари бўйича фоиз тўловлари ўсиш шароитида давлат қарзларини тўлаш вақтини имкон даражада чўзишга ҳаракат қилади. Бунинг учун турли хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Жумладан давлат ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини ўрта ва узоқ муддатли заёмларга алмаштиради. У ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини анча юқори фоиз бўйича янги, узоқ муддатли заёмлар чиқариш ҳисобига ҳам сотиб олиши мумкин. Бундай турдаги тадбирлар қисқа даврли самара бериши ва вақтинча давлатнинг молиявий аҳволини энгиллаштириши мумкин, чунки у одатда келгусида фоиз ставкасининг ошиши ва қарзлар умумий миқдорининг ўсиши билан боғлиқ.

Хўжалик ҳаёти байналминаллашув жараёнларининг тез ўсиши, халқаро кредитнинг жадал ривожланиши натижасида давлат ўзига зарур бўлган молиявий ресурсларни жалб қилиш учун бўш пул маблағларининг миллий чегарадан ташқаридаги манбаларидан фаол фойдаланади. Бунинг натижасида ташқи қарз вужудга келади. Давлат ташқи қарзи – хорижий давлатлардан, улардаги жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан олинган қарз.

Ташқи қарзнинг меъёридан ошиб кетиши миллий иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Агар ташқи қарз бўйича тўловлар мамлакат товар ва хизматлари экспортдан тушумнинг аҳамиятли қисми, масалан, 20-25% дан ошиб кетса, бу ҳолат мамлакатнинг кредит бўйича рейтингини пасайтириб юборади. Натижада, четдан янги қарз маблағларини жалб этиш мушкуллашади. Шунга кўра, давлатлар мунтазам равишда ташқи қарзни тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириб борадилар. Булар қаторига мамлакат олтин-валюта захираси ҳисобидан қарзларни тўлаб бориш; кредиторларнинг қарз тўлов муддатларини ўзгартиришлари, айрим ҳолларда уларнинг маълум қисмидан воз кечишларига эришиш; қарзларни мамлакатдаги кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, капиталда иштирок этиш ва бошқа ҳуқуқларни сотиш ҳисобига тўлаш; халқаро банклар ва бошқа молиявий ташкилотлардан ёрдам олиш ва ҳ.к.

Демак, давлат ўз фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлашда ссуда капиталларининг ҳам миллий бозоридан, ҳам ташқи бозоридан қарз олиши мумкин.

Халқаро кредитнинг тез ўсиши, капиталнинг мамлакатлараро мигратсияси мамлакат ва минтақалар иқтисодий ўзаро боғлиқлиги чуқурлашувининг муқаррар натижаси ҳисобланади. Халқаро кредит молиявий ресурсларни ҳам хусусий секторнинг эҳтиёжларини қондириш, ҳам давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун жалб қилиш имкониятини сезиларли кенгайтиради. Шу билан бирга ташқи қарзларнинг ўсиши бир қатор бошқа муаммоларни келтириб чиқаради. Бу ўринда энг асосий муаммо миллий иқтисодиётнинг кредитор ва дебитор мамлакатлар иқтисодиётига боғлиқлигининг кучайиб бориши ҳисобланиб, бу жараёни мамлакатдаги ички молиявий дастаклар билан назорат қилиш имконияти бўлмаётган қолади.

4. Солиқ моҳияти, турлари ва солиқ ставкалари.

Солиқлар инсоният тарихида катта мунозараларга сабабчи бўлиб келмоқда, сабабли солиқлар давлатнинг молия инструментларидан ҳисобланади ва давлат билан жамият ўртасидаги муносабатларни таъминлайди.

Солиқлар муаммоси мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар амалиётидаги энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. Бугинги кунда жуда кескин танқидга учраётган, жуда қайноқ мунозараларга сабаб бўлаётган, ислох қилиш бўйича таҳлил объекти ва қарама-қарши ғояларга эга бўлаётган солиқлардан бўлак ислохотларнинг бошқа бир йўналиши йўқ. Бошқа бир томондан эса солиқ тизими бозор муносабатларининг энг муҳим элементларидан бўлиб, мамлакатдаги иқтисодий ўзгаришларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан унга боғлиқ.

Солиқлар – ўз-ўзини суғурталаш ёки давлат билан жамият ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий вазифаларни таъминлаш учун қўланиладиган тўловлардир.

Иқтисодий адабитётларда юридик ва жисмоний шахслардан олинadиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси солиқлар тизими деб тушинилади. Амалдаги Солиқ кодексининг 23-моддасига кўра Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар турлари амал қилади ҳамда улар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан жорий этилади ва бекор қилинади.


Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар турлари¹³

<i>Умумдавлат солиқлари</i>		<i>Бошқа мажбурий тўловлар</i>	
1	юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	1	ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:
2	жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;	1.1	<i>ягона ижтимоий тўлов;</i>
3	қўшилган қиймат солиғи	1.2	<i>фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасига сугурта бадаллари;</i>
4	акциз солиғи	1.3	<i>бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасига мажбурий ажратмалар.</i>
5	ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар	2	Республика йўл жамгармасига мажбурий тўловлар:
6	сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	2.1	<i>Республика йўл жамгармасига мажбурий ажратмалар;</i>
7	мол-мулк солиғи	2.2	<i>Республика йўл жамгармасига йиғимлар.</i>
8	ер солиғи	3	давлат божи
9	ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	4	божхона тўловлари
10	жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	5	айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим


Ўзбекистон Республикаси Солиқ тизими

Умумдавлат солиқлари	Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар
Умумдавлат солиқлари деб давлат бюджетига келиб тушадиган солиқларга айтилади	Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар деб маҳаллий бюджет бўғинларига келиб тушадиган солиқлар ва йиғимларга айтилади
<ol style="list-style-type: none"> 1. Қўшилган қиймат солиғи 2. Акциз солиғи 3. Божхона тўловлари 4. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 5. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи 6. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ 7. Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар 8. Давлат божи 9. Ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар 10. Республика йўл жамгармасига мажбурий тўловлар <p style="text-align: center;"><i>Солиқ солишининг соддалаштирилган тартибда тўланадиган умумдавлат солиқлари:</i></p> <ol style="list-style-type: none"> 11. Ягона солиқ тўлови 12. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Мол-мулк солиғи 2. Ер солиғи 3. Айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим 4. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ 5. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи <p style="text-align: center;"><i>Соддалаштирилган тартибдаги солиқ:</i></p> <ol style="list-style-type: none"> 6. Ягона ер солиғи;

Ўзбекистон Республикаси унитар давлат бўлганлиги туфайли унда икки бўғиндан иборат давлат бошқаруви, давлат молияси ва солиқ тизими амал қилади. У қуйидаги кўринишни ўзида ифодалайди:




Солиқларни маълум белгиларга кўра туркумлаш иқтисодий адабиётларда илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масала ҳисобланади.



Умуман олганда иқтисодиёт тармоқларидан ва аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмидан ундириладиган солиқларнинг аксарият қисми умумийлик хусусиятига эгадир. Лекин айрим солиқлар ва тўловлар ҳам мавжудки, улар мақсадли характерга эгадир. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда солиқлар, улардан фойдаланиш хусусиятига кўра ҳам икки гуруҳга бўлинади:

1. Умумий солиқлар - республика ҳамда маҳаллий бюджетларга тушади ва қайта тақсимланади;
2. Мақсадли солиқлар - тўғри бирор-бир соҳа, тармоқ ёки объектни ривожлантириш учун сарфланади ва тақсимланади.

Солиқларни бир хил белгиларига кўра гуруҳлаш солиқлар таснифи ²¹



Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Тўловчилар	Солиқ солинадиган базага нисбатан солиқ ставкалари, фоизда
1.	Юридик шахслар (2 ва 3-бандларда назарда тутилганлари бундан мустасно)	12
2.	Тижорат банклари	20
3.	Юридик шахслар: цемент (клинкер) ишлаб чиқаришни амалга оширувчилар; полиэтилен гранулалар ишлаб чиқаришни амалга оширувчилар; асосий фаолият тури мобиль алоқа хизматлари кўрсатишдан иборат бўлганлар	20

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтган солиқ тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғининг фарқланган ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

Т/р	Тўловчилар	Солиқ ставкалари солиқ солинадиган базага нисбатан фоизда
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги юридик шахслар, 2 — 6 бандларда назарда тутилганлар бундан мустасно	7
2.	Қурилиш ташкилотлари	8
3.	Чакана, улгуржи, шунингдек улгуржи-чакана савдони амалга оширадиган савдо корхоналари	6
4.	Умумий овқатланиш, меҳмонхона хўжалиги корхоналари	10
5.	Касбий хизматлар кўрсатадиган юридик шахслар (аудиторлик хизматлари, солиқ маслаҳати хизматлари, консалтинг хизматлари, брокерлик хизматлари ва бошқалар)	15
6.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, реализация қиладиган юридик шахслар ўзининг ишлаб чиқариш маҳсулотлари бундан мустасно	4

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Рағбатлантирувчи ва чекловчи бюджет сиёсатининг қисқа ва узок муддатдаги натижаларини тушунтиринг.
2. Бюджет мультипликаторининг моҳияти нимада?
3. Давлат харажатларининг мультипликатори.
4. Бюджет тақчиллиги ва ортиқчалиги қандай пайдо бўлади?
5. Давлат ички қарзлари ҳақида тушунтиринг.

Асосий адабиётлар

1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. М.: ДИС. 1997.
2. Бункина М.К., Семянов В.А. Макроэкономика. М.: 1995.
3. Гальпирин В.М., Игратов С.М., Моргунов В.И. Макроэкономика. Том-1. С. Петербур: 1994.
4. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ – 2000.
5. Костюк В.Н. Макроэкономика. М.: 1998.
6. Менкью Н.Г. Макроэкономика. М.: МГУ. 1994.

10-мавзу: Пул-кредит сиёсати

Режа:

1. Пул-кредит сиёсатининг мақсадлари ва турлари.
2. Давлат ўзининг пул-кредит сиёсатида нималарга асосланади.
3. Пул-кредит ва фискал сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги.

Таянч сўз ва иборалар: пул-кредит сиёсати, бандлик, банк кредитлари, ҳисоб ставкаси, мажбурий заҳиралар, очиқ бозордаги операциялар, пул таклифи, пул айланиш тезлиги.

1. Пул-кредит сиёсатининг мақсадлари ва турлари

Пул-кредит сиёсати деганда, тўлиқ бандлик шароитида жами маҳсулотни ишлаб чиқаришга инфляциянинг таъсирини камайтириш ёки бартараф этиш мақсадида муомаладаги пул миқдорини ўзгартириш тушинилади. Унинг ёрдамида ҳар қандай давлат мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш вазифасини ҳаётга тақдим этади.

Халқ хўжалигининг ҳар қандай тармоғи каби кредит тизими ҳам таркибий қисмларни, босқичма-босқич пастдан юқорига томон тузилишни ташкил этишга, яъни марказий бошқарув бўғини ва қуйи (иш бажарувчи) ташкилотларни ажратишга эҳтиёж сезди. Қуйи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида бошқарув ташкилоти кредит муассасаларининг фаолият кўрсатишини назоратга олиши, улар ишини таҳлил қилиши ҳамда кредит тизими тўхтовсиз ва пишиқ - пухта ишлаши учун мавжуд таъсир этиш дастаклари орқали тизим фаолиятини керакли изга солиши, халқ оборотига кредит ҳисоби самарадорлигини таъминлаши, кредит операцияларининг ҳажми асоссиз равишда кенгайиб ёки камайиб кетишига йўл қўймаслиги керак.

Кредит - қайтариб бериш шарти билан маълум муддатга қарз беришдир. Капитализмда кредитнинг ссуда капитали ҳаракат шакли бўлиб, у банк ва тижорат кредити кўринишида амалга оширилади. Қарзга маблағ берувчи томон кредитор, яъни, кредит берувчи, ссуда олувчи томон эса қарздор, яъни, кредит олувчи ҳисобланади.

Банк кредитларининг асосий қоидалари қуйидагилар ҳисобланади:

- муддатлилик;
- аниқ мақсадга йўналтирилганлик;
- фоиз;
- тўлаш;
- моддий таъминланганлик ва бошқалар.

Кредит узоқ ва қисқа муддатли бўлади. Қисқа муддатли кредит корхона ва ташкилотларнинг айланма фоизларини шакллантиришга хизмат қилади. Узоқ муддатли кредит эса моддий ишлаб чиқариш тармоқларига капитал маблағлар ажратиш манбаи ҳисобланади.

Кредит пул тизимининг асосини банклар ташкил этади. Пул-кредит сиёсатининг учта асосий воситаси ажратиб кўрсатилади. Марказий банк улар ёрдамида пул таклифини ўзгартиради ва шулар орқали пул-кредит муомаласини тартибга солиб туради:

1. Ҳисоб ставкаси;
2. Мажбурий заҳиралар нормаси;
3. Очиқ бозордаги операциялар.

Ҳисоб ставкаси деб Марказий банк томонидан банкларга бериладиган ссуданинг фоиз ставкаси тушунилади. Бу ссудаларни тижорат банклари айрим кўзда тутилмаган зарурат туғилганда ва молиявий аҳволи мустаҳкам бўлган ҳоллардагина оладилар. Ҳисоб ставкасининг пасайиши билан тижорат банкларида Марказий банкдан кўшимча заҳираларни олиш имкониятлари кенгаяди. Ўз навбатида, бу тижорат банкларининг заҳиралардан янги кредитлар бериш билан пул таклифини кўпайтиради. Яна шундай ҳоллар мавжудки, Марказий банк ҳисоб ставкасини кўтара бориб, тижорат банклари томонидан кўшимча заҳираларни олиш йўлидаги тўсиқларни бироз кўтаргандай бўлади ва кредитлар бериш бўйича уларнинг фаолиятини пасайтиради, шу йўл билан пул таклифини чеклайди.

Мажбурий заҳиралар – бу, кредит мақсадлари учун ишлатилмайдиган банк омонатларининг бир қисмидир. Улар мижозлар томонидан ўз омонатларини талаб қилиб олганда зарур бўлади. Марказий банк тижорат банкларини ушлаб туришга мажбур бўлган заҳираларнинг энг куйи нормасини ўрнатади ва шу восита ёрдамида улар кредитлаш қобилиятига, имкониятига таъсир этади. Бу меъёр қанчалик юқори бўлса, ортиқча заҳиралар шунчалик кам ва тижорат банкларининг кредит бериш йўли билан «пулларни барпо этиш» қобилияти паст бўлади.

Очиқ бозордаги операциялар – Марказий банк томонидан давлат облигацияларини (қийматли қоғозларни) тижорат банклари ва аҳолидан сотиб олиш ва уларга сотишдир. Марказий банк тижорат банкларидан ёки аҳолидан бу қийматли қоғозларни сотиб олар экан, шу билан тижорат банклари заҳираларини сотиб олинган облигациялар миқдори ҳажмида кўпайтиради. Бу заҳиралардан кредит бериб, тижорат банклари пул таклифини кенгайтиради. Облигацияларни сотиш салбий натижага олиб келади, яъни Марказий банк тижорат банклари ва аҳолига облигацияларни сотиш билан заҳираларни ҳамда

тижорат банкларининг кредит бериш қобилиятини кенгайтиради. Бу ҳолда пул таклифи қисқаради.

Ҳозирда ҳамма мамлакатларда пул миқдорини тартибга солишда очик бозорда операцияларни, яъни давлат қийматли қоғозларини таклиф қилиш усулидан кенг фойдаланилмоқда. Ушбу операцияларни Марказий банк асосан нуфузи катта банклар гуруҳи билан биргаликда амалга оширади. Бозорда Марказий банк хазина қийматли қоғозларини сотиш ёки харид қилиш йўли билан пул таклифига таъсир этиб, пул бозоридаги талаб ва таклиф мувозанатини таъминлайди.

Пул бозорида муомалада пул миқдори ортиқчалиги мавжуд деб фарз қиламиз. Табиийки, Марказий банк ортиқча пул массасини камайтириш ёки йўқ қилишга ҳаракат қилади. Бунинг учун, у очик бозорда ўзининг қийматли қоғозларини аҳоли ва банкларга таклиф этади, улар эса уни харид қила бошлайдилар. Давлат қимматбаҳо қоғозларининг (сотиш ёки харид қилиш йўли билан) таклифи ошиб борган сари, унга бўлган баҳо пасаяди, ўз навбатида, унга бўлган фоиз (яъни, қийматли қоғозларни сотиб олганларга фоиз шаклида ҳақ тўланади) ошади, бу эса унга бўлган талабни оширади. Банклар ва аҳоли қийматли қоғозларни кўпроқ харид қила бошлайди, пировард натижада банкларнинг захиралари қисқаради, ўз навбатида, бу ҳол пул таклифининг банк мультипликаторига тенг нисбатда қисқаришига, шунингдек, банк захираси ва пул таклифининг ортишига олиб келади.

Пул - кредит сиёсатини амалга оширишнинг яна бир воситаси – бу, ҳисоб-китоб ставкаси сиёсатидир. Ҳисоб-китоб ставкасини Марказий банк белгилайди. Агар ушбу ставка паст бўлса, унда тижорат банклари кўпроқ кредит олишга ҳаракат қиладилар. Натижада банкларнинг ортиқча захиралари ортиб боради ва муомаладаги пул массаси миқдорининг ошиб боришига олиб келади. Агарда ҳисоб ставкаси миқдори юқори бўлса, унда банклар камроқ кредит олишга, олганларини эса қайтариб беришга ҳаракат қиладилар, пировард натижада ортиқча банк захиралари қисқаради, муомаладаги пул миқдори камаяди.

Амалиётда, давлатлар ҳисоб ставкаси сиёсатини очик бозордаги операциялар сиёсати билан мувофиқлаштирилган ҳолда олиб боришга ҳаракат қиладилар.

Пул-кредит сиёсатининг воситаларидан яна бири – бу, мажбурий банк захира меъёрини ўзгартириш сиёсатидир. Мажбурий банк захира меъёрини Марказий банк белгилайди ва уни ўзгартириб туради. Агар Марказий банк мажбурий банк захирасини камайтирса, ортиқча банк захиралари ортади, бу эса пул таклифининг мультипликацион ортишига олиб келади. Масалан, ушбу меъёр 25 % бўлса, унда банкка қўйилган 800 сўмдан 200 сўм мажбурий банк

меъерини ташкил этади. Бунда банк фақат 600 сўмни қарзга бериши мумкин бўлади. Энди фараз қилайлик, меъёр 10 % га туширилади, унда банк 720 сўмни қарзга бериш имкониятига эга бўлади.

Мажбурий банк захираси меъерини кўтариш ёрдамида давлат пул таклифини камайтиради. Зеро, бу банкларнинг ортиқча банк захиралари қисқаришига олиб келади. Пул-кредит сиёсатини ўтказишда бу восита бутун банк тизимининг асосларига таъсир этади. Шунинг учун у кўпчилик мамлакатларда ўта зарур бўлгандагина қўлланилади.

Хўш, пул-кредит сиёсатларининг оқибатлари қандай? Давлат томонидан амалга ошириладиган пул-кредит сиёсати ЯИМ, бандлик ва баҳолар даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Фараз қиламизки, иқтисодиётда ишлаб чиқариш қисқармоқда ва ишсизлар сони ортиб бормоқда. Бундай шароитда давлат Марказий банк орқали пул таклифини биз юқорида кўриб чиққан воситалар ёрдамида оширишга ҳаракат қилади. Натижада пул таклифи ўсади, фоиз ставкаси эса камаяди. Бу эса инвестицияларга бўлган талабни оширади ва ўз навбатида, ЯИМ миқдорининг кўпайишига олиб келади. Бу билан давлат маълум даврда ўз мақсадига эришади, ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши тўхтади, ишсизлар сони камаяди, жамиятнинг даромадлари эса ошади.

Пул-кредит сиёсатининг оқибати тўғрисида гапирганда, бу сиёсатнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли оқибатларини фарқлаш керак. Агарда қисқа муддатли даврда давлат пул таклифини оширган ва бунинг натижасида ЯИМ миқдори ўсишини рағбатлантирган ҳамда бу билан маълум даражада самарадорликка эришган бўлса, узоқ муддатли даврда эса бу чораларнинг самарадорлиги пасаяди.

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, пул-кредит сиёсати асосида яхлит иқтисодиётга пул-кредит сиёсатининг таъсир жараёнларини ўрганувчи пул назарияси ётади. Ушбу назарияга икки хил ёндашувчи иқтисодчилар ўртасида кўп йиллардан бери тортишувлар бўлиб келмоқда. Буларга такомиллаштирилган кейнсчилар назарияси ва замоновий пул миқдори назариясини киритамиз. Ушбу икки назария тарафдорлари ҳам пул таклифининг номинал ЯИМ га таъсирини инкор этмайдилар, аммо бу таъсирнинг аҳамиятига ҳар хил баҳо берадилар. Кейнсчилар фикрича, монетар сиёсат асосига фоиз ставкаси даражаси асос, монетаристлар фикрича эса, пул таклифининг даражаси асос қилиб олиниши зарур. Кейнсчилар бозор иқтисодиётини тартибга солишда давлат аралашуви шарт деб ҳисоблашади, монетаристлар эса уни ортиқча деб ҳисоблайдилар.

Кейнсчилар пул таклифининг ЯИМга таъсирини қуйидаги кетма-кетликда амалга ошади деб ҳисоблашади: пул таклифининг ўзгариши фоиз ставкасининг ўзгариши, у эса ўз навбатида, инвестицияларга бўлган талабнинг

ўзгариши орқали ЯИМга таъсир этади. Монетаристлар эса бу борада шундай дейдилар; пул миқдорининг ўзгариши билан ЯИМ ўзгариши ўртасида яқинроқ алоқа мавжуд; яъни, пул миқдорининг ўзгариши бевосита ЯИМ ўзгаришига олиб келади.

Кейнсчиларнинг асосий тенгламаси куйидагича:

$$\mathbf{ЯИМ = C + I + Y + X_n};$$

бу ерда: C - аҳоли истеъмол харажатлари;

I - инвестициялар;

Y - давлатнинг товар ва хизматларни сотиб олиш харажатлари;

X_n - соф экспорт.

Монетаристлар эса куйидаги тенгламага асосланадилар:

$$\mathbf{M \times V = P \times Y}$$

Агар $P \times Y =$ номинал ЯИМ бўлса, унда тенгламани куйидагича ёзиш мумкин бўлади:

$$\mathbf{M = ЯИМ / V};$$

бу ерда: M - пул таклифи;

V - пулнинг айланиш тезлиги ёки айланишлар сони;

P - товар ва хизматларнинг ўртача баҳоси;

Y – реал ЯИМ.

Бунда монетаристлар пулнинг айланиш тезлигини барқарор деб ҳисоблайдилар, кейнсчилар эса, аксинча, нобарқарор дейдилар.

Ҳозирда мавжуд бўлган монетаристик сиёсатнинг моделлари бу икки ёндашувнинг синтез қилинган, яъни, бу ёндашувларнинг ижобий жиҳатларини қўшиб, ўзида акс эттирган монетаристик сиёсатнинг вариантыдир. Узок муддатли даврда монетаристик ёндашув кўпроқ ишлатилади. Шу билан бирга қисқа муддатли даврларда эса давлат фоиз ставкасига таъсир этишдан воз кечмайди.

Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатининг куйидаги йўналишлари мавжуд:

- давлат томонидан пул массасини олдиндан билиш, уни доимий назорат қилиш;

- Марказий банк томонидан тижорат банкларининг операцияларини пул билан таъминлаш, бунда Марказий банкнинг тижорат банкларига фоиз ҳисобида кредит бериши назарда тутилади, бу эса ўз навбатида Марказий банк томонидан, умуман, пул муомаласи соҳасини назорат қилишга имкон беради;

- кредит ва бюджет тизимлари ўртасида ўзаро муносабатлар воситасини такомиллаштириш, кредит бериш, бюджет камомади пул чиқариш ҳисобига эмас, балки давлатнинг қийматли қоғозларини сотиш ҳисобига қопланиши зарур.

2. Давлат ўзининг пул-кредит сиёсатида нималарга асосланади

Давлатнинг пулга бўлган талаб ва таклифи ўзгариши борасидаги сиёсатини монетар сиёсат деб юритилади. Бу сиёсат монетаризм назариясига асосланади. Унинг бош ғояси иқтисодий ўсишни бозор механизми таъминлайди, бу механизмнинг асосий воситаси пул, деган хулосадан иборат. Пулга бўлган талаб ва таклиф қуйидаги боғланиш ёрдамида ўзгартириб турилиши тавсия этилади.

$$M \times V = P \times Y$$

Бу тенглик бозор иқтисодиётидаги энг муҳим мувозанат бўлиб, унга асосланиб, қуйидаги боғланишларни аниқлаш мумкин:

Бозордаги баҳо пул массаси билан бозорга чиқарилган товар ва хизматлар қийматига боғлиқ.

$$P^* = M \times V / P \times Y;$$

Яъни, пул массаси бозорга чиқарилган товар ва хизматларнинг бозордаги баҳосини белгилайди. Агар;

1. $P^* > 1$ бўлса, пул талабга нисбатан кўп бўлади;
2. $P^* < 1$ бўлса, пул талабга нисбатан кам бўлади;
3. $P^* = 1$ бўлса, пул массаси билан товар ва хизматлар массаси тенглашади, яъни, бозор мувозанатлашади.

Биринчи ҳолда нарх ошган бўлади ва пул қадри пасаяди, иккинчи ҳолда эса аксинча, пул массаси камайган бўлади ва тўлов инқирози юзага келади.

Муомалада бўлиши зарур бўлган пул массаси товар ва хизматлар массаси билан пул ҳаракати - пул айланиш тизимида боғлиқ;

$$M = P \times Y / V;$$

Муомала учун зарур бўлган пул массасини давлат ўзи белгилаган курс бўйича олтинга мувофиқлаштирган ҳолда муомалага чиқаради ва давлат доирасида ҳаракат қилади. Муомалада товарлар билан таъминланмаган пулнинг пайдо бўлиши инфляцияни билдиради. Пул қадрсизланганда муомаладаги пул кўпайиб, унга нисбатан товар ва хизматлар камайиб кетади. Пул бирлигининг харид кучи унга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдоридан камаяди, натижада уларнинг баҳоси ўсади. Бу эса ўз навбатида пулнинг валюта курсини пасайтиради, чунки, унга нисбатан бошқа валютага кўпроқ товар сотиб олиш мумкин бўлади.

Давлат ўз харажатларини қоплаш учун пул эмиссиясини жорий қилиб, уни кўпайтириб, муомалага ташлаши мумкин. Лекин уни товар ва хизматлар массаси билан таъминлай олмайди. Бунинг натижасида пул инфляцияси кучайиб боради. Демак, қоғоз пуллар олтинга, чет эл валютасига нисбатан қадрсизланади. Бинобарин, пул миқдори асосан ишлаб чиқариш ҳолатига, нархга, пул айланиши тизимида боғлиқ бўлиб, унга нисбатан давлат жиддий

ёндашади. Иқтисодиётни тартиблаш учун давлат муомаладаги пул миқдорини ўзгартириб, уни нормал ҳолга келтириб туради. Бу ишни Марказий банк амалга оширади. Монетаристлар иқтисодиётга амалий жиҳатдан ёндашиб, пул массасини 3 - 5 фоиз оширишни тавсия этишади.

Агар, молия барча хўжалик субъектларини ўзига тегишли пул маблағлари хусусидаги алоқаларни англатса, кредит, ўзга мулки бўлган пулни қарзга олиб, ишлатиш борасидаги муносабатларни билдиради ва бозор муносабатларининг бир унсири ҳисобланади.

Кредит деганда ўз эгалари қўлида вақтинча бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум (худуд) муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатларни тушуниш керак. Кредит муносабатлари икки субъект ўртасида юзага келади; бири пул эгаси, яъни, қарз берувчи, иккинчиси пулга муҳтож, яъни, қарз олувчи.

Қарз берувчи қарздорга айланиши ва бунинг акси ҳам рўй бериши, айти бир субъект бир вақтнинг ўзида ҳам қарз берувчи, ҳам қарз олувчи бўлиши мумкин. Масалан, банк аслида пул эгаси билан қарз олувчи ўртасида воситачи, айти вақтда унинг ўзи бўш пулни қарзга олади ва сўнгра уни бошқаларга қарзга беради.

Кредит субъектлари ҳар хил бўлади. Буларга корхона, фирма, ташкилот, муассаса, давлат ва турли тоифадаги аҳолини киратиш мумкин. Кредит объекти – ҳар қандай пул эмас, балки вақтинча бўш турган, эгаси томонидан ишлатилмай ва қарзга берилиши мумкин бўлган пулдир. Бўш пул уч хил бўлади:

- 1) Тадбиркорлар ёки катта пулдорлар қўлидаги пул, яъни, пул капитали;
- 2) Аҳоли қўлидаги пул – эртами, кечми эҳтиёжни қондириш учун тўпланган пул, эгаси қўлида капитал эмас, балки истеъмолни қондириш воситаси;
- 3) Давлат ихтиёридаги пул. Бу ҳам пул капитали, (давлат корхонаси учун) ҳам умумий истеъмол пулидир.

Хуллас, жамиятдаги пул ресурслари ҳаракатининг нотекис бўлиши, бир қисм пулнинг бўш қолиб, қарз фондига айланиши учун имкон бўлади. Албатта, бу ҳодиса бўш пулнинг таклифини билдиради. Аммо, кредит пайдо бўлиши учун пулга талаб ҳам бўлиши зарур. Бу талабни иқтисодиётнинг ўзи юзага чиқаради.

3. Пул-кредит ва фискал сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги

Пул-кредит сиёсатининг ишлаб чиқариш ҳажмига таъсири пул таклифи ўзгаришининг фоиз ставкаси даражасига, фоиз ставкаси ўзгаришининг эса инвестиция харажатлари ҳажмига (бу билан ялпи харажатлар ҳажмига ҳам) ва

ялпи харажатлар ўзгаришининг ишлаб чиқариш яъни ялпи таклиф ҳажмига таъсири кўринишида босқичма-босқич рўй беради. Фоиз ставкасининг пул таклифи ўзгаришига таъсирчанлиги, ёки инвестиция харажатларининг фоиз ставкаси ўзгаришига таъсирчанлиги паст бўлиши пул-кредит сиёсатини амалга оширишда муаммоларни келтириб чиқаради.

Пул-кредит сиёсати фискал ва ташқи сиёсатлар билан ўзаро боғлиқ. Агарда Марказий банк қайд қилинган валюта курсларини ўрнатса, мустақил (ички) пул сиёсатини олиб бориш мумкин бўлмай қолади. Валюта захираларини сақлаб туриш учун олиб бориладиган бундай сиёсат иқтисодиётда пул ҳажмига бевосита таъсир кўрсатади. Пул-кредит ва фискал сиёсатлардаги қийинчиликлар уларнинг ўзаро келишиши билан боғлиқ. Агарда ҳукумат иқтисодиётни давлат харажатларини ошириш орқали кўллаб-қувватлашни амалга оширмоқчи бўлса, унинг муваффақиятли амалга ошиши кўпроқ пул-кредит сиёсатига боғлиқ. Чунки, бу мўлжалланаётган харажатлар қийматли қоғозлар (яъни, облигациялар)ни чиқариш эвазига амалга ошса, пулга бўлган талаб ошади ва натижада эса фоиз ставкалари кўтарилади. Бу эса инвестиция харажатларининг камайишига олиб келади. Ёки Марказий банк ҳукуматнинг юқоридаги сиёсатини кўллаб-қувватлаш учун пул таклифини маълум миқдорда кўпайтирса, пул қадрсизланиши мумкин.

Умуман, барқарор пул-кредит сиёсати ҳукумат томонидан олиб бориладиган фискал сиёсатга ҳамма вақт ҳам мос келавермайди.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Давлат томонидан олиб бориладиган пул-кредит сиёсатларининг асосий мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Пул-кредит сиёсатининг асосий инструментлари ва улардан фойдаланиш механизмини тушунтиринг.
3. Пул-кредит сиёсатининг асосий воситалари.
4. Реал ишлаб чиқариш ҳажми ва турли иқтисодий даврларда нархларнинг динамикасига пул-кредит сиёсатининг таъсири.

Асосий адабиётлар

1. Жеффри Д., Сакс Д. и др. Макроэкономика. Глобальнўй подход. М.: 1996.
2. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ – 2000.
3. Линвут Т. Гайгер А. Макроэкономика теория и переходная экономика. М.: 1996.
4. Менкью Н.Г. Макроэкономика. М.: МГУ. 1994.
5. Ҳақимова М.А. Макроиқтисодиёт (ўқув кўлланма). Тошкент. «Меҳнат», 1997.

11-мавзу. IS - LM моделининг шаклланиши ва тадбиқи

Режа:

1. IS-LM моделининг умумий тушунчаси ва AD-AS модели билан боғлиқлиги.
2. IS эгри чизигининг алгебрик таҳлили.
3. LM эгри чизигининг алгебрик таҳлили.
4. Товар ва пул бозорларининг биргаликдаги мувозанати

Таянч сўз ва иборалар: *IS-LM модели, макроиқтисодий мувозанат, IS эгри чизиги, LM эгри чизиги, мувозанатли фоииз ставкаси, мувозанатли даромад, IS тенгламаси, LM тенгламаси*

1. IS-LM моделининг умумий тушунчаси ва AD –AS модели билан боғлиқлиги.

Товар ва пул бозорида умумий мувозанатга эришиш шартлари ва макроиқтисодий сиёсат тадбирларининг бу икки бозорга таъсирини умумлаштириб тадқиқ қилиш IS-LM модели ёрдамида бажарилади. IS-LM модели биринчи марта 1937 йилда Ж.Хикс томонидан кейнснинг макроиқтисодий концепциясини изоҳлаш учун таклиф этилди ҳамда 1949 йилда А. Хансеннинг “Монетар назария ва бюджет сиёсат” номли китоби нашр қилинганидан сўнг кенг ёйилди. Шу сабабли бу модел Хикс модели ёки Хикс-Хансен модели деб ҳам юритилади.

IS-LM модели қисқа муддатли даврга ҳам товарлар ҳам пул бозорида биргаликда мувозанат ўрнатилиши механизмини характерлайди. Бунда товарлар бозори деганда ҳам истеъмол, ҳам инвестицион товарлар бозори тушунилади.

Макроқўламда миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши билан бирга нархлар умумий даражасининг ўзгариши ўртасида боғлиқликни тадқиқ қилиш, нима учун миллий ишлаб чиқариш ҳажми айрим даврларда барқарор ўсиши, баъзи даврларда эса пасайиб кетишни изоҳлаб бериш учун ялпи талаб - ялпи таклиф (AD-AS aggregate demand – aggregate supply) моделидан фойдаланамиз.

Бу моделда ялпи талаб ва таклиф, нархларнинг умумий даражаси каби агрегат кўрсаткичларидан фойдаланилади.

Макроиқтисодиётда AD-AS модели ишлаб чиқариш ҳажмлари ва нархлар даражаларининг тебранишларини ҳамда улар ўзгаришининг оқибатларини ўрганиш учун асосий модел бўлиб ҳисобланади ва бошқа бир қанча моделлар AD-AS моделининг хусусий ҳоли ҳисобланади. AD-AS

моделли ёрдамида давлат иқтисодий сиёсатининг турли вариантлари тасвирлаб берилиши мумкин.

Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат модели ялпи талаб- ялпи таклиф моделини қисқа муддатли макроиқтисодий сиёсат мақсадларида аниқлаштирган бўлиб, унинг хусусий ҳоли ҳисобланади. Ялпи талаб ва ялпи таклиф моделидан фарқли ўлароқ бу моделда нархлар даражаси ва иш ҳақи ўзгармас миқдорлар ҳисобланади. Айти шу сабабга кўра товар моддий захираларининг ўсиши қисқа муддатда макроиқтисодий мувозанатга эришишни белгиловчи омил бўлади.


Ишлаб чиқаришнинг камайиши натижасида мумкин бўлган йўқотишларнинг олдини олиш учун жами талабни тартибга солиб турадиган фаол давлат сиёсати зарур. Шунинг учун ҳам Кейнснинг иқтисодий назариясини кўп ҳолларда жами талаб назарияси деб юритилади. Жами талаб компонентлари, айтқанда инвестицияларнинг ўзгариши макроиқтисодий беқарорлик сабабларидан биридир.

Нархларнинг мувозанатли даражаси деганда шундай нарх даражаси тушуниладики, унда ялпи талаб ва таклиф ҳажми бир-бирига мос келиши ёки тенг бўлиши керак. Аввало ялпи талаб эгри чизиғи ва ялпи таклиф эгри чизигининг оралиқ кесмада мос келишини кўриб чиқамиз. Нархларнинг мувозанатли даражаси ва миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанатли даражалари мос равишда R_e ва Y_e лар билан белгиланган. Нима учун R_e нархларнинг мувозанатли даражаси ва Y_e миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли даражасини билдиришини кўрсатишимиз учун нархларнинг мувозанатли даражаси R_e эмас, балки R_1 деб ҳисоблаймиз. Нархлар даражаси R_1 бўлган вазиятда корхоналар миллий ишлаб чиқариш ҳажмини Y_1 миқдоридан оширмайди.

Истеъмолчилар нархлар даражаси R_1 бўлганда маҳсулотларни Y_2 даражада сотиб олишга тайёр туради. $AD > AS$ бўлганлиги туфайли истеъмолчилар ўртасидаги рақобат нархлар даражасини R_e гача суради. Нархлар даражасининг R_1 дан R_e гача кўтарилиши ишлаб чиқариш ҳажмини Y_1 дан Y_e гача оширишга ва истеъмолчиларнинг талабини Y_2 дан Y_e гача камайтиришга олиб келали. Ва бу AD , AS тўғри чизиқлари е нуктада кесишади. Демак, айнан R_e нарх нархларнинг мувозанатли даражаси ва e мувозанат нуктасидир.

44-чизмада ялпи талаб эгри чизиғи ялпи таклиф эгри чизиғини Кейнс кесмасида кесиб ўтади. Бундай вазиятда нархлар даражаси ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Буни тушуниш учун аввало миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажмини Y_e ва мувозанатли нархлар даражасини R_e билан белгилаймиз.

Мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажми айнан Y_e эканлигини исботлаш учун бу ҳажмни Y_1 деб ҳисоблаймиз. У ҳолда $AD < AS$, оқибатида сотилмай қолган товарлар ва хизматлар ҳажмининг ортиши ишлаб чиқаришни Y_e даражага пасайтирилишига олиб келади. Мувозанатли ишлаб чиқариш ҳажмини Y_2 деб ҳисобласак, аксинча, $AS < AD$ оқибатда корхоналарда товар захиралари камайиб уларни ишлаб чиқаришни Y_e даражага оширишга ундайди. Шундай қилиб айнан жами таклиф ва жами талабнинг кесишиш нуқтасигина $AD-AS$ моделда мувозанат нуқтаси ва шу нуқтага мос келувчи ишлаб чиқариш ҳажми эса миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми дейилади.




44-чизма. Ялпи таклиф эгри чизигининг оралик кесмадаги мувозанат

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, ялпи таклиф эгри чизигининг кейнс кесмасида ялпи талабнинг ўзгариши ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ёки камайишига олиб келади, нархлар даражаси эса ўзгармайди.

Ялпи талаб эгри чизигини AS эгри чизигининг вертикал кесмасида ўзгарса бу ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир кўрсатмайди ва фақат нархлар даражаси ўзгаради, холос. Яъни, бу кесмада талабнинг ошиши талаб инфляциясини келтириб чиқаради. Ялпи таклифнинг бу кесмасида талабнинг ҳар қандай ўзгариши фақат нархлар даражаси ўзгаришга олиб келади. Ишлаб чиқариш ҳажми эса тўлиқ бандлик шароитида ўзгармай қолади.


Оралик ва вертикал кесмаларда нархлар ўсиб бориши билан кузатилган ялпи талабнинг кўпайиши талаб инфляцияси мавжудлигини кўрсатади.

Ялпи таклифнинг ўзгариши мувозанат нархлар даражасига ва миллий ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанат даражасига қандай таъсир кўрсатишини кўриб чиқамиз.



45-чизма. Ялпи таклиф эгри чизигнинг кейнс кесмасидаги мувозанати

Ялпи таклиф ўзгаришининг нархларнинг ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли даражасига таъсирини 6-чизма мисолида кўриб чиқамиз. Нархдан бошқа омиллар таъсирида ялпи таклифнинг AS_1 дан AS_2 га силжиши натижасида ишлаб чиқариш хажми Y_1 дан Y_2 гача камаяди, нархлар даражаси эса R_1 дан R_2 гача кўтарилади, яъни стагфляция рўй беради.



46-чизма. Ялпи таклиф ўзгаришининг таъсири

Бошқа бир вазиятда, масалан, нархларга боғлиқ бўлмаган омиллардан бирортаси ўзгариб, ялпи таклифнинг ўзгаришига олиб келсин. Яъни, эрнинг нархи пасайса, корхоналардан олинадиган солиқлар камайса ва булар натижасида маҳсулот бирлигига кетган сарф-харажатлар қисқарса, унда жами таклиф эгри чизиги AS_1 дан AS_3 ҳолатга силжийди. Бунда нархлар мувозанат даражаси R_1 дан R_3 га қадар пасаяди ва ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ҳажми Y_1 дан Y_3 қадар ошади, яъни, иқтисодий ўсиш ҳолати рўй беради.

2. IS эгри чизиғининг алгебрик таҳлили

Иқтисодиётдаги мувозанат ёки товар пул мувозанатига эришишда инвестиция ва жамғармаларнинг ЯИМ билан боғлиқлиги тушунтирилади. Бу боғлиқлик шуни кўрсатадики, банклар фоиз ставкаларини пасайтириб бориши билан ЯИМ ҳажми ҳам кўпайиб боради. Яъни, миллий иқтисодиёт молиявий “кислородни” кўпроқ олиш натижасида ЯИМ ишлаб чиқариш ҳам кўпайиб боради. IS-егри чизиғи товарлар хизматлар бозорида фоиз ставкаси R ва даромадлар даражаси Y нинг комбинацияларини характерловчи, бир вақтнинг ўзида асосий макроиқтисодий айният, истеъмол, инвестиция ва соф экспорт функциялари қондириладиган нуқталарнинг геометрик жойлашувини характерлайди. Бу эгри чизиқнинг ҳар бир нуқтасида инвестициялар ва жамғармалар ўзаро тенг бўлади.

Ҳақиқий инвестициялар режалаштирилган ва режалаштирилмаган инвестициялар миқдорини ўз ичига олади. Режалаштирилмаган инвестицияларга товар – моддий захираларига (ТМЗ) инвестициялардаги кутилмаган ўзгаришлар киради. Ушбу режалаштирилмаган инвестициялар тенглаштирувчи механизм сифатида жамғарма ва инвестициялар миқдорининг ўзаро бир-бирига мос келишига олиб келади ва макроиқтисодий мувозанатни таъминлайди.

Режалаштирилган харажатларга уй хўжаликлари, фирмалар, давлат ва ташқи дунёнинг маҳсулот ва хизматларни сотиб олишга мўлжаллаган харажатлари киради. Фирмалар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдаги кутилмаган ўзгаришлар товар моддий захирасига режалаштирилмаган инвестициялар қилишга олиб келса, ҳақиқий харажатлар режалаштирилган харажатлардан фарқ қилади.

Режалаштирилган харажатлар функцияси: $E = C + I + G + X_n$ кўринишига эга. Демак унинг графиги истеъмол функцияси ($S = a + b \times (U - T)$) графигига нисбатан $I + G + X_n$ миқдорда юқорига сурилган бўлади. Келтирилган X_n -соф экспорт бўлиб, унинг функцияси эса қуйидаги кўринишга эга:

$$X_n = g - m'Y$$

бу эрда: g – автоном соф экспорт; m' - импортга чегараланган мойиллик; Y – даромад.

Импортга чегараланган мойиллик импорт харажатларидаги ўзгариш миқдорини бунга сабаб бўлгандаромадлардаги ўзгариш миқдорига бўлиб топилади.


$$m' = \Delta M / \Delta Y$$

бу эрда: ΔM - импортга харажатларнинг ўзгариши; ΔY - даромадларнинг ўзгариши.

Ялпи даромадларнинг ошиши билан импорт ҳам ошади. Чунки, бунда истеъмолчилар ва инвесторлар ҳам миллий ҳам импорт маҳсулотларга бўлган харажатлари миқдорини оширадилар. Айти пайтда мамлакатнинг экспорти ҳажми шу мамлакатдаги ялпи даромадлар (Y) миқдорига бевосита боғлиқ бўлмайди, балки товар олиб чиқиб кетаётган мамлакатнинг ялпи даромадлари ўзгаришига боғлиқ бўлади. Шунинг учун ҳам мамлакатдаги ялпи даромадлар (Y) ўзгариши билан соф экспорт (X_n) ўртасидаги боғлиқлик салбийдир ва соф экспорт функциясида минус ишораси билан белгиланади.

Кейнснинг макроиктисодий мувозанат моделини кўриб чиқиш жараёнини соддалаштириш учун соф экспорт миқдори ялпи даромадлар (Y) ўзгаришига боғлиқ эмас деб олинади. Шунинг учун соф экспорт тўлиғича автоном харажатлар миқдорига қўшилади, яъни автоном харажатлар ($a+I+G+X_n$) йиғиндига тенг деб олинади. Режалаштирилган харажатлар чизиғи ҳақиқий ва режалаштирилган харажатлар бир-бирига тенг бўлган ($Y=E$) чизиқни қайсидир а нуктада кесиб ўтади. Қуйида келтирилган 47-чизмада товарлар ва хизматлар бозорида қисқа муддатли мувозанатга эришиш механизми тасвирланган бўлиб, у “Кейнс хочи” номини олган. $Y=E$ чизиқда ҳақиқий инвестициялар ва жамғармалар тенглиги сақланади. а нуктада эса даромадлар режалаштирилган харажатларга тенг бўлади. Шунингдек, бу эрда режалаштирилган ҳамда ҳақиқий инвестицияларнинг ўзаро тенглигига эришилади. Яъни, макроиктисодий мувозанат таъминланади.

Агарда, ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми (Y_1) унинг мувозанат даражаси (Y_0)дан кўп бўлса, истеъмолчилар маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар таклиф қилганга нисбатан кам сотиб олади ($AD < AS$). Сотилмаган маҳсулотлар ТМЗ кўринишига эга бўлади. Заҳираларнинг ўсиши фирмаларда ишлаб чиқариш ҳамда бандлик даражаларини пасайтиришига олиб келади. Бу эса ЯИМ ҳажмини Y_1 дан Y_0 гача камайишига олиб келади ва даромад ва режалаштирилган харажатлар тенглашади. Ўз навбатида ялпи талаб ва таклифнинг тенглашишига ($AD = AS$) эришилади. Аксинча, ҳақиқий ишлаб чиқариш (Y_2) унинг мувозанат даражасидан (Y_0) кам бўлган вазиятда эса, фирмалар истеъмолчилар талабига нисбатан кам ишлаб чиқараётганлигини ($AD > AS$) кўради. Талабнинг ошиши эса фирмалар заҳирасининг камайиши ҳисобига қондирилади. Натижада, ЯИМ аста секин Y_2 дан Y_0 га қараб ўсади ва яна $AD=AS$ тенглигига эришилади. Бу эса айти пайтда $E=Y$ ва $I=S$ айниятларга эришилганлигини аниқлатади.



47-чизма. Кейнс хоци (Кейнснинг макроиқтисодий мувозанат модели)

Миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанат ҳолати (Y_0), ялпи харажатлар компонентларининг ҳар бирининг (истеъмол, инвестиция, давлат харажатлари ёки соф экспорт) ўзгариши натижасида тебраниши мумкин. Ушбу таркибдаги бирорта омилнинг миқдорининг ўсиши режалаштирилган харажатлар эгри чизигини юқорига суради ва аксинча камайиши пастга сурилишга олиб келади.

Автоном харажатларнинг ҳар қандай ўсиши, яъни $\Delta A = \Delta(a+I+G+X_n)$ мултипликатор самараси ҳисобига ялпи даромадларнинг кўпроқ миқдорга (ΔY) ошишига олиб келади.

Автоном харажатлар мултипликатори мувозанатли ЯИМ ўзгаришнинг автоном харажатларнинг ҳар қандай компоненти ўзгаришига нисбатини кўрсатади: $\mu = \Delta Y / \Delta A$:

бу эрда: μ - автоном харажатлар мултипликатори;

ΔY – мувозанатли ЯИМнинг ўзгариши;

ΔA – автоном харажатларнинг Y ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ўзгариши.

Мултипликатор - ялпи даромадлар автоном харажатларнинг дастлабки ўсиши (камайиши)дан неча марта ортиқ ўсганлигини (камайганлиги) кўрсатади.

Автоном истеъмол ΔS_A миқдорга ўсса, бу ялпи харажатлар ва даромадлар (U) нинг ўша миқдорда ўсишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида истеъмолнинг иккинчи марта (даромадлар ошиши ҳисобига) MRS х ΔS_A миқдорда ўсишига олиб келади. Кейинчалик ялпи харажатлар ва

даромадлар $MRS \times \Delta S_A$ миқдорда яна ўсади. Шундай қилиб, «даромад-харажат» кўринишидаги доиравий айланиш бўйича жараён давом этаверади.

$\Delta SA \uparrow \rightarrow AD \uparrow \rightarrow Y \uparrow \rightarrow C \uparrow \rightarrow AD \uparrow \rightarrow Y \uparrow \rightarrow C \uparrow \rightarrow AD \uparrow \rightarrow Y \uparrow$ ва ҳоказо.

Ушбу оддий вазиятдан кўришиб турибдики, ялпи даромадлар (Y), автоном истеъмолнинг дастлабки ўзгариши $\Delta SA \uparrow$ га нисбатан бир неча марта кўп ўзгаради. Бу шуни билдирадики, S, I, G ёки X_n миқдорлардаги оддий ўзгаришлар ҳам ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик даражаларида катта ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Шундай қилиб, мултипликатор иқтисодий беқарорлик омили ҳисобланади. Шунинг учун ҳам давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатидаги асосий вазифалардан бири бўлиб, ўрнатилган барқарорлаштиргичлар тизимини яратиш ҳисобланади. Бу тизим истеъмолга чегараланган мойилликни камайтириш орқали мултипликатор самарасини пасайтиради.

Мултипликатор самараси моҳиятини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Айтайлик, дастлаб иқтисодийга инвестициялар миқдори 5 млрд. сўмга кўпайсин. Бу, ўз навбатида иш ҳақи, рента, фойда кўринишида уй хўжаликлари даромадига айланади. Агар истеъмолга чегараланган мойилликни 0,75 га ёки 75 %га тенг деб олсак. Уй хўжаликлари бу даромаднинг 75 фоизини, яъни 3,75 млрд. сўмни истеъмол харажатларига сарфлайди, қолган 1,25 млрд. сўмни жамғаради. Сарфланган 3,75 млрд. сўм бошқалар учун даромад ҳисобланади. Ўз навбатида улар ҳам 3,75 млрд. сўмнинг 75 фоизини истеъмол учун сарфлайдилар ва 25 фоизини жамғарадилар. Бу жараён охириги сўм жамғарилмагунча давом этади.

Бунда: $\mu = \Delta Y / \Delta A = 20 / 5 = 4$ ва $\mu = 1 / (1 - 0,75) = 4$ ва бундан :

$$\mu = \frac{\Delta Y}{\Delta A} = \frac{1}{1 - MPC}$$

Демак истеъмолга чегараланган мойиллик қанча катта бўлса, мултипликатор самараси ҳам шунча юқори бўлади.

Мултипликаторнинг математик моҳияти чексиз камайиб боровчи геометрик прогрессияни англатади, яъни $\mu = 1 + b + b^2 + b^3 + b^4 + \dots + b^n$, бу эрда $b = MPC$. Тенгликнинг икки томонини b га кўпайтирамиз:

$$\mu b = b + b^2 + b^3 + b^4 + \dots + b^{n+1}$$

Энди биринчи тенгламадан иккинчисини айирамиз:

$$\mu - \mu b = 1 - b^{n+1}, \quad \mu (1 - b) = 1 - b^{n+1}$$


Ҳисоб китоб натижаларини қуйидагича тасвирлаймиз:

$$\mu = (b^{n+1}) / (1-b)$$

b каср сон ва b^{n+1} нолга жуда яқин бўлгани учун $\mu = 1 / (1-b)$ тенглик тўғри бўлади.

Автоном харажатлар мультипликатори миқдорининг катта ёки кичиклиги бюджет солиқ сиёсати самарадорлигига таъсир кўрсатади. Давлат ўз харажатларини ошираётганда, ёки инвестиция харажатларини ошириш чораларини кўраётганда, бу харажатлар жами талабни қанча миқдорга ошириб юбориши мумкинлигини ҳисобга олиши зарур.

Агарда ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми (U_0) потенциал (U^*) ҳажмидан кам бўлса, жами талаб самарасиз ҳисобланади. Яъни, $AD=AS$ тенгликка эришилган бўлсада, ялпи харажатлар миқдори ресурсларининг тўлиқ бандлиги даражасини таъминламайди. Ялпи талабнинг этишмаслиги иқтисодиётга депрессив таъсир кўрсатади.




48-чизма. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ва потенциал ҳажми ўртасидаги рецессион узилиш.

ЯИМни тўлиқ бандлиқнинг ноинфляцион даражасига қадар ўстириш учун жами талаб (жами харажатлар) кўпайтирилиши зарур бўлган миқдор рецессион узилиш дейилади.

Ишлаб чиқаришда тўлиқ бандликка эришиш ва рецессион узилишни йўқотиш учун жами талабни рағбатлантириш ва мувозанатли ялпи даромаднинг ўсишини таъминлаш лозим. Ялпи даромаднинг ўсиши ΔU қуйидагига тенг бўлади:

$$\Delta U = \text{Рецессион узилиш миқдори} \times \text{Автоном харажатлар мультипликатори миқдори}$$

ЯИМни тўлиқ бандлиқнинг ноинфляцион даражасигача пасайтириш учун ялпи талаб (ялпи харажатлар) камайиши зарур бўлган миқдор инфляцион узилиш дейилади.




49-чизма. Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ва потенциал ҳажми ўртасидаги инфляцион узилиш.

Агарда, ишлаб чиқариш ҳақиқий ҳажми (Y_0) потенциал (Y^*) ҳажмидан кўп бўлса, ялпи харажатлар ортиқча ҳисобланади. Ялпи талабнинг ортиқчалиги иқтисодиётда инфляция жараёнига олиб келади. Бошқача айтганда, ялпи талаб ҳажмининг ялпи таклиф ҳажмидан қисқа муддатда катта бўлиши оқибатида ҳақиқий ва потенциал ЯИМ ҳажмлари ўртасида инфляцион узилиш рўй беради (16-чизма). Бу узилишни бартараф қилиш учун ялпи харажатларни камайтириш, бошқача қилиб айтганда ялпи талабни чеклаш зарур.

Графикда бу жараён жами мувозанатли ялпи даромад ҳажмидаги (ΔU) қисқаришни англатади ва у қуйидагича бўлади:

$$\Delta U = -\text{Инфляцион узилиш миқдори} \times \text{Автоном харажатлар мультипликатори миқдори.}$$

Умуман IS-эгри чизиғи товар ва хизматлар бозорида вужудга келадиган даромадлар даражаси ва фоиз ставкаси ўртасидаги муносабатларни билдиради. Буни тушуниш учун биз товар ва хизматларга бўлган талабни, яъни, “Кейнс хочи”ни қараб чиқамиз. Бунда авваламбор биз режалаштирилаётган харажатлар миқдорини, яъни, кейнс хочини олиш учун режелаштирилаётган харажатлар миқдорини ташкил қилувчи омилларни кўриб чиқамиз. Режалаштирилаётган харажатлар уйхўжаликлари, фирмалар ва давлатнинг товар ва хизматларини сотиб олишга мўлжаллаган харажатлар миқдоридан иборат. Демак IS-эгри чизиғини Кейнс хочи ва инвестиция функцияси графиги ёрдамида келтириб чиқарамиз.



Б) Инфестия функцияси

В) IS эгри чизиғи

50-чизма. IS-эгри чизигини Кейнс хочи ва инвестиция функцияси графиги ёрдамида келтириб чиқариш графиги

Фоиз ставкасининг R_1 дан R_2 га қадар кўтарилиши инвестициялар миқдорини I_1 дан I_2 га қадар камайишига олиб келади. Бу ҳақиқий харажатлар эгри чизиғини E_1 дан E_2 га қадар пастга томон $\Delta E = \Delta I$ га тенг миқдорда сурилишига олиб келади. Оқибатда даромадлар миқдори Y_1 дан Y_2 қадар $\Delta Y = \Delta E \times m$ миқдорга пасаяди, бу эрда ($m = 1/(1-b(1-T)+m')$)

Демак, товарлар ва хизматлар бозорида даромадлар даражаси ва фоиз ставкаси динамикаси ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд.

R ўзгармаган ҳолда IS эгричиғининг ўнгга ёки чапга силжиши куйидаги омиллар таъсирида рўй беради:

- истеъмол харажатлари даражаси;
- давлат хариди даражаси;
- соф солиқлар (солиқлар - субсидиялар - трансфертлар);
- инвестициялар ҳажмининг (R нинг мавжуд ставкасида) ўзгариши.

IS тенгламасини истеъмол, инвестиция ва соф экспорт функциялари тенгламаларини асосий макроиктисодий айниятга қўйиб, уни R ва Y га нисбатан ечиб топилади.

R га нисбатан топилган IS тенгламаси:

$$R = \frac{a + e + g}{d + n} - \frac{1 - b(1 - t) + m'}{d + n} Y + \frac{1}{d + n} G - \frac{b}{d + n} Ta$$

бу ерда, $T = Ta + tY$.

Yга нисбатан топилган IS тенгламаси:

$$Y = \frac{a + e + g}{1 - b(1 - t) + m'} - \frac{1}{1 - b(1 - t) + m'} G - \frac{b}{1 - b(1 - t) + m'} Ta - \frac{d + n}{1 - b(1 - t) + m'} R$$

бу ерда, $T = Ta + tY$

$(1 - b(1 - t) + m') / (d + n)$ IS эгри чизиғининг Y ўқиға нисбатан оғиш бурчагини кўрсатади ва бюджет ҳамда пул кредит сиёсати самарадорлигининг нисбий параметрларидан бири ҳисобланади

3. LM эгри чизиғининг алгебрик таҳлили.

LM эгри чизиғи ўзгармас нархлар шароитида пул воситалари бозорида вужудга келадиган фоиз ставкаси ва даромадлар даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни акс эттиради. LM эгри чизиғининг ҳар бир нуктасида пулга талаб Md пул таклифи Ms га тенг бўлади (liquidity Preference = Money Supply). Пул бозорида бундай мувозанатга даромад Y нинг ошиши билан фоиз ставкаси R кўтарилсагина эришилади.

Маълумки, пулга талаб миқдориға фоиз ставкасидан ташқари даромадлар даражаси ҳам таъсир кўрсатади. Даромадлар юқори бўлса, харажатлар ҳам кўп бўлади. Бу эса, ўз навбатида истеъмол ва бошқа харажатлар учун пулга талабни ошишиға олиб келади. Шундай қилиб, даромадлар даражасининг юқорироқ бўлиши пул талабини оширади. Бошқача айтганимизда, даромад ва пулга талаб динамикаси ўртасида тўғри боғлиқлик мавжуд.

Пулга талаб функциясини қуйидагича ёзамиз: $M/R = f(R; U)$

Пул бозори ҳолатини белгиловчи кўрсаткичлар ўртасидаги бундай ўзаро муносабатларни 51, 52-чизмаларда тасвирлаймиз.

52-чизмадан кўриниб турибдики, пулга бўлган талаб, фоиз ставкаси пасайиши билан, шунингдек, даромадлар кўпайиши натижасида ҳам ошади. Даромадларнинг ошиши натижасида пулга талаб эгри чизиғи M_{d1} юқори сурилиб, M_{d2} ҳолатини эгаллайди ва унда пул бозоридаги мувозанат нуқтаси, r_1 ҳолатидан r_2 ҳолатига ўтади.

Шундай қилиб, юқорироқ даромад юқорироқ фоиз ставкасига олиб келади ва буни LM эгри чизиғи акс эттиради. У пул бозорида фоиз ставкаси ва даромад ўртасидаги муносабатларни кўргазмали тарзда ифодалайди. Даромад даражаси қанча баланд бўлса, пулга бўлган талаб шунча юқори ва шунга мувофиқ мувозанатли фоиз ставкаси ҳам шунча юқори бўлади.

LM эгри чизиғи ўзига хос конфигурацияга эга: горизантал қисм ва вертикал қисм. LM эгри чизиғининг горизантал қисми фоиз ставкаси R нинг минимал даражасидан пасая олмаслигини англатса, вертикал қисм фоиз ставкаси R нинг максимал даражаси чегарасидан ташқарида ҳеч ким ўз маблағларининг ликвид (пул) шаклида ушлаб турмаслигини ва уларни қимматли қоғозларга айлантиришини англатади.


Нархларнинг ўзгариши ҳамда пул таклифи ҳажмидаги ўзгаришлар LM эгри чизиғининг ўнгга ёки чапга силжишига олиб келади.

LM эгри чизиғи тенгламаси пулга талаб функциясини R ва Y га нисбатан эчиб топилади.


R га нисбатан LM эгри чизиғи тенгламаси қуйидагича: $R = (k/h)Y - (1/h)(M/P)$.

Y га нисбатан LM эгри чизиғи тенгламаси қуйидагича: $Y = (1/k)(M/P) + (h/k)R$.

k/h коэффиценти LM эгри чизиғининг Y ўқига нисбатан оғиш бурчагини характерлайди ҳамда бюджет ва пул кредит сиёсатининг нисбий самарадорлигини баҳолайди.



51-чизма. Пул бозоридаги мувозанат



52-чизма. LM эгри чизиги

Шундай қилиб, LM эгри чизиги ўзгармас нархлар шароитида пул воситалари бозорида вужудга келадиган фоиз ставкаси ва даромадлар даражасининг комбинацияларини кўрсатади. LM эгри чизигининг ҳар бир нуқтасида пул бозорида талаб ва таклиф ўзаро тенг бўлади.


4. Товар ва пул бозорларининг биргаликдаги мувозанати

Бозор иқтисодиёти шароитида макроиқтисодий мувозанатга эришишнинг роли ва аҳамияти бениҳоя каттадир. Макроиқтисодий мувозанат мамлакат иқтисодиётининг тўғри ёки нотўғри йўлдан бораётганлигини кўрсатувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки, иқтисодиётда бўлаётган доимий ўзгаришлар ҳар қандай мамлакатни ҳам иқтисодий мувозанатдан чиқариб юбориши мумкин.

Иқтисодий тизимлардаги оғиш товарлар ва хизматлар тақчиллигини ёки ортиқча ишлаб чиқарилганлигини, инфляция, ишсизлик ва шунга ўхшаш бошқа салбий ҳодисалар сифатида намоён бўлади. Улар иқтисодиёт самарадорлигининг пасайишига ва аҳоли турмуш тарзини тушиб кетишига олиб келади. Шу сабабли ҳам иқтисодий мувозанат муаммоларини тадқиқ қилиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

IS-LM эгри чизиклари кесишадиган нуқта IS-LM моделидаги иқтисодий мувозанат ҳолатини кўрсатади.

Бу нуқта ўзида шундай фоиз ставкаси «R» ни ва даромад даражаси «Y» ни аниқлайдики, бунда товарлар ва хизматлар бозорида талаб ва таклиф ҳамда реал пул маблағларига бўлган талаб ва уларнинг таклифи ўзаро тенг бўлади. (53-чизма.)



53-чизма. IS – LM моделидаги иқтисодий мувозанат

бу эрда : R^* -мувозанатли фоиз ставкаси; Y^* - мувозанатли даромад ҳажми.

IS ва LM эгри чизиқларининг ўзаро кесишиши пул таклифи инвестициялар ва жамғармаларни ўзаро тенглаштирувчи фоиз ставкаси шаклланиши учун этарли э канлигини англатади.

IS эгри чизиғи режалаштирилган харажатларга боғлиқ бўлганлиги учун унинг ўзгариши бюджет сиёсатидаги ўзгаришларни характерлайди. LM пул таклифига боғлиқ бўлганлиги учун ундаги ўзгариш монетар сиёсат тадбирлари натижасини кўрсатади.

Бундан хулоса шуки IS-LM модели бюджет ва монетар сиёсатнинг иқтисодиётга биргаликда кўрсатадиган таъсирини баҳолаш имконини беради. Давлат харажатларининг ўсиши ёки солиқларнинг камайиши IS эгри чизиғини ўнгга силжитади. Давлат харажатларининг камайиши ва солиқларнинг ошиши эса бу эгри чизиқни чапга силжитади. Худди шунингдек пул таклифининг ошиши LM эгри чизиғини ўнгга, камайиши эса чапга силжитади. IS-LM модели маълум макроиқтисодий натижаларга эришишнинг турли вариантларни кўриб чиқиш имкониятини беради. Бир бозорда бўлган ўзгариш иккинчи бозорга ҳам таъсир э тади. Масалан Марказий банк очик бозордан облигациялар сотиб ола бошлади. Натижада пул таклифининг кўпайиши (LM эгри чизиғини ўнгга силжиши да акс этиб) фоиз ставкасининг пасайишини келтирб чиқаради. Монетар импульс таъсирида, яъни, фоиз ставкасининг пасайиши оқибатида инвестиция харажатлари кўпаяди ва IS эгри чизиғи ҳам ўнгга силжиб янги нуктада мувозанат ўрнатилади.

Агар моделда мувозанати LM эгри чизиғининг горизонтал (кейнс) кесмасида юзага келса пул массасининг кўпайтирилиши инвестициялар, ишлаб чиқариш ва бандлиликнинг ўсишига олиб келмайди. Бу иқтисодий тизимда алоқалар бузилганлигидан далолат беради. Бунда пул таклифининг

ўсиши товарлар бозорига таъсир кўрсата олмайди, чунки пул бозорида фоиз ставкасини камайтириш имконияти қолмайди. Бундай вазият ликвидлилик тузоғи номини олган.

“Ликвидлилик тузоғи вазиятида кредит (монетар) сиёсат ялпи талаб ва миллий даромадни рағбатлантириш воситаси сифатида кутилган самарани келтириб чиқармайди ва шу сабабли, кейнсчилар фикрига кўра, ихтиёримизда) фақат бир дастак - солиқлар ва ҳукумат харажатлари орқали ялпи талабга бевосита таъсир кўрсатадиган бюджет сиёсатгина қолади”.

Агар моделда IS эгри чизиғи LM эгри чизиғининг вертикал кесмасидан кесиб ўтганда юз берган бўлса пул таклифини ошириш миллий даромаднинг ўсишигава фоиз ставкасининг пасайишига олиб келади. Аксинса давлат харажатларининг оширилиши эса, кейнсчилар фикрига кўра, бу кесмада ялпи талабга ва миллий даромад ҳажмига таъсир кўрсатмайди.

Агар IS эгри чизиғи вертикал кўринишда бўлса, яъни инвестицияларга талаб фоиз ставкаси ўзгаришига таъсирчан (эластик) бўлмаган, масалан инвесторлар келажакдаги бозор конъюктурасининг ноаниқлиги сабабли ўз инвестициялари истикболига тушкун баҳо берсалар инвестицион тузоқ юзага келади. Инвестицион тузоқ шуни англатадики IS эгри чизиғи вертикал бўлганда LM эгри чизиғининг силжишлари реал даромад миқдорини ўғартирмайди. Бу ҳолатда пул-кредит сиёсати ялпи талаб ва миллий даромад ҳажмига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, бюджет сиёсат эса самарали бўлади.

Демак пул-кредит сиёсати фоиз ставкалари юқори бўлганда самарали бўлади. Бюджет сиёсат эса фоиз ставкаси минимал, яъни LM эгри чизиғи горизонтал, IS эгри чизиғи эса вертикал бўлганда самаралироқ бўлади. Модел ёрдамида макроиқтисодий сиёсат вариантларини танлаш, шунингдек усулларини мувофиқлаштирилган ҳолда қўллаш ва сиқиб чиқариш самараларини камайтириш йўллари таҳлил этиш мумкин.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. IS-LM ва AD-AS модели ўртасидаги боғлиқликни тушунтириб беринг.
2. Макроиқтисодий мувозанат нима дегани.
3. IS эгри чизиғининг асосий ўзгарувчилари қандай?
4. LM эгри чизиғининг асосий ўзгарувчилари нималардан иборат?

Асосий адабиётлар

1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. М.: ДИС. 1997.
2. Бурдо М., Виплош Ч. Макроэкономика (Европейский текст). С. Петербург: Судостроение. 1998.
3. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиктисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ – 2000.
4. Линвут Т. Гайгер А. Макроэкономика теория и переходная экономика. М.: 1996.
5. Менкью Н.Г. Макроэкономика. М.: МГУ. 1994.
6. Ҳакимова М.А. Макроиктисодиёт (ўқув қўлланма). Тошкент: «Меҳнат», 1997.

12-Мавзу. Иқтисодий ўсишнинг умумий тавсифи ва неокейнсча моделлари

Режа:

1. Иқтисодий ўсишнинг умумий тавсифи.
2. Капиталнинг жамғарилиши.
3. Қандай қилиб жамғармалар иқтисодиётнинг ўсиш натижаларига олиб келади?
4. Капиталнинг “Олтин қоидаси”. Аҳолини ўсиши.

Таянч сўз ва иборалар: иқтисодий ўсиш, ҳақиқий иқтисодий ўсиш, потенциал иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқариш омиллари, иқтисодий ўсиш моделлари, ресурслар кўпайиши, самарадорликни ошириши.

1. Иқтисодий ўсишнинг умумий тавсифи

Иқтисодий ўсиш — бу объектив қонуният бўлиб, аҳолининг ўсиши, ФТТ, ишлаб чиқариш ҳажмининг маълум бир вақт давомида ўсиши каби жараёнлар билан боғланган. Иқтисодий ўсиш жами таклифнинг ўсишини ёки бошқача айтганимизда, потенциал ЯИМ ҳажмининг ошишини билдиради. Шундай қилиб, иқтисодий ўсиш нафақат ишлаб чиқаришнинг ўсишини, балки иқтисодиёт потенциалининг ўсишини ҳам билдиради.


Иқтисодий ўсишда нафақат мамлакат реал даромадларининг ўсиши, шунингдек, жон бошига тўғри келадиган реал даромадларнинг ўсиши ҳам тушунилади.

Иқтисодий ўсиш икки хил усул билан аниқланади ва ўлчанади.

- Биринчи усул, ЯИМ (СИМ)ни ўтган даврга нисбатан ўзгариши сифатида аниқланади ва мамлакатнинг умумиқтисодий имкониятлари ҳаракатини аниқлаш учун ишлатилади.
- Иккинчи усул, реал ЯИМ (СИМ)нинг ўтган даврга нисбатан аҳоли жон бошига ўзгариши сифатида аниқланади.

Иқтисодий ўсишни аниқлаш ва асослаб бериш жараёнларида қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- 1) Иқтисодий ўсишни ўлчаш;
- 2) Ўсиш омиллари;
- 3) Иқтисодий ўсиш моделлари.



54-чизма. Макроиқтисодий барқарорликнинг асосий белгилари

Миллий иқтисодиёт ўсишини ўлчашда жами даромадларнинг (маҳсулотларнинг) ҳар хил индикаторларидан фойдаланиш мумкин. Умумий ўсиш даражаси аслида ЯИМ миқдори билан белгиланади. Шунингдек, бу кўрсаткичлар миқдори ва бажараётган вазифасига қараб ЯИМ ёки МД ҳам бўлиши мумкин. Бу кўрсаткичларнинг барчаси бир-бирига жуда ҳам яқин. ЯМД ЯИМ каби ушбу мамлакат аҳолиси олаётган даромадлар миқдорини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ундан аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар динамикаси ва даражасини аниқлаётганда фойдаланиш мумкин. Иқтисодий ўсиш назарияси ва моделларида умумий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг фарқи унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Чунки, уларнинг фарқи иқтисодий ўсиш чегараси ва омиллари ўсиш даражасини таҳлил қилишда ҳал қилувчи жараён ҳисобланмайди.

Иқтисодий ўсиш назариясида даромадлар истеъмол ва инвестицияларга бўлинади.

$$Y = C + I$$

Давлат харажатлари ва соф экспорт кўрсаткичлари ҳам истеъмол ва инвестициялар таркибига киритиб юборилади.

Мутлақ миқдордаги кўрсаткичлар динамикаси Y (t -вақт индекси) ва жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлар биргаликда ўсиш жараёнини билдиради. Истеъмол ҳажми (C) иқтисодийнинг провард мақсадини ва яшаш даражаси ошишини билдирса, инвестициялар эса ресурс имкониятларининг ўсиши ва техник янгиликларнинг моддийлашини англатади.

Истеъмол ва инвестиция ўртасида этарлича муқобиллик мавжуд, чунки, жорий истеъмол миқдорининг ошиши инвестицияларнинг даромаддаги улушини пасайтириш иқтисодий ўсиш имкониятларини қисқартиради.

Ўсишнинг барча имкониятларига реал миқдорларга таяниб, доимий нархларда қаралади. Аксинча, номинал кўрсаткичда уларнинг динамикаси нафақат реал ўсиш даражасини, балки инфляцияни ҳам ўз ичига олган бўлар эди.

Ҳар бир кўрсаткич бўйича 3 хил миқдордаги динамикани таҳлил қилиш мумкин:

1. Абсолют кўрсаткич: масалан, реал ишлаб чиқариш Y_t ;
2. Абсолют қўшимча ўсиш: масалан, ишлаб чиқаришнинг ошиши.

$$Y_t = Y_t - Y_{t-1} - 1$$

3. Қўшимча ўсиш суръати:

$$\text{Қўш. ўс. сур.} = \frac{Y_t}{Y_t - Y_{t-1}} \cdot 100$$

Иқтисодий ўсиш суръатлари қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

а) базис ўсиш суръати $= \frac{Y_t}{Y_0} \cdot 100$

б) занжирли ўсиш суръати $= \frac{Y_t}{Y_{t-1}} \cdot 100$

Қўшимча ўсиш суръатларда эса:

а) базисли қўшимча ўсиш суръати $= \frac{Y_t - Y_0}{Y_0} \cdot 100$

б) занжирли қўшимча ўсиш суръати $= \frac{Y_t - Y_{t-1}}{Y_{t-1}} \cdot 100$

Ҳар бир мамлакат иқтисодий ўсишга интилади, чунки иқтисодий ўсиш, биринчидан, миллий маҳсулот ҳажми ва даромаднинг кўпайишига, иккинчидан, ресурслардан самарали фойдаланишга, учинчидан, янги-янги эҳтиёжлар ва имкониятларнинг пайдо бўлишига, тўртинчидан, халқаро бозорларда мамлакат обрўсининг ошишига олиб келади.

Иқтисодий ўсиш усулларидан тўғри ва ўз ўрнида фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Масалан, мамлакат ҳарбий салоҳиятини аниқлаш ва ривожлантириш муаммоси қаралаётганда ЯИМ ҳажмининг ўсиши, мамлакат аҳолисининг турмуш фаолияти таққосланаётганда аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Амалиётда иқтисодий ўсишнинг икки хил кўриниши фарқланади: ҳақиқий ва потенциал.

Ҳақиқий иқтисодий ўсиш - бу статистика органлари томонидан мунтазам нашр этиладиган ЯИМ ёки бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ҳақиқий йиллик кўпайишидир.

Потенциал иқтисодий ўсиш – бу иқтисодиёт ўсиши мумкин бўлган тезликдир.

Потенциал иқтисодий ўсишни таъминловчи омиллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

✚ ресурсларнинг кўпайиши;

✚ самарадорликни ошиши.

Иқтисодий ўсиш бир нечта омилларга боғлиқ:

- табиий ресурслар сони ва сифати;
- меҳнат ресурслари сони ва сифати;
- асосий капитал ҳажми;
- технологиялар.

Ушбу омилларнинг барчаси ишлаб чиқаришга бевосита таъсир кўрсатади. Бу эса иқтисодий ўсиш истиқболларини белгилашда ишлаб чиқариш функцияларидан кенг фойдаланиш имкониятини беради.

2. Капиталнинг жамғарилиши

Иқтисодий ўсишнинг Солоу моделида капиталнинг қандай ўсиши, ишчи кучини ўсиши, технология соҳасида иқтисодиётда бир-бири билан мулоқотга эришиш, шунингдек товар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмига боғлиқ. Бизнинг биринчи қадамимиз капиталнинг жамғарилиш кўрсаткичларини товарлар талаб ва таклифи ҳажмини аниқлашдан иборат. Ундан кейин эса ишчи кучи таъсирида асосида жамғаришлардаги ўзгаришларни ўрганиб чиқамиз ва кейин технологиялар ўзгариши билан танишамиз.

Товарлар талаби ва таклифи. Товарлар учун талаб ва таклиф иқтисодиётни ёпиқ ҳолатга келиб қолишида марказий рол ўйнайди. Шу ёпиқ иқтисодиёт Солоу модели учун ўринлидир. Биз ишлаб чиқариш ҳажмининг қанчалик кўплигини берилган вақтда ва муқобил фойдаланишда кўришимиз мумкин.

Товарлар таклифи ва ишлаб чиқиш функцияси.

Солоу моделидаги товарлар таклифи капитал захираси ва ишчи кучига боғлиқ бўлганишлаб чиқариш функциясига асосланади:

$$Y = F(K, L)$$

бу ерда, Y – ишлаб чиқариш ёки даромад; K – капитал; L - меҳнат.

Иқтисодий ўсишнинг Солоу модели ишлаб чиқариш функциясини доимий кўламига қайтишини англатади. Бу тахмин кўпинча ҳаётга яқин ҳисобланади ва яқин келажакда бу таҳлил соддалаштиришга ёрдам беришини кўрсак бўлади. Ишлаб чиқариш функцияси қайтадан кўриб чиқилади агар доимий бўлмаса.

$$zY = F(zK, zL)$$

z нинг исталган қийматида ижобий ҳолатда. Ўшанда агар меҳнат ва капиталнинг ҳар иккаласи z томонидан ишлаб чиқариш вақт оралиғида кўпаяди ва z ни ўзи ҳам кўпаяди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш функциясининг ўзгармай қолиши ишчи кучи миқдорининг иқтисодиётда ҳамма сифатларини таҳлил қилишга имкон беради. Буни исботлаш учун Y/L юқоридаги тенгламага жойлаймиз:

$$Y/L = F(K/L, 1).$$

Бу тенглама бир ишчига тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот Y/L бир ишчига тўғри капитал K/L ни маълум вақт оралиғидаги функциясидир (1 сони ўзгармас ва шунинг учун эътиборсиздир). Бу шакл доимий даромад тахминини назарда тутиб иқтисодиёт ҳажмини ўлчайди, биришчига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ва капиталга таъсир қилмайди.

Чунки иқтисодиётнинг катта-кичиклигидан қатъий назар, бир ишчига тўғри келадиган барча миқдорларни қулай бўлишини англатади. Бир ишчига тўғри келадиган қийматни кичик ҳарфлар билан белгилаб олиб, $y = Y/L$ бир ишчи бошига тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот ва $k = K/L$ биринчи бошига тўғри келадиган капиталдир. Ишлаб чиқариш функциясини қуйидагича ёзишимиз мумкин.

$$y = f(k),$$


бунда $f(k) = F(k, 1)$. 5.5 - ч и з м а да ушду ишлаб чиқариш функцияси кўрсатилган.

Ишлаб чиқариш функциясини қиялиги капитал бирлиги кўшилганда, битта ишчи қанча миқдорда кўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришини

кўрсатади. Бу эса капитал чекли маҳсулот миқдорини МРКни кўрсатади. Математик куйидагича ёзиб оламиз:

$$MPK = f(k-1) - f(k).$$

Буни 55-чизмада капиталнинг миқдори ўсиши, ишлаб чиқариш функцияси бир текисда давом этади, бу эса чекли маҳсулоти пасайишини қайд қилади. k пасайганда ишчи ўртача ишчилар сони билан озроқ капитал олади. Шунинг учун капиталнинг кўшимча қисми умумий ишлаб чиқариш ҳажмига кўп кўшимча маҳсулотлар учун жуда фойдалидир. k баланд бўлса, ўртача ишчилар сони капитали кўп бўлади. Шунинг учун маҳсулот ишлаб чиқариш бирозгина ортади.



55-чизма. Ишлаб чиқариш функцияси.

Товарларга талаб ва истеъмол функцияси. Солоу моделида товарларга талаб истеъмол ва инвестицияга асосланган. Бошқача айтганда, бир ишчи бошига тўғри келадиган маҳсулот y бир ишчи бошига инвестиция i ва ишчи бошига истеъмол c ўртасида тақсимланади:

$$y = c + i$$

Бу тенглама иқтисодиёт учун миллий даромаднинг ишчи бошига тўғри келишидир. Бу иқтисодиётда давлат харидларини (сотиб олишни ўз ичига олмайди) ва соф экспортни ўз ичига олмайди (чунки биз ёпиқ иқтисодиётни ҳолатини кўряпмиз).

Солоу модели ҳар йили одамлар ўз даромадининг бир қисмини жамгашиб боради ва $(1-s)$ қисмини истеъмол қилади деб фараз қилади. истеъмол функциясини биз куйидагича ифодалаймиз:

$$C=(1-s)y,$$

Бунда жамғариш даражаси бўлиб, 0 дан 1гача бўлади. Шунини ёдда тутиш керакки, давлат сиёсати даражасида аҳолининг тежаш тезлиги салоҳиятга эга, шунинг учун мақсадларимиздан бири уни тезлигини сақлаб қолишдир. Бироқ энди биз шунчаки кўрсатилган s жамғарма даражасида олишдир.

Истеъмол функциясини сармоявийлигини кўриш миллий даромадни ҳисобга олиш s учун $(1-s)y$ деган маънони англатади.

$$y = (1-s)y + i$$

Қайта тартибга солиш шарт шароитини инобатга олиш.

$$i = sy$$

Бу тенглама инвестицияни тежаш тенгламасини кўрсатади. Шундай қилиб жамғарма даражаси s ишлаб чиқариш қисми ҳам инвестиция улушига боғланган.


Бугунги кунда Солоу модели ҳар икки масалани жорий этади, ишлаб чиқариш функцияси ва истеъмол функцияси исталган вақтда иқтисодий тасвири беради. Исталган капитал k учун $y=f(k)$ кўрсаткичи қанча миқдорда иқтисодий ишлаб чиқариш ҳажмини ва тежаш даражаси s кўрсаткичини жамғарма ва инвестиция ўртасидаги тақсимлашни белгилайди.

Барқарор ҳолат ва капитални ўсиши. Ҳар қандай вақтда капитал иқтисодий ишлаб чиқаришини асосий омилдир, лекин капитал вақт давомида ўзгариши мумкин ва бу сабаблар иқтисодий ўсишга ўзгаришлар бўлиши мумкин. Хусусан капитални икки ишчи кучига таъсир этади: сармоя ва кадрсиэлиниш. Янги завод ва усқуналар инвестиция ҳисобланиб капитал ҳажмини ошишига сабаб бўлади. Капитални ишдан чиқиши кадрсиэлинишдир ва капитал ҳажмини тушишига сабаб бўлади. Келинг бу кучларни муҳокама қилайлик.

Кўриб турганимиздек ишчи бошига инвестиция даражаси i тенгламаси sy . Маҳсулот ишлаб чиқариш функцияси y учун ўрнини босувчи ишчи бошига капиталнинг функцияси сифатида ишчи бошига инвестиция билан фойдалашимиз мумкин.

$$i = sf(k)$$

Бу тенгламада янги капитални жамғариш i га капитал ҳажми k га боғлиқ бўлади. Бу кўрсаткич ишлаб чиқариш функцияси $f(k)$ томонидан ишлаб чиқариш миқдорини k нинг исталган қийматида англатади ва жамғарма ва сақлаш даражаси s ўртасидаги ишлаб чиқариш ва жамғармани англатади.



56-чизма. Ишлаб чиқариш, истеъмол ва инвестиция.

Модел амортизация учун жавобгарлик ҳар бир йил учун маълум бир улуш δ ни ташкил этади. Бу ерда δ юнон ҳарфи делта амортизация нисбати деб аталади. Мисол учун агар капитал ўртача 25 фоизни ташкил этса йиллар давомида. Амортизация даражаси йилига 4 фоизни ташкил этади ($\delta = 0.04$). капиталнинг миқдори ўшанда йилига δk бўлади. Биз асосий капиталга инвестициялар таъсири ва қадрсизланганини тенглама билан:


Асосий капитални ўзгариши баробар инвестиция минус эскириш.

$$\dot{k} = i - \delta k,$$


\dot{k} асосий капитални ўзгариши кейинги бир йил ва ундан кейинги йил ўртасидаги фарқ. Чунки инвестиция i тенграмаси $sf(k)$ ни биз қуйидагича ёзишимиз мумкин.

$$i = sf(k) - \delta k.$$

57-чизмада капиталнинг ихтиёрий даражаси k учун инвестиция ва амортизация шартлари графиги берилган олий асосий капитал тури инвестиция ва ишлаб чиқариш ҳажмининг суммасидир. Бироқ юқори капитал учун эскириш суммаси ҳам юқори бўлади.



57-чизма.



57-чизмада битта капитал k^* инвестиция суммасининг тенгламаси эскириш суммасига тенг бўлади. Агар иқтисодиётда асосий капитал даражаси инвестиция ва эскириш кучларини ўзгартира олмайди балансда қолади. Бунда $k = 0$, шунинг учун капитал k ва ишлаб чиқариш ҳажми $f(k)$ барқарор бўлади (камайиш ўрнига ўсади). Биз шунинг учун k^* капиталнинг барқарор ҳолати деб атаймиз.

Барқарор ҳолат ҳар иккала сабабда муҳим аҳамиятга эгадир. Биз фақат бу ерда иқтисодиётни барқарор ҳолатда қолишини кўрдик. Бундан ташқари бир хил даражада иқтисодиётда барқарор ҳолат давом этмайди. Ўшанда

капиталнинг даражаси мувозанатсиз иқтисодиёт бошланади ниҳоят капиталнинг барқарор ҳолати билан тугайди. Шу маънода барқарор ҳолатда узоқ муддатли иқтисодиёт вужудга келади.

Иқтисодиёт ҳар доим ҳам барқарор ҳолатда тугабини кўришимиз мумкин, 57-чизмада $k1$ га ўхшаш капитал даражасини барқарор ҳолатига қараганда иқтисодиётни давом этиши камроқ бўлади деб фараз қиламиз. Бу ҳолда инвестиция даражасининг эскириш миқдори ортади. Вақт ўтиши билан капитал кўтарилади ва кучайиш давом этади. Барқарор ҳолат k^* ишлаб чиқариш ҳажми $f(x)$ га яқинлашади.

Бундан ташқари капиталнинг даражаси барқарор ҳолатга қараганда иқтисодиётда кўпроқ давом этади деб фараз қиламиз $k2$ га ўхшаш. Шунинг учун эскиришга қараганда инвестиция озроқ бўлади: капитал қайта тикланишига қараганда тезроқ алмашади. Асосий капитални тушиши яна барқарор ҳолатга яқинлашади. Барқарор асосий капиталга эришилаганда инвестиция ва эскиришга тенг. Ҳеч қандай босим асосий капитални тушуриб ёки кўтараолмайди.

Барқарор ҳолатга яқинлашиш: сонли мисол

Келинг сонли мисол Солоу моделида қандай ишлашини кўрайлик ва қандай қилиб иқтисодиёт барқарор ҳолатга яқинлашишини қарайлик. Мисол учун ишлаб чиқариш функциясини фараз қилайлик.

$$Y = K^{1/2} L^{1/2}$$

Кобб Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясини капитал улуши $1/2$ га тенг бўлади. Ишлаб чиқариш функцияси $f(k)$ ишчи кучи таъсирида сиклаб чиқариш L

$$\frac{Y}{L} = \frac{K^{1/2} L^{1/2}}{L}$$

Тенгликни назарда тутади

$$\frac{Y}{L} = \left(\frac{K}{L}\right)^{1/2}$$

Чунки, $y = Y/L$ ва $k = K/L$ тенглик ўринли бўлади.

$$y = k^{1/2}$$

Бундай ҳам деб ёзишимиз мумкин

$$y = \sqrt{k}$$

Ишлаб чиқаришнинг бу шакли ишчи бошига ишлаб чиқариш капитали миқдорини квадрат илдиз остида ифодалайди.

Бу мисолни тўлдириш учун ишлаб чиқариш ҳажмини 30 фоизга қисқартириб ($s=0.3$). ҳар йили капитални 10 фоизга оширсак ($d=0.1$) ва ишчи бошига нисбатан капитал 4 фоизга ошади ($k=4$). Бу рақамлардан иқтисодиётда нималар содир бўлишини кўришимиз мумкин.

Биз биринчи йилда ишлаб чиқариш ва тараққиёт билан бошлаган бўлсак иқтисодиётда капитал киши жон бошига 4 фоизни ташкил этган. Бу кетма кетликнинг самарасидир.

- Ишлаб чиқариш функцияси K га кўра ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли жон бошига тўғри келадиган (y) капитални ишчи бошига 4 йилда 2 фоизни ўсганини кўрсатади.
- Ишлаб чиқариш ҳажмини 30 фоизга қисқартириш ва жамғариш 70 фоизни истеъмол қилинганлигини билдиради. $i=0.6$ ва $s=1.4$.
- Амортизатся ажратмасининг капитали 10 фоизни ташкил этади, $dk=0.4$.
- Капитал ҳажмининг ўзгариши 0.4 фоизни, инвестиция ҳолати эса 0.6 фоизни ташкил этиб $k=0.2$

Шундай қилиб капиталнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ҳажми иккинчи йилни бошланиши учун 4.2 фоизни ташкил этади.

Ҳар йили иқтисодиёт ўсиб бораверади. Иқтисодиёт қай даражада тараққиёт топганини 2-жадвалда кўришимиз мумкин. Ҳар йили ўтган йил билан инвестиция қадрсизланганини ишлаб чиқариш ва янги капитални ортганини кўришимиз мумкин. Йиллар давомида барқарор ҳолат яқинлиги учун аҳоли жон бошига тўғри келадиган капитал ўсиш 9 фоизни ташкил қилди. Бу барқарор ҳолатда инвестиция амортизацияси роппа роса 0.9 фоизни ташкил этиб капитал ва ишлаб чиқариш ҳажми энди бошқа ўсмаслигини кўришимиз мумкин.

Йиллар давомида иқтисодиётнинг тараққий топиши капиталнинг барқарор ҳолатини таъминлайди аммо ҳисоблашнинг бошқа йўли камроқ. Эслатиб ўтамиз

$$\Delta k = sf(k) - dk$$

Бу тенглама вақт давомида k нинг эволюцияси қай даражада бўлишини кўрсатади. Моҳиятан биз билишимиз мумкинки $\Delta k = 0$

$$0 = sf(k^*) - dk^*$$

Ruxsat etilgan holda yaqinlashib: A soni misol

Taxminlar: $y = \sqrt{k}$; $s = 0.3$; $\delta = 0.1$; dastlab $k = 4.0$

vil	k	y	c	i	δk	Δk
1	4.000	2.000	1.400	0.600	0.400	0.200
2	4.200	2.049	1.435	0.615	0.420	0.195
3	4.395	2.096	1.467	0.629	0.440	0.189
4	4.584	2.141	1.499	0.642	0.458	0.184
5	4.768	2.184	1.529	0.655	0.477	0.178
.						
.						
.						
10	5.602	2.367	1.657	0.710	0.560	0.150
.						
.						
.						
25	7.321	2.706	1.894	0.812	0.732	0.080
.						
.						
.						
100	8.962	2.994	2.096	0.898	0.896	0.002
.						
.						
.						
∞	9.000	3.000	2.100	0.900	0.900	0.000

Ёки тенгламаси

$$\frac{k \cdot}{f(k \cdot)} = \frac{s}{\delta}$$

Бу тенглама барқарор ҳолат даражасида ҳар бир ишчи бошига капитални топиш усулидир.

Моҳиятан бизнинг мисолда ишлаб чиқариш функциясининг сонли қийматини кўрсатади.

$$\frac{k}{\sqrt{k}} = \frac{0.3}{0.1}$$

Тенгликнинг ҳар иккала қисмида квадрат илдиз топиш бир хил бўлади.

$$k^* = 9$$


Ичи бошига тўғри келадиган капитал барқарор ҳолат учун 9% дир. 7-2

3. Қандай қилиб жамғармалар иқтисодиётнинг ўсиш натижаларига олиб келади?

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Япония ва Германиянинг ўсишини тушунтириш у қадар ҳам осон эмас. Яъни, бир муҳим омил Япония ва

Германияни жамғариш ва ишлаб чиқаришини юқори даражада тامينлаш АҚШ ган исбатан яхшироқ бўлган. Тўлиқ халқаро фарқларни тушунтириш учун иқтисодий кўрсаткичларни турли жамғарма таъсирида кўриб чиқишимиз керак.

Жамғарма даражасини кучайтириш оқибатида иқтисодиётда нима бўлишини кўриб чиқайлик. 58-чизма ўзгаришлар кўрсаткичини кўрсатади. Жамғариш даражаси s_1 ва капитал k_1^* иқтисодиёт бар қарор бўлишини кўрсатади. Қачонки ўсиш даражасис 1 дан s_2 га кўтарилганда $sf(k)$ чизик юқорига қараб ҳаракат қилади. Жамғарманинг бошланғич тежаш даражаси s_1 ва капитал k_1 инвестициялар ҳажмидаги амортизация миқдори мувозанатидир. Дарҳол жамғарма даражаси ортади, юқори сармоя бўлади, аммо, капитал захиралар ўзгаришсиз қолади. Шундай қилиб инвестиция амортизацияни оширади. Янги бар қарор ҳолат k_2^* иқтисодиётда капитал аста секин кўтарилади, э ски бар қарор ҳолатга қараганда ишлаб чиқариш ҳажми юқори даражада ортади ва капитални кўпайтиради.



58-чизма.

Солоу модели кўрсатишича барқарор ҳолатнинг капитали ҳал қилувчи даражада эканлигини кўрсатади. Агар жамғариш даражаси кўпроқ бўлса, барқарор ҳолатда иқтисодиётда катта капитал даражаси ва юқори ишлаб чиқариш самарасига эришилади. Агар жамғарма даражаси паст бўлса, барқарор ҳолатда иқтисодиёт кам капитал даражаси ва паст суратларда ишлаб чиқариш ҳажмининг кам суратларда бўлишига олиб келади. Бу

хулоса молия сиёсатининг кўп мунозараларини ёритиб беради. Давлат бюджети камоматида миллий тежашни камайтириш ва инвестицияни ошишига сабаб бўлади. Энди биз бу тежашни қисқартириш орқали паст ставкали капитал ва паст миллий даромад натижаларга олиб келади. Шунинг учун кўп иқтисодчилар доимий бюджет камомати бўлишини танқид қилади.

Иқтисодий ўсиш ва тежаш ўртасидаги боғлиқлик ҳақида Солоу модели нима дейди? Юқори тежамкорлик ўсишни тезлаштиради лекин фақат вақтинчага дейилган Солоу моделида. Янги барқарор ҳолатда иқтисодиёт изланишларигача жамғарма даражасининг юқори даражаси кўрилади. Агар иқтисодиёт жамғармаларнинг юқори даражасини сақлаб қолган бўлса. Катта капитални ва ишлаб чиқаришни юқори даражада кўллаб қувватлайди. Аммо у ёқори ўсишни сақлаб қолмайди. Барқарор ҳолатни ўзгартириш сиёсати аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад ўсиш сурати ошиши таъсири борлигини билдиради. Аксинча юқори даражада жамғармаларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган ортади. Чунки аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад даражаси унинг ўсиш фоизи эмас. Барқарор ҳолатда жамғарма даражасига таъсир кўрсатади.

Энди биз тежаш ва ўсишга қандай қилиб таъсир ўтказишни иккинчи жаҳон уришидан кейин Япон ва Немисларнинг иқтисодий кўрсаткичларини тушунтириб берамиз. Нафақат уруш туфайли уларнинг дастлабки капитал захираси кам балки уларнинг барқарор ҳолат капитали юқори тежаш учун ҳам баланддир. Бу иккала ҳақиқат 1950-1960-йилларда бу икки мамлактнинг жадал суратларда ўсишини тушунтириб беради.

Киши бошига даромад даражалари ва инвестиция ставкалари кучлидир ва нега бази мамлакатлар бошқалар қашшоқ бўлсада бой бўлиши жуда муҳим аммо у тўлалигича акс этмаган. Бу икки ўзгарувчилар орасидаги муносабатлар узоқ вақтдан бери мавжуддир.

4. Капиталнинг “Олтин Қоидаси”

Ҳозирча биз қай даражада иқтисодиётнинг жамғариш даражасини ва инвестиция кўрсаткичини унинг даромад ва капиталини барқарор ҳолатини ўрганиб чиқиш учун биз Солоу моделидан фойдаландик. Бу таҳлиллар юқорироқ жамғариш даражасига олиб бориши ҳар доим ҳам яхши, чунки, у ҳар доим катта фойда олиб келади. Лекин, тасаввур қилинг, мамлакат 100 % жамғариш даражасига эга дейлик. Бу максимум мумкин бўлган энг юқори даромадга олиб келадиган капиталдир. Аммо, даромаднинг ҳамма қисми сақланади ва истеъмол қилинмайди, буни нимаси яхши?

Ушбу бўлимда капитални оптимал муҳокама қилиш учун иқтисодий фаровонлик жиҳатидан Солоу моделидан фойдаланилади. Кейинги бобда аҳолининг тежаш даражаси қай даражада ҳукумат таъсирига муҳокама

қиламиз. Аммо, биринчи бу бўлимда бу сиёсий қарорларни ёндаш назарияларини тақдим қиламиз.

Барқарор ҳолатни таққослаш

Барқарор ҳолат учун қандай бозор сиёсатини танлаймиз?

Бозор сиёсатининг мақсади жисмоний шахслар фаровонлигини максималлаштириш кимки жамият учун ишлаб чиқарувчи бўлса ҳар бир шахсиктисодиётда капиталнинг миқдорини ўзлари учун ғамламайди ҳатто ишлаб чиқариш ҳажмининг миқдорини ҳам.

Улар ўзлари истеъмол қиладиган товарлар ва хизматларни ғамлайди. Шундай қилиб, дўстона бозор сиёсати барқарор ҳолат учун истеъмолнинг энг баланд даражасини танлашни хоҳлайди. К статсионар қиймати истеъмолни максимал лаштирганда **капиталнинг “Олтин қоида”си деб аталади.**¹²

Биз иқтисодиёт Олтин қоидага қай даражада бўйсинишини қандай айта оламиз? Бу саволга жавоб ишчи бошига барқарор даржасида истеъмолни аниқлашимиз керак. Кейин бизенг кўп истеъмолни барқарор ҳолатини кўришимиз мумкин.

Киши бошига барқарор ҳолатни топшишда биз миллий даромаддан бошлаймиз.

$$y = c + i$$

ва қайтадан белгилаб

$$c = y - i.$$

Истеъмол ишлаб чиқаришнинг минус сармоясидир. Чунки биз барқарор ҳолат истеъмолини топишни хоҳлаганимизда инвестиция ва ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор қийматини ўрнига кўямиз. Ишчи бошига ишлаб чиқариш барқарор ҳолати $f(k^*)$, k^* ишчи бошига капиталнинг барқарор ҳолатидир. Бундан ташқари барқарор ҳолатда асосий капитал ўзгармайди инвестиция тенгласини қадрсизланиши dk^* . й ни ўрнига $f(k^*)$ ни ва И ни ўрнига dk^* ни кўйиб ишчи бошига истеъмолни барқарор ҳолатини ёзишимиз мумкин.


$$c^* = f(k^*) - \delta k^*.$$

Бу тенгламага кўра истеъмолнинг барқарор ҳолати эскиришнинг барқарор ҳолатини қоплагандан кейин ишлаб чиқаришнинг барқарор ҳолатида ҳаётнинг қандайлигини ифодалашдир. Бу тенгламада барқарор ҳолат истеъмолининг натижасида барқарор ҳолат капиталини иккита қарши эффекти бор кучайиши

¹²Edmund Phelps, “The Golden Rule of Accumulation: A Fable for Growthmen,” *American Economic Review* 51 (Sentabr 1961): 638–643 b.

учун, бир томондан кўпроқ капитал кўпроқ ишлаб чиқариш демакдир. Бошқа томондан эса кўпроқ капитал ишлаб чиқариш деганнинг маноси капитални қайтадан жойлаб фойдаланиш демакдир.

59-чизмада асосий капитал барқарор ҳолатнинг функциялари сифатида барқарор ҳолат эскириши ва барқарор ҳолат ишлаб чиқариши намоён бўлади. Истеъмолнинг барқарор ҳолати эскириш ва ишлаб чиқариш ўртасидаги фарқдир. Бу расм истеъмолни максималлаштирган даражадаги олтин қоиданинг асосий капитал кўринишидир.



59-чизма. Барқарор ҳолатда эскириш.

Стационар ҳолатни таққослаб эскириш ва ишлаб чиқаришни ҳар иккала натижаси капиталнинг баландроқ даражада бўлишини биз ёдда тутишимиз керак. Агар асосий капитал паст бўлса олтин қоидада ишлаб чиқариш ва асосий капитал эскиришга қараганда кўтарилади, шунинг учун истеъмол ортади. Бу ҳолда ишлаб чиқариш функцияси dk^* га қараганда тикроқ кўтарилган шунинг учун тенг икки у чизиқ орасидаги тафовут қайсики истеъмол тенгламасида k^* кўтарилади. Агар асосий капитал олти қоида даражасидан юқори бўлса асосий капитални кўтарилиши истеъмолни камайтиради чунки ишлаб чиқаришни ортиши эскиришни ортишига қараганда камроқ бўлади. Шу сабабдан ишлаб чиқариш функцияси dk^* линиясига қараганда текисроқ шунинг учун истеъмол билан k^* ўртасидаги нишабалик кучаяди. Капитални олтин қоида даражасида ишлаб чиқариш

функцияси ва dk^* бир хил қиялик мавжуддир ва истеъмол ўзининг энг чўққисида.

Олтин қоида характерловчи оддий ҳолат даражасидир. Ишлаб чиқариш функцияси қиялиги капиталнинг маржинал маҳсулоти МРК. dk^* нинг қиялиги d дир. Чунки k^* тенгламани иккита қиялиги олтин қоида тенгламасини тасвирлайди.

МРК - δ

Капиталнинг олтин қоидаси эскириш даражасида капитал ишлаб чиқаришнинг маржианал маҳсулотидир.

Бошқача бироз кўринишда капитални барқарор ҳажми k^* ва капиталнинг кучайиши k^*+1 бозор сиёсати иқтисодиётда фараз қилади. Асосий капиталга қадар қўшимча ишлаб чиқариш ҳажмини ошиши $f(k^*+1)-f(k^*)$, капиталнинг маржинал маҳсулоти дейилади МРК. Шундай қилиб капитал истеъмоли қўшимча бирлиги таъсири аниқ эскириш ҳажми d да МРК бўлади. Шунинг учун истеъмолда капиталнинг асосий қўшимча даражасини $МРК-d$ деймиз. Агар $МРК-d > 0$ бўлса истеъмолни кучайишини капитал ортишини кўрамиз шунинг учун k^* олтин қоидадан паст бўлади. Агар $МРК-d < 0$ бўлса истеъмолни пасайиши капитални кўтарилишин тамонлайди шунинг учун k^* олтин қоида даражасидан юқори бўлади. Шундай қилиб қуйидаги ҳолат олтин қоидани тасвирлайди.


МРК - $d=0$.

Капитални олтин қоида даражасида капитални маржинал маҳсулотида асосий эскириш $МРК-d$ тенгламаси нол бўлади. Кўриб турганимиздек бозор сиёсати иқтисодиёт учун асосий капитални олтин қоидасини топишни тақазо этади.*

Иқтисодиёт автоматик равишда олтин қоидани барқарор ҳаркатланмаслигини ёдда тутинг. Биз айниқса асосий капитал ҳолатини олтин қоида сифатида хоҳлаганимизда аниқ сақлаш даражасига мухтожмиз ва уни қўллаб қувватлаймиз. 60-чизмада барқарор ҳолатни кўрсатади агар капитал даражасининг олтин қоидаси ишлаб чиқариш жараёнида тежаш даражасини белгилайди. Агар сақлаш даражаси расмда фойдалангандан баландроқ бўлса асосий капитални барқарор ҳолати жуда юқори бўлади.

* Математик эслатма: Олтин қоида ҳолати учун яна бир усулдан ҳисоблашда бир оз фойдаланади. Қайтадан номлаб $s^* = f(k^*) - dk^*$ эсланг. s^* энг юқори даражада k^* топиш учун, фарқини топишда $ds^*/dk^* = f'(k^*) - d$ ва ҳосиласи нолга тенг бўлади. $f'(k^*)$ капиталнинг маргиналмаҳсулоти эканини кайд э тиб, биз матнда Олтин қоида ҳолатига эришамиз.

Barqaror-holatda ishchi boshiga ishlab chiqarish, eskirish va investitsiya



Barqaror holatda ishchi boshiga kapital, k

1. Barqaror holatda Oltin Qoidaga erishish ...

2... Iqtisodiyot to'g'ri tejash darajasiga muhtoj

Tejas darajasi va oltin qoida (" Bu erda SF (k) egri siljitish edi tejash kursi har qanday o'zgarish fegoid- kapitali oltin qoida darajasini ishlab chiqaradi va barqaror davlat iqtisodiyotini harakat qilaman, faqat bir tejash darajasi hisoblanadi iste'moli ancha past bo'lgan darajada.

Агар сақлаш даражаси озироқ бўлса асосий капитал барқарор ҳолати жуда паст бўлади. Бошқа сабаби эса истеъмолнинг барқарор ҳолати олтин қоида барқарор ҳолатига қараганда пастроқ бўлади.

Барқарор ҳолатда олтин қондини топиш: сонли мисол

Иқтисодиёт ўсишининг бозор сиёсати даражасида барқарор ҳолатнинг танлашнинг қарорини муҳокама қилзимиз. Ишлаб чиқариш функцияси бизни олдинроқ кўрган мисолимиз каби бирхилдир.

$$y = \sqrt{k}$$

Ишчи бошига ишлаб чиқариш ҳажми, ишчи бошига капиталнинг квадрат илдизига тенгдир. Ескириш даяна капиталнинг 10 фоизини ташкил этади. Бу вақтда иқтисодиётнинг барқарор ҳолати учун сиёсат ишлаб чуқувчилар сақлаш фоизини танлашади.

Сиёсатнинг натижаларини кўриш учун барқарор ҳолат тенгламасини эсланг:

$$\frac{k^*}{f(k^*)} = \frac{s}{\delta}$$

Бу иқтисодиётда бу тенглама қуйидагига тенг бўлади.

$$\frac{k^*}{\sqrt{k^*}} = \frac{s}{0.1}$$

Бу тенглама иккала тарафини квадратга кўтариб барқарор ҳолат учун асосий капитални топамиз.

$$k^* = 100s^2.$$

Бу натижадан фойдаланиб сақлаш даражасининг ихтиёрий фоизи учун асосий капиталнинг барқарор ҳолатини аниқлаймиз.

3-жадвалдан кўриниб турибдики иқтисодиётни тежаш фоизлари турли хил барқарор ҳолатни кўрсатади. Бунда биз юқори капитал ортишига олиб келишини кўришимиз мумкин ва эскириш ва баландроқ ишлаб чиқариш ҳажми давом этади. Барқарор ҳолат истеъмоли, эскириш ва ишлаб чиқариш ўртасидаги фарқ, дастлабки кучайишлар ёки кўтарилишлар баландроқ даражада тежаш фоизларини талаб қилади пасайишга қараганда. Қачонки тежаш ҳажми 0.5 бўлса истеъмол энг юқори даражада бўлади. Бинобарин сақлаш даражасининг 0.5 фоиз бўлиши барқарор ҳолатни олтин қоидасини ишлаб чиқади.

Барқарор ҳолатни олтин қоидасини аниқлаш учун бошқача йўл билан капитални маржинал асил маҳсулотини (MPK-d)ни нолга тенглаймиз. Бу ишлаб чиқариш учун маржинал маҳсулот қуйидагича бўлади.*

$$MPK = \frac{1}{2\sqrt{k}}.$$

Jadval 3

Oltin qoida Steady davlatini topish: A soni misol

Taxminlar: \sqrt{k} ; $\delta = 0.1$

s	k^*	y^*	δk^*	c^*	MPK	$MPK - \delta$
0.0	0.0	0.0	0.0	0.0	∞	∞
0.1	1.0	1.0	0.1	0.9	0.500	0.400
0.2	4.0	2.0	0.4	1.6	0.250	0.150
0.3	9.0	3.0	0.9	2.1	0.167	0.067
0.4	16.0	4.0	1.6	2.4	0.125	0.025
0.5	25.0	5.0	2.5	2.5	0.100	0.000
0.6	36.0	6.0	3.6	2.4	0.083	-0.017
0.7	49.0	7.0	4.9	2.1	0.071	-0.029
0.8	64.0	8.0	6.4	1.6	0.062	-0.038
0.9	81.0	9.0	8.1	0.9	0.056	-0.044
1.0	100.0	10.0	10.0	0.0	0.050	-0.050

* Математик эслатма: бу формула капиталнинг маржинал маҳсулоти к га нисбатан ишлаб чиқариш функцияси эканлигини унутманг .

Бу формала ёрдамида 3-жадвалнинг МРК қийматларини кўрсатади ва МРК-d турли хил барқарор ҳолатдир. Соф маржинал маҳсулот капитал қиймати нолга тенг. Ўсиш даражасидаги олтин қоида қиймати 0.5 га тенгдир. Маржинал маҳсулотни камайиши туфайли капиталнинг соф маржинал маҳсулот капитали иқтисодиётни сақлаш даражаси унинг қийматига нисбатан камроқ бўлганда каттароқ бўлади ва иқтисодиётда кўпроқ тежаш бўлганда нолга нисбатан ҳам кам бўлади.

Бу рақамни мисол олтин қоида барқарор ҳолатини топишнинг ҳар икки йўлини тасдиқлайди, барқарор ҳолат истеъмоли ва капиталнинг маржинал маҳсулотига қарасак бир хил жавобларни беради. Агар биз бугунги кунда иқтисодиётдаги жорий иқтисодни билмоқчи бўлсак асосий капиталда олтин қоиданинг ёнида, пастида, тепасида қараймиз, иккинчи усул одатада кўпроқ қулай капитални маржинал маҳсулотини фарз қилади. Аксинча иқтисодий баҳолашнинг биринчи усули билан жуда кўп турли стационал ҳолатларини турли хил сақлаш даражасида талаб қилади. Бундай маълумотга эга бўлиш қийиндир.

Аҳолини ўсиши

Иқтисодий ўсишнинг Солоу моделини туб моҳияти ўзидан капитал тўпланишини тушунтира олмайди, иқтисодий ўсишда: вақтинчалик баланд сақлаш даражасини давом этиши юқори ўсишни таъминлайди лекин иқтисодиёт охир оқибатда барқарор ҳолатга яқинлашади қайсики капитал ва ишлаб чиқариш доимий бўлганда. Барқарор иқтисодий ўсишни тушунтириш учун дунёнинг кўпчилик қисмида икки манбани ўз ичига олган иқтисодий ўсишнинг Солоу модели аҳолининг ўсиши ва технологик тарққиётни ўз ичига олади. Бу бўлимда биз моделга аҳолини ўсишини қўшамиз.

Аҳоли ўсиши билан барқарор ҳолат

Қай даражада аҳолини ўсиши барқарор ҳолатга таъсир қилади? Бу саволга жавоб бериш учун биз инвестициялар ва эскириш билан бирга аҳолини ўсиши капитал тўпланишининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган таъсирини муҳокам қилишимиз керак. Инвестициялар биз олдин айтиб ўтганимиздек асосий капитални ошириб эскиришни камайтиради. Аммо ҳозир учинчи куч ишчи бошига капитални миқдорини ўзгаришига таъсир қилади: ишчилар сонининг ўсиши ишчи бошига капитални тушишига сабаб бўлади.

Биз ишчи бошига миқдори ва даражани камлигида давом эткизамиз. Шундай қилиб $k=K/L$ ишчи бошига капиталдир ва $y=Y/L$ аҳоли жон бошига тўғри келадиган ишлаб чиқаришдир. Дарвоқи вақт давомида ишчилар сонини ўсаётганини эсдан чиқармаслигимиз керак.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган капитални ўзгариши

$$\Delta k = i - (\delta + n)k .$$

Бу тенгламада қай даражада инвестиция қадрсизланиш ва аҳолини ўсишига асосий капитални ишчи бошига таъсирини кўрсатади. Инвестицияни ортиши k , эскириш ва аҳолини ўсишини кучайиши k дир. Биз олдинроқ кўрганимиздек аҳолининг доимий даражаси ўзгармас бўлади ($n=0$).

Биз келажакда инвестиция миқдорини тушиши ва асосий капитални ишчи бошига ўзгартирмай сақлаб қолиш кераклиги ҳақида ўйлаймиз. Инвестицияни тўлқинлашиши капиталнинг мавжуд эскиришини ўз ичига олади, тенграмаси dk . Бу шунингдек инвестиция миқдорини кераклигини янги ишчилар капитали билан таъминланганини ўз ичига олади. Шунингдек капитални таъминлаш учун зарур инвестициялар nk ишчи бошига капитал миқдори k янги ишчиларнинг мавжудлиги n дан иборат бўлади. Тенглама қай даражада эскириш мавжудлигини ишчи бошига капитал жамғармаси таъсирида аҳолининг ўсиши камайганлигини кўрсатади. Эскиришни пасайиши k асосий капитални ишлатилганлигида аҳолининг ўсиши тарқалишини камайтириш k ишчилар аҳолининг катта қисмини ташкил этиб асосий капитални оширади.*

Бизнинг аҳолини ўсиш ҳақидаги таҳлилларимиз бугунги кунда кўп жараёнларда давом этмоқда. Дастлаб биз яна i ни ўрнига $sf(k)$ ни оламиз. Кейин бундай тенглама ёзамиз.

$$\Delta k = sf(k) - (\delta + n)k.$$


Ишчи бошига капиталнинг барқарор ҳолатининг кўрсаткичларидан кўришиб турибдики биз фойдаланаётган 61 ва 62-чизмани ўз ичига олган ўсиш натижавийлигини таъминлайди.

Иқтисодиётнинг барқарор ҳолати ишчи бошига капитал k ўзгармас бўлгандир. Аввал кўрганимиздек барқарор ҳолат қиймати kk^* ни ифодалайди. Агар $k < k^*$ га қараганда камроқ бўлса инвестицияни тўлқинланишига қараганда инвестиция юқорироқ бўлади шунинг учун k ўсади. Агар $k > k^*$ га қараганда юқорироқ бўлса инвестицияни тўлқинланишига қараганда инвестиция камроқ бўлади шунинг учун k камаяди.

Барқарор ҳолатда ишчи бошига ҳақиқий капиталда инвестиция натижалари ижобий бўлса аҳоли ўсиши ва эскириш таъсири салбий балансга эга бўлади.

* Математик эслатма: Расман k ўзгариш учун тенграманинг ҳисобини бир оз ўзгартиради. Вақт бирлигида k ўзгариш $dk / dt = d(K / L) / dt$ эканлигини унутманг. Стандарт қоидаларини ҳисоблагандан сўнг биз $dk/dt = (1/L) (dK / dt) - (K/L^2)(dL/dt)$. Энди бу далилларни кейинги тенглама билан бирлаштириб: $dK/dt = I - dK$ and $(dL/dt)/L = n$. Манипуляцияси, бу бир оз кейин матнда тенграмани ишлаб чиқаради.

Ўшанда $k^*, =0$ ва $i^*=dk^*+nk^*$. Барқарор ҳолатда қачонлардир иқтисодиётда инвестицияни иккита мақсади бор. Баъзилари (dk^*) эскирган капитални бошидан жойлаштиради ва қолганлари (nk^*) капитал миқдорининг барқарор ҳолати билан янги ишчиларни таъминлайди.




61-чизма. Солоу моделида аҳолининг ўсиши.

Аҳоли ўсишининг натижалари

Аҳолининг ўсиши иқтисодий ўсишнинг Солоу моделини уч хил услуда ўзгартириш мумкин. Биринчидан, у бизни иқтисодий ўсишни яқинроқ тушунишга олиб келади. Барқарор ҳолатда аҳолининг ўсиши ишчи бошига ишлаб чиқариш ва капитал доимий бўлади. Чунки ишчилар даражасининг ўсиши n балки умумий капитал ва умумий ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам ўсишини тaminлаш керак. Гарчи аҳолининг ўсиши турмуш даражаси фаровонлигини тушунтириб бера олмайди (чунки аҳоли жон бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ўзгармасдир), бу ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида ўсишни таъминлашни тушунишга ёрдам беради.

62-чизма.



Иккинчидан, аҳолининг ўсиши нима учун бази мамлакатлар бой бошқалари камбағаллиги учун бизга бошқа бир тушунишни беради. аҳоли ўсиши ортишини натижаларини муҳокама қилайлик. 62-чизмада кўриниб турибдики n_1 дан n_2 га аҳолининг ўсиш даражаси кучайиши аҳоли жон бошига тўғри келадиган капитални k^*_1 дан k^*_2 даражада барқарор ҳолатни камайтиради. Чунки k^* камроқ бўлади, чунки $y^* = f(k^*)$ аҳоли жон бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳам камаяди. Шунинг учун иқтисодий ўсишнинг Солоу моделида юқори суръатда аҳолиси ўсган мамлакатларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМнинг миқдори камайиши башорат қилинади. Аҳолини ўсиш даражаси ўзгариши тежаш даражасини ўзгаришига ўхшаш, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад натижаси бор аммо аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад даражаси барқарор ҳолатда ўсишга таъсир қилмайди.

Ниҳоят капитал даражасининг олтин қоидаси (истеъмолни максималлаштиришда) кўрсаткич аҳолининг ўсишига таъсир қилади. Бу мезоннинг ўзгаришида аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол қуйидагига тенг.

$$c = y - i.$$

Чунки барқарор ҳолатда ишлаб чиқариш ҳажми $f(k^*)$ ва барқарор ҳолатда инвестиция $(\delta + n)k^*$ бўлади, биз арқарор ҳолатда истеъмол даражасини қуйидагича ифодалаймиз.

$$c^* = f(k^*) - (\delta + n)k^*$$

олдингидек улкан келишувдан фойдаланиб истеъмолнинг максимал даражаси k^* ни ўз ичига оладигандек формула.

$$MPK = \delta - n,$$

ёки мос равишда

$$MPK - \delta = n.$$

Барқарор ҳолатда олтин қоида капиталнинг маржинал маҳсулоти соф эскиришда аҳолининг ўсиш даражасига тенгдир. Бутун дунё бўйлаб аҳолининг ўсиши.

1. Солоу ўсиш модели узок муддатда иқтисодиётнинг жамғариш даражаси кўрсаткичлари сапитал ҳажмининг миқдорини ва ишлаб чиқариш даражасини тасвирлаб беради. Жамғаришнинг юқори даражаси капиталнинг юқори даражаси ва ишлаб чиқариш ҳажмининг юқори бўлишига боғлиқдир.

2. Солоу моделида жамғариш даражасининг кучайиши аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадга таъсир қилади: бу маълум бир вақтда тез ўсиш даври бўлади, аммо охир оқибатда янги барқарор ҳолатга секинлик билан ўсиш орқали эришилади. Шунинг учун юқори осиш даражасининг давом этишига қарамай барқарор ҳолатда ишлаб чиқариш ҳажмининг баланд бўлиши иқтисодий ўсишни жамғарма ятишга сабаб бўла олмайди.

3. Барқарор ҳолатда истеъмолнинг юқори бўлган капитал даражаси “Олтин қоида дажаси” деб аталади. Агар иқтисодиётда барқарор ҳолатда олтин қоидага қараганда кўпроқ капитал бўлса ўшандан кейин жамғариш даражасининг камайиши кейинг вақт давомида истеъмолни оширади. Ва аксинча, агар иқтисодиётда барқарор ҳолатда Олтин Қоидага қараганда капитал камроқ бўлса ўшандан кейин Олтин Қоида даражасига эришиш инвестицияни кучайтиради ва шу тариқа жорий авлод учун истеъмол камроқ бўлади.

4. Солоу модели ҳаёт тарзи стандартларининг узок муддатли кўрсаткичларида аҳолининг ўшини иқтисодий даражасини тасвирлайди. Солоу моделига кўра, аҳоли ўсиш даражасининг юқори бўлиши аҳоли жон бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ва капиталнинг барқарор ҳолатини камроқ бўлишини тақозо этади. Бошқа назариялар аҳоли ўсишининг бошқа натижаларига алоҳида эътибор беради. Малтус аҳоли ўсишини озик-овқат ишлаб чиқариш учун зарур бўлган табиий ресурсларга танқис бўлишини таклиф қилган; Кремер кўп аҳолини технологик тараққиёт жараёнини кучайтиришини таъкидлайди.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Иқтисодий ўсиш тушунчаси.
2. Иқтисодий ўсиш суръатлари қандай аниқланади?
3. Иқтисодий ўсишнинг салбий оқибатлари нимада?
4. Иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омилларга мисол келтиринг.

Асосий адабиётлар

1. Edmund Phelps, “The Golden Rule of Accumulation: A Fable for Growthmen,” *American Economic Review* 51 (Sentabr 1961): 638–643 b.
2. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. М.: ДИС. 1997.
3. Жеффри Д., Сакс Д. и др. Макроэкономика. Глобальнўй подход. М.: 1996.
4. Гальпирин В.И., Игратов С.М., Моргунов В.И. Макроэкономика. Том-1. С.Петербург: 1994.
5. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиктисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ – 2000.
6. Линвут Т. Гайгер А. Макроэкономика теория и переходная экономика. М.: 1996.
7. Менкью Н.Г. Макроэкономика. М.: МГУ. 1994.

13-мавзу. Иқтисодий ўсишнинг неоклассик модели

Режа:

1. Солоу моделининг технологик жараёнлари.
2. Ўсиш назариясидан ўсиш тараққиётига ўтиш.
3. Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш сиёсати.
4. Солоу моделидан ташқари эндоген ўсиш назарияси.

1. Солоу моделининг технологик жараёнлари

Ҳозирча Солоу модели бизнинг тадқиқотда *capital* ва меҳнат усули ҳамда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзгармаган муносабатларни ўз ичига олди. Бироқ модел экзоген технологик жараёнларни яъни вақт давомида жамиятнинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириб ўсишини ўз ичига олади.¹³

Меҳнат самарадорлиги. Технологик жараёнларни таркибига кириш учун биз ишлаб чиқариш функциясига қайтишимиз керак K -жами *capital* ва L -умумий меҳнат Y -умумий ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ. Шундай қилиб ишлаб чиқариш функцияси

$$Y=F(K, L).$$

Биз энди ишлаб чиқариш функцияси сифатида

$$Y=F(K, LxE)$$

ёзамиз, E -янги (ва биро z мавҳум) ўзгарувчан *меҳнат самарадорлиги* деб аталади. Меҳнат самарадорлиги ишлаб чиқариш ҳақидаги жамиятнинг билим акс э ттириш учун мўлжалланган усуллари: мавжуд технологияларни яхшилайти, меҳнат самарадорлигини оширади ва ҳар бир иш соати давомида товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун кўпроқ ҳисса кўшади. Масалан, меҳнат самарадорлиги кўтарилди қачонки XX аср бошларида ишлаб чиқариш ҳажми ошганда ва яна меҳнат самарадорлиги ошди қачонки XX аср охирларида компьютерлаштириш жорий э тилган пайтда. Меҳнат самарадорлиги ҳам кўтарилади қачонки соғлиқни сақлаш, таълим ва ишчи кучи кўникмалари яхшиланганда.

LxE ишчиларнинг самарали сонини ўлчаш деб талқин этилиши мумкин. Бу ҳисобга долзарб ходимлар сонини L ва ҳар бир ишчини самарадорлиги E . Бошқа сўз билан айтганда L ишчи кучида ишчилар сонини ўлчгани, мадомики LxE ҳар иккаласи ишга келадиган ва ишлайдиган ишчилар ва технологияларни ўчашдир. Ишлаб чиқаришни бу янги тури умумий ишлаб чиқариш ҳажми Y киритилган сапитал K ва ишчилар самарадорлиги LxE га боғлиқдир.

¹³ N. Gregory Mankiw. Macroeconomics (7th edition). USA, 2009, p 221

Технологик тараққиёт моделига ёндашувнинг моҳияти ишчи кучи L ни кучайтиришга ўхшаб меҳнат самарадорлиги E ни ҳам кучайтириш демакдир. Фараз қилайлик масалан ишлаб чиқариш усуллари олдиндан 1980 ва 2010 йиллар оралиғида меҳнат самарадорлиги E икки марта ошди. Бу шуни англатадики 2010 йида битта ишчи 1980 йида икки ишчини ўрнини босади. Ҳаттоки ҳақиқий ишчилар сони L 1980 йилдан 2010 йилгача ўзгармас бўлиб қолган, ишчилар самарадорлиги сони (LxE) икки марта ошган ва товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши кучайишидан иқтисодий фойда кўради.

Технологик тараққиёт ҳақида энг осон тахмин бази бир ўзгармас фоиз g ни ўсиши меҳнат самарадорлиги e га сабаб бўлади. Мисол учун, агар $g=0,02$ бўлса меҳнат бирлиги ҳар йили 2 фоиздан кўроқ самарадорликка эга бўлади. Ишлаб чиқариш ҳажми худди ишчи кучи 2 фоизга ортгани каби ҳақиқий ҳолатидан ортади. Бу шакл технологик тараққиётнинг меҳнатни мустаҳкамлаши деб аталади ва g технологик жараёнда меҳнатни мустаҳкамлаш тезлиги деб аталади. Чунки ишчи кучи L тезликда ўсаяпти ва меҳнат бирлигининг ҳар бир самарадорлиги E ўсиш тезлиги g ишчиларнинг самарадорлиги сони LxE $n+g$ да ортиб бормокда.

Технологик тараққиёт билан барқарор ҳолат


Технологик тараққиёт аҳолини ўсишига мос ҳолда меҳнатни кенгайтиришни тақозо э тади. Технологик тараққиёт ишчилар сонини ошишига эмас балки ишчи кучининг самарадорлиги ошишига сабаб бўлади. Шундай қилиб, олоу моделини ўрганиш бу аҳоли ўсиб бориши билан иш жараёнини ошириш демакдир.

Бизнинг намоишни қайтадан кўриб чиқишни бошлаймиз. Илгари технологик тараққиёт йўқ пайтида биз ходимнинг қиймат миқдорига қараб иқтисодий ўсиш даражасини аниқлар эдик энди эса биз иқтисодий нуқтаи назаридан ишчи кучи самарадорлигига қараб ёндашамиз. Энди биз $k=K/(LxE)$ ҳар бир ишчи кучи даражаси ва $y=Y/(LxE)$ ҳар бир ишчи учун ишлаб чиқариш даражасини қарайлик. Бу тарифдан биз $y=f(k)$ ни ёзишимиз мумкин.

Бизнинг бу иқтисодий процесларимизнинг таҳлили қачонки аҳоли сони n ўсганда бажарилади. Тенглама k нинг вақт давомидаги эволюциясини кўрсатади.

$$*k=sf(k)-(d+n+g)k.$$

Аввалгидек сапитал қўйилмалар ўзгариши $*k$ минус $sf(k)$ ҳатто инвестиция $(d + f + g) k$. беэиён инвестиция уч терминни ўз ичига олади: k доимий сақлаб қолиш учун технологик тараққиёт томонидан янги самарали ходимлар учун капитални таяинлаш демакдир.*



63-чизма. Капитал захираларни ўзгартирмайдиган инвестиция даражаси.

Технологик тараққиёт таъсири

63-чизмадан кўриниб турибдики, асосий технологик ўзгарувчилар билан давлат ўзини барқарор ўсишини кўрсатади. Ишчини самарали капитали k ўзгармасдир. Чунки $y=f(k)$ ишчи бошига ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўзгарамасдир. Бунда самарали ишчи кучи мавжуд бўлганда барқарор ҳолат мавжуд бўлади. Бу маълумотларга асосланиб ҳар бир ишчи бошига алоҳида бир ўзгарувчи бор деб хулоса қилишимиз мумкин. Масалан, умумий ишчи учун ишлаб чиқариш ҳажмини таҳлил қилганимизда $Y/L=y \times E$ бўлади. Чунки y барқарор ҳолатни тақозо этади ва E ўсиш даражасидир. Худди шундай умумий иқтисодиёт $Y=y \times (E \times L)$ да доимий барқарорлик ҳисобланади. E ўсаяпти L ҳам ўсаяпти умумий ишлаб чиқариш ҳажми $n+g$ барқарор ҳолат давомийлигидир. Техник тараққиёт кўшилиши билан бизнинг модел ниҳоят тушунтирилиши мумкин. Турмуш даражасига риоя қилиниши барқарорлик юксалишидир. Бу бизга технологик тараққиёт даврида ишчи бошига ишлаб чиқариш барқарор ўсишига олиб келишини кўрсатади, аксинча юқори жамғарма барқарор эришилган ҳолатда юқори ўсиш суръатларига олиб келади. Иқтисодиёти барқарор ривожланган ҳолатда умумий ишлаб чиқариш ҳажми киши бошига фақатгина технологик жараёнлар таъсири остида боғлиқ бўлади.

* Математик эслатма: Бу модел технологик тараққиёт билан катъий умумлаштиришни ифодалайди. Хусусан, агар меҳнат самарадорлиги $E = 1$ да доимий бўлса, y ҳолда $g = 0$, ва k ва y нинг аниқлиги бизнинг олдинги таърифларимизни камайтиради. Бу ҳолда, Солоу моделининг турлари умуман олганда соддалаштириб муҳокама қилинади.

Солоу моделига кўра фақатгина технологик тараққиёт бирдай ўсишини тушунтириш ва имкон қадар турмуш даражасини оширишдан иборатдир.

Jadval 4

Texnologik taraqqiyyot bilan Solou modelida barqaror o'sish suratlari.

O'zgaruvchi	Ramz	Barqaror o'sish surati
Samarali ishchi boshiga kapital	$k = K/(E \times L)$	0
Samarali xodimning ishlab chiqarish hajmi	$y = Y/(E \times L) = f(k)$	0
Ishchi boshiga ishlab chiqarish hajmi	$Y/L = y \times E$	g
Umumiy ishlab chiqarish hajmi	$Y = y \times (E \times L)$	$n + g$

Технологик тараққиётни жорий этиш олтин қоидаси. Ҳозирги вақтда капиталнинг олтин қоидаси барқарор ҳолат даражасида белгиланган ишчи бошига самарали истеъмол ва юқори даражали ривожланишдан иборат. Бу далилларни қўйидаги илгари ишлатилган сигналларни қабул қилишни самарали ишчи истеъмоли деб кўрсатишимиз мумкин.

$$c^* = f(k^*) - (b + n + g)k^* .$$

Агар барқарор истеъмол энг юқори бўлса

$$MPK = b + n + g,$$

ёки

$$MPK - b = n + g.$$

Яъни капиталнинг олтин қоидаси даражасида бўлиб умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш даражаси $n+g$ га тенгдир. Ҳақиқий иқтисодий тажрибалар ҳар иккаласини технологик тараққиётни ва аҳолини ўсишини тақазо этиб биз унда капитал кўпроқ ёки озроқ бор йўқлигини баҳолашимиз лозим улар барқарор ҳолатнинг олтин қоидаси бўлади.

2. Ўсиш назариясидан ўсиш тараққиётига ўтиш

Ҳозирча ушбу бобда биз Солоу моделини барқарор ҳаёт даражасини тушунтириб беришни ўз ичига олган технологик жараённи эгзоген жараёнлари билан таништирамиз. Келинг энди бу назарияни фактларга қарши бўлганлигини муҳокама қилайлик.

Мувозанатли ўсиш

Солоу моделига кўра технологик ривожланиш кўп ўзгарувчилар ўсишига сабаб бўлади. Ишчи бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми Y/L ва сапитал миқдори K/L ни муҳокама қилайлик. Солоу моделига асосан барқарор ҳолатда ҳар иккала ўзгарувчи учун технологик тараққиёт тезлиги g ўсмоқда. Ўтган ярим аср мобайнида АҚШда ишчи бошига тўғри келадиган ишлаб чиқариш ҳажми ва сапитал миқдори тахминан бир хил фоизда қарийиб 2 фоиздан ошган. Бошқача сўзлар билан айтганда ишлаб чиқариш капиталининг интенсивлиги вақт давомида тахминан бир хил бўлиб қолади.

Технологик тараққиётга ҳам нарх омиллари таъсир қилади. Реал капитал ижара нархи шу билан бирга доимий бўлган вақт. Ўтган 50 йил давомида реал иш ҳақи миқдори тахминан 2 фоизга ўсди; бунда ишчи бошига реал ЯИМ бир хил фоизда ошди. Шу билан бирга капиталнинг ижара нархи (ҳақиқий сапитал даромади) деярли бир хил бўлиб қолади.

Солоу моделининг башорати ва бу башоратнинг муваффақияти капиталистик иқтисодиётни ривожлантиришнинг Карл Маркс назарияси билан таққосланганлиги айниқса диққатга сазовордир. Маркс капитални вақт давомида қайтиб келишини иқтисодий ва сиёсий инқирозга сабаб бўлишини башорат қилади. Маркснинг башоратини иқтисодий тарихи қўллаб қувватланмаган, ҳозир Марксникига қараганда Солоу ўсиш назариясини ўрганишимиз тушинтирилади.

Бирлашиш

Агар бутун дунё бўйлаб саёҳатда бўлсангиз турмуш даражаларини катта ўзгаришларини кўрасиз. Дунёнинг қашшоқ мамлакатларида киши бошига тўғри келадиган ўртача даромад дунёнинг бош давлатларидагини ўндан бир қисмини ташкил этади. Даромаддаги бу фарқлар аҳоли турмуш даражасига тўғри келадиган телефон, телвизор ва умр коэффицентига ҳам таъсир қилади.

Кўп илмий тадқиқот изланишлари иқтисодиётларни узоқ вақт давомида бир бири билан муҳокама қилишига сабаб бўляпти. Хусусан, қашшоқлар иқтисодиёти бойларникига қараганда тезроқ ўсадими? Албатта қашшоқ давлатлар ҳаракат қилса дунёнинг бой иқтисодиётини қўлга киритади. Бу яқинликка эришиш дейилади. Агар яқинлик бўлмайдиган бўлса қашшоқ мамлакатлар ўз ҳолича қолиши мумкин.

Солоу модели бирлашиш ва аниқлик ҳақида аниқ башорат беради. Моделга кўра давлатларимиз иқтисодиётига боғлиқ бирлашиш ҳам бўлади. Бир томондан икки давлат тарихан турли хил капитал захираларига эга, аммо улар барқарор ҳолатга эришиш учун уларнинг жамғарма фоизи, аҳолисининг

ўсиши ва меҳнат самарадорлиги бир хилда бўлиши керак. Бу ҳолда биз икки иқтисодиётни қарасак кам капитали билан камбағал давлат тез суратда ўсиб барқарор ҳолатга эришиши табиий. (бунга Германия ва Японияни иккинчи жаҳон уришидан кейин тез суратларда ўсганини айтиш мумкин). Бошқа томондан икки давлатнинг ҳар хил жамғарма фоизлари бўлганда уларни бирлашиш ёки яқинлиги кутилмайди. Бунинг ўрнига ҳар бир иқтисодиёт ўзи барқарор ҳолатга эришади.

Бу таҳлил билан изчил тажриба: ўхшаш иқтисодиётларнинг ўқув, маданият ва сиёсатда тахминан йилига 2 фоизни ташкил қилса бирлаша олади. Иқтисодиёти қарийиб ҳар йили 2 фоизга ўсиши бу бой ва камбағал давлат ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

Халқаро маълумотларда янада мураккаб кўриниш. Қачонки тадқиқотчилар киши бошига тўғри келадиган даромадни ўрганиб чиқишса, улар яқинлик оқибатида қашшоқ давлатлар ўртача ҳисобда бой давлатлардан тез ўсолмаслигини аниқлашди. Бу аниқликлар турли мамлакатларда турлича турлича барқарор ҳолатни тақдим этишни такидлайди. Агар статистис усуллар барқарор ҳолат ўзгарувчиларини назорат қилиш учун фойдаланилса, бундай жамғарма фоизи аҳолини ўсиш сурати, инсон капитали йилига тахминан 2 фоиз бўлиши керак. Бошқа сўзлар билан айтганга шартли яқинликлар бор: бунда ўз навбатида уларнинг шахсий барқарор ҳолатида ўзгарувчиларни тежаш, аҳолини ўсиши ва инсон капиталини таъминлашидир.¹⁴

Ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омил

Бухгалтерия ҳисобига кўра киши бошига тўри келадиган даромадни халқаро фарқлари мавжуд бўлиб, бунда ишлаб чиқариш омилларида ҳам фарқлар мавжуд бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш факторларидан иқтисодиётда фойдаланиш жисмоний ва инсон капитали ёки самарадорлигидаги фарқлар дейиши мумкин. Бунда қашшоқ бир мамлакатнинг ишчиси камбағал бўлиши мумкин чунки бунда етарлича кўникма ва қобилиятларга эга бўлмаган ва кўникмалардан яхши фойдалана олмайди. Бу масалани баён қилиш учун Солоу модели камбағал ва бой ўртасида катта фарқ йўқлигини тушунтириб (жамғарма капитали шу жумладан инсон капитали) ёки ишлаб чиқариш ўртасидаги фарқларни тушунтиради.

Кўп тадқиқотлар қилинганидек бу даромаднинг ҳар иккала тури нисбий аҳамиятини баҳолашга ҳаракат қилинган. Аниқ жавобда ўқишга ўрганиш ўзгаради, лекин тўпланиш омили ва ишлаб чиқариш самарадорлиги пайдо

¹⁴Robert Barro and Xavier Sala-i-Martin, "Convergence Across States and Regions," *Brookings Papers on Economic Activity* 1 (1991): 107–182; and N. Gregory Mankiw, David Romer, and David N. Weil, "A Contribution to the Empirics of Economic Growth," *Quarterly Journal of Economics* (May 1992): 407–437.

бўлади. Бундан ташқари самарадорлиги юқори бўлган мамлакатларда жисмоний ва инсон капитали одатда самарали омиллардан фойдаланади деб умумий хулоса қилишимиз мумкин.¹⁵

Буни ижобий талқин қилишни бир неча йўллари бор. Фараз қилайлик жамғарилган маблағлардан рағбатлантириш учун фойдаланиб самарали иқтисодиётга эришиш мумкин. Инсон яхши фаоляти мобайнида иқтисодиётда инсон капитали жамғармалари рағбатлантиришга эга бўлиши мумкин. Яна бир тахмин бу капитал катта жамғарма самарадорлигига сабаб бўлиши мумкин. Агар ижобий ҳолатлар мавжуд бўлса ишлаб чиқариш функциялари яхшироқ бўлиши керак, шундан кейин мамлакатлар маблағларини тежаб қолади ва инвеститсия қилади (агар бу изланишларда яхши ишлаб чиқариш вазифалари бор бўлса). Шундай қилиб, катта ишлаб чиқариш самарадорлиги катта жамғарма бўлишига ёки бошқа натижа бўлсигига олиб келади. Охириги хулоса ўрнида ҳар иккала ишлаб чиқариш ва жамғариш самарадорлиги учинчи ўзгарувчи томонидан бошқарилади. Балки учинчи ўзгарувчи ҳукуматнинг сиёсатини ўз ичига олувчи жараён бўлиб мамлакатнинг муассасалари сифат даражаси ҳисобланади. Бир иқтисодчи бутун бир мамлакатни вақт давомида бошқаради. Ёмон сиёсат худди юқори инфлатсия сингари ҳаддан ташқари бюджет камомадига сабаб бўлиб кенг тарқалган бозор аралашшига ва кенг тарқалган коррупцияни қўлдан қўлга ўтишига сабаб бўлади.

3. Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш сиёсати

Ҳозирча биз назарий муносабатларни юзага чиқариш учун Солоу моделидан фойдаланган бўлсак иқтисодий ўсишни турли манбалар орасида ва реал жаҳон тажрибасида биз муҳокама қиламиз. Энди биз назария ва иқтисодий сиёсатнинг даллиларидан фойдаланишимиз мумкин.

Баҳолашни тежаш даражаси

Солоу ўсиш моделига кўра қанча маблағ тежаш ва инвеститсия қилиш йўли билан фуқороларнинг турмуш даражасини яхшилаш мумкин. Ишлаб чиқариш ҳажми ва капитал даражаси тежашнинг барқарор ҳолатини белгилайди. Ишлаб чиқариш даражасини тежашнинг барқарор ҳолат учун олтин қоидаси ишчи бошига истеъмолни энг юқори бўлиши иқтисодий фаровонликни кўрсатади.

Олтин қоида бизни АҚШ иқтисодиёти билан солиштиришимизга мезон бўлади. Биз куйида барқарор ҳолатни олтин қоида сифатида АҚШ иқтисодиётида капитал маҳсулот ва эскирган даражаси умумий ишлаб

¹⁵Robert E. Hall and Charles I. Jones, "Why Do Some Countries Produce So Much More Output per Worker Than Others?" *Quarterly Journal of Economics* 114 (February 1999): 83–116; and Peter J. Klenow and Andres Rodriguez-Clare, "The Neoclassical Revival in Growth Economics: Has It Gone Too Far?" *NBER Macroeconomics Annual* (1997): 73–103.

чиқариш ҳажми ($n+g$) билан капитални эскириши $MPK-d$ билан солиштирамиз. Барқарор ҳолатнинг олтин қоидаси $MPK-d = n+g$. Агар иқтисодиёт барқарор ҳолатнинг олтин қоидасига қараганда озроқ капитал билан амалга оширилганда маржинал маҳсулот бизга $MPK-d < n+g$. Шу сабабли тежаш даражасини кучайтириш капитални тўпланиши ва иқтисодий ўсишни ошириб юқори истеъмол билан барқарор ҳолатга олиб келади (гарчи чиқим барқарор ҳолатга ўтишда кам бўлсада). Бошқа томондан иқтисодиётда барқарор ҳолатнинг олтин қоидасига қараганда капитал кўпроқ бўлса $MPK-d > n+g$ бўлади. Бу ҳолда капитал жамғариш ортикча ҳисобланади: тежаш даражасини ошириш: дарҳол узок муддатга истеъмолни ошишга сабаб бўлади.

Реал иқтисодиёт учун бу таққослашимиз Америка иқтисодиётига ўхшаш ишлаб чиқариш даражасининг ўсиши ($n+g$) ва капиталнинг маржинал маҳсулоти ($MPK-d$)да биз баҳолашга муҳтожмиз. АҚШда ўртача ҳисобда ҳақиқий ЯИМнинг ўсиши йиллик 3 фоизни ташкил этади шунинг учун $n+g=0.03$ бўлади. Биз қуйидаги учта фактлардан ҳақиқий маржинал маҳсулотни баҳолашимиз мумкин.

1. Устав капитали бир йиллик ЯИМнинг 2.5 баробарини ташкил этади.
2. Капиталнинг эскириши ЯИМнинг қарийиб 10 фоизини ташкил этади.
3. Капитал даромади ЯИМнинг қарийиб 30 фоизини ташкил этади.

Бизнинг моделни намойиши ҳар бир сармоя бирлиги учун

1. $k = 2.5$ у.
2. $dk = 0.1$ у.
3. $MPK \times k = 0.3$ у.

Биз биринчи тенгламани иккинчи тенгламага амортизация курси d га бўлиб муоммони ечимини топамиз.

$$dk/(0.1y)/(2.5y) \quad d = 0.04.$$

Биз биринчи тенгламани учинчи тенгламага бўлиб капиталнинг маржинал маҳсулоти учун ечимни топамиз.

$$(MPK \times k)/k = (0.3y)/(2.5y) \quad MPK = 0.12$$

Шундай қилиб капиталнинг қадрсизланиш даражаси йилига 4 фоизни ташкил қилади ва капиталнинг маржинал маҳсулоти қарийиб 12 фоизни ташкил этади. Капиталнинг соф маржинал маҳсулоти $MPK-d$ қарийиб йилига 8 фоизни ташкил этади.

Энди биз капиталга қайтишни кўришимиз мумкин ($MPK-d$ 8 фоиз йилига) иқтисодиётнинг ўртача даража кўрсатгичи ($n+g=3$ фоиз йилига бўлади). Аслида қуйида олтин қоида АҚШ иқтисодиёти кўрсатгичлари учун яхши бўлганлигини бизнинг таҳлилларимиз ҳам кўрсатиб турибди. Бошқача сўз билан айтганда агар АҚШ штатлари ўзининг даромадини каттароқ

қисмини тежаб инвистетсия қилиб қолганда эди, охир оқибатда кўпроқ истеъмол билан барқарор ҳолатга эришган бўлар эди.

Бу хулоса АҚШ иқтисодиётига мос эмас. Шунга ўхшаш ҳисоблашлар бошқа иқтисодиётларда қўлланилганда бошқа натижаларга эришган бўларди. Олтин қоида даражасида капитални жамғариш ва уни тежаш имконият даражаси бир масала сифатида қизиқарли, лекин ҳақиқий иқтисодиётда содир бўлмайди. Амалда иқтисодчилар талабга жавоб бермайдиган тежаш деб кўпинча таъкидлашган. Ҳисоб китобларни бундай усули ақл бобида муаммо бўлишига олиб келади.¹⁶

Тежаш даражасини ўзгариши

Юқоридаги ҳисоблар АҚШ иқтисодиётидан барқарор ҳолат олтин қоидасига кўчган бўлиб сиёсатчилар миллий жамғармаларини кучайтириш кераклигини таъкидлайди. Аммо қандай қилиб? Оддий бухгалтериянинг бир масаласи сифатида катта миллий тежашни юқори хусусий жамғарма ёки жамоа тежаши деб тушунишимиз мумкин. Бу икки бирикма баҳслар давомида қайси бири самарали бўлиши мумкинлиги ихтиёрийдир.

Ҳукумат учун миллий тежашни натижасида тўғридан тўғри йўл умумий тежаши орқали ҳукумат қабул қиладиган солиқ даромадлари ва сарфлайдиганларидан ошмаслиги керак. Агар сарф харажатлари кўпайиб кетса бюджет тақчиллиги вужудга келади. Қайсики умумий жамғармалар салбий оқибатларга олиб борганда, кўриб турганимиздек бюджет камомади фоиз ставкаларини кўтарилишига сабаб бўлиб инвестицияларни оширади капитални камайишига олиб келиб давлат қарзининг бир қисми келажак авлодга қарз бўлиб ҳисобланади. Аксинча, агар камроқ сарф-харажат бўлса бюджет профецити бўлиб қарз ва сармоявий имтиёзларга ҳожат қолмайди. Ҳукумат шунингдек хусусий тежамкорликни миллий тежашга уй ва фирмалар орқали оширади. Хусусан, қанчалаб одамлар рағбатлантириш ва турли давлат сиёсати билан боғлиқ бўлган рағбатлантиришни таъкидлайди. Кўпчилик иқтисодчилар юқори солиқ ставкалари корпоратив даромад солиғи федерал давлат даражасига шу жумладан капитал, мулк солиғи, шунингдек кўплаб давлатларнинг даромад солиғи ва кўчмас мулкни тежашни, инвесторларни пули эвазига ставкаларни таъминлашни таъкидлайди. Бошқа томондан солиқдан озод қилиниш хусусий тежашни рағбатлантиришга мўлжалланган ва даромад имтиёзли ҳолатини беришни сақлайди. Баъзи иқтисодчилар имтиёзлар тоқини ўзгартириш орқали жамғармаларни кўпайтириш учун даромад солиғини ўз ичига олган солиқ тизимини назарга

¹⁶Бу мавзу бўйича кўпроқ мавзу ва баъзи халқаро даллирлар учун, қаранг: Andrew B. Abel, N. Gregory Mankiw, Lawrence H. Summers, and Richard J. Zeckhauser, "Assessing Dynamic Efficiency: Theory and Evidence," *Review of Economic Studies* 56 (1989): 1–19.

тутишади.

Давлат сиёсатида шахсий жамғарма устидан турли фикрлар келиб чиқган мисол учун: дейлик ҳукумат солиқдан озод қилиб пенсия миқдорини кучайтирган. Одамлар кўпроқ тежаш билан бу рағбатга жавоб берадми? Ёки унинг ўрнига одамлар оддийгина бошқа шакилларда шахсий жамғарма учун солиқ тушумлари ва шу тариқа жамоат тежашини пасайишига жавобгарми? Бу саволларнинг жавоби техник иқтисодий сиёсатга боғлиқ, афсуски бу масала бўйича катта тадқиқотларга қарамай.

Иқтисодиётнинг инвестиция ажратиши

Солоу модели капитални фақатгина битта тури бор деб осонгина тахмин қилади, хусусан дунёда жуда кўп турлари мавжуддир. Хусусий саноат капитални анъанавий турини булдозерлар ва пўлат ишлаб чиқарувчилар шунингдек капитални янги турлари компьютерлар ва робитларни инвестиция қилади. Ҳукумат ҳам капитални жамоага оид турларини булар инфраструктура деб аталиб йўллар, кўприклар ва канализация тизимига сармоя қилади. Бундан ташқари инсон капитали деб номланувчи билим ва кўникмалар ҳам бор.

Вояга етганларни иш билан таъминлаш мақсадида эрта болалик кунларидан ишчи кучи учун иш ўринлари яратилади. Гарчи Солоу моделида капитални турли турлари мавжуд бўлсада фақат жисмоний капитални бир неча ўринларда инсон капитали ҳам талқин этилади. Жисмоний капитал каби инсон капитали ҳам товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш қобилиятини оширади. Инсон капиталини кучайтириш ўқитувчиларни, кутубхоначиларни ва студентлар шаклида инвестицияларни таклиф қилади. Сўнги тадқиқотлар иқтисодий ўсиш соҳасида яшаш стандартларидаги халқаро фарқларни тушунтириб инсон капиталини жисмоний капитал каби муҳимлигини таъкидлайди. Бу хусусда моделлашнинг бир йўли капиталнинг тури деб инсон ва жисмоний капитални ўз ичига олади деб тарғиб қилинади.¹⁷

Сиёсатчилар иқтисодий ўсишни рағбатлантириш учун иқтисодиётда қандай турдаги капиталлар кераклиги тўғрисида савол билан мурожаат қилиши керак. Бошқа сўз билан айтганда қандай турдаги капиталлар энг юқори маржинал маҳсулотларни беради?

Эътиборга моликки, сиёсатчилар инвестицияларни жамғариб бозорда бир ҳовуз ажратишлари лозим. Капиталнинг энг юқори маржинал маҳсулоти ушбу тармоқлар ҳисобланиб энг янги молиялаштиришда бозор

¹⁷ Бобимизнинг бошларида, К ни фақат физик капитал сифатида қараганимизда, инсон капитали самарали меҳнат параметри Е нинг ичига кириб кетган эди. Бу ерда таклиф этилган муқобил ҳолат шуки инсон капиталини К нинг бир қисми сифатида қараш. Шундай экан Е технологияни ифода этади инсон капиталини эмас. Агар К кенгрок тушунчани берса, унда биз меҳнат даромади деб атайдиган нарса инсон капиталига келиб қолади. Натижада, хақиқий сапитал улуши ананавий Собб-Дуглас кийматидан тахминан 1/3 га каттарок бўлади. Кўпроқ маълумот учун, қаранг N. Gregory Mankiw, David Romer, and David N. Weil, "A Contribution to the Empirics of Economic Growth," *Quarterly Journal of Economics* (May 1992): 407–437.

фоиз ставкалари таъсир қилади. Кўпчилик иқтисодчилар ҳукумат капиталини турли хил турлари ҳақида “даражали ўйин майдони” яратиш керак мисол учун; капиталнинг барча турлари учун тенг солиқ тизимини жорий этишдир. Ҳукумат самарали капитал ажратиш учун бозорга таяниб иш юритиши керак.

Бошқа иқтисодчилар ҳукуматни капиталнинг муайян шаклини тарғиб қилиш лозимлигини маслаҳат беришади. Ўйлаб кўринг, мисол учун; технологик жараён фаоляти иқтисодий фаолятнинг бир томон маҳсулоти сифатида келади, агар янги ва ишлаб чиқариш жараёнлари капитал қурилиши (ўрганиш деб номланган ҳодиса), бўлса бу бўлиши мумкин. Бундай қиёфа (ёки билим ёйилиб) технологик деб номланган қўшимча маҳсулотдир. Ташқи омиллар мавжуд бўлганда Солоу модели капитални ижтимоий қайтишини, хусусий фойда имтиёзларини, капитални ижтимоий ошишини таклиф қилади¹⁸. Бундан ташқари жамғарма капиталнинг айрим турлари ташқи омиллар олиб келиши мумкин, мисол учун; янги пўлат заводининг қурилиши учун ҳукумат инвестицияларини рағбатлантириш ва давлат солиқларидан фойдаланиб, унга ташқи омил сифатида таъсир қилади. Бундай саноатнинг муваффақиятли сиёсати баъзан ўлчаш имкониятига эга бўлиш учун ҳукуматни хўжалик фаолятида турли ташқи омилларда аниқ таъриф бериши таъкидлаб ўтилади. Кўпчилик иқтисодчилар иккита сабабга кўра саноат сиёсатига ишонишмайди. Биринчидан, турли соҳаларда ташқи омилларда аниқлаш деярли бўлмаган сиёсат бўлса, ёмон ўлчов асосида тасодифан ўшанга яқин бўлса умуман бундан ёмонроқ сиёсат бўлмайди. Иккинчидан, сиёсий жараён мукамал бўлмаса қачонлардир ҳукумат субсидиялари билан мукофотлаш саноатнинг бизнесини ўз ичига олади ва ташқи омиллар таъсирида солиқ имтиёзлари мукофотлари ҳар иккиси ҳам сиёсий таъсир остида бўлиши эҳтимолдан йироқдир.

Ҳукуматни ўз ичига оладиган капиталнинг битта тури мавжуддир бу ҳам бўлса ижтимоий капитал ҳисобланади. Маҳаллий, давлат ва федерал ҳукуматлар ҳар доим янги йўллар, кўприklar, транзит тизимларини молийлаштириши керак бўлса қарз олишлари лозимдир. 2009-йилда биринчи иқтисодий таклифни президентлардан бири Барак Обама харажатларни ошириш инфратузулмасини таклиф қилган эди. Бу сиёсат қисқа муддатли ошириш мақсади жами талаб ва қисман таъминлаш учун ижтимоий капитал ва узоқ муддатли иқтисодий ўсишни яхшилашдир. Иқтисодчилар орасида бу сиёсат ҳам ҳимоячилар ҳам танқидчилар эди. Бироқ уларнинг ҳаммаси давлат капитални маржинал маҳсулотни ўлчашни қийин деб қабул қилишди. Хусусий капитал осонлик билан ҳосил қилинса компаниянинг ўз капитални эвазига

¹⁸ Paul Romer, “Crazy Explanations for the Productivity Slowdown,” *NBER Macroeconomics Annual* 2 (1987): 163–201.

ижтимоий капитал фойдалари кам бўлади. Бундан ташқари хусусий капитал эса инвестициялар сарф қилиш билан инвесторлар ўз пул маблағини тақсимлаш, ижтимоий капитал учун ресурслар ва сиёсий жараён ва солиқ тўловчини мослаштирувчи таклифдир. Бу жуда кенг тарқалган, чунки **“хеч қаерда кўприклар йўқ”**, қилинган кўприкни кўриш учун маҳаллий сенатор ва конгрессмен тасдиқлаган пул олиш учун сиёсий мушак мавжуд.

Тўғри институтларни шакллантирилиши

Юқорида айтганимиздек иқтисодчилар халқаро фарқларни ўрганадиган инсон капитали ва жисмоний капиталга сармоя киритиш усулидан фойдаланишни ўрганишган эди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги турли даражаларда бўлиши мумкин бўлган турли мамлакатлар учун турли сабаб ва ҳақиқатларни аниқлаш мумкиндир. Яратилган тўғри институтларни уларни яхши бўлишлари учун ресурслар билан таминлаш ва муассасалардан оптимал фойдаланиш муҳимдир.

Халқнинг ҳуқуқий анъаналари бундай муассасалар намунасидир. Бундай мамлакатлар, Америка Қўшма Штатлари, Австралия, Ҳиндистон ва Сингапур содиқ сифатида Буюк Британия колониялари умумий қонун тизимида инглиз услубида. Бошқа мамлакатлар Италия, Испания, Лотин Америка мамлакатларининг кўпчиликлари Наполеон пайдо бўлган ҳуқуқий анъаналарга эгадир. Тадқиқотлар акциядорлар ва кредиторлар француз стилидаги қонун системасига қараганда инглиз стилидаги қонун системаси кучлироқ эканлигини таъкидлашади. Натижада Инглиз услубидаги мамлакатлар сармоя бозорларида ишлаб чиқариши яхши бўлган мамлакатлардир. Капитал бозори яхши ривожланган мамлакатлар ўз навбатида тез ўсиши кузатилади ва инвестицияларни молиялаштириш учун кичик ва ривожланган компаниялар учун осон чунки уларнинг етакчи лойиҳалари бордир.¹⁹

Мамлакатлар ўртасида яна бир муҳим институционал фарқ сифатида ҳукуматнинг ўзи намоён бўлади. Ҳукумат бозор системасида тўғри фаровонликни йўлга қўйиш учун ёрдамга муҳтожларга ёрдам бериши лозим, шартномаларни амалга оширишни осонлаштириш, мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишни осонлаштириш тарафдори бўлиш керак. Шундай бўлсада баъзан ҳукуматлар ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда фирибгарликни таъкиб қилиб кенг жамоатчилик ҳисобидан бир неча кучли шахсларни бойитишга йўл қўймаслик керак. Империк тадқиқотлар иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини мамлакатларда коррупция даражасини кўрсатади ва бу албатта муҳим омил.²⁰

¹⁹ Rafael La Porta, Florencio Lopez-de-Silanes, Andrei Shleifer, and Robert Vishny, “Law and Finance,” *Journal of Political Economy* 106 (1998): 1113–1155; and Ross Levine and Robert G. King, “Finance and Growth: Schumpeter Might Be Right,” *Quarterly Journal of Economics* 108 (1993): 717–737

²⁰ Paulo Mauro, “Corruption and Growth,” *Quarterly Journal of Economics* 110 (1995): 681–712.

Ўн саккизинчи асрнинг буюк иқтисодчиси Адам Смиц иқтисодий ўсишда институтларнинг ўрнидан яхши хабардор эди. У бир марта шундай ёзган энди, “Кичкинагина бир зарур шарти борлигини энг кам варваризимдан энг кўп беодоб жараёнлар ҳолатга муаммо туғдиришини аммо адолат бошқаруви тинчлик, осон солиқлар ва бағрикенглик билан ҳал этилади” афсуски кўп мамлакатлар бу оддий уч афзалликдан баҳраманд эмас.

Dunyo bo`ylab o`shish			
Aholi jon boshiga ishlab chiqarish darajasining o`shishi (Yiliga foiz)			
Mamlakatlar	1948-1972	1972-1995	1995-2007
Kanada	2.9	1.8	2.2
Fransiya	4.3	1.6	1.7
Janubiy Germaniya	5.7	2.0	
Germaniya			1.5
Italia	4.9	2.3	1.2
Yaponiya	8.2	2.6	1.2
Buyuk Britaniya	2.4	1.8	2.6
AQSH	2.2	1.5	2.0

Беқиёс сифатни яхшилаш ҳаёт меъёрларида ўсаётганини англатади. Расмий маълумотларга кўра тезроқ ставка кўрсатади. Бу масала бизга шубҳалироқ кўриниши мумкин, лекин ўзи билан пастлаб иш фаолиятини тушунтириб бўлмайди. Баҳолаш пастлаб баҳолашдаги муаммони ҳам илгари сурса керак, бу ишни бир нечта кўмакчилари бўлса керак. Тарихан ўтмишда камроқ одамлар ишлаб чиқариш даражасини осонлик билан баҳолаганлигини қишлоқ хўжалигида саноат маҳсулотларида ишлаб чиқариш ҳажми ва тиббий хизмат кўрсатиш каби тармоқлар билан фаолят олиб борган. Шу билан бирга айрим иқтисодчилар баҳолаш муаммосини тўлалигича муаммо деб ҳисоблашади.

Ишчи даражаси; баъзи бир иқтисодчилар ишчи кучини ўзгаришига сабаб унумдорликни пасайиши деб таъкидлашади. 1970-йилнинг бошларида ўқувчилар мактабни тарк этиб ишлашни бошладилар ва шулар билан бир хил вақтда кўпгина аёллар ҳам уй бекалигидан тўлиқ ставкали ишчи кучига киришди. Бу иккала ривожланишда ишчилар орасида малакасининг ўртача даражаси пасайиб кетди.

Бошқа иқтисодчилар ишчилар даражасига инсон капиталини ўзгартиради деб таъкидлашади. Кадрларнинг таълим даражаси вақт давомида ишчи кучини давом этишига сабаб бўлаяпти ва у ўтмишда тез суръат билан кучаймаган, бундан ташқари айрим стандартлаштрилган тестларни ишлаши бузулиб таълим сифати камайди. Агар шундай бўлса жуда секин сушлаб ўсишни тушунтириш мумкин.

Ғоялар камайиши; Ҳалигача бошқа иқтисодчилар 1970-йилларнинг бошларида ишлаб чиқариш тўғрисидаги янги ғояларни ҳалигача таклиф қилмоқда, технологик тараққиётнинг секинлашиши ўша даврларда иқтисодиётни пасайишига сабаб бўлди. Бу иқтисодчилар 1970-йилнинг охиригача икки ўн йиллиги деб таъкидлашмоқда. 1940-йилнинг охирида иқтисодиётда ғоялар йўқ ва 1930-йилда буюк депрессия даври ва 1940-йилнинг биринчи ярим йиллигида иккинчи жаҳон уруши пайтига тўғри келади. Иқтисодиёт тушиб кетгандан кейин ўсиш даражалари ҳам паслай бошлайди. Гарчи 1970-1980 ва 1990-йилларнинг бошларида ўсишга эришилган бўлсада 1950 ва 1960-йиллардаги ўртача ўсиш кўрсаткичларидан паст эди.

4. Солоу моделидан ташқари эндоген ўсиш назарияси

Кимёгарлар, физиклар ва иқтисодчилар бир чўл оролда бир консервани қандай қилиб очиш ҳақида урунмоқдалар. “Келинлар консервани портлагунга қадар оловга қиздирамиз” деди кимёгар, “йўқ, йўқ” деди физик, “келинлар баланд бир дарахтага чиқиб қутичани тош устига ташлаймиз” “менда бир фикир бор” деди иқтисодчи. “биринчи консерва очкич билан уруниб кўрайлик...”

Бу эски ҳазил қандай қилиб иқтисодчилар соддалаштириш тахминларидан фойдаланиши ва баъзан оддийгина муаммоларга дуч келиши таъкидланади. Баҳолаш иқтисодий ўсиш назариясини саволларига жавоб беради. Ўсиш назариясини мақсадларидан бири биз дунёнинг турмуш даражасини оширишни тушунтиришдир. Солоу ўсиш модели технологик тараққиётдан кейин ўсиш даражасига олиб келади. Лекин технологик тарққиёт қайердан келган, Солоу модели буни ўз зиммасига олади.

1970-йилда ҳосилдорлик пастлаб 1990-йилни бошларида жадаллашди техник тараққиёт курсининг таклифлари бу ўзгаришларда жуда муҳимдир. Солоу модели иқтисодий жараёни тўлиқ тушиниш мақсадида уни кузатиб технологик тараққиётни ривожлантириш керак. Бундай моделлар кўпинча эндоген ўсиш назариясига олиб боради. Солоу модели технологик ўзгаришларга экзоген жараёни ўзида акс еттиради. Эндоген ўсиш назариясида муҳит қатта бўлсада баъзан мураккаб ва биз у ерда замонавий тадқиқотлар билан танишиб чиқамиз.²¹

Асосий модел:

Эндоген ўсиш назариясининг асосий ғояси, келинг оддий ишлаб чиқариш функцияси билан бошлайлик:

$$Y = AK$$

Бу ерда Y ишлаб чиқариш ҳажми, K капитал, A доимий ўлчов бўлиб капиталнинг маълум вақтдаги ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмидир. Бу маҳсулот тараққиёт учун капитални қайтишини камлигини айтади.

Ишлаб чиқариш капитали A нинг қўшимча ишлаб чиқариш ҳажми учун бирлиги капитални камайтириб қайтаради. Солоу ўсиш модели ва эндоген ўсиш модели ўртасида асосий фарқлар йўқлигини таъкидлайди.

Энди бу иқтисодий ўсиш ишлаб чиқариш функцияси ҳақида нима деганлигини кўриб чиқайлик. Биз даромад улуши ва инвестиция сифатини олдиндан тахмин қиламиз. Шунинг учун капитал тўпланиш тенгламасини олдингига ўхшаб тасвирлаб берамиз.

$$*K = sY - dK$$

Бу тенгламадан $*K$ капитал sY инвестицияда ўзгаришни кўрсатади dK минус амортизация. Ишлаб чиқариш билан бирлашиш $Y=AK$ бироз манипуляциядан кейин

$$*Y/Y = *K/K - K = sA - d$$

Бу тенгламадан ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш даражаси сифатида $*Y/Y$ ни кўришимиз мумкин. $sA > d$ иқтисодиётнинг даромадлари ўсиши назарда тутилиб технологик тараққиётда эгзоген жараёни сари деб тахмин қилинади. Шундай қилиб ишлаб чиқариш функциясининг ўзгариши иқтисодий ўсиш прогнозларига кескин таъсир кўрсатади. Солоу моделида тежаш вақтинча ўсишга олиб келади дейилган, аммо капитални қайтиб камайиши натижасида эгзоген технологик тараққиёт жараёнида куч билан иқтисодиётни барқарор ҳолатга келтириш тушунчалари келтириб ўтилган. Фарқли ўлароқ эндоген ўсиш моделида жамғариш ва орттирилган маблағ доимий ўсишга олиб боради.

Аммо капитални озайиб қайтиш гумони борми? Бу саволнинг жавоби ишлаб чиқариш ўзгарувчиси K ишлаб чиқариш тенгламаси $Y=AK$ ўз вазифасини бажаради. Агар анъанавий кўриниш K ни ўз ичига олса иқтисодиётнинг таъминоти ускуналари табиий ҳолда камайиб қайтиши таъкидланади. Ходимга 10 та компьютер берилиши у битта компьютерда қиладиган ишини 10 та компьютер берса 10 мартаба орттириб бажаради деган

²¹Бу бўлим эндоген иқтисодий ўсиш назариясининг катта ва хайратланарли адабиётига қисқача киришни таъминлаб беради. Олдинги ва муҳим хиссалар куйидагилардир. Paul M. Romer, "Increasing Returns and Long-Run Growth," *Journal of Political Economy* 94 (October 1986): 1002–1037; and Robert E. Lucas, Jr., "On the Mechanics of Economic Development," *Journal of Monetary Economics* 22 (1988): 3–42. Ўқувчи куйидаги қўлланмалардан кўпроқ нарса ўрганиши мумкин, David N. Weil, *Economic Growth*, 2nd ed. (Pearson, 2008).

гап эмас. Эндоген ўсиш назариясининг тарафдорлари К ўзгарувчини кенг маънода талқин қилиб, энг яхши ҳолатда эндоген ўсиш моделини амалга ошириш мумкин, капиталнинг бир тури билим кўринишида бўлиши мумкин. Шубҳасиз билим муҳим аҳамиятга эга, иқтисодиётда товарлар ва хизматлар яратишда билим муҳим аҳамиятга эга бўлади. Капиталнинг бошқа шакли билан солиштирганда билим камроқ хусусиятларга эга бўлади. (илмий ва технологик инновациялар ўтган бир неча асрлар давомида иқтисодчиларни таъкидлашча бор билимга деклорацияларни амалга ошириши кўзда тутилган). Агар биз капиталнинг бир турини билим деб қарайдиган бўласак эндоген ўсиш модели билан капиталнинг узок муддатли иқтисодий ўсиши кўпроқ ишонарли бўлади.

Икки сектор модели

Гарчи $Y=AK$ эндоген ўсишнинг оддий бир мисоли бўлсада, бу назария анча илгарилаб кетган. Тадқиқотнинг бир моделини ишлаб чиқиш учун технологик тараққиёт бошқариш кучларининг яхшироқ тавсифи тартиби ва бир неча бор ҳаракатлари натижасида рўёбга чиқади. Бунга ўхшаш моделлардан битта мисол ўрганишга рухсат э тилади.

Иқтисодиётни иккита тармоғи бор, қайсики ишлаб чиқариш компаниялари ва тадқиқотлар университетлари. Фирмалар капиталнинг жисмоний маблағлари ва истеъмолларида фойдаланиладиган хизматлар ва товарлар ишлаб чиқаради. Университетлар билим деб аталадиган маҳсулотнинг бир ишлаб чиқарувчи факторидир ҳар иккала тармоқлари ҳам бемалол ишлатилади. Иқтисодиёт фирмалари ишлаб чиқариш функцияси учун университетлар ишлаб чиқариш вазифаларини таърифлайди, капитал маблағларини ҳаракат тенгламаси:

$$Y = F [K, (1-u)LE] \text{ (саноат фирмалари ишлаб чиқариш функцияси)}$$

$$E = g(u)E \text{ (тадқиқот университетлари ишлаб чиқариш функцияси)}$$

$$*K = sY - dK \text{ (капитал тўпланиши)}$$

u университетларни ишчи кучи улиши (1-u бази бир ишлаб чиқариш). E билим самарадорлигини белгилайди. g университетларда ишчи кучига мутаносиб равишда билим қай даражада ўсишини кўрсатади. Қолган белгилар стандарт ҳисобланади. Одатда ишлаб чиқариш функцияси доимий деклорациялар борлигини тахмин қилади. Капитал ҳажми $K_2 =$ ишлаб чиқариш ишчиларининг самарадорлигини белгилайди. $[(1-u)LE]$, биз товар ва ишлаб чиқаришни Y ни икки баробар самарадорлигини кўришимиз мумкин.

Бу модел $Y=AK$ моделга яқин моделдир. Энг муҳими бу иқтисодиёт доимий (камайтириш ўрнига) билимга асосланган узок муддатли сифатли капитални ўз ичига олади. Хусусан биз жисмоний капитал K ва билимни E икки баробар деб ҳисобласак иқтисодиётда ҳар иккала тармоқда ишлаб чиқариш

ҳажми икки баробарга ортади. Натижада $Y=AK$ моделига ўхшаш бу моделда эндоген ишлаб чиқариш функциясининг доимий сменада кўришимиз мумкин. Бу ерда эндоген ўсишини барқарор яратиш учун университетлар ҳеч қачон секинлашмаганда барқарор даражасига эришилади. Шу билан бирга бу модел Солоу моделига ҳам яқин моделдир. Университетлар ишчи кучининг меҳнат улуши у доимий даржада сақланиб қолади кейин эса меҳнат унумдорлиги E доимий даражада ортиб боради. Ўсишнинг ўзгармайдиган ҳолатида меҳнат самарадорлиги коэффиценти g Солоу модели билан техник тарққиётнинг ошишига тахмин қилади. Ундан ташқари қолган моделлар саноат ишлаб чиқариш функцияси ва капитал жамғаришни Солоу модели каби сақлаб қолади. Натижада ҳар қандай берилган унинг қиймати учун эндоген ўсиш модели Солоу модели билан бир хил ишлайди.

Бу моделда икки асосий ўзгарувчилар мавжуддир. Солоу модели сифатида ишлаб чиқариш ҳажмининг улуши тежаш ва маблағ ортиришда фойдаланилиб жисмоний капиталнинг барқарор ҳолатини белгилайди. Бундан ташқари университетларнинг меҳнат улуши u билимнинг аксияларини белгилаб беради. s ва u ҳар иккаласи даромаднинг бу ҳар иккала таъсир этиш даражаси даромад даражасини барқарор ҳолат учун натижавийлигини таъминлайди. Шундай қилиб бу эндоген ўсиш моделига кичик қадамни кўрсатади. Қайсики жамиятнинг технологик ўзгариш тезлигини аниқлашни кўрсатади.

Макроиктисодий тадқиқот ва тараққиёт

Эндоген ўсиш модели икки соҳада технологик тараққиётни тушунишни тақдим этади. Аммо ҳали ҳам билимнинг яратилиши ибтидоий саргузаштдир. Агар тадқиқот натижалари ҳақида ўйласак ривожланишнинг ҳар бир лаҳзасида камида уч нарса аниқ бўлади. Биринчидан, жамиятда билим яхши бўлса (яхши билим ҳар бир кишига текин берилса) тадқиқотлар яхши бажарилса, фирмаларни натижавийлигини таъминлайди. Иккинчидан, фирмалар вақтинчалик монополия инноватсияларини ўрганиб чиқса. Бозордаги ўрни ва патент тизими янги маҳсулот ишлаб чиқариш билан яхшиланади. Учинчидан қачон бир компанияни юксалтириш бошқа фирмаларни бу инновацияларга асосланган кейинги авлод ишлаб чиқаришини таъминлайди. Булар (асосан макроиктисодиётда) биз ҳозиргина муҳокама қилган ўсиш моделлари фактлар билан бирлашиши осон эмас (асосан макро иқтисодиётда). Баъзи бир эндоген ўсиш моделлари ривожланиш ва тадқиқот ҳаракатлари учун бу фактларн ўз ичига олади. Ҳар икки қарорнинг моделлаштиришдаги талаблари улар илмий ва фирмалар ўртасида ҳамкорлик билан шуғулланиш каби монополия даражалари устидан янгилик ўрнатади.

Бу моделлар учун ечим бир бутун жамият сифатида фирмаларнинг хусусий фойдаларини максималлаштиришга қаратилган жуда кўп ёки жуда кам илмий тадқиқотларда изланишларни талаб этади. Бошқа сўзлар билан айтганда ижтимоий қайтишга тадқиқот (жамият нималарга эътиборлироқ бўлиши) хусусий қайтишга тадқиқотдан камроқми ёки кўпроқми (индивидуал фирмалар нимага ундайди?) Бу назарий масала сифатида ҳар иккала йўналишда ҳам таъсири бор. Бир томондан фирма янги технологияларни яратади, бошқа фирмалар эса келгуси тадқиқотларни ҳал қилиши йўлида билим даражасига таянади. Исаак Ньютон жуда кўп таъкидлаганидек “агар мен бошқаларга қараганда узокроқни кўрганимда мен елкамда турардим”

Бошқа томондан эса тадқиқотлар самара бериши мумкин. Бир оз ноқулай аҳволга солиб бўлсада фирмаларни ўзи технология яратса. Тадқиқотнинг бундай усули “оёқда туриш” деб аталади. Фирма ўз қурилмалари билан жуда кўп ёки жуда кам тадқиқот ўтказиши ижобий манода “елкада туриш”, салбий маънода эса “оёқда туриш” қиёфаси кенг тарқалган.

Гарчи назария ўз тадқиқот ишларини натижаси озроқ ёки кўпроқ бўлсада империк иш кам бўлади. Натижада йирик тадқиқотлар “елкада туриш” муҳим ўрин тутаётганлигини таъкидлайди. Натижада ҳар йили тадқиқотлар натижаси 40 фоиз самара беради. Бу айниқса қайтиш билан солиштирганда рентабеллик таъсирчан даражада жисмоний капитал йилига тахминан 8 фоизни ташкил этиши таъкидланади. Баъзи бир иқтисодчилар бу тўплам тадқиқотнинг субсидиялар орқали оқлайди ҳам дейишади.²²

Ижодий ҳалокат жараёни

Иқтисодчи Жосеб Шумпетер ўзининг 1942-йилдаги китобида капитализм, социализм ва демократияга иқтисодий ўсишни ижобий жараён деб ёндошган эди. Тадқиқотларга кўра Шумпетер янги ғоя асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни тараққиётнинг асосий кучи деб ҳисоблайди ва ишлаб чиқаришнинг янги усули деб эски маҳсулот ва бошқа янгиликларни назарда тутди. Қачонки фирма тадбиркори бозорга кирса монополия кучининг баъзи даражалари устидан янгиликларга эга бўлади. Асли тадбиркорни монополия фойда олишга ундайди. Янги корхонанинг истеъмолчилар учун кенгайтирилган қарорлар яхши аммо у кучлироқ билан рақобатлаша олмаслиги мумкин бу эса ишлаб чиқарувчи учун ёмондир. Янги маҳсулот эскисига кўра етарлича яхши бўлса бизнес яхши даражада давом этади. Вақт ўтиши билан жараённи янгилаш давом этмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни юқори сифатидан ҳузурланиш бу инновациядан кейинги авлод учун ҳам баҳраманд бўлишини таъминлайди.

²²Тадқиқотлар самарасига бағишланган эмпирик адабиётлар учун, қаранг Zvi Griliches, “The Search for R&D Spillovers,” *Scandinavian Journal of Economics* 94 (1991): 29–47.

Шумпетернинг тарих ҳақидаги тезислари технологик тараққиётда ютувчилар ҳам ютқазувчилар ҳам борлигини таъкидлайди. Мисол учун XIX асрда Англияда жуда муҳим янгилик тўқимачилик маҳсулотларидан фойдаланишда малакасиз ишчиларга қараганда машина ихтиро қилиб ишлаб чиқилганлигини айтишимиз мумкин. Бу технологик таққиёт ўзларига арзонроқ кийим тикадиган истеъмолчилар учун яхши эди. Шу билан бирга Англияда трикотаж тўқувчилари янги технологиялар билан таҳдид қилиниб ишчи ўринлари йўқотилди. Бунга жавобан Луддитес зўравонлик қўзғолони кўтариб тўқув дастгоҳи жун ва пахта тегирмонда ишлатиладиган уй дастгоҳлари яратилди. “бугунги кунда Луддетси атамаси” технологияга қарши кишини назарда тутди.

Сўнги ижодий қирғинга мисол чакана савдода Вал-мартни ўз ичига олади. Гарчи чакана савдо аслида статик фаолият туюлиши мумкин. Сўнги ўн йиллар мобайнида чакана савдога нисбатан кам ҳаражат истеъмолчиларга инвестиция маркетингини бошқариш орқали бундай товарларни Вал-март услубида топди. Бу ўзгаришлар пастки нархларда товарларни сотиб олиш мумкин ва истеъмолчилар шунингдек акциядорлар унинг рентабеллигига жалб қилинган. Лекин кичик дўконлар рақобат учун ҳалокатлар қурбонлари бўлишган Луттитес ўз иш ўринларини сақлаб қолиши учун Британия ҳукумати томонидан тарқалган янги тўқимачилик технологийлар тарқалишини чеклаб қўйган. Бу ўринда парламент Луттитесни тартибсизлигини бостириш учун қўшинлар юборди. Ҳудди шу тарзда сўнги йилларда маҳаллий чакана билан кириб келган Вал-март бозорлардан фойдаланиш учун ер муаммоларини тўхтатиш зарур бўлган. Технологик тараққиёт уларнинг ҳам ишига барҳам берган. Европада, кўпроқ АҚШда Вал-март натижасида чакана савдодан маҳнат унумдорлигини ўсиши анча паст эди.²³

Шумпетер нигоҳи билан қараганда капиталистик иқтисодиёт ишлари бир масала сифатида иқтисодий тарихда қолди. Бундан ташқари иқтисодий ўсиш назариясини руҳлантирди. Биринчи марта эндоген ўсиш назариясини Шумпетер ғояларига асосланган ҳолда Флип Агион ва Петер Ҳоиwt технологик тараққиёт моделлаштириш томонидан ижодий ҳалокатни бир жараён сифатида талқин қилди.²⁴

Узоқ муддатли иқтисодий ўсиш бир мамлакат фуқароларининг иқтисодий фаровонлигининг ягона ва энг муҳим мезонидир.

²³Robert J. Gordon, “Why Was Europe Left at the Station When America’s Productivity Locomotive Departed?” *NBER Working Paper* No. 10661, 2004.

²⁴Philippe Aghion and Peter Howitt, “A Model of Growth Through Creative Destruction,” *Econometrica* 60 (1992): 323–351.

Макроиктисодчилар ўрганган ҳар бир нарса ишсизлик, инфляция, савдо камомоди таққосланган. Яхшиямки иқтисодчилар иқтисодий бошқариш кучларини ўсишидан хабардор. Солоу ўсиш модели ва олий эндоген ўсиш моделлари қандай тежаш, аҳолини ўсишини ва технологик тараққиёт кўрсатиш даражаси ва миллатнинг ҳаёт стандарти ўсишини белигилашда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу назариялар иқтисодиёт муваффақиятларига эришиб тез суратларда ўсишни таъминламаслиги мумкин, аммо улар жуда кўп маълумот бериш ва интеллект салоҳиятга эришиш, мустаҳкам пойдевор таъминлаш, узоқ муддатли иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган давлат сиёсати ҳақида кўп мунозаралар беради.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Солоу моделининг технологик жараёнларига кириш функциясини тушунтириш. Технологик тараққиёт таъсирини изоҳланг.
2. Ўсиш назариясидан ўсиш тараққиётга ўтиш.
3. Мувозанатли ўсиш ва бирлашиш тушунчалари.
4. Ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир этувчи омиллар.
5. Иқтисодиётнинг инвестиция ажратиши қандай таърифлайсиз?

Асосий адабиётлар

1. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиктисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ – 2000.
2. N. Gregory Mankiw. Macroeconomics (7th edition). USA, 2009, p 22
3. Robert Barro and Xavier Sala-i-Martin, “Convergence Across States and Regions,” *Brookings Papers on Economic Activity* 1 (1991): 107–182; and N. Gregory Mankiw, David Romer, and David N. Weil, “A Contribution to the Empirics of Economic Growth,” *Quarterly Journal of Economics* (May 1992): 407–437.
4. Robert E. Hall and Charles I. Jones, “Why Do Some Countries Produce So Much More Output per Worker Than Others?” *Quarterly Journal of Economics* 114 (February 1999): 83–116; and Peter J. Klenow and Andres Rodriguez-Clare, “The Neoclassical Revival in Growth Economics: Has It Gone Too Far?” *NBER Macroeconomics Annual* (1997): 73–103.
5. Бу мавзу бўйича кўпроқ мавзу ва баъзи халқаро даллирлар учун, қаранг: Andrew B. Abel, N. Gregory Mankiw, Lawrence H. Summers, and Richard J. Zeckhauser, “Assessing Dynamic Efficiency: Theory and Evidence,” *Review of Economic Studies* 56 (1989): 1–19.

6. N. Gregory Mankiw, David Romer, and David N. Weil, "A Contribution to the Empirics of Economic Growth," *Quarterly Journal of Economics* (May 1992): 407–437.
7. Paul Romer, "Crazy Explanations for the Productivity Slowdown," *NBER Macroeconomics Annual* 2 (1987): 163–201.
8. Rafael La Porta, Florencio Lopez-de-Silanes, Andrei Shleifer, and Robert Vishny, "Law and Finance," *Journal of Political Economy* 106 (1998): 1113–1155; and Ross Levine and Robert G. King, "Finance and Growth: Schumpeter Might Be Right," *Quarterly Journal of Economics* 108 (1993): 717–737
9. Paul M. Romer, "Increasing Returns and Long-Run Growth," *Journal of Political Economy* 94 (October 1986): 1002–1037; and Robert E. Lucas, Jr., "On the Mechanics of Economic Development," *Journal of Monetary Economics* 22 (1988): 3–42.
10. David N. Weil, *Economic Growth*, 2nd ed. (Pearson, 2008).
11. Zvi Griliches, "The Search for R&D Spillovers," *Scandinavian Journal of Economics* 94 (1991): 29–47.
12. Robert J. Gordon, "Why Was Europe Left at the Station When America's Productivity Locomotive Departed?" NBER Working Paper No. 10661, 2004.
13. Philippe Aghion and Peter Howitt, "A Model of Growth Through Creative Destruction," *Econometrica* 60 (1992): 323–351.

14- Мавзу. Халқаро савдо назарияси

Режа:

1. Халқаро савдонинг зарурияти ва унинг асосий кўринишлари.
2. А.Смитнинг мутлақ устунлик назарияси.
3. Рикардонинг нисбий устунлик назарияси.
4. Хекшер – Олиннинг неоклассик концепцияси.
5. Халқаро савдонинг замонавий назариялари.

Таянч сўз ва иборалар: *импорт, импортга чегараланган мойиллик, девалвация, демпинг, мутлоқ устунлик назарияси, концепция, халқаро савдо, нисбий устунлик назарияси.*

1. Халқаро савдонинг зарурияти ва унинг асосий кўринишлари

Ҳозирги замон иқтисодиётининг очиқлик даражаси яъни мамлакатларнинг ихтисослашуви ва улар ўртасида кооперация чуқурлашиб бормоқда. Мамлакатлар ўз иқтисодиётини ривожлантириш, иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш борасида тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишда бу ҳолатларни этиборга олиши шарт.

Жаҳон савдоси ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий шаклидир. Унинг кенгайиши ва чуқурлашуви натижасида капитални четга чиқариш имкониятлари юзага келди ва унга боғлиқ равишда халқаро молия-валюта, кредит муносабатлари ривожланди.

Ташқи савдонинг вужудга келиши икки муҳим объектив сабаб билан изоҳланади. Биринчидан, бу табиий ва хом ашё ресурсларининг мамлакатлар ўртасида нотекис тақсимланганлиги. Энг катта ҳудудга эга бўлган ёки ривожланган давлатлар ҳам барча ресурслар билан ўзини тўлиқ таъминлай олмайди. Улар ўзларида ортиқча бўлган ресурсларни экспорт қилишга ва мамлакатда тақчил бўлган ресурсларни импорт қилишга мажбурлар.

Халқаро савдо ривожланишининг зарурлигини белгиловчи иккинчи муҳим сабаб шундаки ҳамма мамлакатлар ҳам барча турдаги маҳсулотни бир хил самарадорлик билан ишлаб чиқара олмайди. Яъни бир товар Японияда арзон ишлаб чиқарилса, иккинчи товар Ўзбекистонда арзон ишлаб чиқарилиши мумкин. Шу сабабли ресурслардан самарали фойдаланиш мақсадида мамлакатлар ихтисослашадилар ва ўзаро савдо-сотикни йўлга қўядилар.

Бу икки объектив сабаб ҳар қандай миллий иқтисодиётнинг такрор ишлаб чиқариши жараёнида халқаро савдонинг аҳамиятини аниқлайди. 90-йилларнинг бошларида халқаро савдо ҳажми АҚШда ялпи миллий

маҳсулотнинг 16-18 фоизини, Германияда 30-39 фоизини ташкил этди. Шу даврда Ўзбекистон ялпи миллий маҳсулотида ташқи савдонинг улуши 10-12 фоиз атрофида бўлди.

Ташқи савдо халқаро айирбошлашнинг анъанавий шакли сифатида куйидаги кўринишларни ўз ичига олади:

- ✚ маҳсулотларни айирбошлаш: ёқилғи-ҳом ашё маҳсулотлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, саноат маҳсулотлари;
- ✚ хизматларни айирбошлаш: муҳандислик-маслаҳат хизматлари;
- ✚ транспорт хизматлари, сайёҳлик ва бошқа хизматлар. Ҳозирги вақтда хизматларнинг жаҳон экспортидаги ҳиссаси 30 фоиздан ошиб кетди;
- ✚ янги илмий-техник маълумотларни айирбошлаш: лицензиялар ва «ноу-хоу»лар. Улар ҳиссасига халқаро савдо айланмасининг 10 фоизига яқини тўғри келади.

Халқаро савдо маҳсулотлари, хизматлар ва фан-техника маълумотларини айирбошлашнинг барча кўринишлари ташқи савдо операциялари ёрдамида амалга оширилади. Улар ўз навбатида экспорт, импорт, реэкспорт ва реимпорт операцияларига бўлинади.

Экспорт операцияси - маҳсулотларни чет мамлакатларга чиқариш.

Импорт операцияси - маҳсулотни хорижий шерикдан сотиб олиш ва уни мамлакатга олиб келиш.

Реэкспорт операцияси - аввал импорт қилинган ва қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элга олиб чиқиб сотиш.

Реимпорт операцияси - аввал экспорт қилинган ва у эрда қайта ишлов берилмаган маҳсулотни чет элда сотиб олиш ва мамлакатга олиб келиш.

2. А.Смитнинг мутлақ устунлик назарияси.

Шу пайтга қадар юзага келган барча халқаро савдо назариялари халқаро савдони эркинлаштириш барча мамлакатлар учун фойда келтиради деган фикрни илгари суради. Эркин ташқи савдонинг зарурлиги ва фойдалилиги тўғрисида дастлабки назариялардан бири А.Смитнинг **мутлақ устунлик** назариясидир. Бу назарияга кўра ҳар бир мамлакат ундаги мавжуд шароитлар ва ресурслар ўзига хослигига таянган ҳолда маълум бир товарни энг кам харажатлар ҳисобига (ёки вақт бирлигида бу товарни энг кўп) ишлаб чиқириш имкониятига эга. Шундай экан мамлакат мутлақ устунликка эга бўлган товар ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва ушбу товарнинг ўз истеъмолидан ортиқча қисмини сотади ҳамда бошқа товарларни сотиб олади. Чунки бу товарлар уларни ишлаб чиқаришда мутлақ устунликка эга бўлган давлатларда анча арзон ишлаб чиқарилган бўлади. Натижада ҳар икки давлат ҳам кам ресурс сарфлаб кўпроқ маҳсулотга эга бўлади.

Масалан, Ўзбекистон асосан пахта маҳсулотларини э тиштиришга ихтисослашганлиги учун бошқа маҳсулотларга нисбатан кўпроқ шунга эътиборни қаратиш лозим. Чунки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, об-ҳавоси ва қолаверса, бутун республика шароити пахта э тиштиришга мослашган ва унга кам миқдорда меҳнат ва молиявий ресурсларни сарф қилиб, юқори ҳосил олиш технологиясига эга. Шунингдек, бошқа мамлакатлар ҳам ўзи ихтисослашган соҳага кўпроқ эътиборни қаратишсагина дунё бўйича кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади ва халқаро савдода ҳам катта муваффақиятларга эришиш мумкин. Демак, шу йўл билан дунё аҳолисининг талабларини максимум қондириш имкониятига эришилади.

Аммо қайсидир мамлакат ҳеч қайси маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича дунёда мутлақ устунликка эга бўлмадлиги мумкин. Бу эса шу мамлакат ҳамма товарларни четдан келтиради-ми деган саволни туғдиради. Агар шундай бўлса импортни бу мамлакат қайси маблағлар ҳисобига молиялаштиради. Бу саволга жавоб бериш борасида мутлақ устунлик назарияси боши берк кўчага кириб қолади.

3. Д.Рикардонинг нисбий устунлик назарияси.

Д.Рикардо А.Смитнинг «Мутлақ устунлик» назариясини янада мулоҳаза қилиш натижасида ушбу назария умумий қонуннинг бир қисми э канлигини исботлаб берди. Д. Рикардо «Сиёсий иқтисоднинг бошланиши ва солиқлар» номли асарида классик назарияни боши берк кўчадан олиб чиқади. Унинг фикрича, мамлакатлар ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашда ёки кўпроқ устунликка эга бўлган ёхуд камроқ заифликка эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишга ихтисослашсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай вазиятларда икки мамлакат ўртасидаги савдо кўпроқ имкониятлар олиб келади. Ҳар бир мамлакат ўзи ихтисослашган маҳсулотларни ишлаб чиқаради ва шу орқали ютуқларга эришади. Унинг мулоҳазалари “Нисбий устунлик назарияси”да ўз эчимига эга бўлди.

Масалан, Португалияда ишлаб чиқарилган мовут ва Англияда ишлаб чиқарилган вино индивидуал харажатларга эга бўлсин. Шунинг ҳисобга олган ҳолда Д. Рикардонинг “Нисбий устунлик” назариясини қўллаймиз:

5-жадвал. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган меҳнат сарфи.

	Мовут(бир дона)	Вино(баррел)
Португалия	90	80
Англия	100	120

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики Португалия барча турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда мутлақ устунликка эга. Яъни бир дона мовут ишлаб чиқариш учун 90 меҳнат бирлиги, бир баррел вино ишлаб

чиқариш учун эса 80 меҳнат бирлигини сарфлайди. Аммо, Д. Рикардо Португалияда мовут ишлаб чиқаришга нисбатан вино ишлаб чиқариш савдосини йўлга қўйиш кўпроқ фойда олиб келишини таъкидлайди. Чунки, бир дона мовутга нисбатан бир баррел вино ишлаб чиқариш арзонга тушмоқда. Бунда нисбий устунликдаги фарқ ҳар бир миллат учун халқаро савдода ютуққа олиб келади. Яъни, Португалия бир баррел винони (80 бирликда) 120 бирликда Англияга сотса ва ўз навбатида, Англиядан (100 бирликда) ушбу бирликда 1,2 дона мовут сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотга солиштирганимизда эса **8/9** донага эга бўлар эди. Бошқача айтганимизда, Португалиянинг вино ишлаб чиқариш ва мовутни сотиб олиш эвазига оладиган фойдаси қуйидагича бўлади.

$$120 / 100 - 8 / 9 = 1,2 - 0,8 = 0,4 \text{ дона мовут.}$$

Англия эса мовут ишлаб чиқаришда камроқ заифликка эга. Яъни мовут ишлаб чиқаришга қилинадиган меҳнат сарфлари ўртасидаги фарқ вино ишлаб чиқаришдагига нисбатан камроқ. Демак мовут ишлаб чиқаришга ихтисослашиш ҳисобига халқаро савдодан Англия ҳам ютади. Яъни, мовут ишлаб чиқариб, уни Португалияга сотиш ҳисобига **11/8** баррел вино (ўзидагига нисбатан **5/6** баррел) сотиб олиши мумкин. Ушбу вазиятда Англиянинг ютуғи:

$$9 / 8 - 5 / 6 = 7 / 24 = 0,29 \text{ баррел вино.}$$

Бу мисолда Португалия учун ҳар бир баррел винога **9/8** дона мовут сотиб олгандагина халқаро совда фойдали ҳисобланса, Англия учун эса ҳар бир баррел винога **5/6** дона мовут алмашганда савдо фойдали ҳисобланади.

Шундай қилиб, эркин савдо халқаро ихтисослашувни рағбатлантириб, қуйидаги имкониятларни яратади: ҳар бир мамлакат бирор турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашишгунча ўтган даврига нисбатан камроқ моддий ва меҳнат харажатлари сарфлайдиган бўлади. Аммо, бу борада барча назариялар ҳам савдода мамлакатларнинг пул бирликлари ишторокида амалга ошиши ҳисобга олинмаган. Чунки, мамлакатлар ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун валюталарини алмаштиришади. Д. Рикардо ушбу вазиятни ҳам тушунтириб бера олган. У изоҳлаганидек юқорида келтирилган имконият валюталарни алмаштириш шароитида ҳам сақланиб қолади. Бу вазиятда экспорт-импорт тўловлари ўзаро балансга эга эмас. Бундай вазият валюта курсларидаги ўзгаришлар ҳисобига ёки бирор бир мамлакатдаги барча баҳоларни ўзгартириш ҳисобига бартараф этилади. Юқоридаги мисол мавҳум хусусиятга эга. У аниқ вазиятларга асосланиши учун:

- меҳнат савдо қилаётган мамлакатлар ўртасида эмас, балки мамлакат ичида ҳаракатчан бўлишини;
- транспорт, божхона харажатлари, савдо устамалари ва бошқа

чеклашлар ҳисобга олинмаслигини;

- маҳсулотларнинг янги намуналарни ишлаб чиқаришда янги техника ва технологияларни қўллаш ҳамда уларни кўп миқдорда серияли ишлаб чиқаришда харажатлардаги ўзгаришлар эътиборга олинмаслигини таъминлаш имкониятлари яратилиши лозим.

Англия ва Португалия мисолида келтирилган вазиятларда халқаро савдо нархларининг кенг амал қилаётган шаклини қўллаш мумкин. Чунончи, бир баррел Португалия виносини Англияда таннархидан кам нархда (80) ва сотиб олинган баҳодан (120) юқори нархда сотмаслик керак. Шунингдек, англияликлар мовутидан Португалияда (90 дан 100 гача) шундай тартибда сотилиши керак.

Маҳсулотлар баҳоси ўртасидаги ўзаро нисбат аниқлаб олингандан кейин «савдо шароити» (terms of trade) тушунчаси савдо шароитини аниқлаб олиш учун эса “савдо шароити индекси” тушунчаси киритилган. Бу индекс куйидаги формула орқали аниқланган:

$$\text{Савдо шароити индекси} = \frac{\text{Экспорт нархлар индекси}}{\text{Импорт нархлар индекси}} \cdot 100 = \frac{\text{Эи}}{\text{Ии}} \cdot 100$$

Индекснинг ўсиши (масалан, 100 дан 105 гача) савдо шароитларининг яхшиланаётганлигини кўрсатади. Яъни, ушбу миқдордаги импортга ҳисобкитоб қилиш учун ундан кам миқдорда экспорт талаб этилади.

Амалиётда савдо шароити, биринчидан, товарлар баҳоси ўзгариши ҳисобига, унга бўлган талабнинг ошиши ёки камайишига боғлиқ. Айрим маҳсулот ишлаб чиқарувчилар (масалан, нефт ва нефт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар) нархларда бўлаётган ўзгаришларга қарамай, катта ютуқларга эришадилар.

Иккинчидан, савдо шароити ишлаб чиқарувчилар ёки этказиб берувчиларнинг бозорга мослашишига (егилувчанлигига) боғлиқ бўлади.

Учинчидан, савдо шароити ишлаб чиқариш шароитлари ёки маҳсулотлар истеъмолидаги ўзгаришларга қараб ўзгаради.

Савдо шароити индекси мамлакатнинг халқаро савдодаги ҳолати тўғрисида маълумотлар берсада, кўпгина камчиликлардан холи эмас. Уларнинг энг асосийларидан бири мамлакатда умумий шароитни яхшиласада, сотилган маҳсулотлар миқдорини ҳисобга олмайди. Бошқача айтганда, савдо шароити яхшиланиши экспорт ҳажми қисқариши ва импорт ҳажми ошишига олиб келади. Бу эса тўлов балансини ёмонлаштиради.

А.Смит ва Д.Рикардо назариясида ишлаб чиқаришга таъсир қиладиган энг асосий омил меҳнат ҳисобланган. Маҳсулотлар нархи эса ишлаб чиқариш харажатларига боғлиқ.

Кейинги тадқиқотлар ишлаб чиқаришда асосий омиллар сифатида эр, капитал каби омиллардан фойда олиш имкониятини ҳисобга олган. Агарда, меҳнатнинг бозорбаҳоси иш ҳақи сифатида гавдаланса, капиталнинг баҳоси фоиз ставкалари кўринишида, эрнинг баҳоси рента миқдорида аниқланган.

4. Хекшер – Олиннинг неоклассик концепцияси

Халқаро савдодаги замонавий қараш тарафдорлари сифатида швед иқтисодчи- олимлари эли Хекшер ва Бертил Олинларни (30-йиллар) кўрсатиш мумкин.

Е.Хекшер ва Б.Олинлар «Ишлаб чиқариш омилларига боғлиқ ҳолда нархларни тенглашиши» қондасини олдинга сурган. Бунинг маъноси шундан иборатки, миллий ишлаб чиқаришдаги фарқлар ишлаб чиқаришнинг меҳнат, эр, капитал ва шунингдек, у ёки бу маҳсулотга ички истеъмолдаги ўзгаришлар каби омилларга боғлиқ.

Уларнинг қоидаларидаги асосий вазиятлар қуйидагича келтирилган:

1. Мамлакатлар ўзларида ортиқча бўлган ишлаб чиқариш омилини кўп талаб қиладиган маҳсулотларни экспорт қилишади ва аксинча, ўзларида тақчил бўлган ишлаб чиқариш омилларини кўп талаб қиладиган маҳсулотларни импорт қиладилар.

2. Халқаро савдо йўлидаги чеклашлар бекор қилинса товарларнинг турли мамлакатлардаги «омил нархи» (таннархи) нинг тенглашиши каби ўзгаришлар кузатилади.

3. Маҳсулотлар экспорти ўрнини аста секин ишлаб чиқариш омиллари экспорти эгаллайди.

Агар мамлакатдаги бир ишлаб чиқариш омили миқдори билан бошқа омиллар миқдори ўртасидаги нисбат бошқа мамлакатдагига нисбатан юқори бўлса шу омил бу мамлакатда нисбатан ортиқча деб ҳисобланади.

Хекшер-Олин концепциясига асосан ташқи савдо қуйидаги кўринишларга эга: Фараз қилайлик, бир вақтда икки мамлакат, яъни, «саноатлашган» ва «аграр» мамлакат фаолият кўрсатмоқда.

Саноатлашган мамлакатда ортиқча капитал ва маълум миқдорда ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлади. Аграр мамлакатда эса ортиқча эр мавжуд, аммо капитал этишмайди.

Айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда капитал асосий омил ҳисобланади. Масалан, нефтни қайта ишлаш, электрон машинасозлик ва машина ишлаб чиқариш соҳалари кам ишчи кучидан фойдаланган ҳолда капитал талабчан ишлаб чиқариш ҳисобланади. Капитал ортиқчалигига эга

бўлган мамлакатлар айнан ушбу йўналишларга ихтисослашадилар. Шу билан бирга, дон этиштириш ва чорвачилик билан шуғулланадиган мамлакатларда кўпроқ эр ресурслари керак бўлади ва улар шу йўналишга ихтисослашган бўладилар.

Хекшер–Олин концепциясини тадқиқ қилиш борасидаги изланишлар 50 йилларда «Леонтев таажжуби» юзага келишига сабаб бўлди. В.Леонтев АҚШ капитал ортиқча бўлган мамлакат бўлишига қарамасдан 1947 йилда капитал талабчан эмас, балки меҳнат талабчан маҳсулот экспорт қилганлигини кўрсатиб берди. Яъни Хекшер-Олин концепциясига зид келадиган вазият юзага келди. Кейинги тадқиқотлар эса АҚШ да капиталдан кўра эр ва илмий техник мутахассислар нисбий ортиқча эканлиги тасдиқланди. АҚШ ишлаб чиқарилишида айнан шу омиллар кўпроқ фойдаланиладиган товарларнинг соф экспортёри бўлиб чиқди.

5.Халқаро савдонинг замонавий назариялари

1948 йил америкалик иқтисодчилар П.Самуелсон ва В.Столперлар Хекшер-Олин концепциясини такомиллаштиришди. Уларнинг назарияси бўйича халқаро савдо – ишлаб чиқариш омиллари билан таъминланганлик даражасидан нотекистик, технологияларининг бир-бирига мослиги, рақобатнинг ривожланиши ва маҳсулотларнинг ҳаракатчанлиги каби шароитларда мамлакатлар ўртасидаги ишлаб чиқариш омиллари нархлари тенглашади.

Д.Рикардо моделида ишлаб чиқилган ва Е.Хекшер, Б.Олин, П.Самуелсон ҳамда В.Столперлар томонидан тўлдирилган савдо концепциясига нафақат мамлакатлар ўртасидаги ўзаро фойдали савдони йўлга қўйиш, балки мамлакатлар ривожланиши ўртасидаги фарқларни камайтириш воситаси сифатида ҳам қаралади. Шунингдек, М.Познер, Г.Хуфбауер ва Р.Вернон тадқиқотлари ҳам нисбий устунлик назариясини яна бир бор тасдиқлади. Улар ишчи кучи нисбатан қиммат турадиган мамлакатларда илғор технологияга асосланган меҳнат талаб маҳсулот ишлаб чиқариш барибир даромадли бўлади, деган хулосага келишди. Масалан, меҳнат талаб синтетик газламаларни дастлаб фақат илмий-техникавий салоҳияти юқори бўлган мамлакатлардагина ишлаб чиқариш мумкин эди. Сўнгра, бу технологияни ўзлаштирилиши ва кенг ёйилиши туфайли синтетик газламаларни ишлаб чиқариш ишчи кучи арзон бўлган ривожланаётган мамлакатларга ҳам кўча бошлади. Бунинг натижасида Ғарб илмий-техникавий омил туфайли ўзи эга бўлган нисбий устунликни қўллаб бошлади.

М.Портерга ўз тадқиқотлари натижасида мамлакат тармоқлари ва фирмаларининг рақобат устунлигини белгиловчи омилларни икки гуруҳга бўлади:

1. Асосий омиллар:

- зарур сифатга эга ва етарлича миқдордаги ишлаб чиқариш омилларининг мавжуд бўлиши;
- мамлакат ичида мазкур тармоқ маҳсулотига бўлган талабнинг хусусиятлари, унинг сифат ва миқдор характеристикалари;
- мамлакатда ушбу тармоққа йўлдош ва уни таъминлаб турувчи, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган тармоқларнинг мавжудлиги;
- фирманинг стратегияси, шунингдек ички бозордаги рақобат характери

2. Қўшимча омиллар:

- тасодифий ҳодисалар;
- ташқи иқтисодий фаолият юритувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат фаолияти.

Маҳсулот э экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш, мамлакат ичида қулай бизнес муҳитини яратиш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш, божхона божларининг пасайтирилиши, субсидиялар ва имтиёзли кредитлар бериш, бошқа халқаро шартномалар тузиш орқали миллий корхоналарнинг чет мамлакатлардаги фаолияти учун қулай шароитлар яратиш каби тадбирлар уларнинг рақобат устунликларини оширишга хизмат қилади.

Хекшер-Олиннинг неоклассик контсепсияси «Нисбий устунлик» назариясини омиллар билан таъминланганлик нуқтаи назаридан изоҳлаб берди.

Еркин савдо йўлидаги тўсиқларни бартараф қилиш ресурсларни самарали тақсимланишга йўл очиб, провардида барча мамлакатлар учун иқтисодий ютуқ олиб келиши савдо назарияларида исботлаб берилган.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Халқаро савдо тушунчаси.
2. Халқаро савдони ривожлантиришнинг объектив ва субъектив сабаблар нималардан иборат?
3. Экспорт ва импорт операцияларини изоҳланг.
4. А.Смитнинг “Мутлоқ устунлик” назарияси камчилиги нимада кўринади?
5. “Нисбий устунлик” назариясининг моҳиятини изоҳланг.

Асосий адабиётлар

1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. М.: ДИС. 1997.
2. Гальпирин В.И., Игратов С.М., Моргунов В.И. Макроэкономика. Том-1. С.Петербург: 1994.
3. Жеффри Д., Сакс Д. и др. Макроэкономика. Глобальнўй подход. М.: 1996.
4. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиктисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ – 2000.
5. Линвут Т. Гайгер А. Макроэкономика теория и переходная экономика. М.: 1996.
6. Менкью Н.Г. Макроэкономика. М.: МГУ. 1994.
7. Ҳақимова М.А. Макроиктисодиёт (ўқув қўлланма). Тошкент: «Меҳнат». 1997

15-мавзу. Ташқи савдо сиёсати

Режа:

1. Ташқи савдо сиёсатининг моҳияти ва воситалари.
2. Импортга таърифлар. Импортга тарифлар киритилишининг иқтисодий оқибатлари.
3. Ишлаб чиқарувчиларга субсидиялари ва импортни квоталар орқали тартибга солиш.
4. Экспорт субсидиялари. Экспорт божлари ва экспортни ихтиёрий чеклаш.

1. Ташқи савдо сиёсатининг моҳияти ва воситалари.

Бирор мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятга бевосита ва билвосита аралашуви жараёни экспорт ва импорт ҳажми ва таркибига таъсир кўрсатиш орқали ички бандлиликни таъминлаш, иқтисодий ўсишга эришиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, тўлов балансини яхшилаш ҳамда валюта курсини тартибга солиш мақсадларини кўзда тутди. Давлат томонидан амалга ошириладиган бундай тадбирлар савдо сиёсати деб юритилади. *Савдо сиёсати – бюджет-солиқ сиёсатининг ташқи савдо ҳажмларини солиқлар, субсидиялар, валюта назорати ва импорт ёки экспортни тўғридан-тўғри чеклашлар орқали тартибга солишни ўз ичига олган нисбатан мустақил йўналишидир.*

Ташқи савдони чеклаш борасида олиб борилаётган ҳар қандай чоратадбирлар қисқа муддатли самара беради. Узоқ даврда эса, фақат эркин савдогина иқтисодий ресурсларни самарали жойлаштириш имконини беради. Шунинг учун ҳам кўпгина мутахассис-иқтисодчилар мамлакат иқтисодиёти ва аҳолиси турмуш даражани яхшилаш учун эркин ташқи савдо сиёсати фойдалироқ, чунки, ташқи савдони чеклашга нисбатан уни эркинлаштириш иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланишга кўпроқ имконият яратади, деб ҳисоблашади.

Гарчанд, эркин савдо жаҳон иқтисодиёти нуқтаи назаридан фойдали бўлиши мумкин бўлсада, аммо алоҳида олинган мамлакат иқтисодиёти манфаати нуқтаи назаридан эркин савдо ҳамма вақт ҳам фойдали бўлавермайди.

Ташқи савдони чеклаш усулларининг 50 дан ошиқроқ тури мавжуд. Уларнинг айримлари давлат ғазнасини тўлдиришга йўналтирилган бўлса, баъзилари умуман импортни чеклашга ва яна бошқаси эса экспортни чеклашга ёки рағбатлантиришга йўналтирилган. Амалиётда ташқи савдони тартибга солишнинг таъриф ва нотаъриф усулларида фойдаланилади.

Таъриф усулларига импорт ва экспорт божларини жорий қилиш кирса, нотаъриф усулларига экспортёрлар ва ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар бериш, квоталаш, лицензиялаш кабилар киради.

Божхона бождари аввало импорт бождари ва экспорт бождарига ажралади.

Импорт бождари давлат бюджетини тўлдириш мақсадида ва ички бозорларга тушадиган чет эл товарлари оқимини тартибга солиш учун белгиланади. Экспорт бождари мамлакат ичида талаб кўп бўлган маҳсулотлар тақчиллигининг олдини олиш мақсадида белгиланади.

Бож олинадиган маҳсулотлар, бож олинмайдиган маҳсулотлар, олиб келиш ва олиб кетиш тақиқланган маҳсулотлар, шунингдек, божхона бождари ставкаси, яъни, уларнинг тартибга солинган рўйхати божхона тарифлари деб аталади.

Божхона тарифларини ишлаб чиқариш, табиий фарқлар (хайвонот ва ўсимлик дунёси), қайта ишлаш даражасига (хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар, тайёр буюмлар) кўра, тақсимланган маҳсулотлар рўйхатини ўз ичига олган маҳсулот сархилловчилар (классификаторлари) асосида қурилган.

2. Импортга таърифлар ва уларнинг ишлаб чиқарувчиларга ҳамда истеъмолчиларга таъсири

Халқаро савдони тартибга солишда энг кўп қўлланиладиган усул бўлиб тариф, яъни импортга солинадиган божхона божи ҳисобланади.


Импортга тарифларнинг махсус ва адвалар турлари ўзаро фарқланади. Махсус бождар импорт қилинаётган товарлар бирлигига нисбатан ўрнатилади. Масалан, 1 барел нефтга нисбатан 2 евро.

Адвалар бождар импорт қилинаётган товар қийматига нисбатан маълум фоиз тариқасида белгиланади. Масалан автомобил харид нархининг 40%.

Ҳар иккала турдаги импорт тарифларнинг оқибатлари деярли бир хил бўлиб, буни биз қуйидаги график воситасида кўриб чиқамиз.

Айтайлик, импорт тарифлари жорий қилингунга қадар ички ишлаб чиқариш ҳажми S_1 , ички талаб ҳажми эса D_1 тенг бўлган. Талаб ва таклиф ўртасидаги фарқ $(D_1 - S_1)$ импорт ҳисобига қопланган. Мамлакат иқтисодиёти ёпиқ бўлганида баҳолар даражаси P_e га тенг, талаб ва таклиф мувозанати эса E нуқтада ўрнатилган бўлар эди. Мамлакат иқтисодиёти очик бўлгани ва импортга чекловлар йўқлиги туфайли миллий бозордаги нархлар жаҳон бозори нархлари R_w билан бир хил. Импортга тариф жорий қилиниши натижасида ички баҳолар P_w дан P_d га қадар кўтарилади. Натижада:

Импорт қилинадиган товарнинг ички баҳоси = Жаҳон бозоридаги баҳоси + (Жаҳон бозоридаги баҳоси \times Тариф ставкаси).



64-чизма. Импорт тарифлари киритилиши натижалари

Оқибатда истеъмолчилар маълум бир йўқотишларга дуч келадилар. Бу йўқотишлар графикда а, б, с, д соҳалар билан кўрсатилган.

Баҳоларнинг кўтарилиши илгари рақобатбардош бўлмаган айрим ички ишлаб чиқарувчилар учун ҳам фойда кўриб ишлашга имкон беради. Умуман шу соҳада банд миллий ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиқариш ҳажмини S1 дан S2 га қадар оширади ва S2-S1 ҳажмдаги маҳсулот Pd баҳода сотилади. Шу ҳажмдаги маҳсулотни истеъмолчилар оширилган нархда сотиб оладилар ва а соҳага тенг йўқотишга дуч келадилар. Аммо, бу йўқотиш ички ишлаб чиқарувчиларнинг ўсган фойдасига айланади.

Баҳоларнинг ўсиши оқибатида истеъмолчилар кўрилатган товар истеъмоли ҳажмини D1 дан D2 қадар қисқартиради. Бу йўқотиш графикда d соҳа билан кўрсатилади ва у ҳеч кимнинг фойдаси билан қопланмайди.

S2-D2 оралиқ тариф жорий қилингандан сўнги импорт ҳажми бўлиб, шу ҳажмда товарни истеъмолчилар илгаригидан юқори баҳода сотиб оладилар. Бунинг натижасида улар турмуш даражасидаги йўқотиш рўй беради. Бу йўқотиш графикда с соҳа билан белгиланган бўлиб, у давлат бюджетига бориб тушади. Яъни, бу соҳадаги истеъмолчиларнинг йўқотиши давлатнинг фойда кўриши билан қопланади.

Тариф киритилиши оқибатида истеъмолчилар талаби арзон импорт товаридан қиммат ички товарга йўналтирилади. Истеъмолчиларнинг ўсган тўловлари юқори чегаравий харажатга эга, рақобатбардош бўлмаган самарасиз ички ишлаб чиқаришни кенгайтишига олиб келади.

Истеъмолчиларнинг бу йўқотиш v соҳаси билан белгиланган бўлиб тарифнинг «ишлаб чиқариш самараси» дейилади ва ҳеч кимнинг фойдаси билан қопланмайди.

Истеъмолчиларнинг йўқотишлари	Ишлаб чиқарувчилар фойдаси	Давлат даромади	Жамиятнинг соф йўқотиши
$a + b + c + d$ --	a --	s =	$b + a$

Демак, истеъмолчиларнинг a соҳадаги йўқотишлари ишлаб чиқарувчилар фойдасининг ўсиши ҳисобига қопланади. Айти дамда истеъмолчилар шу тармоқ корхоналари акциядорлари бўлишса, улар йўқотишларининг бир қисми ўсган дивидентлар сифатида қайтади.

« s » соҳада давлат олган даромадини трансферт тўловларини ошириш, солиқларни пасайтириш, бюджет ташкилотларида ишловчилар иш ҳақини ошириши кўринишида истеъмолчиларга қайтариши мумкин.

Аммо « b » Q « d » соҳаларда жамият соф йўқотишга дуч келади. Валюта курси ўзгариши бу йўқотишларни бир оз қоплаши мумкин. Масалан, 20% ли тариф киритилиши натижасида миллий валюта 4% га қимматлашса импорт қилинаётган товарларнинг миллий валютада ифодаланган ички баҳоси 20 % га эмас, 16 % га ошади. Бу эса тариф киритилиши оқибатида жамиятнинг соф йўқотиш « b » ва « d » соҳаларнинг 80 фоизини ($(16 / 20) \times 100 = 80$) ташкил этишини англатади.

Умуман олганда тарифларни киритилишига нисбатан бир-бирига зид фикрлар мавжуд бўлиб, бу тадбир мамлакат иқтисодиёти ҳолати, хусусияти ва қўйилган мақсадлар билан асосланади.

Божхона таърифларини киртишни ёқловчи мутахассислар фикрига кўра импорт тарифлари:

- мамлакат мудофаа саноатини ҳимоя қилиш имконини беради;
- мамлакатда бандлилик даражаси ўсишини таъминлайди ва ялпи талабни рағбатлантиради, импортнинг нисбатан чекланиши натижасида соф экспорт ўсади ва жорий операциялар бўйича тўлов баланси ҳолати яхшиланади;
- миллий иқтисодиётдаги янги тармоқларни ҳимоя қилиш учун зарур;
- давлат бюджети даромадларини тўлдириш манбаи бўлиб хизмат қилади;
- миллий ишлаб чиқарувчиларни демпинг кўринишидаги чет эл рақобатидан ҳимоя қилади;
- иқтисодиёт тузилишини қайта қуришни бошқариш воситаси ҳисобланади

ва улар ёрдамида мамлакат иқтисодиётидаги илғор силжишлар рағбатлантирилади ва ҳ.к.

Миллий иқтисодиётнинг тикланиши шароитида кўпгина давлатлар ўз ишлаб чиқарувчиларини чет эл рақобатидан ҳимоя қилиш мақсадида протекционизм сиёсатини қўллайдилар. Акс ҳолда, маҳаллий корхоналар «синиши» жамиятда ишсизлик хавфини туғдиради.

Мамлакатларда таъриф механизми орқали ташқи савдо сиёсатини юритиш, биринчи навбатда ушбу мамлакатнинг асосий тармоқлари ва янги ишлаб чиқариш соҳаларининг ҳимояланганлигига таъсир қилади. Ўзбекистонда автомобилсозлик янги ва истиқболли соҳа (тармоқ) ҳисобланади ва табиийки, тарифли ҳимояга муҳтож. Тармоқни тарифли ҳимояланишининг ҳақиқий даражасини қуйидаги мисолда кўриб чиқамиз. Масалан, Ўзбекистонда янги машиналар учун импорт божи 40 фоизни ташкил қилсин. Ушбу машинани ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган эҳтиёт қисмлар асосан четдан келтирилсин ва унга импорт божи 25 фоиз миқдорида ўрнатилсин. Бир дона машинанинг нархи 10000 АҚШ долларига тенг бўлса, яъни битта автомобил учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларининг нархи 7000 доллар, қўшилган қиймат эса 3000 долларни ташкил этсин.

Автомобил импортига 40 фоиз тариф белгиланганлиги учун ҳар бир автомобил нархи 4000 долларга ўсиб, тариф билан бирга 14000 долларни ташкил этади. Эҳтиёт қисмлар импортига 25 фоизли тариф киритилиши уларга қилинадиган харажатларни 1750 долларга ошириб 8750 долларга этказди. Оқибатда маҳсулот бирлигига эҳтиёт қисмлар харажати 1750 долларга ошди. Қўшилган қиймат эса 2250 долларга ($4000 - 1750 = 2250$) ўсди. Шундай қилиб, тариф киритилгандан сўнг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган қўшилган қиймат 5250 долларни ($3000 + 2250 = 5250$) ташкил этади.

Енди эса соҳа (тармоқ)нинг самарали ҳимояси формуласидан фойдаланамиз.

$$E_r = (YA - VA) / YA.$$

Бу эрда: E_r - соҳанинг тариф билан ҳақиқий ҳимояланганлик даражаси; YA - божхона тарифи киритилгандан кейинги қўшилган қиймат;

VA - божхона тарифи киритилишидан олдинги қўшилган қиймат.

$$E_r = ((3000 + 2250) - 3000) / 3000 = 2250 / 3000 = 0,75 \text{ ёки } 75\%$$

Бу шуни билдирадики, тайёр автомобилларга 40% тариф ва эҳтиёт қисмларга 25% тарифни жорий қилиб, давлат миллий автомобилсозликни ҳақиқатда 75% тарифли ҳимояланганлигини таъминлайди.

Протекционизм сиёсатининг муҳим тамойили ҳам шундаки, давлат тайёр маҳсулотларга божни кўтариш ва ярим тайёр маҳсулотларга эса унинг

миқдорини пасайтириш орқали тармоқнинг ҳақиқий ҳимояланганлигини янада оширади.

Агар мамлакатлар божхона иттифоқига бирлашсалар, унда божхона тарифи, барча иштирокчи мамлакатлар учун уларнинг савдо муносабатларида ягона бўлиб қолади. Божхона тарифлари миқдори алоҳида мамлакатлар иқтисодиётида ва жаҳон хўжалигида юз бераётган жараёнлар таъсирида юзага келади. Жаҳонда импортга божхона божларининг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда ва у икки томонлама ҳамда кўп томонлама музокаралар асосида мамлакатлар томонидан рағбатлантирилади ва назорат қилинади.

Божхона божларини жорий қилишни қўлловчи фикрларга аксинча бўлган мулоҳазалар ҳам мавжуд. Чунки санаб ўтилган натижаларга бошқа усуллар билан камроқ йўқотишлар ҳисобига ҳам эришса бўлади деган фикрлар ҳам қайсидир даражада асослидир.

Биринчидан, импорт тарифлари истеъмолчилар турмуш даражасининг пасайишига олиб келади.

Иккинчидан, импорт тарифлари киритилиши оқибатида улар воситасида ҳимоя қилинаётган тармоқларда ресурслар самарасиз сарфланади.

Учинчидан, тарифларни киритиш ва улар ставкасини белгилаш масаласида мамлакат имкониятлари халқаро битимлар билан чекланган.


3. Ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар ва импортни квоталар орқали тартибга солиш

Миллий ишлаб чиқарувчиларни хорижий фирмалар рақобатидан ҳимоя қилишнинг муқобил усули уларга бевосита субсидия бериш ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш субсидиясининг тарифлардан афзаллиги шундан иборатки, у бир томондан, миллий ишлаб чиқаришни S_0 дан S_1 гача ўсишини таъминласа (65 - чизма), иккинчи томондан, истеъмолнинг мутлақ камайишига олиб келмайди. Чунки, ички нархлар жаҳон нархларидан қимматлашмайди.

Субсидия шароитида ишлаб чиқарувчилар учун ички нархлар даражаси P_d , жаҳон нархлари P_w даражасига тенг. Шунинг учун, ҳақиқий истеъмол ҳажми D_0 га тенг. Тариф киритилган шароитда эса у D_1 гача камайган бўлур эди. Мамлакат фаровонлигидаги мутлақ йўқотиш эса «b» соҳасидангина иборат бўлади. Айни пайтда ишлаб чиқаришга берилган бевосита субсидиялар ишлаб чиқариш харажатларининг самарали тақсимланишини кафолатламайди, чунки айнан қайси тармоқни халқаро рақобатдан ҳимоя қилишни билиш қийин бўлади. Субсидияларни жорий қилгандан сўнг уларни бекор қилиш қийин бўлади, рақобат муҳити йўқолади ҳамда бу харажатларни молиялаштириш муаммоси кучайиб бораверади.

Шунинг учун иқтисодий тартибга солиш, бандлик даражасини ошириш ва ялпи талабни қондириш мақсадида бюджет ва пул-кредит сиёсатлари қўлланилади. Ушбу сиёсатларни қўллашдан асосий мақсад мамлакат ишлаб чиқаришини халқаро рақобатдан ҳимоя қилиш, ишсизлик даражасини энг паст ҳолатга келтириш ва халқ фаровонлигини оширишдан иборат.



65-чизма. Ишлаб чиқарувчилар субсидия берилишининг иқтисодий оқибатлари

Жаҳон амалиётида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг билвосита усуллари қараганда бевосита усуллари кенгроқ фойдаланилади. Бевосита усуллар мазмунига кўра, иқтисодий, маъмурий, меъёрий - ҳуқуқий кўринишга эга бўлиши мумкин.

Лицензиялаш ва квоталаш иқтисодий характердаги бевосита усуллар ичида кенг тарқалгани ҳисобланади.

Лицензиялаш – бу, ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишга давлат ташкилотларидан рухсат олишнинг маълум тартибидир. Ташқи иқтисодий операцияларга маҳсулотлар, ишчи ва хизматчилар экспорти ҳамда молия операцияларини ўтказиш, хорижга ишчи кучини ишга жойлаштириш ва бошқалар кирази. Ўзбекистонда лицензиялар фақат давлат рўйхатида қайд этилган ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига берилади. Уларни бошқа юридик шахсларга бериш тақиқланган.

Маҳсулотлар экспорти ва импортини лицензиялаш давлатга улар оқимини қаттиқ тартибга солиш, баъзи ҳолларда уларни вақтинча чегаралаш ва шу асосда ташқи иқтисодий тақчиллик ўсишининг тўхташ ҳамда савдо балансининг тенглаштириш имконини беради.

Умуман, импорт маҳсулотларга бериладиган лицензиялар қуйидаги усуллар ёрдамида жойлаштирилади.

1. Очиқ аукцион – давлат лицензияларни юқори баҳоларни таклиф қилган ишлаб чиқарувчиларга бериши.

2. Афзал кўриш тизими – давлат биринчи навбатда лицензияларни ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатдан йирик бўлган фирма ва компанияларга ҳеч қандай шарт ва талабларсиз беради.

3. Харажат усули – давлат лицензияларни йирик ишлаб чиқариш қувватларига ва ресурсларга эга бўлган фирма ва компанияларга беради.

Маҳсулотлар, шунингдек, ишчи ва хизматчилар экспорти ва имортига лицензиялар бериш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги бошқарув ташкилотлари эга: Вазирлар Маҳкамаси, Молия, Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, шунингдек, Марказий банк.

Молия операцияларини ўтказишга лицензиялар асосан Республика Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан ўз ва хорижий банкларга, молия муассасаларига берилади. Улар молия-кредит муассасаларига мамлакат ичида ва унинг ташқарисида чет эл валютаси билан опреатсияларни амалга ошириш, хорижий молия-кредит муассасаларига эса ички бозорда юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш ҳуқуқини беради.

Лицензиялаш билан бир қаторда жаҳон амалиётида маҳсулотларни, шунингдек, ишчи кучи экспорт ва импортини чегаралаш мақсадида квоталаш кенг қўлланилади.

Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда ваколатли давлат ёки халқаро ташкилот алоҳида маҳсулотлар, хизматлар, мамлакатлар ва мамлакатлар гуруҳи бўйича маълум даврга экспорт ва импортга миқдорий ёки қиймат чегараларини белгилайди. Давлат томонидан тартибга солиш тадбири сифатида квоталаш тўлов балансларини ички бозорда талаб ва таклифни баланслаштириш учун музокараларда ўзаро келишувга эришиш учун қўлланилади. Ўзбекистонда квоталаш халқ истеъмоли молларини ва стратегик хом ашёнинг муҳим турларини олиб чиқишни чегаралаш усули сифатида қўлланилмоқда.

Квоталаш фақат маҳсулот оқимларинигина эмас, балки ишчи кучи оқимларини тартибга солишда ҳам қўлланилади. Кўпгина ривожланган мамлакатлар ички меҳнат бозорини ҳимоялаш мақсадида хориждан ишчи кучи импортига квоталар ўрнатади.

Ҳозирги вақтда квоталаш божларга нисбатан кўпроқ қўлланилишига иккита сабаб бор:

1. Тариф ставкалари халқаро савдо келишувларига асосан белгиланади. Айрим ҳоллардан ташқари вазиятларда, мамлакатлар тариф ставкасини ошира олмайдилар ва шунинг учун иқтисодий рақобатдан ҳимоя қилиш мақсадида квоталарга эътиборни қаратишга мажбур бўлади.

2. Ҳимояга муҳтож тармоқлар ҳам импортга квоталар жорий қилишни қўллайди. Чунки, тарифни жорий қилишга нисбатан имтиёзли лицензиялар олиш осонроқдир.

Импорт квоталари эркин рақобат шароитига кўпроқ мос келади. Тарифларга нисбатан квоталарни жорий қилишдан кўриладиган фаровонликдаги йўқотишлар икки ҳолатда катта бўлади. Биринчидан, квоталар маҳсулотлар импорт қилаётган миллий ишлаб чиқарувчилар ёки хорижий фирмалар монопол ҳуқуқдорлиги даражасини оширса. Иккинчидан, импортга лицензиялар самарасиз жойлаштирилса.

4. Экспорт субсидиялари. Экспорт божлари ва экспортни ихтиёрий чеклаш

Кўпчилик ҳолларда экспортни давлат томонидан рағбатлантириш тадбири сифатида кўпгина мамлакатларда экспорт субсидиялари қўлланилади. Бунда тажриба - конструкторлик ишлари ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни бевосита молиялаштириш ёки бу мақсадларга давлат бюджетидан имтиёзли кредитлар бериш кўзда тутилади.

Экспорт субсидиялари турли шаклларда қўлланилади. Буларга:

- ❖ Экспортёр фирмаларга ёки хорижий шерикларга паст фоизли кредитлар бериш;
- ❖ реклама харажатларини давлат ҳисобидан қоплаш, бозор конъюктураси ҳақида текин ахборот этиказиб бериш;
- ❖ фирмаларга ишлаб чиқариш ҳажмидаги Экспорт улушига мувофиқ солиқ имтиёзларини бериш;
- ❖ бевосита субсидиялаш киради.

Экспорт субсидияларининг берилиши миллий ишлаб чиқарувчиларининг ташқи бозорда рақобатбардошлигини оширади. Аммо импортёр давлатлар томонидан киритиладиган компенсацион импорт божлари бу ютуқни йўққа чиқариши мумкин. Оқибатда экспортёр давлат бюджети йўқотишга учрайди, импортёр давлат бюджети эса қўшимча даромад кўради. Бу тадбир демпингга қарши кураш кўринишларидан биридир.

Демпингга қарши қаратилган божлар жаҳон амалиётида кенг қўлланилиб, ўзида қўшимча импорт божларини акс эттиради. Улар одатда, жаҳон нархларидан ёки импорт қилаётган мамлакат ички нархларидан паст нархлар бўйича, экспорт қилинаётган маҳсулотларга ўрнатилади. Бу божларни белгилаш ҳақидаги қарорни халқаро суд маҳаллий ишлаб

чиқарувчилар ва сотувчилар мурожаатидан сўнг чиқаради ҳамда унинг миқдорини ва тўлаш тартибини белгилайди. Масалан, демпингга қарши божлар ўз валюта ресурсларини тўлдириш мақсадида жаҳон бозорига хом ашё ресурсларини экспорт қилишни кўпайтирган собиқ иттифоқдош республикаларга нисбатан фаол қўлланилмоқда.

Экспортга тарифлар ёки экспорт божлари киритилишининг оқибати импорт божлари киритилиши оқибатининг айнан аксидир. Экспорт божлари киритилиши шароитида маҳсулотлар ички баҳоси уларнинг ташқи баҳосидан пасаяди. Бундай вазиятларда ички истеъмол ўсади, ишлаб чиқариш ва экспорт камаяди. Экспортга божларни жорий қилиш натижасида миллий ишлаб чиқарувчиларда йўқотишга дуч бўладилар. Танқи бозордаги баҳоларга нисбатан ички баҳонинг камайишидан истеъмолчилар ютуққа эришса, давлат эса даромадга эга бўлади.

Ихтиёрий равишда экспортни чеклаш экспорт квоталарининг бир тури бўлиб, хориж мамлакатларининг айрим мамлакатларга “ихтиёрий” экспорт миқдорларини чеклашдан иборат.

Бу эрда «ихтиёрий сўзи» шартли характерга эга. Чунки, экспорт қилаётган мамлакат савдо сиёсатида ўз ҳамкорлари томонидан бирорта нохушликка дуч келмаслиги учун экспорт миқдорини чеклайди.

Ихтиёрий равишда экспортни чеклаш икки хил хусусиятга эга:

1. Ихтиёрий равишда экспортни чеклаш миллий истеъмолчилар учун тариф ва квоталарни белгилашга нисбатан анча сезиларсиз. Шунинг учун истеъмолчилар уларни эътиборсиз қабул қиладилар ва ҳукуматга норозилик билдирмайдилар.

2. Ихтиёрий равишда экспортни чеклаш шароитида хориж истеъмолчилари улар сотиб олаётган экспорт маҳсулотига юқорироқ нарх белгилашлари мумкин.

Шундай қилиб, хорижликлар ихтиёрий равишда экспортни чеклаш шароитида экспортёр кўрган йўқотишларни нархларни ошириш ҳисобига қоплашади.

Савдо сиёсатини амалга оширишнинг кўриб ўтилган усулларининг ҳар бири ижобий жиҳатлари билан бирга салбий оқибатларга ҳам эга. Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги даражаси кучайиб боргани сари ташқи савдо либераллаштириб борилади. Мамлакатнинг халқаро савдо ташкилотларига аъзо бўлиши бу жараённинг қонуний натижаларидан биридир. Ташқи савдони эркинлаштирилиши иқтисодиётда бозор муносабатларини янада ривожлантиришга олиб келади.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Ташқи савдо тушунчаси.
2. Ташқи савдо сиёсатининг моҳиятини тушунтиринг. Ташқи савдо сиёсатининг воситалари.
3. Импорт таърифлари киритилишининг иқтисодиётга таъсири.
4. Ташқи савдо сиёсатининг усулларда тартибга солинадими?
5. Экспорт божлари ва уларни ихтиёрий чеклаш.

Асосий адабиётлар

1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. М.: ДИС. 1997.
2. Гальпирин В.И., Игратов С.М., Моргунов В.И. Макроэкономика. Том-1. С.Петербург: 1994.
3. Жеффри Д., Сакс Д. и др. Макроэкономика. Глобальнўй подход. М.: 1996.
4. Ишмухамедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ – 2000.
5. Линвут Т. Гайгер А. Макроэкономика теория и переходная экономика. М.: 1996.

16- мавзу: Тўлов баланси

Режа:

1. Тўлов баланси тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши.
2. Тўлов балансининг номутаносиблигини тартиблаш усуллари.
3. Тўлов балансини маркоиктисодий тартибга солиш воситалари ва усуллари.
4. Ўзбекистонда тўлов балансини ишлаб чиқиш тажрибаси.

1. Тўлов баланси тушунчаси ва унинг таркибий тузилиши

Тўлов баланси – маълум давр мобайнида мамлакат резидентлари ва ташқи дунё ўртасида бўладиган битимлар статистик қайд этилган ҳужжатдир. У мамлакатнинг иқтисодий алоқаларини аниқ лўнда ифодалаб пул-кредит, валюта, бюджет-солиқ, халқаро савдо сиёсатининг ҳамда давлат қарзини бошқариш йўналишларини танлаш учун индикатор вазифасини бажаради.

Бирор мамлакатнинг маълум вақтдаги барча халқаро иқтисодий фаолияти, шу жумладан, ташқи савдо, капитал ва ишчи кучи миграцияси ҳам тўлов балансида ўз аксини топади. Ҳар қандай ташқи иқтисодий битим валюта айирбошлаш ва валюта операциялари орқали амалга оширилади. Олиш - сотиш битими ҳисобланар экан, демак, мамлакатнинг жаҳон бозоридаги фаолияти натижалари пировардида хорижий валюта тушумлари ва харажатларида ифодаланadi. Шунинг учун ҳам тўлов баланси–бу, бир томонидан, четдан келадиган барча тушумлар, иккинчи томондан эса, четга чиқарадиган барча тўловлар кўрсатилган ҳужжатдир. Тушум фақат экспорт ёрдамида таъминланиши мумкин. Аксинча, хорижий валюталарни сотиб олиш (импорт) тўловлар ва хорижий валюта харажатлари билан боғлиқ бўлади. Бунда товар деганда айирбошланадиган ҳар қандай нарса тушинилади, яъни, у моддий неъмат, хизмат, ишчи кучи, капитал ва валюта бўлиши мумкин.

Барча иқтисодий битимлар иккита катта гуруҳга бўлинади: жорий операциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар (10-жадвал). Шунга кўра тўлов баланси структураси ҳам икки қисмдан иборат:

1. Жорий операциялар ҳисоби;
2. Капитал ҳаракати ҳисоби.

Умуман жорий операциялар ҳисобида маҳсулотлар ва хизматлар экспорти «плюс», импорт эса «минус» ишоралари билан белгиланади. Бу ишораларнинг белгиланишини қуйидагича изоҳлаш мумкин: ички маҳсулотлар экспорти кредитни, аксинча мамлакатга маҳсулотлар олиб келиш - импорт эса дибетни кўрсатади. Чунки, маҳсулотлар экспорти хорижий валюта ишлаб топиб, мамлакат валюта захирасини бойитса, импорт эса мамлакатдан валюта чиқиб

кетишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида мамлакат валюта захирасининг камайтиради. Жорий операцияларнинг асосий моддаси товарлар экспорти ва импорти ҳисобланади, уларнинг фарқи ташқи савдо балансининг қолдиғи деб юритилади. Мисолимизда бу баланс салбийдир, яъни, мамлакат товарларни четга олиб чиқишдан кўра кўпроқ олиб келади (-75).

Жорий операцияларнинг кейинги моддаси – бу, хизматлар экспорти ва импортидир. Уларга транспорт, суғурта, сайёҳлик хизматлари ва бошқалар киради. Товарлар билан операциялардаги каби хизматлар билан операцияларда ҳам мамлакат хорижий хизматларни кўпроқ олади яъни, мамлакатда яшовчилар хорижга четдан сайёҳларга нисбатан кўпроқ борадилар, шунингдек, мамлакатдаги тадбиркорларга хорижий транспорт ва суғурта хизматларини кўрсатиш ҳажми хорижий тадбиркорларга мамлакатда транспорт ва суғурта компаниялари кўрсатадиган хизматлар ҳажмига қараганда юқорироқ. Бу операция ҳам баланснинг салбий қолдиғига эга (-2).

б-жадвал

Мамлакат тўлов балансининг тахминий кўриниши (рақамлар шартли)

Моддалар номи	Кредит (+) ёки экспорт ҳисобига тушумлар	Дебит (-) ёки импорт натижасидаги харажатлар	Соф кредит ёки соф дебит
Жорий операциялар счёти			
Товарлар	+185	-260	-75
Ташқи савдо балансининг қолдиғи			
Хизматлар	+85	-97	-12
Инвестициялардан даромадлар (фоизлар ва дивидентлар)	+28	20	+8
Пул ўтказмалари	+10	-18	-8
Жорий операциялар бўйича баланснинг қолдиғи			-87
Капитал ҳаракатининг ҳисоби			
Инвестициялар ва бошқа ўрта ва узоқ муддатли капитал	+150	-87	+63
Капитал ҳаракати балансининг қолдиғи			+63
Жорий операциялар ва капитал ҳаракати бўйича баланснинг қолдиғи			-24
Расмий захиралар (олтин, СДР, ХВФ даги захиралар)	+24		+24

Инвестициялардан даромадлар, фоизлар ва дивидентлар бўйича тўловларни ўз ичига олади. Агар хорижга қўйилган миллий капиталга чет элликларнинг амалга оширадиган тўловларидан тушумлар мамлакат иқтисодиётига жалб этилган хорижий капитал тўловлари миқдоридан кўп бўлса, унда соф даромад ижобий бўлади (+8).

Пул ўтказишлар шу мамлакатларнинг хорижда яшаётган фуқароларига тўланидаган нафақаларни, мухожирларнинг хориждаги ўз қариндошларига пул ўтказишлари, турли кўринишдаги ҳукумат ёрдамларини ўз ичига олади. Жадвалдан кўриниб турибдики, хорижга жўнатилаётган пул ўтказишлар миқдори олинаётганига нисбатан юқори, яъни, операциялар мамлакатдаги хорижий валюта захираларини камайтиради (-8).

Жорий ҳисоблар бўйича барча операциялар йиғиндиси жорий операциялар тўлов балансини ташкил этади. Бизнинг мисолда у салбий (-87). Бу эса шуни англатадики, мамлакатда импорт операциялари натижасида хорижий валютага бўлган талаб унинг экспорт операциялари таъминлайдиган тақлифдан ортиқ бўлади. Бошқача айтганда, ушбу ҳолда мамлакат жорий операциялар бўйича тақчилликга эга. Уни қоплаш учун мамлакат ёки қарз олади (узоқ ва қисқа муддатли), ё ўз кўчмас мулкни (ер, бино ва молиявий активларини, акция ва облигациялар) сотади.

Бироқ мамлакат жорий тўлов балансининг ижобий қолдиғига эга бўлиши мумкин. Агар унинг экспорт операциялари импорт операцияларидан ортиқ бўлса, шундай ҳол юз беради. Бунда мамлакатда чет элда кўчмас мулкни сотиб олиш ёки бошқа мамлакатларга қарзга беришга йўналтирилиши мумкин бўлган хорижий валюта ортиқчилиги юзага келади. Инвестициялаш ва кредитлаш билан боғлиқ операциялар тўлов балансининг кейинги бўлимида, яъни, капиталлар ҳаракати ҳисобида акс эттирилади.

Мамлакатда маълум бир вақтда моддий ва молиявий акцияларни сотиб олиш ва сотиш билан боғлиқ операцияларга капитал ҳаракати ҳисоби дейилади. Бу ерда асосан, моддий ва молиявий активлар (корхоналар, ер, уйлар, қийматли қоғозлар, акциялар, хазина мажбуриятлари ва бошқалар) олиш-сотиш билан боғлиқ капиталлар оқимини акс эттиради. Агар бу активлар сотилса ёки экспорт қилинса, унда бу хорижий валютанинг мамлакатга келишини, тушумини кўпайтиради (+150). Бироқ капитални олиб келиш билан бир вақтда уни олиб чиқиш билан боғлиқ операциялар ҳам амалга оширилади. Бунда мамлакатнинг тадбиркорлари хориждан акциялар сотиб олади, хорижликларга кредитлар беради ва шу асосда улар хорижий валюта захираларини сарфлайди. Бу операциялар дебит кўринишида акс эттирилади (-87). Капитал ҳаракати балансининг қолдиғи – бу, уни олиб келиш ва олиб чиқиш ўртасидаги фарқдир (+63).

Аввал айтиб ўтилганидек, жорий операциялар бўйича баланс ва капитал ҳаракати баланси ўзаро чамбарчас боғланган. Бизнинг мисолда биринчисининг тақчиллиги (-87) капиталнинг соф оқиб келиши ҳисобига (+63) молиялаштирилади ва аксинча, агар жорий операциялар бўйича активга эга бўлса, у ҳолда бир вақтда капиталлар баланси бўйича капиталларнинг соф келиб чиқиши амалга оширилган бўлади.

Шундай қилиб, баланснинг бу икки бўлими бир-бирини тенглаштириб боради ва аслида ҳам бир-бирига тенг бўлиши керак. Бироқ амалда доимо тақчиллик ёки ортиқчалик юзага келади. Шунинг учун турли мамлакатларнинг Марказий банклари расмий захиралар деб аталувчи хорижий валюта захираларига эга. Бу захиралар жорий операциялар бўйича баланс ва капитал баланси номуносивблигини бартараф этишда қўлланилади. Бизнинг мисолда бу номуносивблик ёки қолдиқ (-24)ни ташкил этади ва расмий захиралардан тушумлар ҳисобига тартибга солинади. Захиралардан тушумлар кредит (+) устунда акс эттирилган, чунки мамлакатда хорижий валюта таклифини кўпайтириш бошқа ҳар қандай экспорт операциясига хосдир. Натижада тўлов балансининг қолдиғи умуман «0»га келтирилган.

2. Тўлов балансининг номуносивблигини тартиблаш усуллари

Умуман, «тўлов балансининг тақчиллиги» ёки тўлов баланси фаол ифодалари жорий операциялар ва капитал ҳаракати бўйича баланснинг ижобий ёки сабий қолдиғи миқдорини билдиради:

Тўлов баланси қолдиғи = Жорий операциялар + Капитал ҳаракати баланси.

Расмий захираларнинг қисқариши (+) бу тақчиллик миқдорини ифодалайди, расмий захираларнинг ўсиши (-) эса тўлов балансининг актив қолдиғи миқдорини кўрсатади. Натижада унинг барча уч бўлими суммаси «0»ни ташкил этиши лозим. Бу эса хорижий валюта таклифини ва унга мамлакатда бўлган талаб бараварлигини билдиради. Макроиктисодий моделларда жорий операциялар баланси қолдиғи қуйидагича берилади:

$$X - M = X_n = y - (C + I + G);$$

Бу ерда: X - экспорт;

M - импорт;

X_n - соф экспорт;

C + I + G - ЯММнинг бир қисми;

y – ялпи ихтиёрдаги даромад.

Жорий операциялар балансида тақчиллик бўлган шароитда, мамлакатнинг экспортдан олган даромадлари импортга қилган харажатларидан кам бўлади ва уни ташқаридан қарз олиш ҳисобига ёки мавжуд активларнинг

бир қисмини хорижий инвесторларга сотиш орқали қоплаши мумкин. Бу операциялар соф хорижий активларнинг камайишига олиб келади.

Соф хорижий активлар (NFA) – бу, миллий резидентлар томонидан эгаллаб турилган хориж активлари ва хорижликлар эгалик қилган мамлакат активлари ўртасидаги фарқни билдиради.

Жорий операциялар балансида тақчиллик бўлмаган шароитда эса мамлакат хорижий валюталарни сарф қилишга нисбатан кўпроқ олиб келади. Капитал харажатлари ҳисобида активлар бўйича барча халқаро операциялар кўрсатилади.

Капитал ҳаракати баланси=Активларни сотишдан тушадиган барча тушумлар – Хорижий активларни сотиб олишга қилинган харажатлар.

Хорижга активларни сотиш валюта захирасини кўпайтирса, сотиб олиш эса уни камайтиради. Шунинг учун капитал ҳаракати баланси барча операциялардан келадиган соф валюта тушумларини кўрсатади. Капитал ҳаракати ҳисобининг ижобий қолдиғи мамлакатда капитал кўпайишини билдирса, унинг салбий қолдиғи мамлакатда капитал камайишини билдиради.

Жорий операциялар ҳисоби билан капитал ҳаракати ҳисобининг ўзаро алоқаларини умумлаштирсак, унинг макроиктисодий кўриниши қуйидагича бўлади:

$$\begin{aligned}
 & Y = C + I + G + X_n; \\
 & \downarrow \\
 & \underbrace{Y - C - G}_{S_n} = C + I + G + X_n - (C + G); \\
 & \downarrow \\
 & S_n = I + X_n \\
 & \downarrow \\
 & (I - S) + X_n = 0 \text{ (эгиловчан валюта курси} \\
 & \text{режимида марказий банк аралашмаган} \\
 & \text{шароитда)}.
 \end{aligned}$$

Бу ерда: S_n – миллий жамғариш;

$(I - S) + X_n = 0$ (МБ аралашмаган шароитдаги қаятий валюта курси).

$(I - S)$ -миқдори ички инвестицияларнинг ички жамғармалардан ортиқчалигини кўрсатади ва капитал ҳаракатлари ҳисобининг қолдиғини билдиради.

Жорий операциялар ва капитал ҳаракати ҳисобининг асосий макроиктисодий кўринишни тенглаштирсак қуйидагича эга бўламиз:

$$\begin{array}{ccc} \mathbf{X - M = X_n = - (I-S) = S - I} \\ \text{ташқи баланс} & & \text{ички баланс} \end{array}$$

Бу шуни билдирадики, тўлов балансининг жорий операциялар бўйча тақчиллиги капиталнинг соф оқиб келиши ҳисобига молиялаштирилади.

$$\left\{ \begin{array}{l} X_n < 0 \Rightarrow X - M < 0 \Rightarrow X < M; \\ I - S > 0 \Rightarrow I > S - \text{хориждан капитал киритилиши.} \end{array} \right.$$

Агарда инвестициялар (I) миллий жамғармалардан кўп бўлса ($I > S$), ортиқча инвестициялар хорижий инвестициялар ҳисобига молиялаштирилиши лозим. Бу қарзлар мамлакатга товар ва хизматларни экспорт қилишга нисбатан кўпроқ импорт қилинишини таъминлайди ($M > X$). Яъни, соф экспорт салбий қолдиққа ($X_n < 0$) эга бўлади. Мамлакат халқаро жараёнга қарздор бўлиб қатнашади.

Жорий операциялар ижобий қолдиққа эга бўлганда, ортиқча маблағлардан хорижга инвестициялар беришда ёки хориждан кўчмас мулк сотиб олишда фойдаланилади.

$$\left\{ \begin{array}{l} X_n > 0 \Rightarrow X - M > 0 \Rightarrow X > M; \\ I - S < 0 \Rightarrow I < S - \text{капитални хорижга чиқариш.} \end{array} \right.$$

Давлатлар расмий захиралар ва қарзлар ҳисобига қоплаш қобилиятига эга бўлмаган тўлов балансининг катта доиравий тақчиллиги бўлган ҳолларда ўз валюталари девалвациясини амалга оширишлари мумкин. Бу импортнинг физик ҳажми кўпайишига ва оқибатда мамлакатда хорижий валюта тушумининг ўсиши ҳамда тақчиллигини йўқотишга олиб келади.

3. Тўлов балансини маркоиктисодий тартибга солиш воситалари ва усуллари

Тўлов баланси мувозанатини таъминлаш учун жорий исоблар ва капитал ҳаракати қолдиқлари бир-бирига айнан қоплаши зарур бўлади. Марказий банк валюта интервенциясини амалга ошириш чорасини кўрмаса, ва расмий валюта захиралари миқдорини ўзгартирмаса тўлов баланси ҳисобларини валюта курсининг эркин тебраниши ҳисобига ўзаро тартибга солиш амалга оширилади.


Бундай шароитда капитал оқиб келиши сабабли миллий валютанинг қимматлашуви, капитал чиқиб кетиши сабабли эса унинг арзонлашувчи рўй беради. валюта курсининг эркин тебраниши тўлов балансининг жорий ва капитал ҳисобларини автоматик равишда мутаносиблаштириш механизми ҳисобланади. Мамлакатда тўлов баланси тақчиллиги ёки ортиқчаллигини тартибга солиш тизими қабул қилинаётган валюта курсларига боғлиқ.

Амалиётда валюта курсларини қабул қилишнинг бир-бирига қарши икки варианты мавжуд.

1. Талаб ва таклифга асосан аниқланадиган эгилувчан ёки сузиб юрувчи валюта курси тизими.

2. Давлат аралашуви асосида аниқланадиган қатъий белгиланган валюта курси тизими.

Эркин сузиб юрувчи валюта курслари талаб ва таклиф асосида аниқланади. Масалан, бир ўзбек сўмининг АҚШ долларига алмашишини қараб чиқамиз. Буни қуйдагича кўриш мумкин:



66-чизма. Валютанинг қимматлашуви ва арзонлашуви


Эркин бозор шароитида белгиланган валюта курслари “ўзгариши” мумкин. Агарда, долларнинг сўмдаги қиймати ошса, сўм қийматининг пасайганлигини ёки қадрсизланганлигини кўрсатади. Аксинча, агарда долларнинг сўмдаги қиймати пасайса, сўм қийматининг ошганлигини ёки сўмнинг қимматлашганлигини кўрсатади. Бир бирлик хорижий валютани сотиб олиш учун кам миқдорда миллий валюта сарф қилиш миллий валютанинг қимматлашувини билдиради. Агарда, долларга нисбатан сўм қадрсизланса, доллар сўмга нисбатан қимматлашади.

Валюта курсларини аниқлаш омиллари:

1. Истеъмолдаги ўзгаришлар;
2. Даромадлардаги ўзгаришлар;
3. Товарлар нархидаги ўзгаришлар;
4. Реал фоиз ставкаларидаги ўзгаришлар;
5. Чайқовчилик.

Эгилувчан валюта курси тарафдорлари таъкидлашича, тўлов балансининг ортиқчалиги ёки тақчиллиги бундай вазиятларда тез орада барҳам топади. Буни қуйдаги эгри чизиқ орқали тушунтириб бериш мумкин:

Куйидаги чизмада кўрсатилган валюталарнинг тенглиги шароитида тўлов баланси ижобий ва салбий қолдиқларга эга бўлмади. Фараз қилайлик, ўзбекистонликларнинг исътемолида ўзгаришлар бўлсин ва улар кўпроқ америка товарларини сотиб олишсин. Ёки, Ўзбекистонда нархлар даражаси Америкадагига нисбатан ошсин ва фоиз ставкаси эса, Америкадагига нисбатан камайсин.



67-чизма. Эгилувчан валюта курслари шароитидаги тенглик

Бундай вазиятларнинг ҳар бири ёки барчаси биргаликда ўзбекистонликларнинг долларга бўлган талабини ДД дан Д'Д' гача оширади. Бундан кўриниб турибдики, Ўзбекистон тўлов балансидаги тақчиллик «а,в» кенгликда мавжуд бўлади. Ўзбекистонликларнинг экспорт операциялари «х,а» кенгликда доллар имкониятини беради. Импорт кўринишдаги операцияларни молиялаштириш учун «х,в» кенгликда доллар лозим бўлади. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, валюта курси ўзига хос баҳога эга бўлиб, ички нархларни «с», ташқи нархлар «в» билан боғлайди.

Чизмадаги «в» нуқтадан «с» нуқтага қараб силжиши тўлов балансида тенгликни таъминлайди. Долларнинг қиймати «а» нуқтадан «с» нуқтагача ошади. Юқорида кўрсатилган икки вазиятда ҳам, яъни, Америкадан Ўзбекистонга импортнинг камайиши ва аксинча, экспортнинг ошиши тўлов балансидаги тақчилликни йўқотиш учун олиб борилган тадбир ҳисобланади. Шундай қилиб, валюта курсларининг эркин ҳаракати тўлов балансининг ортиқчалиги ёки тақчиллигини йўқотар экан.

Эгилувчан валюта курслари тўлов балансини тенглаштиришда катта имкониятларга эга бўлсада, камчиликликлардан холи эмас. Чунончи, бундай валюта биринчидан, савдонинг ноаниқлиги ва қисқаришига, иккинчидан, савдо шароитларига, учинчидан, нобарқарорликка ва бошқаларга олиб келади.

Агар Марказий Банк расмий валюта захиралари воситасида чел эл валютасини сотиб ёки сотиб олиб валюта курсини эркин тебранишига барҳам берса валюта курсининг эркин тебраниши воситасида тўлоқ балансини тартибга солиш зарурати йўқолади.

Бунда тўлов баланси тақчиллиги Марказий Банк расмий захираларини қисқартириш ҳисобига молиялаштирилиши мумкин. Бундай вазиятда ички бозорда чет эл валютаси таклифи ошади. Қайд этилган операция экспортга хос бўлиб кредитда плюс белгиси билан (Марказий Банкда хорижий валюта захираси камайишига қарамасдан) ҳисобга олинади. Ушбу тадбир натижасида ички бозорда миллий валюта таклифи камаяди, унинг алмашинув курси нисбатан кўтарилади ва бу инвестициялар ҳажмига ҳамда иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади.

Тўлов балансининг актив – (мусбат) қолдиғи эса Марказий Банкнинг расмий валюта захиралари миқдорининг ортишига олиб келади. Бунда Марказий Банк валюта захираларини тўлдириш учун чет эл валютасини сотиб олиши натижасида ички бозорда миллий валюта таклифи нисбатан ошади, унинг алмашинув курси камаяди, бу ҳол эса иқтисодиётга (инвестициялар ҳажми ва иқтисодий ўсишга) рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади.

Марказий Банк томонидан ўтказиладиган бундай операциялар расмий резервлар билан бўладиган операциялар дейилади. Бу операциялар натижасида тўлов баланси қолдиғи нолга тенглашиши керак.

Тўлов балансининг актив қолдиғи ёки тақчиллиги мамлакат иқтисодиёти хусусиятларига қараб турлича баҳоланиши мумкин.

Валютаси халқаро ҳисоб-китобларда, ҳамда бошқа мамлакатлар захира валютаси сифатида фойдаланиладиган мамлакатлар учун тўлов баланси тақчил бўлиши табиий ҳол ҳисобланади.

Бундай мамлакатлар тўлов балансини узоқ муддат макроиқтисодий тартибга солмаслиги мумкин.

Миллий валюта жаҳон иқтисодиётига захира валютаси ҳисобланмайдиган мамлакатлар Марказий Банкларидан расмий валюта захираси чекланлиги туфайли тўлов балансининг ўзоқ муддатли тақчиллиги бу резервларнинг сарфлаб бўлинишига олиб келади. Бундай ҳолларда тўлов балансини макроиқтисодий тартибга солинади. Мамлакат савдо сиёсати ва валюта алмашинув курсини ўзгартириши чораларини қўллаб чет эллардаги ўз харажатларини камайтиради, ёки экспортдан ўз даромадларини оширади.

Бундай тартибга солиш натижасида баҳолар умумий даражасининг ошиши оқибатида аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, миллий валютанинг кадрсизланиши, иқтисодиётнинг айрим тармоқларида бандликнинг пасайиши рўй бериши мумкин.

Валюта резервлари сарфлаб бўлганлиги, илгари олинган чет эл кредитларини қайтарилиш графиклари бузилганлиги туфайли бундай кредитларни яна олиш имкониятлари йўққа чиққанлиги сабабли мамлакат тўлов баланси тақчиллигининг узоқ вақт давом этиши тўлов баланси инқирози дейилади.

Тўлов баланси инқирозини ҳал этишнинг ягона йўли макроиқтисодий тартибга солиш ҳисобланади.

Ўтиш даври иқтисодиётида хорижий валютага спекулятив талаб ошиши Марказий Банкни қийин аҳволга солиб қўяди. Чунки расмий валюта захиралари бир вақтнинг ўзида ҳам тўлов баланси тақчиллигини ҳам ички спекулятив талабни қондириш учун етарли бўлмаслиги мумкин.

Валюта алмашинув курсини тартибга солиш бу вазиятдан чиқишнинг янога йўлидир.

Қисқа истиқболда тўлов баланси қолдиғи жамғариш ва инвестициялар ҳажмларини белгиловчи омиллар (масалан бюджет солиқ сиёсати, фоиз ставкалари) таъсирида ўзгариши мумкин.

Агар мамлакатда рағбатлантирувчи фискал сиёсат юргизилса бу ҳол миллий жамғармаларнинг пасайишига олиб келади. Бу ўз навбатида жорий операциялар ҳисоби бўйича мусбат қолдиққа олиб келади.

Чекловчи фискал сиёсат миллий жамғармалари ҳажмларини оширади, бу ўз навбатида капитал ҳаракати ҳисоби бўйича тақчилликка, жорий операциялар ҳисоби бўйича мусбат қолдиққа олиб келади.

Жаҳон фоиз ставкаларининг ошиши капитал ҳаракати ҳисоби бўйича тақчилликка, жорий операциялар ҳисоби бўйича мусбат қолдиққа эришишга олиб келади. Жаҳон фоиз ставкаларининг пасайиши эса акс натижаларга олиб келади.

4. Ўзбекистонда тўлов балансини ишлаб чиқиш тажрибаси

Очиқ иқтисодиётли кўплаб мамлакатлар ўз тўлов балансларини ХВФ тавсия этган тарх бўйича ишлаб чиқадилар. Бу тарх ривожланган бозор муносабатлари шароитида амалга ошириладиган барча иқтисодий операцияларни амалга оширади. Тўлов балансининг маълумотлари мунтазам чоп этилади ва давлатнинг кредит қобилияти ҳақидаги гувоҳнома сифатида халқаро ташкилотлар, бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳамда тадбиркорлари томонидан кредитлаш ва молиялаштириш, молиявий, техника ва моддий ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳал этишда қўлланилади.

Ўзбекистонда тўлов баланси фақат Республика мустақилликга эришганидан ва бозор муносабатларига ўтишидан кейин тузила бошланди. Жаҳон бозорида тенг ҳуқуқли шерикчилик Республикани халқаро иқтисодий муносабатлар субъекти сифатида аниқ маълумотларни талаб этади. Шунинг учун Республика тўлов баланси ХВФ тафсияларига жуда яқинлаштирилган тарх асосида тузилган.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Тўлов баланси тушунчаси.
2. Мамлакат тўлов баланси неча қисмдан иборат ва уларда нималар қайд этилади?
3. Тўлов баланси таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқликни тушунтиринг.
4. Жорий опеарциялар ва капитал ҳаракати билан боғлиқ операциялар тушунчаси.
5. Тўлов баланси тақчиллигини баргараф этиш йўллари.

Асосий адабиётлар

1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. М.: ДИС. 1997.
2. Жеффри Д., Сакс Д. и др. Макроэкономика. Глобальнўй подход. М.: 1996.
3. Ишмухамедов А.Э., Жумаев .Х., Жумаев З.А. Макроиктисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ – 2000.
4. Линвут Т., Гайгер А. Макроэкономика теория и переходная экономика. М.: 1996.
5. Менкью Н.Г. Макроэкономика. М.: МГУ. 1994.
6. Ричард Лэйард. Макроэкономика. Курс лекций для российских читателей. М.: 1994.
7. Ҳақимова М.А. Макроиктисодиёт (ўқув қўлланма). Тошкент: «Меҳнат», 1997.

17-Мавзу. Валюта курси

Режа:

1. Валюта ва жаҳон валюта тизими тушунчаси.
2. Валюта бозорини давлат томонидан тартибга солиш усуллари.
3. Валюта курси ва уни белгиловчи омиллар.
4. Харид қобилияти паритети.
5. Макроиктисодий сиёсатнинг номинал ва реал валюта курсларига таъсири.

1. Валюта ва жаҳон валюта тизими тушунчаси.

Халқаро валюта муносабатлари пулнинг халқаро тўлов жараёнига хизмат қилиши жараёнида вужудга келади. У ташқи савдо билан бирга пайдо бўлди ва ривожланишнинг узоқ йўлини босиб ўтди. Тарих давомида жаҳон пули ва халқаро ҳисоб-китоб шакллари ўзгарди. Бир вақтда валюта муносабатлари аҳамияти ўсди ва уларнинг нисбатан мустақил даражаси ошди. Товарлар, хизматлар, капиталлар ва ишчи кучи ҳаракати мамлакатдан мамлакатга кўчадиган пул массасалари оқими ёрдамида амалга ошади. Бу ҳаракатни тартибга солиш зарурлиги халқаро валюта тизими ва жаҳон валюта тизимларининг шаклланишига олиб келди. *Валюта – кенг маънода мамлакат пул бирлигини (масалан, сўм, доллар, марка, фунт-стерлинг ва ҳоказо) англатади. Қисқа маънода валюта атамаси чет давлатларнинг пул белгиси маъносида қўлланилади. Ҳар бир миллий бозор хусусий миллий валюта тизимига эга.*

Миллий валюта тизими базасида жаҳон бозори ривожланиши натижасида таркиб топадиган ва давлатлараро келишувлар билан мустаҳкамланган халқаро валюта муносабатларини ташкил қилиш шакли бўлган жаҳон валюта тизими амал қилади.

Мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар оқими кўпайгани сари пул воситаларини айирбошлаши ҳам тобора ошиб боради, ўзаро ҳисоб-китоблардаги номутаносиблик муаммолари юзага келади. Буларнинг барчаси жаҳон валюта тизимининг барпо этилишига объектив шарт-шароитлар яратади. Унинг мақсади - мамлакатлар ўртасидаги барча турдаги битимларни амалга оширишни тартибга солишдан ва шунингдек, бу ишларни тезлаштиришдан иборат. Шундай қилиб, *жаҳон валюта тизими - бу, халқаро айирбошлашнинг барча шаклларига хизмат қилишга ва уларнинг самарали ривожланишини таъминлашга қаратилган мамлакатлар ўртасидаги валюта муносабатларининг йигиндисидир.* Халқаро иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми сифатида у қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Халқаро битимларда фойдаланиладиган тўлов ва кредит воситаларини (олтин, энг ривожланган мамлакатларнинг миллий валюталари, халқаро

- пул бирликлари);
2. Валюта курсларини ўрнатиш ва сақлаб туриш механизмини;
 3. Валюта бозорининг ишлаш тартибини;
 4. Халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиб ва қоидаларини;
 5. Валюта ёрдамида тартибга солиш ва назорат қилиш тизимини;
 6. Валюта муносабатларини тартибга солиб турувчи ва жаҳон валюта тизимининг барқарор фаолиятини таъминловчи халқаро ташкилотлар тизими (Халқаро валюта фонди, Умумжаҳон банки, эвропа тикланиш ва тараққиёт банки).

Ҳозирги замонда халқаро ҳисоб-китобларда ва кредитлашда асосан уч хил кўринишдаги пул воситалари ишлатилади:

✚ олтин, ҳозирда ўзининг асосий тўлов ва ҳисоб-китоб воситаси хусусиятини йўқотган бўлсада, аммо кўпчилик валюта захираларининг сезиларли қисмини ташкил этади ва муҳим ташқи савдо операцияларига хизмат қилиш ва кредитлашни кафолатлаш учун ишлатилади;

✚ жаҳонда асосий ўрин тутувчи ривожланган мамлакатларнинг миллий валюталари (АҚШ доллари, эВРО, Инглиз фунт-стерленги, Япония иенаси ва бошқалар);

✚ халқаро пул бирликлари.

Бундай пул бирликларига шу пайтга қадар фойдаланилган эКЮ, СДР мисол бўла олади. Улар барча мамлакатлар томонидан ташқи савдо операцияларини амалга оширишда ишлатилади. Хорижда кредитлаш ва инвестициялашда, чет эллик ишчи кучи меҳнатига, шунингдек, мамлакат валюта захираларини яратишда қўлланилади.

Халқаро валюта ёки халқаро тўлов-ҳисоб ва кредитлаш воситаларига жавоб бериши керак бўлган талаб уларнинг конвертирлашуви ҳисобланади.

Валюта конвертирлашуви деганда уни бошқа хорижий валюталарга алмашиш қобилияти тушинилади. Ҳозирги пайтда улар эркин конвертирланадиган, қисман конвертирланадиган ва конвертирланмайдиган валюталарга ажратилади.

Эркин конвертирланадиган валюта – бу, амалдаги курс бўйича ҳар қандай бошқа хорижий валюта эркин ва чекланмаган миқдорда айирбошланадиган валютадир. Бунга мисол қилиб АҚШ, эвропа ҳамжамятига аъзо мамлакатлар, Япониялар валюталарини киритиш мумкин.

Қисман конвертирланадиган валюта – бу, фақат баъзи хорижий валюталарга алмаштириладиган ва халқаро тўлов оборотини қисман қамраб оладиган миллий валютадир.

Конвертирланмайдиган валюта – бу, фақатгина ички тўловларга хизмат қиладиган ва хорижий валютага айирбошланмайдиган миллий валютадир.

Конвертирлашни **ички ва ташқи** конвертирлашга ҳам ажратиш мумкин. Ички конвертирлаш резидентларининг мамлакат ичкарасида хорижий валютани сотиб олиши, уни сақлаб туриши ва у билан айрим операцияларни олиб боришини имкониятини акс эттиради. Ташқи конвертирлашда хорижда тўловларни амалга оширишга ва молиявий активларни ушлаб туришга рухсат этилади. Валюталарни конвертирлаш кўпгина мамлакатлар олиб бораётган иқтисодий сиёсатларнинг муҳим мақсади ҳисобланади.

2. Валюта бозорини давлат томонидан тартибга солиш усуллари

Бозордаги талаб ва таклиф таъсири натижасида вақти-вақти билан валюта курслари ўзгариб туради. Давлат валюта курсларини барқорорлаштириш учун валюта бозорининг амал қилишига бевосита ёки билвосита аралашини зарур. Бунинг бир қатор усуллари мавжуд:

1. **Заҳиралардан фойдаланиш.** Валюта курсини мустаҳкамлашнинг кўпроқ қўлланиладиган усули - расмий заҳиралар билан бозорда манипулятсия қилиш ҳисобланади. Ўз-ўзидан аниқки, валюта заҳиралари алоҳида мамлакатлар ихтиёридаги чет мамлакатлар валюталарининг заҳирасидир (Масалан, АҚШ доллари, Евро ва ҳ.к.).

2. **Савдо сиёсати.** Валюта бозорига таъсир кўрсатишнинг бошқа тадбирларига савдо ва молиявий оқимлар устидан тўғридан-тўғри назорат қилишни киритиш мумкин. Масалан, АҚШ долларининг этишмаслиги шароитида валюта курсини тегишли даражада импортни чеклаш ҳисобига ушлаб туриш мумкин. Хусусан импорт ҳажми бож ёки импорт квоталарини киритиш билан қисқариши мумкин. Бошқа томондан мамлакат ҳукумати экспорт учун миллий ишлаб чиқарувчиларга субсидия бериб, шу орқали хорижий валюта таклифини кўпайтириши мумкин. Бу тадбирлардан фойдаланишда вужудга келадиган асосий муаммо шундан иборатки, у жаҳон савдоси ҳажмини қисқартиради, унинг таркибини ва савдо алоқаларини ўзгартириб юборади, иқтисодий мақсадга мувофиқликнинг бузилишига хиссасини қўшади. Бунинг оқибатларини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

3. **Валюта назорати.** Бошқа муқобил вариант валюта назорати ҳисобланади. Валюта назорати шароитида ҳукумат миллий экспортёрлар олган барча тегишли чет эл валюталарини давлатга сотиш талаби билан уларнинг этишмаслиги муаммосини ҳал қилиши мумкин. Кейин, ҳукумат ўз навбатида чет эл валютасининг бу заҳирасини турли миллий импортёрлар ўртасида тақсимлайди. Шу йўл билан ҳукумат миллий импортни, миллий экспорт

ҳисобидан олинган чет эл валютаси миқдорига чеклайди.

Валюта назорати тизими бир қатор камчиликларга эга. Биринчидан, савдо чеклашлари (бож, квота, экспортга субсидия) каби валюта назорати нисбий устунлик тамоилига асосланган халқаро савдонинг таркиб топган алоқаларини бузади. Иккинчидан, этарли бўлмаган валюта ресурслари устидан валюта назорати жараёни, сўзсиз, алоҳида импортёрларни камситилиши билан боғлиқ. Учинчидан, назорат тадбирлари истеъмолчининг танлаш эркинлигига тажовуз қилиш ҳисобланади.

3. Валюта курси ва уни белгиловчи омиллар

Барча халқаро битимлар валюталарни айирбошлаш орқали олиб борилиши туфайли ҳар қандай айирбошлашда бўлгани каби валюта баҳосини ёки валюта курсини аниқлаш зарурияти пайдо бўлади. Шундай қилиб, *валюта курси – бу, бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирлигида ифодаланган баҳосидир.* Валюта курсини ўрнатиш **котировкалаш** деб аталади. У тўғри ва тескари котировкалашга ажратилади. Агар хорижий валюта бирлигининг баҳоси миллий валютада кўрсатилса, бунга тўғри котировкалаш деб аталади. Масалан, 1 АҚШ доллари 975 сўмга, 1 Россия рубли 32 сўмга тенг ва ҳақозо. Тескари котировкалашда миллий валютанинг бир бирлигига тўғри келадиган хорижий валютанинг миқдори ўрнатилади. Масалан, 1 ўзбек сўми 0,001025 АҚШ долларига тўғри келади. Дунёнинг кўп мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам тўғри котировкалаш қабул қилинган. Валюта бозоридаги талаб ва таклифни солиштириш натижасида валютанинг баҳоси ёки курси аниқланади. Ўзбек сўмининг курси Ўзбекистон валюта биржасида ўрнатилади, унинг иштирокчилари валюта операцияларини олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган банклар ҳисобланади. Шу билан бирга, турли пул бирликлари учун валюта курсларини ўрнатиш жараёнида бозор кучларининг таъсир этиш даражаси бир хил эмас. Бу таъсир кучига боғлиқ ҳолда валюта курсларини қабул қилишнинг бир-биридан фарқ қилувчи икки варианты мавжуд.


1. Талаб ва таклифга асосан аниқланадиган эгилувчан ёки эркин сузиб юрувчи валюта курси тизими.

2. Давлат аралашуви асосида аниқланадиган қатъий белгиланган валюта курси тизими.

Эркин сузиб юрувчи валюта курслари талаб ва таклиф асосида аниқланади. Масалан, бир ўзбек сўмининг АҚШ долларига алмашишини қараб чиқамиз.

Миллий валюта курсининг пасайиши натижасида долларга талаб камаяди ва таклиф эса ошади (68-чизма).

П



68-чизма. Хорижий валюта бозори

Долларга бўлган талабнинг камайиши D тўғри чизиғида берилган. Бу шуни кўрсатадики, агарда доллар ўзбекистонликлар учун арзон бўлса, америка товарлари ҳам улар учун арзон бўлади ва бу, ўз навбатида, уларнинг америка товарларига бўлган талабини оширади.

Долларнинг таклифи (S) камайса, сўмда белгиланган долларнинг қиймати ошади (яъни, долларда белгиланган сўмнинг қиймати пасаяди). Бундай вазиятларда америкаликлар кўпроқ ўзбек товарларини сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Чунки, сўмнинг долларга нисбатан қиймати пасайса, у ўз навбатида ўзбек товарларининг нархи ҳам пасайганини билдиради ва оқибатда кўпроқ ўзбек товарларини сотиб олиш имкони пайдо бўлади.

Ўзбек товарларини сотиб олиш жараёнида улар АҚШ долларини валюта бозорига олиб чиқади, чунки, ўзбек товарларини сотиб олиш учун долларни сўмга алмаштиришади. Долларга бўлган талаб ва таклифнинг кесишган нуқтаси долларнинг сўмдаги қийматини билдиради.

Агарда, долларнинг сўмдаги қиймати ошса, сўм қийматининг пасайганлигини ёки қадрсизланганлигини кўрсатади. Аксинча, агарда долларнинг сўмдаги қиймати пасайса, сўм қийматининг ошганлигини ёки сўмнинг қимматлашганлигини кўрсатади. Бир бирлик хорижий валютани сотиб олиш учун кам миқдорда миллий валюта сарф қилиш миллий валютанинг қимматлашувини билдиради. Агарда, долларга нисбатан сўм қадрсизланса, доллар сўмга нисбатан қимматлашади.

Қайд этилган валюта курси – бу, хорижий валютада ифодаланган, давлат томонидан расмий ўрнатилган миллий пул бирлигининг баҳоси бўлиб, унга валюта бозорида талаб ва таклифнинг ўзгариши бевосита таъсир қилмайди.

Қайд қилинган валюта курси тизими тарафдорлари таъкидлайдиларки, ундан фойдаланиш халқаро савдо ва молия билан боғлиқ бўлган таҳлика ва ноаниқликни камайтиради. Қайд қилинган валюта курсларини кўллаш ўзаро фойдали савдо ва молиявий операциялар ҳажмини кенгайтиришга олиб келади. Аммо, қайд қилинган валюта курслари тизимининг ҳаётга лаёқатлилиги ўзаро алоқалар жараёндаги икки шароитга боғлиқ:

- заҳираларнинг мавжудлиги;

- ўз ҳажми бўйича сезиларсиз камёблик ёки тўлов баланси активларининг тасодифий вужудга келиши. Катта ва доимий камёбликлар мамлакат заҳираларини йўққа чиқариши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, валюта курсларининг талаб ва таклиф таъсири остида шаклланиш даражаси, ўз-ўзича курслар ўртасидаги нисбатларга таъсир этувчи реал жараёнларни аниқлаб бера олмайди. Чет эл валюталарига талаб ва таклифга, демак, валюта курсларига мамлакатдаги ҳам ички ва ҳам ташқи иқтисодий муносабатлар мажмуи бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

Валюта курсларининг ўзгаришига бир катор омиллар таъсир кўрсатади. Уларни қисқача қараб чиқамиз:

1. Истеъмолчилар дидининг бошқа мамлакат буюмларига нисбатан ўзгариши.

2. Турли мамлакатларда даромадлардаги нисбий ўзгаришлар..

3. Баҳодаги нисбий ўзгаришлар.

4. Нисбий реал фоиз ставкалари. Фараз қиламиз, АҚШ инфляцияни қувиб ўтиш мақсадида «қиммат пул» сиёсатини амалга ошира бошлайди. Натижада, реал фоиз ставкалари (инфляция суръатини ҳисобга олиб ўзгартирилган (корректировка қилинган) фоиз ставкалари) АҚШда бошқа мамлакатлар, масалан, Буюк Британияга қараганда кўтарилади. Британиялик жисмоний шахс ва фирмалар ишонч ҳосил қиладики, АҚШ молиявий воситаларни қўйиш учун жуда жозибадор ва қулай жойга айланади. Америка молиявий активларига талабнинг бу кўпайиши Англия фунти таклифининг кенгайганлиги ва шу сабабли доллар қиймати ўсганлигини билдиради.

5. Спекуляция.

Доллар курси пасайиши, фунт курси эса, аксинча кўтарилиши тўғрисидаги прогнозлар натижасида долларни ушлаб турувчилар уларни фунтга айлантиришга ҳаракат қилади ва шу билан фунтга бўлган талабни оширади. Бу алмашиш, доллар курсининг пасайишини ва фунт курсининг ошишини келтириб чиқаради.

Ўтиш даври иқтисодиётида хорижий валютага спекулятив талаб ошиши Марказий Банкларни қийин аҳволга солиб қўяди. Чунки расмий валюта

заҳиралари бир вақтнинг ўзида ҳам тўлов баланси тақчиллигини ҳам ички спекулятив талабни қондириш учун этарли бўлмаслиги мумкин.

Валюта алмашинув курсини тартибга солиш бу вазиятдан чиқишнинг ягона йўлидир.

Номинал ва реал валюта курслари ўзаро фарқланади. Номинал валюта курси валюталарнинг алмашинув курси дейилади. Юқорида биз айнан номинал валюта курси ҳақида фикр юритдик.

Реал валюта курси икки мамлакатда ишлаб чиқарилган товарларнинг нисбий баҳосидир.

Реал валюта курси бир мамлакат товарлари бошқа мамлакат товарларига алмашиши мумкин бўлган нисбатни кўрсатади, шу туфайли у **савдо шароити** ҳам деб юритилади.

Номинал ва реал валюта курслари ўртасидаги нисбат қуйидаги кўринишга эга.

$$E_r = E_n \frac{P_d}{P_t}$$

Бу эрда : E_r – реал валюта курси; E_n - номинал валюта курси; P_d – миллий валютада кўрсатилган ички баҳолар даражаси (индекси); P_t – хорижий валютада кўрсатилган чет элдаги баҳолар даражаси (индекси).

Ҳар иккала мамлакатдаги баҳолар даражаси (индекси) бир хил базис йилга нисбатан берилган. Реал валюта курсининг кўтарилиши (пасайиши) бу мамлакат товарлари рақобатбардошлигининг пасайганлиги (ошганлиги) тўғрисида гувоҳлик беради.

Пул нафақат муомала ёки тўлов воситаси, балки жамғариш воситаси ҳам ҳисобланади. Ифлятсия шароитида жамғариш воситаси сифатида миллий валютадан э мас, балки хорижий валютадан фойдаланилади.

Валюта бозори, депозитлар (қўйилмалар) ва қимматбаҳо қоғозлар бозори билан бевосита алоқага эга. Бунда асосан фоиз меъёрлари асосий аҳамиятга эга. Агарда, фоиз меъёрлари баҳолар ўсишини қопласа, мижозлар эса молия институтларига ишонч ҳосил қилишса, жамғарма бозори валюта бозорига асосий рақобатчи бўлиши мумкин. Кўпгина мамлакатларнинг статистик кузатишларидан шу маълум бўлганки, депозитлар ва қимматбаҳо қоғозлар бозоридаги операциялар ўсиши билан, валюта бозорларига истеъмолчилар томонидан бўладиган таъсир ўз-ўзидан камаяди.

Сармоячилар қандай қилиб бўлса ҳам ўзларининг вақтинча бўш турган ресурсларидан унумли фойдаланиш ва шунингдек, нафақат ўз ресурсларидан, балки хориж активларидан ҳам фойдаланиш йўлларини

излашади. Чунки, жаҳон молия бозорининг асосий қисмини капитал активлар ташкил этади.

Агарда, депозит ставкалари ошса, пул оқими валюта курсининг ошишига олиб келади. Хорижий сармоядорлар учун, яъни, ушбу мамлакат депозитига ўз сармояларини қўйишни хоҳловчилар учун уларнинг валюталари фоиз ставкаларидан келадиган фойдадан кўра қимматлироқ бўлади.

4. Харид қобилияти паритети

Бу саволда номинал курсларга харид қобилияти паритети қандай таъсир кўрсатиши мумкинлигини кўриб чиқамиз.

Харид қобилияти паритети концепцияси нархларнинг тенглашуви назариясига асосланади. Яъни, бир хил товар турли жойларда хар хил нархларда сотилиши узоқ давом этмайди. Агарда, АҚШ долларига мамлакат ичида чет мамлакатларга нисбатан кўпроқ маҳсулот сотиб олиш мумкин бўлса, у ҳолда мамлакат ичкарасида сотиб олинган маҳсулотни четга сотиш орқали фойда олиш мумкин. Оқибатда фойда олиш мақсадида хорижга товар олиб чиқиш кўпаяди ва баҳолар тенглашишига сабаб бўлади.

Харид қобилияти паритети концепциясига кўра валюта курси доимо турли мамлакатларда баҳолар даражасининг ўзгариши натижасида келиб чиқадиган фарқни қоплаш учун зарур бўлган даражада ўзгаради. Яъни:

$$r = \frac{P_d}{P_t}$$

Бу эрда: r — хорижий валютанинг миллий валютадаги баҳоси; P_d — ички баҳолар даражаси; P_t — чет элдаги баҳолар даражаси.

Валюта курсларининг ошиши мамлакатлар экспорт имкониятларини ёмонлаштиради. Валюта курсларининг беқарорлиги ташқи иқтисодий алоқаларга салбий таъсир кўрсатади. Унинг тебраниши халқаро битимларда ноаниқлик ва таҳлика даражасини кўпайтиради. Шу сабабли валюта курси ҳам мамлакат ичида ва халқаро муносабатларда тартибга солишнинг муҳим объекти ҳисобланади. Давлат бевосита тартибга солиш воситаси сифатида валюта интервенцияси ва дисконт сиёсатидан фойдаланиш мумкин.


Дисконт сиёсатида банк ҳисоб ставкасини ошириб ёки тушириб чет эл капиталлари кириши ёки чиқиб кетишига таъсир кўрсатиши мумкин. Тартибга солишнинг кўпроқ универсал усули валюта интервенцияси ҳисобланади. Бунда Марказий банклар таклифи этарли бўлмаган, курси эса юқори бўлган чет эл валюталарини сотади, уларни таклиф ортиқча ва курси паст бўлганда сотиб олади. Бу билан талаб ва таклифни тенглаштириб, миллий валюта курси тебраниш чегарасини чеклайди.

Валюта интервенциясини қўллаш заҳира валюта фондининг миқдори билан чекланади, шу сабабли валюталарни сотиш, албатта, уларни сотиб олиш билан алмаштириб турилиши лозим.

5. Макроиктисодий сиёсатнинг номинал ва реал валюта курсларига таъсири


Реал валюта курслари жамғарма ва сармоялар ўртасидаги фаркни кўрсатувчи вертикал тўғри чизиқ ва соф экспорт миқдорини кўрсатувчи, ўнгдан пастга эгилган эгри чизиқ кесишган нуқтада тенгликка эришади (69-чизма). Ушбу нуқтада хорижга кредит бериш сифатида кўрсатилган миллий валюта таклифи, хорижликларнинг ушбу мамлакатдан соф экспортни сотиб олиши учун зарур бўладиган миллий валюта талаби билан кесишади. Бу шуни билдирадики, реал валюта курси капитал билан бўладиган операциялар бўйича миллий валюта таклифини жорий операциялар учун унга бўлган талабни тенглаштиради.

Давлат харажатларининг ошиши (ёки солиқларнинг камайиши) миллий жамғармаларни камайтиради ва (S-I) эгри чизиқ чапга сурилади (69-чизма). Бу силжишлар хорижий инвестициялар учун миллий валюта таклифининг камайишини кўрсатади.



69-чизма. Реал алмашинув курсидаги мувозанат


Валюта таклифининг қисқариши унинг реал алмаштириш курсини оширади. Натижада, миллий маҳсулотлар хорижликларникига нисбатан қимматлашади. Бу эса, ўз навбатида, экспортнинг қисқаришига ва импортнинг ошишига олиб келади. Оқибатда жорий операциялар ҳисобида тақчиллик пайдо бўлади. Агарда, солиқларнинг камайиши инвестицияларнинг ошишига олиб келса, миллий жамғармалар ҳажми ўзгармаса ҳам (S-I) эгри чизиғи яна чапга силжийди.




70-чизма. Валюта таклифидаги ўзгаришларнинг реал алмаштириш курсига таъсири

Инвестицион солиқ кредитлари ушбу мамлакатга инвестициялар киритишни хорижий сармоядорлар учун фойдали бўлишига олиб келади. Бу эса мувозанатли реал валюта курсини оширади ва тўлов балансида тақчилликни келтириб чиқаради.

Чет мамлакатлардаги рағбатлантирувчи бюджет-солиқ сиёсати бу мамлакатлардаги жамғармалар даражасини камайишига олиб келади. Бу эса халқаро фоиз ставкасини оширади ва кичик очик иқтисодиётдаги инвестициялар даражасини камайтиради.



71-чизма. Бюджет - солиқ сиёсатининг реал алмаштириш курсларига таъсири



72-чизма. Импортдаги ўзгаришларнинг экспортга таъсири

Бундай вазиятларда хорижга сармоя қўйиш учун таклиф қилинаётган миллий валюта кўпаяди ва (S-I) эгри чизиғи ўнгга сурилади (71-чизма). Натижада мувозанатли реал алмаштириш курси пасаяди, миллий маҳсулотлар арзонлашади ва соф экспорт кўпаяди.

Импортга тариф ёки квоталар жорий қилиш сиёсати соф экспортнинг ошишига олиб келади ва бу ҳол графикда $X_n(E)1$ эгри чизиғини $X_n(E)2$ ҳолатига силжиши сифатида намоён бўлади (72-чизма).

Натижада мувозанатли реал валюта курси ошади, миллий маҳсулотлар қимматлашади ва соф экспорт камаяди.

Шундай қилиб, мамлакат ички бозорини чет эл рақобатчиларидан ҳимоя қилиш мақсадида олиб бориладиган протекционистик савдо сиёсати жорий операциялар ҳисоби ва капитал ҳаракати ҳисобига таъсир қилмайди. Аммо, у мувозанатли реал валюта курсини оширади ва ташқи савдо миқдорини камайтиради. Соф экспорт ўзгармаган бўлса ҳам Б нуктадаги экспорт ва импорт ҳажми А нуктадаги экспорт ва импорт ҳажмидан кам бўлади. Импортга чеклашларни жорий қилиш ички нархлар даражаси (P_d)нинг ошишига олиб келади.

Шунинг учун ҳам узок даврда номинал валюта курси (E_n) нархлар ошишига тенг тарзда камаяди. Натижада, ўсган мувозанатли реал валюта курси E_2 нуктада барқарорлашади, яъни соф экспорт камайиши ортидан E_1 нуктага қадар пасаймайди. Баҳолар даражасининг кўтарилишига жавобан номинал валюта курсининг пасайиши сотиб олиш қобилияти паритетини тиклайди.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Валюта тизими қандай тизимлардан таркиб топган?
2. Валюта курси нима ва уни қандай омиллар белиглайди?
3. Номинал ва реал валюта курсларига изоҳ беринг.
4. Ҳарид қилиш қобилияти атамасининг моҳияти нимадан иборат?
5. Реал валюта курси макроиктисодий сиёсат таъсирида қай тарзда ўзгартирилади ва унинг миллий иктисодиётга таъсири қандай?

Асосий адабиётлар

1. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. М.: ДИС. 1997.
2. Жеффри Д., Сакс Д. и др. Макроэкономика. Глобальнўй подход. М.: 1996.
3. Ишмухамедов А.Э., Жумаев .Х., Жумаев З.А. Макроиктисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ – 2000.
4. Линвут Т., Гайгер А. Макроэкономика теория и переходная экономика. М.: 1996.
5. Менкью Н.Г. Макроэкономика. М.: МГУ. 1994.
6. Ричард Лэйард. Макроэкономика. Курс лекций для российских читателей. М.: 1994.

18-Мавзу. Очик иқтисодиёт. Манделл Флеминг модели.

Режа:

1. Очик иқтисодиёт тушунчаси ва унинг кўринишлари.
2. Манделл Флемингнинг очик иқтисодиёт модели.
3. Қайд этилган валюта курси шароитида пул-кредит ва бюджет сиёсат.
4. Эркин сузиб юрувчи валюта курси шароитида макроиқтисодий сиёсат.
5. Фоиз ставка дифференциали.

1. Очик иқтисодиёт тушунчаси ва унинг кўринишлари.

Бундан олдинги мавзуларда кўрдикки, дунёнинг ҳеч бир мамлакати ташқи иқтисодий алоқалар ва муносабатлардан узилган ҳолатда эмас. Шу сабабли тўлиқ макроиқтисодий модел ўзида ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда амалга оширилаётган операцияларни мажассам этиши лозим.

Тўлиқ макроиқтисодий модел-очик иқтисодиёт моделидир. Очик иқтисодиёт- шундай иқтисодиётки, у:

а. мамлакат ишлаб чиқараётган товарлари ва хизматларининг маълум бир қисмини экспорт ва импорт қилишини;

б. мамлакат жаҳон молия бозорларида кредит олиши ва кредит беришини англатади. Агар ёпиқ иқтисодиёт шароитида барча ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар ушбу мамлакат ичкарисида сотилса ва барча харажатлар уч қисмга: истеъмол, инвестиция ва давлат харажатларига бўлинса, очик иқтисодиётда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сезиларли қисми чет элга экспорт қилинади. Бунда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга харажатларга тўртинчи унсур сифатида мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг экспорти (чет элликларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларни сотиб олишга қилган харажатлари) ҳам киритилади.

Кичик очик иқтисодиёт ва катта очик иқтисодиёт ўзаро фарқланади.

Кичик очик иқтисодиёт-катта бўлмаган мамлакат иқтисодиётидир. Кичик очик иқтисодиёт модели капитал ҳаракати счёти ва жорий операциялар счётини ўз ичига олади. Бундай иқтисодиёт жаҳон бозорида катта улушга эга эмас ва жаҳон фоиз ставкасига амалда таъсир кўрсата олмайди. Кичик очик иқтисодиёт жамғармалари ва инвестициялари-жаҳон жамғармалари ва инвестицияларининг жуда кичик миқдорини ташкил этганлиги сабабли жаҳон молиявий бозорларидаги шарт- шароитларга кўра белгиланган жаҳон фоиз ставкаси бу иқтисодиётда белгилаб берилган (экзоген) кўрсаткич сифатида қабул қилинади.

Катта очик иқтисодиёт-кўлами йириклиги сабабли фоиз ставкаси мамлакатнинг ичида рўй бераётган жараёнларнинг жиддий таъсирида шаклланадиган иқтисодиётдир.

Катта очик иқтисодиёт- жаҳон жамғармалари ва инвестицияларининг катта қисмига эгаллик қилаётган йирик мамлакат (АҚШ, ХХР, Германия, Япония, Россия ва бошқ.) иқтисодиётидир. Бундай мамлакатлар жаҳон молия ставкасига таъсир кўрсата олади.

Очик иқтисодиётнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардир:

- a) ЯИМдаги ташқи савдо квотаси;
- b) ишлаб чиқариш ҳажмидаги экспорт улуши;
- c) истеъмол таркибидаги импортнинг улуши;
- d) инвестициялар ҳажмидани хорижий инвестицияларнинг улуши.

Иқтисодиётнинг очиклиги даражаси одатда мамлакатнинг ташқи савдоси ҳажмига ёки ҳукуматнинг сиёсий линиясига боғлиқ бўлади. Масалан, Буюк Британия иқтисодиёти нисбатан очик ҳисобланади, чунки у ташқи савдога жуда боғланган. АҚШ иқтисодиёти эса нисбатан ёпиқдир, чунки ташқи савдо унинг ривожланиши учун ҳал этувчи рол ўйнамайди.

Очик иқтисодиёт халқаро ҳисоб-китобларда хорижий валютадан фойдаланишни кўзда тутди. У тўлов балансида, хусусан жорий операциялар баланси ва капитал ҳаракати балансида ўз аксини топади.

2. Манделл Флемингнинг очик иқтисодиёт модели

Ички мувозанат - инфляция жараёнлари мавжуд бўлмаган (ёки унинг барқарор паст даражасидаги) тўлиқ бандлик шароитида талаб ва таклифнинг баланслашганлигидир. Қисқа муддатли даврда ички мувозанат муаммоси, биринчи навбатда, бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсати воситасида ялпи талабни тартибга солиш орқали таъминланади.

Ташқи мувозанатқайд қилинган, ёки сузиб юрувчи валюта курси шароитида тўлов балансининг нолга тенг қолдиғини таъминлаб турилишни англатади.

Алоҳида ҳолатларда бу муаммо икки ўзаро мустақил қисмга бўлинади:

a) жорий операциялар балансининг белгиланган ҳолатини таъминлаб туриш;

b) валюта захираларининг аниқ белгиланган миқдорини сақлаб туриш.

Ташқи ва ички мувозанатни таъминлаб туриш усуллари бир хил: бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсати. Айрим ҳолларда мустақил усул сифатида алмашинув курси сиёсати ҳам ажратиб кўрсатилади.

Ташқи мувозанатни таъминлаш капитал ҳаракатининг мобиллиги (мамлакатлараро капитал қуйилиши жараёнининг ички фоиз ставкасининг

жаҳон фоиз ставкасига нисбатан ўзгаришига жавобан кескинлашуви) сабабли мураккаблашади.

Ички ва ташқи мувозанатни таъминлаш муаммоси товар, пул ва валюта бозорларининг амал қилишига таълуқлидир.

Ички ва ташқи мувозанатни таъминлаш макроиқтисодий тартибга солишнинг муҳим муаммоси сифатида юзага чиқади, чунки у ички ва ташқи ўзгарувчиларнинг бир-бирига ўзаро таъсирини ва қайта таъсирини кўзда тутишни талаб э тади.

Очиқ иқтисодиётда иқтисодий сиёсат таҳлили Манделл-Флеминг моделига асосланган ҳолда амалга оширилади. Бу модел қисқа муддатда иқтисодиётни мувозанатлаштиришни ифодалайди ва кичик очиқ иқтисодиёт учун IS-LM моделининг модификатсия қилинган шакли ҳисобланади. Иккала модел ҳам баҳоларнинг ўзгармаслигини назарда тутди ва ялпи талаб ҳажмининг ўзгариши сабабларини тушунтиради. Улар ўртасидаги асосий фарқ шундаки, IS-LM модели-ёпиқ иқтисодиёт модели, Манделл-Флеминг модели э са очиқ иқтисодиёт модели э канлигидадир.

Ички ва ташқи мувозанат муаммоси, кўпинча, IS-LM моделининг модификатсия қилинган шакли воситасида, унга учинчи- VV эгри чизиғи кўшилиб таҳлил қилинади. VV эгри чизиғи тўлов балансининг мувозанатли даражасини тасвирлайди. Модел ҳам қайд қилинган, ҳам эркин сузиб юрувчи валюта курси режимлари учун ва капитал мобиллигининг турли даражаларига мослаб тузилади.

Бу бобда биз Манделл-Флеминг моделини қурамиз ва кейинги параграфларда турли хил сиёсатларнинг таъсирларини ўрганиш учун бу моделдан фойдаланамиз.

Кўриб турганингиздек, Манделл-Флеминг модели биз олдинги бобларда фойдаланган компонентлардан қурилган.

Асосий тахмин: мукамал сапитал оқимга э га бўлган кичик очиқ иқтисодиёт

Мукамал капитал оқимга э га бўлган кичик очиқ иқтисодиёт ҳақидаги фаразлардан бошлаймиз. бу фараз шундан иборатки мамлакатдаги фоиз ставкаси r , жаҳон фоиз ставкаси r^* билан белгиланади. Математик жиҳатдан, буни қуйидагича ёзишимиз мумкин²⁶

$$r = r^* .$$

Бу жаҳон фоиз ставкаси эгзоген ўзгарувчидир, чунки биз кўраётган мамлакат дунё иқтисодиёти билан шунчалик кичикки, у дунё молиявий бозоридан қарз олиши ёки қарз бериши жаҳон фоиз ставкасига ҳеч қандай таъсир қилмайди.

²⁶ N. Gregory Mankiw. Macroeconomics (7th edition). USA, 2009, p 340

Мукаммал капитал оқими тўғрисидаги фикрлар оддий тенглама билан ифодалансада, бу тенглама кўрсатадиган такомиллашган жараённинг кўринишини йўқотмаслик муҳим ҳисобланади. Фараз қилинг, бирорта вазият содир бўлди бунинг натижасида жаҳон фоиз ставкаси кўтарилади. Кичик очик иқтисодиётда, мамлакатдаги фоиз ставкалари қисқа муддатга бироз кўтарилиши мумкин аммо бу вазият содир бўлиши билан хорижликлар бу мамлакатга қарз беришни бошлашади (мисол учун шу мамлактнинг облигацияларини сотиб олиш билан). Сапитални кириб келиши мамлакат ичидаги фоиз ставкасини r^* га томон пасайтиради. Худди шунингдек, агар ҳар қандай ҳодиса мамлакат фоиз ставкасини пасайтиришни бошласа, сапитал юқориқроқ фоиз топиш мақсадида четга оқиб чиқиб кетарди ва бу сапитал оқими ички фоиз ставкасини яна r^* гача қайтаради. Бундан кейин $r = r^*$ тенглама капиталнинг халқаро оқими ички фоиз ставкасини жаҳон фоиз ставкаси билан тенг сақлаб туришга етади деган таҳминни юзага чиқаради.

Товарлар бозори ва IS эгри чизиғи

Манделл-Флеминг модели товар ва хизматлар бозорини IS-ЛМ моделига қараганда кўпроқ тасвирлаб беради ва соф эхпорт учун янги термин қўшади. Айниқса, товарлар бозори куйидаги тенглама билан ифодаланади.

$$Y = S(Y - T) + I(r) + G + NX(e).$$

Бу тенглама шуни билдирадики, жами даромад Y истеъмол S , инвестиция I , давлат харажатлари G ва соф эхпортнинг NX йиғиндисига тенг. Истеъмол соф даромадга $(Y - T)$ тўғри пропорсианал, Инвестиция фоиз ставкасига тесқари пропорсианал. Соф эхпорт валюта курсига (e) тенгқари боғлиқ. Олдингига ўхшаб, биз валюта курсини (e) ҳар бир миллий валютага тўғри келадиган хорижий валюталар миқдори сифатида биламиз – мисол учун $(e) 100$ ена бир доллар бўлиши мумкин. Сиз яна эслашингиз мумкин яъни биз 5 бобда соф эхпортни номинал валюта курсига қараганда (миллий ва хорижи валюталар нархлари) реал валюта курсига боғлагандик (яъни мамлакатдаги ва хориждаги товарларнинг ўзаро нархлари).

Агар e номинал валюта курси бўлса, реал валюта курси $e/P/P^*$ га тенг, бу ерда P маҳаллий нарх даражаси ва P^* хорижий нарх даражаси. Манделл-Флеминг модели мамлакатдаги ва жаҳон нархлари даражаси ўзгармас деган фаразга асосланади, шунинг учун реал валюта курси ва номинал валюта курси бир бирига тўғри пропорционал. Бу дегани, маҳаллий валютанинг қадри ошса, хорижий товарлар маҳаллий товарларга қараганда арзонроқ бўлади ва бу экспортни пасайиради ва импортни оширади. Юқоридаги товарлар бозори мувозанатининг товар ва хизматларга ва

харажатларга таъсир қиладиган иккита молиявий ўзгарувчиси (фоиз ставкаси ва валюта курси) мавжуд, аммо вазиятни мукамал сапитал оқими тўғрисидаги таҳминдан фойдаланиб соддалаштириш мумкин. Демак, $r = r^*$. куйидаги тенглама келиб чиқади

$$Y = S(Y - T) + I(r^*) + G + NX(e).$$

Келинг IS^* тенгламасига қарайлик. Биз бу тенгламани графикада тасвирлашимиз мумкин, бунда горизонтал ўқда даромад, вертикал ўқда валюта курси берилган. Бу чизиқ 12-1 расмнинг (с) панелида кўрсатилган.


IS^* эгри чизиғи пастга қараган чунки юқорироқ валюта курси соф экспортни камайтиради, бу эса ўз навбатида жами даромадларни пасайтиради. Бунинг қандай ишлашини кўриш мақсадида, 14-1 расмнинг бошқа панеллари соф экспорт ва кейнс хочи билан бирга олиб борилади IS эгри чизиғини келтириб чиқариш учун. (а) панел, валюта курсидаги e_1 дан e_2 га кўтарилиш соф экспортни $NX(e_1)$ дан $NX(e_2)$ га пасайтиради. (б) панел, соф экспортдаги камайиш режалаштирилган харажатлар графигини пастга кўчиради ва бу даромадни Y_1 дан Y_2 га камайтиради. IS^* эгри чизиғи валюта курси (e) ва даромад (Y) ўртасидаги боғлиқликни умумийлаштиради.

Пул бозори ва LM^* эгри чизиғи

Манделл-Флеминг модели $IS-LM$ моделидан таниш бўлган пул бозори тенгламасини кўрсатиб беради.

$$M/P = L(r, Y).$$

Бу тенглик реал пул таклифи M/P талабга $L(r, Y)$ тенглигини кўрсатади. Реал пулга талаб фоиз ставкасига тескари боғлиқ ва даромадга тўғри боғлиқ. Пул таклифи M эгзоген ўзгарувчи ҳисобланади ва Марказий банк томонидан бошқарилади. Манделл-Флеминг модели қисқа муддатли тебранишларни таҳлил қилиш учун яратилганлиги, P нарх даражаси ташқи белгиланган деб фараз қилинади. Яна бир бор, маҳаллий фоиз ставкаси билан жаҳон фоиз ставкасига тенг деган фаразларни келтираимиз. Шунинг учун $r = r^*$ га тенг.



73-чизма. IS - эгри чизиги.


$$M/P = L(r^*, Y).$$

LM tenglamasini k'uraylik. Biz buni grafikda ifodalashimiz mumkin, 73 - ч и з м а (b) панели. LM эгри чизиги вертикал chunki valyuta kursi LM tenglamasiga kirmaidi. Ja'xon foiz stavkasi berilgan, LM tenglamasi yalpi daromadni belgilaydi. 73 -чизма LM эгри чизиги qanday qilib ja'xon foiz stavkasidan kelib chiqqani va LM эгри чизиги qanday qilib foiz stavksi va daromadni bir biriga bog'lashini k'ursatadi.

Qismlarni birlashtirish. Mandell-Flaming modeliga k'ura, muqammal kapital oqimiga ega kichik ochiq iqtisodiyet ikkita tenglama bilan tasvirlanishi mumkin:

$$\begin{aligned} Y &= C(Y - T) + I(r^*) + G + NX(e) && IS^*, \\ M/P &= L(r^*, Y) && LM^*. \end{aligned}$$


Birinchi tenglama tovarlar bozoridaги muvozanatni k'ursatadi, ikkinchisi pul bozoridaги muvozanatni k'ursatadi.



74-чизма. LM эгри чизиги.

Эгзоген ўзгарувчилар булар фиссал сиёсат G ва T , монетар сийисат M , нарх даражаси P , жаҳон фоиз ставкаси r^* . Эндоген ўзгарувчилар даромад Y ва валюта курси e .

74-чизма шу иккита боғлиқликни кўрсатади. Иқтисодиёт учун мувозанат нуқтаси IS чизиг I ва LM эгри чизиги кесишган жойдир. Бу кесишган жой ҳам товарлар бозори ҳам пул бозоридаги мувозанат таъминлангандаги даромад даражаси ва валюта курсини кўрсатади. Манделл-Флеминг моделидан биз ялпи даромад Y ва валюта курсининг e сиёсий ўзгаришларга қандай жавоб беришини кўрсатиш учун фойдаланамиз.



75-чизма. Мунделл-Флеминг модели.

3. Қайд этилган валюта курси шароитида пул-кредит ва бюджет сиёсат.

Олдинги саволда таъкидлаганимиздек қайд қилинган валюта курси шароитида монетар сиёсат кўпроқ ички баланс муаммоси билан алоқадор бўлади. Келтирилган фикрларни изоҳлаб бериш учун қуйидаги гипотетик мисолни кўриб чиқамиз.

Мамлакатнинг барча тижорат банклари ва Марказий банкни барча хорижий активлар ва пасивлар тўпланган ягона банк деб тасаввур қиламиз. Пул таклифи эса нақд пул ва депозитлардан иборат деб қараймиз. Бундай гипотетик банкнинг пасивида пул таклифининг барча компонентлари (одатда M_2 агрегати), активида эса банк тизимининг соф хорижий активлари (активлар-пасивлар, яъни хорижликларнинг уларга бўлган барча талаблари сўндирилгандан сўнг мамлакат эга бўладиган активлар) ва соф ички активлар (ёки ҳукуматга, фирмаларга ва уй хўжаликларига соф ички кредитлар) жамланган бўлади.

Соф хорижий активлар мамлакатнинг валюта захираларига мос келади. Бундай ҳолатда активлар ва пасивларнинг тенглиги шартини $M = Res + DS$ кўринишида ёзишимиз мумкин. Бу тенглик пул таклифи (банк тизимининг мажбурияти) валюта резервлари (соф хорижий активлар) ва банк тизимининг ички кредитлари йиғиндисига тенглигини англатади. Демак, пул таклифи ҳам ички, ҳам ташқи омилларга боғлиқ .

Пул таклифининг ўзгаришини $\Delta M = \Delta Res + \Delta DS$ кўринишида тасвирлаш мумкин. Бу эрда ΔRes тўлов балансининг тақчиллиги ёки ортиқчалигига мос келади. Ташқи балансни тиклаш, ўз навбатида валюта курсини сақлаб туриш зарурияти хорижий активларни сотиш ва сотиб олишни талаб қилади. Бу эса валютарезервларининг кўпайиши ёки кама йишини келтириб чиқаради. Лекин,

резервларни сотиш баробарида Марказий Банк муомаладаги пулнинг бир қисмини чиқариб олади. Резервларни сотиб олиш билан эса пул таклифи ҳажмини кўпайтиради. Шундай қилиб, қайд қилинган валюта курси шароитида М эндоген ўзгарувчи бўлиб, тўлов балансининг юзага келадиган тақчиллиги ёки ортиқчалигига (яъни алмашинув кеурсини пасайтириш ёки кўтариш борасидаги ҳаракатларга) боғлиқ бўлади. Бундай шароитда иқтисодий ривожлантириш прогнозлари тузилаётганда пулга талаб иқтисодий ўсиш ва инфляциянинг мақсадли (режадаги) кўрсаткичларидан келиб чиқиб аниқланади. Пул таклифи эса соф хорижий активлар ва ички кредитлар ҳажмига боғланган ҳолда аниқланади. Соф хорижий активлар тўлов балансини тузиш прогнозларидан келиб чиқиб аниқланади. Ички кредитлар ҳажми эса қолдиқ принципида аниқланади ҳамда ҳукумат ва хусусий сектор ўртасида тақсимланади. Хусусий секторга ички кредитлар миқдорини ўзгартириш учун пул-кредит сиёсатининг учала усули ҳам қўлланилади.

Марказий Банк тўлов балансининг иқтисодийдаги пул таклифига таъсирини валюта резервлари ўзгаришини стериллаш орқали нейтраллаштириши мумкин. Масалан, (тўлов баланси тақчиллигини ёки алмашинув курси пасайишини бартараф қилиш мақсадларида фойдаланилиши натижасида) резервлар қисқарганида Марказий Банк ички активларни пул таклифи ҳажми ўзгармаслигини таъминлайдиган даражада кўпайтириши мумкин.

Яъни : $M = \downarrow Res + \uparrow DS$

Бунда у очик бозордаги операциялар ёки пул-кредит сиёсатининг бошқа воситаларидан фойдаланади.

Аммо стериллаш имкониятлари чекланган. Агар тўлов балансининг тақчиллиги узоқ вақт сақланиб қолса, уни бартараф қилишга интилиш валюта резервларини тугаб қолишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатда, мамлакат, алмашинув курсининг пасайиш тенденциясини бартараф қилиш ҳамда пулнинг хорижга оқиб кетишини тугатиш учун ёки қайд этилган курсдан воз кечиши, ёки пул массасининг қисқаришига йўл қўйиб беришга мажбур бўлади. Тўлов балансининг барқарор ижобий қолдиғи шароитида резервлар ҳажми шунчалик кўп бўлиши мумкинки, ички кредит нолга тенг бўлиб қолади. Бу эса амалда мумкин бўлмаган ҳолатдир (банклар ички кредитларни камайтирмаслиги, балки нобанк секторидан пул қарз олиши зарур бўлади).

Демак, ҳаттоки стериллаш ҳам пул массасини тўлов баланси таъсиридан ҳимоя қила олмайди. Бу эса пул-кредит сиёсатининг ички балансга таъсирини кескин чеклаб қўяди.

Қайд қилинган валюта курси шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлиги капиталнинг мобиллигига тўғридан-тўғри боғлиқ. Давлат харажатларининг кўпайиши фоиз ставкасининг ўсишини келтириб чиқаради (фонд бозорида қарзга маблағ олиб, давлат хусусий сектор фойдаланадиган пул массасини камайтиради). Бу эса ўз навбатида хориждан капитал оқиб келишини рағбатлантиради. Капиталнинг юқори мобиллиги шароитида давлат харажатларининг кўпайиши билан боғлиқ савдо баланси тақчиллиги капитал ҳаракати счётининг мусбат (ижобий) қолдиғи билан амалда қопланади. Марказий Банк эса юзага келган алмашинув курсининг ўсиш тенденциясини бартараф қилиш учун хорижий валютани сотиб олиш ва муомалага миллий валютани кўп миқдорда чиқаришга, бу билан эса пул таклифини оширишга мажбур бўлади. Бу тадбир (давлат харажатларининг ўсиши билан биргалдикда) даромадларнинг кенгайиши учун қўшимча рағбат яратади.

Шундай қилиб, қайд қилинган валюта курси шароитида бюджет-солиқ сиёсати пул-кредит сиёсатидан фарли равишда даромад даражасига, ўз навбатида ички мувозанатга муваффақиятли таъсир кўрсата олади. Таъсир даражаси капиталнинг мобиллиги ўсиши билан ортиб боради.

4. Эркин сузиб юрувчи валюта курси шароитида макроиктисодий сиёсат

Сузиб юрувчи валюта курси шароитидаги бюджет-солиқ ва пул-кредит сиёсати қайд қилинган валюта курси шароитидагига нисбатан мутлақо бошқача натижалар беради. Энди ролларни тақсимлаш муаммосини тўғри ҳал қилиш тескари кўриниш олади. Бюджет-солиқ сиёсати савдо, демак, тўлов баланси учун пул-кредит сиёсатига нисбатан катта аҳамият касб этади. Айнан бюджет-солиқ сиёсатидан ташқи балансга эриш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ички балансни таъминлашда эса пул-кредит сиёсатидан фойдаланиш биринчи планга чиқади.

Агар қайд қилинган валюта курси шароитида ички пул сиёсати алмашинув курсинини қувватлаб туришни ҳам кўзда тутган бўлса, сузиб юрувчи валюта курси шароитида у бундай вазифадан озод қилинади ва ички муаммоларни ҳал қилиш учун самаралироқ ишлатилиши мумкин.

Пул таклифини кенгайтириш фоиз ставкаларини пасайтиради ва харажатларнинг ошишига олиб келади. Маълумки харажатларнинг ортиши импортнинг ўсишини рағбатлантиради ва савдо балансини ёмонлаштиради. Тўлов балансининг тақчиллиги юзага келишига фоиз ставкасининг пасайиши сабабли капиталнинг мамлакатдан чиқиб кетиши ҳам таъсир кўрсатади. Лекин эгилувчан валюта курси шароитида тақчиллик сақланиб қолмайди. Импортнинг ўсиши ва капиталнинг оқиб кетиши хорижий валютага талаб

ошишига олиб келади ва миллий валюта қадрсизланади. Бу қадрсизланиш мамлакат экспортчиларининг рақобатбардошлигини кучайтиради. Оқибатда савдо баланси яхшиланади. Экспортнинг ортиши мамлакатимиз маҳсулотига бўлган талабнинг ўсишини англатади ва пул массасининг дастлабки ўсиши натижасида юзага келган иқтисодий юксалишни янада кучайтиради.

Демак, пул сиёсати ички даромадларга бевосита (пул таклифининг ўсиши орқали) ва билвосита (алмашинув курсининг пасайиши ҳамда экспортнинг ўсиши орқали) таъсир кўрсатади.

Капиталнинг оқиб кетишига ва ўз навбатида миллий валютанинг қадрсизланиши даражасига таъсир кўрсатгани учун ҳам капиталнинг мобиллиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Аммо, пул-кредит сиёсати мураккаб этказиб бериш механизмига эгаллиги сабабли унинг ишлаб чиқариш ҳажмига ижобий таъсири ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг ички рағбатлари (фоиз ставкасининг пасайиши) орқали эмас, балки кўпроқ ташқи дунё орқали рўй беради деб тасаввур қилиш мумкин. Бошқача айтганда, капиталнинг чиқиб кетиши ва валютанинг қадрсизланиши шароитида мамлакат маҳсулотларига талабнинг ўсиши унинг экспортига талабнинг ошиши ҳисобига рўй беради. Шу сабабли пул сиёсатининг ички балансга ижобий таъсири ўзига хос хусусиятга эга. Сузиб юрувчи валюта курси шароитида бюджет-солиқ сиёсатининг самарадорлигини баҳолаш янада мураккаброқдир. Маълумки, давлат харажатларининг ортиши ички ва ташқи мувозанатга икки йўналишда: даромад орқали ва фоиз ставкаси орқали таъсир кўрсатади. Даромадларнинг ортиши (мультипликатор самараси орқали) импортни кўпайтиради, савдо балансини ёмонлаштиради ва миллий валютанинг курсини пасайтиради. Давлат харажатларининг ортиши, шунингдек, ҳукумат олаётган қарзларини кўпайтираётганлигини англатади, бу эса фоиз ставкаларининг ортишига олиб келади. Юқориқўйилган фоиз ставкалари эса хориждан капитал оқиб келишини рағбатлантиради. Бу эса миллий валюта курсини оширади ва капитал ҳаракати счётини яхшилайдди. Якуний натижа эса капиталнинг мобиллиги даражасига боғлиқ бўлади.

Капиталнинг паст мобилиги шароитида бюджет экспансияси даромад орқали кўпроқ таъсир кўрсатади. Капиталнинг унча кўп бўлмаган миқдорда оқиб келиши савдо балансининг тақчиллигини қоплай олмайди ва оқибатда валюта курси пасаяди.

Миллий валютанинг арзонлашиши экспортнинг ўсиши учун қулай шароит яратади ва тўлов балансининг тақчиллигини бартараф қилиш имконини беради. Экспортнинг ортиши, шунингдек, бюджет экспансиясининг ички ишлаб чиқаришга ижобий таъсирини тўлдиради.

Шу билан бирга капиталнинг мобиллиги ортиб бориши билан капитал счётининг тўлов баланси ва валюта курсига таъсири кучая боради. Капиталнинг юқори мобиллиги шароитида унинг оқиб келиши сабабли рўй берган валюта курсининг кўтарилиши тендентсияси устунлик қилади. Бу экспортнинг қисқаришига ва савдо баланси тақчиллигининг ортишига олиб келади. Капиталнинг катта миқдорда оқиб келиши бу тақчилликни қоплаш ва тўлов балансини мувозанатлаштириш имконини беради. Аммо бюджет экспансиясининг ишлаб чиқариш ҳажмига якуний таъсири деярли нолга тенг бўлади. Бунга кучли сиқиб чиқариш самараси мавжудлиги, яъни хусусий инвестицияларни фоиз ставкасининг ошиши орқали ва экспортни алмашинув курсининг ошиши орқали сиқиб чиқарилиши сабаб бўлади.

Шундай қилиб, пул сиёсатининг ички даромадга аниқ ижобий таъсирдан фарқли равишда бюджет-солиқ сиёсати капиталнинг паст мобиллиги шароитидагина самарали бўлади.

Хулоса ясаб, пул ва бюджет –солиқ сиёсатининг, ташқи балансини сақлаб турган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир кўрсатиши нуктаи назаридан, нисбий самарадорлигини баҳолашимиз мумкин.

Маълумки, қайд қилинган валюта курси шароитида ички монетар сиёсат амалда “фалажланган” бўлади ва фақат бюджет-солиқ сиёсатигина самара беради. Ва бу самара капиталнинг мобиллиги ортиши билан кўпайиб боради.

Сузиб юривчи валюта курси шароитида ички ишлаб чиқариш ҳажмига, шубҳасиз, капиталнинг мобиллиги қандай бўлишидан қатъий назар пул-кредит сиёсати ижобий таъсир кўрсатади.

5. Фоиз ставка дифференциали

Ҳанузгача, таҳлилларимиз фоиз ставкаси кичик очик иқтисодиётда дунё фоиз ставкасига тенг бўлиши тўғрисидаги фикрни илгари сурмоқда: $r = r^*$. Маълум даражада, фоиз ставкаси бутун дунёда бир биридан фарқланади. Биз ҳозир таҳлилларимизни халқаро фоиз ставкалари дифференциясининг сабаблари ва оқибатларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирамыз²⁷.

Мамлакат rischi ва валюта курси нархлари бўйича таҳминлар

Юқорида таҳмин қилганимиздек, кичик очик иқтисодда дунё фоиз ставкаси орқали аниқланади ва бундай ҳолатда биз нархнинг пасайишига кўпроқ эътибор қаратган эдик.

Агар маҳаллий ставка фоизи дунё савка фоизидан юқори бўлса, хориждаги инсонлар ушбу давлатга қарз бериб, маҳаллий фоиз ставкасини пастга қараб йўналтириши тўғрисида гапириб ўтган эдик.

Агар маҳаллий ставка фоизи дунё ставка фоизидан пастда бўлса, маҳаллий аҳоли маҳаллий фоиз ставкасини баландга чиқарган ҳолда

²⁷ Н. Грегори Манкив. Масроесономисс (7^{тх} дитион). УСА, 2009, п 356

хориждагиларга пул беради ва катта даромад кўради. Оқибатда маҳалиий фоиз ставкаси дунё фоиз ставкаси билан тенглашади.

Нима учун ушбу мантиқ доим қўлланмайди. Бу эрда иккита сабаб мавжуд. Ушбу сабаларнинг энг муҳими мамлакат rischi ҳисобланади. Инвесторлар АҚШдан давлат облигацияларини сотиб олганда ёки АҚШ копоратсияларига кредит олганда, улар ставкаларни тўлашга тўла амин бўладилар. Аксинча, бир қанча ривожланмаган мамлакатларда, ревалютсия ёки бошқа сиёсий сиқувлар кредитни пулини қайтаришга тўсқинлик қилади кўрқув маълуммикдорда ҳақиқатга яқин ҳисобланади.

Бундай мамлакатлардаги қарздорлар қарз берувчини бу каби рискдан озод қилиш учун юқори фоиз ставкасини тўлашига тўғри келади. Бошқа бир фоиз ставкасининг мамлакатлараро ҳар хиллигининг яни бир сабаби валюта курсининг ўзгариб туриш таҳминидир. Масалан, дейлик одамлар Мексика пьесоси АҚШ доллари қийматига нисбатан пасайиб кетишини таҳмин қилмоқда. Сўнгра кредит песода тўланадиган бўлса, демак кредит долларда амалга оширилишидан кўра қадрсизроқ валютада тўланади.

Ушбу таҳмин қилинаётган зарарни қоплаш учун Мексика валютасининг фоиз ставкаси АҚШнинг фоиз ставкасидан юқорироқ туради.

Шундай қилиб, ҳар икки давлат rischi ва келажакда валюта курсларининг ўзгариш таҳминлари, шунингдек кичкина очик иқтисоднинг фоиз ставкалари дунёдаги бошқа иқтисодий жараёнлардаги фоиз ставкасидан фарқланиши мумкин.

Манделл-Флеминг моделидаги дифференциал

Манделл-Флеминг моделига фоиз ставкаси дифферентсиалини киритиш учун, биз биринчи навбатда кичкина очик иқтисодиётдаги фоиз ставкаси дунё фоиз ставкаси қўшилган риск ортиши орқали аниқлашини таҳмин қилган эдик:

$$r = r^* + \theta$$

Риск ортган мамлакатда кредитни ташкиллаштириш бўйича сиёсий рискни англаш ва ҳақиқий валюта курсида кутилаётган ўзгариш орқали аниқланади.

Шу мақсадда, риск ортиши экзоген сифатида рискидаги ўзгаришларнинг иқтисодга қай даражада таъсир кўрсатишини таҳлил қилиш учун олишимиз мумкин. Ушбу модел олдинги моделга жуда ҳам яқин ҳисобланади. Иккала ҳолат тенгламаси қўйидагича


$$Y = C(Y - T) + I(r^* + r = r^* + \theta) + G + NX(e) \quad IS^*,$$

$$M/P = L(r^* + r = r^* + \theta, Y) \quad LM^*.$$

Хар қандай берилган бюджет сиёсати, пул сиёсати, нарх даражаси ва қўшимча ҳақ rischi, ушбу икки формулада кирим даражаси ва маҳсулот, шунингдек пул бозорини тенглаштирувчи кирим даражаси ва валюта курсини аниқлаштиради. Барқарор қўшимча ҳақни ҳисобга олган ҳолда, пул, бюджет ва савдо сиёсати қуроллари биз аллақачон кўриб чиққан имиздек ишлайди. Дейлик сиёсий тартибсизлик давлатнинг $r=r^* + \theta$ риск премиумини (риск премиум) оширишга сабаб бўлади. Чунки $r=r^* + r = r^* + \theta$, ушбу ҳолат тўғридан тўғри амалга ошувчи таъсир ҳисобланиб, бунда p маҳаллий фоиз ставкаси ошишига сабаб бўлади. Юқорироқ ставка фоизи, ўз навбатида икки хил таъсирга эга. Биринчиси IS^* чизиғининг чап томонга қараб ўзгаришидир, чунки юқорироқ фоиз ставка сармойани қисқартиради.

Иккинчиси, LM^* чизиғи ўнг тарафга қараб ўзгаради, чунки юқори ставка фоизи пулга бўлган эҳтиёжни қисқартиради ва бу ҳар қандай берилган пул ҳажми учун анча юқори даражада бўлган даромадни амалга оширишга имкон беради. [Еслатиб ўтамиз $Y \text{ M/P} = L(r^* + r = r^* + \theta, V)$ формуласини қониқтириши керак..] 76-чизмада кўрсатилганидек ушбу икки ўзгаришлар даромадни оширишга ва валютани қадрсизланишига сабаб бўлади.

Яна бир ҳайрон қоларли ва балки унчалик меъёрга тўғри келмайдиган тахмин таҳлилларидан бири $r = r^* + \theta$ ўлчов орқали мамлакат рискининг ўсиши ҳисобланади.. Ушбу ҳолат 76-чизмада LM^* чизиғидаги ўнг йўналишдаги ўзгариш орқали ўз аксини топган. Бунда валюта соф экспортни қатта миқдордаги пул ҳажмига бўлсада ушлаб турибди, натижада эса умумий даромад кўтарилади.



76-чизма. Риск мукофотидаги ошиши.


Бу ерда нима учун амалиётда бу каби ёрқин даромад олиб келинмайди - деган савол тўғилади. Биринчи навбатда марказий банк маҳаллий валютанинг катта танназулдан қочишни хоҳлайди ва шунинг учун ҳам М пул ҳажмини камайиши бўйича таъсир билиниши мумкин. Иккинчидан маҳаллий валютанинг таназули муҳим маҳсулотлар импортини амалга ошириш, нархини кутилмаганда кўтариши ва Р нарх даражасини ошишига сабаб бўлиши мумкин. Учинчидан баъзи тадбирлар давлат рискинни оширишга сабаб бўлади ва бунинг натижасида мамлакат резидентларининг пулга бўлган эҳтиёжи ошади, чунки пул доим мавжуд бўлган ишончли актив ҳисобланади. Ушбу ўзгаришларнинг ҳар уччаласи ҳам валюта курсининг пастга тушиб кетишини олдини олади ва LM^* эгри чизигининг чап тарафига қараб ўзгаришига олиб келади. Айнан шунинг учун ҳам, мамлакат рискиннинг ошиши яхшиликка олиб келмайди. Қисқа муддатли бошқарувда улар одатда таназзулга юз тутган валютани бошқаради ва учта асосий йўллар орқали умумий даромаднинг пасаётганлиги тасвирланади. Шунингдек юқори фоиз ставкасининг сармояни қисқартириши, узоқ муддатли иштироки асосий жамғармани қисқартиради ва иқтисодий ўзишга халақит беради.

Қисқа муддатли истикболдан узоқ муддатли истикболгача: Ўзгарувчан нархларни ўз таркибига олган Манделл-Флеминг модели Юқорида нарх даражаси қайд этилганда қисқа муддатли истикболдан (the short run) кичик очик иқтисодни ўрганишда Манделл-Флеминг моделидан фойдаланган эдик. Энди нарх даражаси ўзгарса нима бўлишини кўриб чиқамиз. Таҳлиллар давомида Манделл-Флеминг модели кичик очик иқтисоддаги умумий эҳтиёж эгри чизигининг назарияси тўғрисида маълумотлар беради.

Шунингдек, очик иқтисоднинг қисқа муддатли истикболга мўлжалланган модели узоқ муддатда бошқарилучи моделга қандай боғлиқ эканлиги кўрстилган. Ушбу ҳолат 5 чи бўлимда тўлиқ таҳлил қилинган. Чунки биз кетма кетликда амалга оширилаётган бошқа ҳаракатланмаётган иқтисоддаги нарх қиймати даражасидаги ўзгаришларни, шартли ва ҳақиқий валюта курсларини кўриб чиқмоқчимиз. Шундай қилиб, биз икки хил ўзгарувчанликни фарқлашимиз керак. Шартли валюта курси ҳисобланса, ҳақиқий валюта курси $e P/P^*$, тенг бўлган e , ҳисобланади, бу эрда сиз 5 Бобни эслашингиз керак. Биз Манделл-Флеминг моделини қўйидагича ифодалаймиз:

$$\begin{aligned}
 Y &= C(Y - T) + I(r^*) + G + NX(e) && IS^*, \\
 M/P &= L(r^*, Y) && LM^*.
 \end{aligned}$$

Ушбу формула энди жуда таниш бўлиши керак. Биринчи формула IS^* эгри чизиғини тасвирлаётган бўлса, иккинчиси LM^* эгри чизиғида ўз аксини топган. Эътибор қаратган бўлсангиз, соф экспорт ҳақиқий валюта курсига боғлиқ бўлади.




77-чизма.

77-чизмада нархлар даражаси тушиб кетганда нималар содир бўлиши аниқ кўрсатилган. Паст даражадаги нархлар ҳақиқий пул баланси даражасини кўтариб, панелдаги каби LM^* эгри чизиғини ўнг томонга қараб ўзгартиради. Умумий эҳтиёж чизиғи нарх даражаси ва даромад даражаси ўртасидаги салбий алоқани умумлаштиради (ушбу ҳолат b панелда кўрсатилган).

Ҳақиқий валюта курси пастга тушиб, киримнинг ўзгарувчанлик даражаси ошади. Шунинг учун $IS-LM$ модели умумий эҳтиёж эгри чизиғини ёпиқ иқтисодда ифодалаб, Манделл – Фламенг моделини кичик очиқ иқтисодиёт учун умумий эҳтиёж эгри чизиғида тасвирлаб беради.

Биз бу диаграммани ушбу бобда узоқ муддатга мўлжалланган истиқбол (the long-run model) модели билан боғлиқ. 78-чизмада узоқ муддатли ва қисқа муддатли ўзгарувчанлик ҳолати кўрсатилган. Ҳар икки панелда ҳам K нуқта қисқа муддатли истиқболга мўлжалланган мувозанат тасвирланган,

чунки у аниқ қайд э тилган нарх даражасини тасвирлаган. Бу каби мувозанатда маҳсулот ва хизматкўрсатиш учун эҳтиёж жуда паст ҳисобланиб, нарх даражасининг пасайиб кетишига олиб келади.



78-чизма.

Нарх даражасининг пасайиши ҳақиқий пул балансини кўтариб, LM^* чиғиғини ўнг томонга қараб ўзгартиради.

Ҳақиқий валюта курси қадрсизланади, шунинг учун соф экспорт кўтарилади. Аста секин иқтисод узок истиқболга мўлжалланган мувозанатнинг C нуқтасига этади. Қисқа ва узок истиқболга мўлжалланган мувозанат ўртасидаги транзитсия тезлиги иқтисодни ҳақиқий чиқим (оутпут) даражасида қайта тиклаш учун нарх даражаси қандай тезликда тенглашишига боғлиқ бўлади.

K ва C нуқталаридаги киримларнинг ҳар иккаласи ҳам манфаатдор ҳисобланади. Ушбу бобдаги бизнинг асосий эътиборимиз сиёсатнинг K

нуқтага, яъни қисқа муддатли истиқболга мўлжалланган бошқарув мувозанатига қай тарзда таъсир ўтказишига қаратилади. 5 бобда С нуқтасининг ифодалари, узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган мувозанатни кўриб чиқади. Сиёсат арбобларининг сиёсатни қачон ўзгаратиришга ҳаракат қилмасинлар, улар ҳар иккалар жараёни ҳам, яъни қарорларига яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган мувозанат таъсирни ҳисобга олишлари зарур.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар

1. Очiq иқтисодиёт тушунчаси.
2. Катта ва кичик очiq иқтисодиёт тушунчаларини изоҳланг.
3. Манделл Флемингнинг очiq иқтисодиёт модели тушунтиринг.
4. Товарлар бозори ва IS эгри чизиғи. Пул бозори ва LM*егри чизиғи
5. Фоиз ставка дифференциалига изоҳ беринг.

Асосий адабиётлар

1. Ишмухамедов А.Е., Джумаев З.А., Жумаев Қ.Х. Макроиқтисодиёт. Ўқув қуланма. Т.: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси нашриёт”, 2005. -192 бет.
2. Mankiw N.Grigori. Macroeconomics. 7-th edition. Harvard University. NY: Worth Publuthers, 2010
3. Мэнкью Н.Г. Принципы макроэкономики: 5-е изд./ Пер.с англ. - СПб.:Питер, 2012г - 544 с.
4. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. Макроэкономика,18-е изд.: пер. с англ,-М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009.-592 с.
5. Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. Грязневой А.Г. и Думной П.П.-5-е изд., перераб. И доп.-М.: КНОРУС, 2008.- 688 с.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 104 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.
6. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотлар йўлида. Тошкент, 1995 йил.
7. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент, 1997 йил.
8. Агапова Г.А., Серегина С.Ф. Макроэкономика. М.: ДИС. 1997.
9. Жеффри Д., Сакс Д. и др. Макроэкономика. Глобальнўй подход. М.: 1996.
10. Ишмухамедов А.Э., Жумаев .Х., Жумаев З.А. Макроиқтисодиёт (маърузалар матнлари). Тошкент: ТДИУ – 2000.
11. Линвут Т., Гайгер А. Макроэкономика теория и переходная экономика. М.: 1996.
12. Менкью Н.Г. Макроэкономика. М.: МГУ. 1994.
13. Ричард Лэйард. Макроэкономика. Курс лекций для российских читателей. М.: 1994.
14. Ҳақимова М.А. Макроиқтисодиёт (ўқув қўлланма). Тошкент: «Меҳнат», 1997.
15. Абакумова О.Г. Макроэкономика: конспект лекций. М.: Приор, 2010г.
16. Ахмедов Д.Қ. Ишмухаммедов А.Э., Жумаев Қ.Х., Джумаев З.А. Макроиқтисодиёт. Ўқув қўлланма. Т.: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси нашриёт”, 2004. -240 бет.
17. Вечканов Г.С., Вечканова Г.Р. Макроэкономика; Учебник для вузов ,4-изд., дополненное.-СПб.: Питер, 2010.- 350 с.
18. Dornbush R. “Macroeconomics” – Boston. Mcgraw-Hill, 2001., -574 p.
19. Ишмухаммедов А.Е., Джумаев З.А., Жумаев Қ.Х. Макроиқтисодиёт. Ўқув қўлланма. Т.: “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармаси нашриёт”, 2005. -192 бет.

20. Mankiw N. Grigori. *Macroeconomics*. 7-th edition. Harvard University. NY: Worth Publuthers, 2010
21. Мэнкью Н.Г. *Принципы макроэкономики: 5-е изд./ Пер.с англ.* - СПб.: Питер, 2012г - 544 с.
22. Самуэльсон, Пол Э., Нордхаус, Вильям Д. *Макроэкономика*, 18-е изд.: пер. с англ., -М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2009.-592 с.
23. *Макроэкономика. Теория и российская практика: учебник / под ред. Грязневой А.Г. и Думной П.П.*-5-е изд., перераб. И доп.-М.: КНОРУС, 2008.- 688 с.
24. N. Gregory Mankiw. *Macroeconomics* (7th edition). USA, 2009, p 22
25. Robert Barro and Xavier Sala-i-Martin, “Convergence Across States and Regions,” *Brookings Papers on Economic Activity* 1 (1991): 107–182; and N. Gregory Mankiw, David Romer, and David N. Weil, “A Contribution to the Empirics of Economic Growth,” *Quarterly Journal of Economics* (May 1992): 407–437.
26. Robert E. Hall and Charles I. Jones, “Why Do Some Countries Produce So Much More Output per Worker Than Others?” *Quarterly Journal of Economics* 114 (February 1999): 83–116; and Peter J. Klenow and Andres Rodriguez-Clare, “The Neoclassical Revival in Growth Economics: Has It Gone Too Far?” *NBER Macroeconomics Annual* (1997): 73–103.
27. Бу мавзу бўйича кўпроқ мавзу ва баъзи халқаро далирлар учун, қаранг: Andrew B. Abel, N. Gregory Mankiw, Lawrence H. Summers, and Richard J. Zeckhauser, “Assessing Dynamic Efficiency: Theory and Evidence,” *Review of Economic Studies* 56 (1989): 1–19.
28. N. Gregory Mankiw, David Romer, and David N. Weil, “A Contribution to the Empirics of Economic Growth,” *Quarterly Journal of Economics* (May 1992): 407–437.
29. Paul Romer, “Crazy Explanations for the Productivity Slowdown,” *NBER Macroeconomics Annual* 2 (1987): 163–201.
30. Rafael La Porta, Florencio Lopez-de-Silanes, Andrei Shleifer, and Robert Vishny, “Law and Finance,” *Journal of Political Economy* 106 (1998): 1113–1155; and Ross Levine and Robert G. King, “Finance and Growth: Schumpeter Might Be Right,” *Quarterly Journal of Economics* 108 (1993): 717–737
31. Paul M. Romer, “Increasing Returns and Long-Run Growth,” *Journal of Political Economy* 94 (October 1986): 1002–1037; and Robert E. Lucas, Jr., “On the Mechanics of Economic Development,” *Journal of Monetary Economics* 22 (1988): 3–42.
32. David N. Weil, *Economic Growth*, 2nd ed. (Pearson, 2008).

- 33.Zvi Griliches, “The Search for R&D Spillovers,” Scandinavian Journal of Economics 94 (1991): 29–47.
- 34.Robert J. Gordon, “Why Was Europe Left at the Station When America’s Productivity Locomotive Departed?” NBER Working Paper No. 10661, 2004.
- 35.Philippe Aghion and Peter Howitt, “A Model of Growth Through Creative Destruction,” Econometrica 60 (1992): 323–351.

Интернет сайтлари

1. <http://www.gov.uz>
2. <http://www.lex.uz>
3. <http://www.mineconomy.uz>
4. <http://www.mf.uz>
5. <http://www.stat.uz>
6. <http://www.soliq.uz>
7. <http://www.cbu.uz>
8. <http://www.wordbank.org>
9. <http://www.ebrd.org>
10. <http://www.imf.org>